





Пиримкул Кодиров

# АКРАМНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

КИССАЛАР ВА ҲИКОЯЛАР



Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1988

К 4803010000—147  
356 (04)—88 131—88

JSBN 5—633—00131—1.

- © Издательство «Еш гвардия», 1988 (оформление, вступительная статья).
- © Издательство «Еш гвардия», 1974, 1979, 1981.

## РАНГ-БАРАНГЛИК

Чўққилари кумушдек товланиб ётган жануб тоғларига белбоғ — Олой, Қоратегин тизмаларига боқсангиз, кўнглингиз бир баҳя ўсгандек бўлади. Унинг этаклари узра ястанган Зарафшон ва Туркистон силсиласи оралиғидаги Уратепанинг киприклар оғушидаги тиниқ, кўздек гўзал Кенгкўл қишлоғига йўлингиз тушганми? Агар йўлингиз тушса, унинг манзараларини, бошингиз узра ғужғон ўйнаган юлдузларини кўриб ром бўлгандирсиз? Табиий равишда оқиш учун эмас, бамисоли куйлаш учун яралгандек ажиб сас таратиб шўхчан оқаётган сувларининг қўшиғи, арпабадиён, қизилзирк, тоғбўзоч, кийикўт, ялпиз, тоғжамбил, шилба, тоғрайҳон, қоразира, анис, равоч, жамбил каби ўт-ўланлари, сарвқомат арчалари таровати сархуш этгандир? Шунда яшамоқ сурурининг гўзал дақиқаларидан миттигина қалбингиз ҳайқириб кетганини сезмай қолгандирсиз, эҳтимол? Агар бу тоғли қишлоққа қадам ранжида этиш насиб қилган бўлса, сизга унинг ажойиб меҳнаткаш халқи яқин-яқинларгача она табиат бағрида ўзлари билан деярли ёнма-ён яшаб юрган, айримлари ҳозир ҳам мавжуд — тўрғай, қаклик, жайра, суғур, қирғовул, чил, ёввойи қуён, архар, тўнғиз, оқ тирноқли айиқ, қоплон ҳақида ўзларининг ҳаяжонли ҳикояларини сўзлаб бергандир. Овчи дўстларингиз кўмагида эҳтимол уларни кўриш, бу сеҳрли ва гўзал дунё эҳсонларидан завқланиш насиб этгандир. Агар Кенгкўл томонларга бориш имкониятини тополмаган бўлсангиз, кўп ҳам ўксинманг. Сиз наники бу гўзал диёр, унинг сеҳрли табиати билан, балки айна вақтда бу гўзал диёрнинг ажойиб кишилари, уларнинг яшаш тарзи, орзу-умидлари, қувончу ташвишлари, бир сўз билан айтганда, бой маънавий дунёси, кураш-интилишлари, биз билан сизни бирдек ташвишлантираётган ҳаётий муаммоларга муносабатлари билан танишиш имкониятига эгасиз. Бу орзунинг восил бўлишида сизга шу кичкинагина Кенгкўл қишлоғида туғилиб ўсган, ҳозирда фақат Ўзбекистонгина эмас, бутун мамлакатимиз миқёсида таниқли адиб сифатида танилган, асарлари хорижий мамлакатларда ҳам севиб ўқиладиган Пиримқул Қодиров ёрдам беради. Фақат бугина эмас. Сиз Пиримқул Қодиров асарлари орқали кичик бир қишлоқ доирасидан аста-секин кенг миқёсларга чиқасиз, республикамиз, мамлакатимиз масштабидаги улкан

маънавий муаммолар талқинига, замондошларимизни ўйлантираётган масалалар тасвирига дуч келасиз. Улардан юрак саволларига жавоблар топасиз. Ёзувчи асарлари сизни фақат бугунги кун ҳодисотларигина эмас, олис мозий манзаралари ичига ҳам, сеҳрли эртақлар оламига ҳам олиб киради. Лекин адиб қайси даврга мурожаат этмасин, мавзуни қайси бир замондан олиб ёзмасин, унинг асосий муддаоиси шу куннинг кишиси — замондошимизни тўлқинлантириб келаётган долзарб муаммоларни ёритиш, шу куннинг масалалари ечимига бадий-тарбиявий жиҳатдан кўмак бериш руҳи билан йўғрилгандир.

Зеро, чуқур замонавийлик, даврнинг ўткир ва долзарб ижтимоий масалалари талқини Пиримқул Қодиров ижодини белгилайдиган асосий хусусиятлардан биридир. Бу фазилат унинг дастлабки йирик асари «Уч илдиз» романидаёқ кўриниш берди ва мана деярли ўттиз йилдан буён давр руҳига, замон талабига монанд йилдан-йилга ўсиб, сайқал топиб, такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Эндигина 30 ёшга кирган ёзувчининг «Уч илдиз» романи 50-йилларнинг охирида яратилган пайтидаёқ Иттифоқ миқёсида юқори баҳога сазовор бўлгани бежиз эмас. XX съезддан сўнг бутун мамлакатда қарор топа бошлаган янгича яшаш, янгича фикрлаш тарзи ўзбек халқи ҳаёти мисолида, янада аниқроғи, студентлар олами мисолида бадий теран кўрсатиб берилган бу роман ҳақида давримизнинг улкан адиби Мухтор Аvezов шундай деган эди: «Студентлар, зиёлилар бу китобни жуда катта қизиқиш билан ўқийдилар. Чунки бу ерда кўпгина ҳаётий йўналишлар, ҳар хил характерлар кўрсатилган, китобда мен учун энг қизиқарли ва қимматли туюлган нарса, ундаги одамлар идрокли, фикрлайдиган одамлар эканлигидир... Бундан ташқари, китобда образли иборалар, фикрлар жуда кўп. Персонажлардан бири: «Инсон юраги кўп торли соғдай гап, турмуш шароити қайси торга тегса, ўша тор жаранглайди», дейди. Инсон ҳолати қанчалик образли ва айна вақтда, фалсафий таърифланади... Миллий вузнинг студентлари тўғрисидаги, янги ёш совет интеллигенциясининг шаклланиши тўғрисидаги бу китоб жуда қимматлидир. У менга жуда ёқадди».

Буюк қозоқ адиби ёш ўзбек ҳамкасби ижодида кейинчалик ҳам етакчи фазилат бўлиб қолажак хусусиятини зукколик билан пайқаган ва аниқлаган эди. Идрокли, фикрловчи одамлар характерини яратиш, уларни бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан кўрсатиш, инсон қалбининг ҳаётдаги долзарб муаммоларга маҳтал торларини аниқлаш ва айна вақтда, шу торларни жаранглата олувчи ҳаётдаги мутаносиб проблемаларни илғай билиш ва энг асосийси, уларни шунчаки кўтариш ва кўрсатишгина эмас, инсон умрининг фалсафий қадриятлари билан бирликда талқин этишга интилиш Пиримқул Қодиров ижодий йўналишининг бош хусусияти бўлиб қолди. Ёзувчининг «Қора кўзлар», «Олмос камар», «Юлдузли тунлар», «Қадрим», «Эрк», «Мерос» сингари асарларини ўқиган китобхон бунга ишонч ҳосил қилади. Тўғри, бу асарларнинг барчаси бир хил савияда эмас, уларнинг айримлари камчиликлардан, қусурлардан ҳоли деб бўлмайдди. Лекин бир нарса аён: уларнинг барчасида ҳалол, заҳматкаш, тиним бил-

мас, халқининг дилидагини тилига чиқаришни ўзининг ижодий аъмоли деб билган, халқи ва замондошининг яшаши ва курашига ўз асарлари билан кўмак беришни ўзининг бурчи деб тушунган санъаткорнинг юрак қўри оловланиб туради. Халқимизга, минг-минглаб китобхонларга бу асарлар ҳаёт чорраҳаларида беназир ёрдам бермоқда. Танқидчиликдаги фикрлар, китобхонлар билан учрашувлардаги мулоҳазалар, ўқувчилар томонидан адибга йўлланаётган узлуксиз хатлар буни кўрсатиб турибди.

Шу маънода 60-йиллардан эътиборан ўтган чорак аср давомидаги ўзбек адабиётининг янги босқичга кўтарилиши, адабиётимизнинг Иттифоқ миқёсида нуфузи ортиши бошқа улкан адибларимиз қаторида, Пиримқул Қодиров номи ва асарлари билан ҳам алоқадордир. Баъзи рус адабиётшунос олимлари томонидан Пиримқул Қодировнинг айрим асарлари катта миқёсларга муносиб эканлиги айтилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Аксар таниқли ёзувчиларнинг ижоди ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Улар турли жанрларда, замонавий ва тарихий мавзуларда, болалар ва катталар учун, турли хил услубларда (изчил реалистик, романтик, фантастик, саргузашт ва бошқалар) ижод этадилар. Пиримқул Қодиров асарлари ҳам мана шу йўналишдан мустасно эмас. У узоқ йиллар давомида изчил реалистик услубда ижод этди ва асосан, катталар учун асарлар ёзди. Тахминан, сўнгги ўн йилликда унинг ижодида янги қирралар кўриниш бера бошлади. У кичик ёшдаги болаларга бағишланган бир қатор асарлар эълон қилди, саргузаштлар йўналишидаги китоблари босилиб чиқди, ҳатто қиссаларидан бирини «Акрамнинг саргузаштлари» деб атади, халқ оғзаки асарларига ижодий ёндашув натижаси ўлароқ «Нажот» афсона-қиссасини яратди, бир туркум саргузашт ҳикояларга мурожаат этди.

Ҳар бир бадиий асарнинг ёзилиш тарихи, унга туртки бўлган омиллар, воқеалар ва қаҳрамонларнинг ҳаётий асослари, яратилишига сабаб ижтимоий талаблар ҳамда ёзувчининг автобиографияси билан алоқадор унсурлар бўлгани каби Пиримқул Қодиров ижодида янги қирралар сифатида зоҳир бўлган бу янги асарларнинг ҳам ўзига хос ана шундай «таржимаи ҳоли» бор, албатта.

Маълумки, Пиримқул Қодиров сўз санъатининг даҳо санъаткорларидан бири Лев Толстойнинг ижодий меросини чуқур ўрганишга интилиб, бу маҳорат мактабидан орттирган тажрибаларидан ўз асарларида унумли фойдаланишга ҳаракат қилиб келаётган адибларимиздан бири. Ёзувчининг ўзи эътироф этишича, Толстойнинг «Бўлган воқеа», «Ақула», «Сакраш» сингари болаларга бағишланган ҳикоялари унинг кичик ёшдагиларга бағишлаб асар ёзиш ниятида чўғланиб юрган орзуларига туртки беради. Бу туртки ёзувчининг болалик хотираларига, тоғли Кенгкўл қишлоғида чўпон отаси, ҳам-қишлоқлари айтиб берган воқеий ҳикояларга, айниқса, гужум-гужум серюлдуз тунларда онаси — Уғилой биби айтиб берган эртақларга туташиб кетади. Тахайюлнинг бу учкур момиқ қанотлари, балоғат йиллари ёзувчининг ўз бошидан ўтган воқеаларга, хорижий мамлакатларга қилган сафарларидаги хотираларига, ўз фарзандларининг бошдан кечган воқеалари-

га туташади Бироқ, буларнинг ҳаммаси кўпчиликнинг ҳаётида учраши мумкин бўлган шунчаки воқеий ҳодисалар, холос. Уларнинг ўзигина бадий асар бўлиши қийин, албатта. Уларни адиб муайян ғоявий-бадий ният билан тўйинтиради ва бадий асарга айлантиради. Натижада улар бизни яшаш ва курашга рағбатлантиради, гўзаллик ва эзгуликка чорлайдиган ижод намуналари сифатида кўлимизга етиб келади. Масалан, «Хатарли учрашув», «Аму чангалида», «Халоскор» ҳикояларидаги ҳодисаларнинг асоси ёзувчининг ўз бошидан ўтган воқеалар. «Фил минган сайёҳлар» ва «Океандаги олишув» ҳикоялари ёзувчининг Ҳиндистон сафари таассуротларидир. «Айқни енгган чўпон» ва «Айқ ташвиши» ҳикояларининг асосида ҳам воқеий ҳодисалар ётади. Биринчисига ёзувчининг чўпон отаси бошидан ўтган воқеалар асос қилиб олинган. Адибнинг тоғдаги уйда ҳозир ҳам ана шу оқ айқнинг териси сақланади. Иккинчи ҳикоядаги ҳодисалар эса ёзувчининг ҳамқишлоқлари, хусусан Холиқ бува бошидан ўтган ҳангомалардир. Шуниси эътиборлики, бу ҳикоялар шунчаки саргузашт характери билангина чегараланмайди. Уларда шу кунимизнинг муҳим мумаммосига айланган экология масалаларига фаол муносабат ҳам уфуриб туради.

Умуман, мазкур китобдаги ҳикоялар, улардаги қаҳрамонларнинг аксари ҳаётӣ асосга, ҳаётӣ заминга эга. Чунончи, «Илинж» ҳикоясига ёзувчи Ватан ҳимояси йўлида эрлари урушда ҳалок бўлган икки опасининг фидоӣ ҳаётӣ ва оғир тақдирларини асос қилиб олади ва энг оғир шароитларда ҳам иродаси букилмаган, садоқат тимсоли бўлиб қолган аёлларнинг умумлашма характерини яратади. Бу ҳикояни шунчаки, бефарқ ва лоқайд ўқиш мумкин эмас. У, турмуш машаққатлари ва тақдир уқубатларини кечирган бўлишларига қарамай, ҳаётга нурли умидлари ва ишончларини йўқотмаган, уларни абадий эъозловчи кишилар шанига битилган гўзал асардир. Шунинг учун ҳам бу асарнинг инглиз, япон, араб, поляк сингари ўнга яқин хорижий тилларга таржима қилингани бежиз эмас.

Мухтор Авезов эътироф этган образли ибораларга, фикрларга катта ғоявий-бадий маъноларни жо қилиш маҳорати ёзувчининг бу ҳикоясида ҳам балқиб туради. «Осмонда кемтик ой сузиб турибди», деб ёзади ҳикоянинг бир жойида ёзувчи. Бу шунчаки, табиат тасвиригина эмас. Муаллиф ойни кемтиклигига шунчаки ишора қилаётгани йўқ. У Иқбол опанинг бахти, толеи, тақдирига ишорадир. Фарзандлари бут, неваралари бир этак. Дастурхони тўкин. Лекин барибир толеи кемтик. Умид билан бир ёстиққа бош қўйгани, яккаю ягонаси, фарзандларининг отаси урушдан қайтмаган, бедарак йўқолган, мана ўттиз йилдирки интизорлик билан кутади, ўттиз йилки, бемаҳалда эшик тикилласа юрак ҳаприқиб кетади, «даданг эмасмикан», дейишни қанда қилмайди...

Умаржон ака қалампирмунчоқни яхши кўрарди. Иқбол опа шунча йилдан буён эрининг кийимлари, хатлари орасига қалампирмунчоқ солиб қўйган. Сандиқда сақлайди. Майин оҳанг таратиб, жиринглаб очилган сандиқдан димофингизга ҳам қалампирмунчоқ ҳиди гуп этиб урилгандек бўлади. Ёзувчи алоҳида танлаб олган қалампирмунчоқ деталига эътибор берайлик. Бошқа нарса эмас — қалампирмунчоқ. Ёзувчи бу



детални беҳуда танламаган. Биринчидан, у ниҳоятда миллий ва ҳаётий детал. Иккинчидан, у Иқбол опанинг Умаржон акага чексиз садоқати, меҳрига ишора. Учинчидан, икки дил меҳри муҳаббатини боғлаб турган энг ширин хотира тимсоли, айни вақтда унинг аччиқлиги аччиқ изтиробга ишора, айриликдан нишона. Пиримқул Қодиров асарларида кичик деталларга, кичик образли ибораларга мана шу тариха катта маънолар юклаш мўл учрайди.

Пиримқул Қодиров долзарб ижтимоий муаммоларни ўз вақтида дадиллик билан кўтариб чиқувчи, жамоатчилик этиборини муҳим масалаларга жалб қилувчи, жамиятдаги мавжуд нотўғри, янглиш тенденцияларни бартараф этишга фаол таъсир кўрсатувчи пешқадам ёзувчиларимиздан биридир. Студентлар ва энёилар ҳаётига бағишланган «Уч илди», чорвадорлар турмушига оид «Қора кўзлар», шаҳар қурилиши ва экология муаммоларига доир «Олмас камар», пахтакорлар меҳнати ва турмуши ёритилган «Мерос», замондошларимизнинг маънавий дунёси билан боғлиқ қадриятлар талқинига бағишланган «Эрк» сингари асарлари бу борада ўзининг муносиб баҳосини олган.

Ҳозир пахта зараркундаларига қарши сепиладиган дориларнинг даҳшатли оқибатларини яхши биламиз. Уларга энди давлат миқёсида чек қўйилди. Ҳолбуки узоқ йиллар давомида бу дори халқ бошига не-не офатларни солмади? Пахтанинг кумуш толасидан чиқувчи олтин нур узоқ йиллар мобайнида фақат пахтанигина эмас, халқнинг соғлигини ҳам ўйлаш керак, деган фикрнинг кўзини кўр қилиб келди. Кўнглимиздаги, кўзимиздаги ва ўзимиздаги бу ожизликка йўл қўйиш мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида бадий асари билан биринчилардан бўлиб бонг урган ёзувчиларимиздан бири — Пиримқул Қодиров бўлди. Бундан салкам йигирма беш йил аввал ёзувчи ўзининг «Жон ширин» ҳикоясида бу масалани кўтариб чиққан эди.

Пахтага сепиладиган дори туфайли ўн беш ёшлар атрофидаги Зиёдулла ҳаётдан кўз юмади. Бўлган воқеани тезроқ ёпди-ёпди қилиш тараддуида раис ўзига яқин уч-тўрт мўйсафидни ишга солади. Мана уларнинг фалсафаси: «Энди тақдирда бори шу экан, буни бировдан кўрманг, худодан кўринг, нима харажати бўлса, раис билан бригадир кўтарди...» ...Райком секретари раисга букради, раис бригадирга, бригадир колхозчиларга... Инсофли, адопатгўй врач бор воқеани айтиб, бола ўлимининг сабаби далага сепилган доридан, деб хулоса чиқаради. Бош врач Ёу хулосага унамайди, ўз смалидан ажраш таҳликаси виждон кўзини тўсиб қўяди. «Бунақа диагноз жуда катта жанжалларга сабаб бўлади», деб тушунтиради у ва «ёмон овқат еб заҳарланган», деб диагноз қўйишни таклиф этади. Музаффарнинг: «бу жиноятку» деган фикрига: «бу биз учун бир мажбурият. Ҳозир шароит шуни талаб қиляпти. Биз ҳам фаришта эмасмиз. Шароит билан ҳисоблашишга мажбурмиз», деб жавоб қайтаради. (тагига биз чиздик. Б. Н.) Бу чизилган ҳар бир сўз замирида давр характеристикасининг ўзига хос чизилари ётади, дейиш мумкин. Узоқ йиллар мобайнидаги мана шу шароит, талаб, ҳисоблашиш, мажбурият деган тушунчалар бизни КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди арафаларига ке-

либ кескин равишда фош этиб ташланган мудҳиш оқибатларга олиб келгани сир эмас.

Лекин шуниси эътиборлики, «Жон ширин»нинг қаҳрамони Музаффар юқоридагидек адоғатсизликлар билан келиша олмайди. (Зеро, халқ ҳам, адабиёт ҳам мана шундай қаҳрамонларнинг мавжудлиги билан тирикдир). «Шароит» баҳонасида ҳақиқатга, одамларга, адолатга хиёнат қилишни ор деб билади. Бу иш эртанги бахтсизликларнинг эшигини очиб қўйиб бўлиб туюлади унга. Ҳикоянинг характерли моҳияти ушбу сатрларда ўз ифодасини топган дейиш мумкин: «Илож қанча,— деди (бош врач Мирвоҳид ака, Б. Н.).— Мен ҳам қарам одамман. Агар ўртоқ Болтабоевнинг айтганини қилмасам, бутун айбни ўзимга тўнқайди. «Сен бош врачсан, одамларнинг соғлигини сақлашни сенга топширган эдик, энди жалобини ҳам ўзинг берасан», дейдию уриб, ер билан яксон қилади. Қандай қилай! Жон ширин экан.. Итсат қилишга мажбурман..»

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, халқнинг тақдири, халқнинг манфаати эмас, у ёки бу мансабни эгаллаб турган ҳар бир амалпарастнинг ўзининг жони ўзига ширинлиги ва мана шу «шира», ҳар бир кичик амалпарастнинг ўзидан каттароғига сўзсиз итоат қилиши кераклиги ҳақидаги «фалсафа» халқимизга жуда қимматга тушди. Баландрпарвоз гаплар эса, улар замиридаги маънонинг туб моҳиятини эмас, аслида «жон ширин»лигини ҳимоя қилувчи мақсадларга бўйсиндиригди.

Ҳикоядаги райком секретарининг мана бу гаплари фикримизга жуда аниқ илова бўла олади: «Улар (раис, бригадир. Б. Н.) пахта деб жонбозлик кўрсатпти. Инсоннинг соғлигини сақлаш сизларга топширилган. Ҳар ким ўз соҳасига жавобгар! Ҳозир бизнинг далаларимизда юқори ҳосил учун жанг кетяпти (ҳосил учун, дейилган бу жанг, халқ соғлигига қарши олиб борилган жанг эмасмиди аслида Б. Н.) Биз пахта фронтининг жангчиларимиз! Фронт эса қурбонсиз бўлмайди! Сиз мана шунини қулоғингизга куйиб олиг!»

Ёзувчи ўз қаҳрамони нутқида ишлатаётган бу ундов белгилари, ўз вақтида фақат тириш белгиларигина эмас, балки далаларда ўша кунларни бошдан кечирган юз минглаб кишиларнинг қалбига ханжар бўлиб бутгандир балки? Ҳа, улар фақат ундов белгилари эмас, далага сепилган дорилардан бошлари айланиб, ҳолсизланиб келган неча минг кишилар кўзига катта маънодаги сўроқ белгиларидек кўринган бўлса ажаб эмас.

Бу асар яратилган давр учунгина эмас, адолатсизликлар барҳам топиб бораётган шу кунларимиз учун ҳам нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этиши ўз-ўзидан аён, албатта. У энг аввало адолатнинг шубҳасиз қарор топажагига халқ ишончини янада мустаҳкамлайди. Адолат учун курашувчи ана шундай адиблари мавжуд эканига халқ хурматини янада оширади.

Ҳикояда ҳақ қарор топади. Райком секретари Болтабоев қилмишлари учун жазосини олади. Лекин, ҳикоянинг охири жумласидаги Болтабоев ҳеч қаерда тушиб қолгани йўқ «у ҳам шу поездда кетяпти», деган жумла замирига ёзувчи муҳим тағмаёно жойлайди. Бу ерда яна юқорида таъкидлаганимиз, адибнинг айрим ибора, фикрларга чуқур мақсадлар сиғдира олиш маҳоратига дуч келамиз.

Бу: Болтабоев фош этилгани билан у биз барчамиз бирга

кетаётган кажавада эканлигига, яъни болтабоевчилик — унинг раҳбарлик усули, дунёқарashi, принциплари — ҳали сафимиздан буткул тушиб қолмаганлигига ишора эди, ҳали далаларни дори билан заҳарлашни тўхтамай, «пахте фронтининг жангчиларимиз», деган «фалсафа» билан яшашни давом эттираётганимизга бир имо эди. Ҳикоя ёзилганидан сўнг ҳозиргача (1987 йилгача) ўтган давр ёзувчининг ҳақ бўлганлигини кўрсатди. Асар ёзувчи томонидан қишлоқ ҳўжалигидаги бу долзарб масала бундан кўп йиллар аввал нечоғлик чуқур идрок этилганига далилдир.

Ушбу тўпламга кирган асарлар ўзининг ранг-баранглиги билан эътиборимизни тортади. «Фил мингган сайёҳлар»да адиб билан бирга олис Ҳиндистонга саёҳат қиламиз. Бироқ бу фақат йўл хотираси-ю, Ҳиндистон экзотикаси тасвиригина эмас. Биз бу асарда айрим хорижий мамлакатлардаги ўсмирларнинг осон бўлмаган тирикчилиги, турмуш уринишлари, бир бурда нон топиш йўлидаги машаққатлари, заҳматларининг гувоҳи бўламиз. «Океандаги олишув»да эса акулалар хуржидан дельфинлар омон сақлаб қолган ҳинд ўсмирининг бошдан кечган ғаройиботлари билан танишамиз. «Аму чангали» ҳикояси эса бизни болалик романтикасининг хавфу хатарларга, серзавқ хаёлларга, қутилмаган саркаш ҳодисотларга бой дунёсига олиб киради. «Акрамнинг саргузаштлари» қиссасидан эса кичкинтой китобхонлар эндигина йигирмагача санашни ўрганган тенгдошларининг аста-секин вояга етишини, бошдан кечирган ҳангомалари, характерининг тоблиниш, оёққа туриш ва улғайиш жараёнини кузатиш имкониятига эга бўладилар. Акрам «қумуман» боғча ёшидаги мавҳум бола эмас. У ҳам ёшига яраша, шу кунимизга муносиб равишда фикри ўсиб бораётган замонавий болалардан. У ёввойи ўтларни ўлдирадиган гербицид нима эканлигини билади, ундан юз минглаб сўм фойда олиш мумкинлигини эшитади, айни вақтда ўз тасаввуридан келиб чиқиб, унга қанча ўйинчоқ машина олиш мумкинлиги ҳақида хаёл суради.

Маълумки, боғча ёшидаги болалар учун, кичик мактаб ёшидаги болалар учун ёзиш осон эмас. Болаларнинг «кичига» кириб олиб ёзилгандагина бу соҳада муваффақиятга эришиш мумкин. Фикримизча, ёзувчи бунинг уддасидан чиқади. Биз ҳам Акрам билан қўшилишиб, самолётда булутлар орасида сузамиз, Қора денгиз бўйлаб пароходда сайр қиламиз, ёмғир савағичидан чўтир бўлиб кетган денгизни кўрамиз, у билан биргаликда денгизда чайқаламиз. Денгиз ўзи теп-текис бўлгани билан Ер шардай юмалоқ бўлгани туфайли соҳилдан узоклашганимиз сари сув сатҳи тепаликка ўхшаб олис сарҳадларни тўсиб қўйиш сабабларини Акрамга қўшилишиб яна бир бор идрок этамиз. Гоҳ денгизчи, гоҳ химик бўлишни истаган кичкина қаҳрамонга қўшилиб, унинг орзуларидан завқланамиз. Қиссанинг мустақил қисми бўлган ҳар бир парча-ҳикояда Акрам характерининг муайян қирралари шаклланиб бораётганини кўрамиз, ўзимизнинг ҳам унутилаёзган туйғуларимиз қайтадан жонланаётгандек, бу туйғулардан қотинқираган ҳиссиётларимизга илиқ бир нур югураётгандек бўлади. Шу ўринда ёзувчи ўз бошидан ва укаси бошидан уруш йиллари ўтган айрим ҳодисаларни ажиб бир уйғунликда бу қисса қатига сингдириб юборганини ҳам айтиб ўтиш ортиқча

бўлмас. Чунончи қиссадаги «Тут» ҳикояси ана шундай автобиографик хусусиятларга эгадир. Қиссадаги «Бобосига тортган неvara» ҳикояси ҳам автобиографик минтақадан озиқ олади. Унда ёзувчининг болаликдаги ўртоғи Тўйчи билан биргаликда бошдан кечирган саргузаштлари ўз аксини топган.

Эҳтимол шунинг учундир бу саргузашт қиссанинг аксар ҳикояларидаги қаҳрамонлар, вәсеалар худди ҳаётнинг ўзидагидек жонли ва ҳаяжонли ўкилишдан ташқари шундоққина кўриш ва изма-из кузатиш, ҳис этиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Эҳтимол шунинг учундир, Акрам бувисининг узун, кенг кўйлагига сингишиб қолган сут ҳиди сизнинг ҳам димоғингизни қитиқлаётгандек бўлади. Қафасдалиги туфайли сайрамай, озод юрган шерикларига ҳавас билан талпинган какликка раҳми келиб, сайраши учун аввалига қўйиб юбориб, кейинчалик алам қилган, лекин бу алаמידан ўзи сезмаган равишда роҳатланган Акрамнинг қалбидаги гўзаллик сизга ҳам беихтиёр сизиб ўтса ажаб эмас.

Бир сўз билан айтганда, дадаси билан Қора денгиз саёҳатиға борган, тоғда — бобосининг ҳузурида меҳмон бўлиб, айиқ билан олишувлар-у, қоплон ҳақидаги фаройиб ҳангома-ларни тинглаган, табиатнинг тенгсиз дилбарлиги-ю, гўзаллигини тоғ ҳавосига қўшиб вужудига симирган Акрамжоннинг саргузаштлари унинг ёшидаги тенгқур китобхонларға ўзига хос завқ бағишлайди. Иккинчи бир томондан, фарзандиға мана шундай имкониятлар яратган, дунёнинг олис-яқинларию паст-баландларини кўрсатган, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини ўзининг кўзи билан кўриб, ҳис этиб, тегишли хулосалар чиқаришға ўргатган Акрамнинг дадасига ёш ўқувчиларнинг табиий равишда ҳаваслари келади.

Энг асосийси, қисса, ундаги ҳикоялар ўзининг жиддий тарбиявий аҳамияти билан ажралиб туради. Асар болаларни ҳалол ва ҳақгўй бўлишға, ҳаётда ва табиатда учраши мумкин бўлган қийинчиликларни журъат ва мардлик билан енгишға, табиат неъматлари ва гўзаллигини қадрлашға, сраб-авайлашға, жасур ва матонатли бўлиб ўлғайишға чорлайди ва ёрдам беради, Ватан аталмиш муқаддас гўшени севишға ўргатади.

Шу куннинг реалистик, ҳаётий ҳодисалари, қаҳрамонлари мисолида талқин этилган бу масалалар адибнинг «Нажот» номли афсона-қиссасида давом эттирилади ва ривожлантирилади. Ёзувчи бу асарда энди афсона мотивларига мурожаат этади, халқпарварлик, адолат сингари муҳим ижтимоий масалаларни кўтариб чиқади. Агар диққат билан ўқисангиз, бу қиссада сеҳрли-фантастика элементлари билан мўъжизалар, реалистик элементларнинг қоришиб кетганини кўрасиз. Қиссанинг дастлабки саҳифаларини ўқишингиз билан хотирангизға машҳур «Уч оғайни ботирлар» эртаги келади, албатта. Ҳамробиби Умарали қизидан 1926 йилда Пўлатжон Қаюмов ёзиб олган ва шундан буён халқимиз маданиятида абадий ўчмас бўлиб муҳрланиб қолган бу эртани ўқиб, тинглаб, болаликда қайси биримиз ҳайрат оламиға чўммаганмиз, дейсиз? Пиримқул Қодиров шу эртани мотивидан унумли фойдаланади, лекин қисса эртанинг такрори эмас, албатта, уни ўқиб ўзингиз бунга ишонч ҳосил қиласиз. Эртанинг таянч нуқталарини сақлаган ва унга суянган ҳолда ёзувчи уни деярли қайта ишлайди, бойитади, ривожлантиради ва қаҳрамон-

лар характери такомиллашган, ғоявий мундарижа жиҳатидан чуқурлашган анчагина эпик кўламли асар даражасига кўтарди. Халқнинг бахтли турмуш йўлидаги орзу-умидлари, армонлари ва идеалинигина эмас, бу йўлдаги синфий курашларини ҳам кўрсатиш «Нажот»нинг характерли фазилатларидан биридир. «Уч оғайни ботирлар»даги: «Тўғри бўлинг — бежавотир бўласиз; Мақтанчоқ бўлманг — хижолат тортмайсиз; Дангаса бўлманг — бахтли бўласиз», дейилган афористик жумлаларга жо бўлган дидактик йўналиш «Нажот»да ривожланиб, эл-юрт ташвиши билан яшаш, эл-юрт тинчлигини ўйлаш ва бу мақсадларга ғов бўлган ҳар қандай кучга қарши ҳаёт-мамот курашига отланиш — бир сўз билан айтганда, чуқур халқчиллик ғояларига айланади.

Бундан ташқари, маънавийёт проблемаси кун тартибидagi энг жиддий масалалардан бирига айланган ҳозирги шароитда, бу масалага давлат миқёсида эътибор бериш зарурлиги алоҳида таъкидланиб турган бир пайтда асардаги жасорат ва ҳақгўйлик, адолат ва инсоф ҳамда буларга қарама-қарши тарафлар — бахиллик ва мунофиқлик, виждонсизлик ва манфаатпарастлик масалалари талқини бу афсона-қиссанинг замонавий моҳиятини белгилайди.

— Болалигимдан «Уч оғайни ботирлар» эртагини деярли ёддан билар эдим, — деб эслайди ёзувчи. — Урушдан олдин ўқитувчи бўлиб ишлаган Ҳайдар акам (у киши Сталинград жангларида иштирок этган, «Олов» номли ҳикоямга шу акамнинг бошидан ўтган воқеаларни асос қилиб олганман) унга жуда кўп китоблар олиб келар эди. Эсимда, улар ичида Элбек тўплаб нашр эттирган «Ўзбек халқ қўшиқлари» ҳам бор эди. Мен уйимизга келган китобларни битта қўймай қайта-қайта ўқирдим. Айниқса, эртақлар, халқ қўшиқлари жонидилим эди...

Шу ўринда бадиий ижод деб аталмиш тилсимнинг ўзига хос бир ижодий жараёни намоян бўлади. Болалиқдан тафаккур ва туйғу ҳужайраларига сингишиб қолган халқ эртақлари, уларга бўлган меҳр йиллар ўтгач ёзувчи идрокида қайтадан жонланади, унинг ижодий ниятлари билан янгидан тўқинади, халқи учун, ёш китобхонлар учун шу кундаги масалалар нуқтаи назаридан айтилиши зарур деб билган фикрларидан озик топади ва натижада яна қайтадан янги асарга айланиб ўқувчиларга тақдим этилади. Бу халқ оғзаки ижоди ва ҳозирги реалистик адабиётнинг ўзаро бир-бирига узлуксиз таъсиридан бунёд бўлувчи жонли халқнинг доимий ва давомийлигини кўрсатувчи далиллардан биридир.

Агар диққат билан эътибор берсангиз, Пиримкул Қодировнинг мазкур китобдаги болаларга ва ёшларга бағишланган асарлари билан унинг романлари ўртасида мустаҳкам боғлиқлик мавжудлигини сезасиз. Чунки уларни бир қалбдан ўтган туйғулар олами, бир шахсда уйғунлашган аниқ бир макон ва замон дунёси бирлаштириб туради. Хусусан, ҳар бири алоҳида тугалланган, ўзи алоҳида бир асар бўлган ҳикоялар ва айна вақтда кейингиси аввалгисидан ўсиб чиқуви натижасида бирлашиб яхлитлик касб этган «Акрамнинг саргузаштлари» қиссасининг тоғ ҳаётига оид қисмлари бевосита «Қора кўзлар» романидаги қаҳрамонлар дунёсининг дастлабки босқичлари эканини сеза оласиз. Ёки «Яйра институтга кир-

моқчи» номли юмористик қиссада сиз «Уч илдиэ» романида учрашган қаҳрамонларингизнинг тенгқурлари билан қайтадан учрашгандек бўласиз, улар яшаган ўй ва муаммоларнинг янги қирралари билан танишасиз, катта ҳаёт бўсағасида турган ёшларни ўйлантириб келаятган ҳаётий муаммоларнинг янги талқинини кўрасиз. Бир сўз билан айтганда, ёзувчи бу асарларига ҳам ўзига яқин бўлган шароитлардаги, ўзи яшаган муҳитдаги қаҳрамонларни олиб киради. Улар айна вақтда сиз билан бизга ҳам яқин бўлган, кундалик ҳаётимизда бир-галликда нафас олаётган кишилардир. Бу хусусиятлар Пиримқул Қодиров асарларининг ҳаётий кучини янада оширади.

«Яйра институтга кирмоқчи» қиссаси бундан деярли йигирма йил аввал ёзилган бўлишига қарамай, ёшлар ҳаётига оид қатор жиддий ижтимоий масалалар ҳазил-мутойиба шаклидаги юмористик планда талқин қилинган бўлса-да, ўтган йиллар ва шу кундаги шароитимиз уларнинг шунчаки енгил-елпи кулгинамо ҳодисалар эмас, балки аччиқ ҳақиқатлар эканини кўрсатди ва кўрсатиб турибди. Чунки атрофимизда Арслон ака, Нафиса, Муборак, Хожар хола-ю, Усәрбекка ўхшаган қинғир кишилар ҳозир ҳам борлиги сир эмас. Қисса мана шундай замондошларимизнинг қиёфасини фош этишда, ҳалол ва тўғри яшаш принципларини қарор топтиришда, шубҳасиз, ёрдам беради. Яйрага ўхшаган қаҳрамонлар ёшлар характерининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.


Ёзувчи янги-янги ижодий режалар билан банд. Унинг иш столида замонавий ва тарихий мавзулардаги деярли тугаллаианган янги-янги асарлар ўз ўқувчилари қўлига бориб тегишга муштоқ бўлиб турибди.

**Бахтиёр НАЗАРОВ,**  
филология фанлари доктори

# АКРАМНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

ҲИКОЯЛАР ТУРКУМИДАН  
ИБОРАТ ҚИССА





## АКРАМ ВА МАШИНАЛАР

### I

Акрамларнинг уйи Тошкентда. Кўчаларидан ҳар хил машиналар дарёдай гувиллаб оқади. Ярми қизил, ярми сариқ трамвайлар қўнғироқларини жиринглатиб ўтади. Узун троллейбусларнинг симларида учқунлар чақнайди. Гоҳо ўт ўчирувчи қизил машина чинқириб ўтиб қолади.

Акрам кичкиналигида машиналардан жуда қўрқар эди. Айниқса ерни титратиб, кетидан тутун бурқситиб ўтадиган оғир юк машиналари унга жуда ваҳимали кўринар эди. Лекин у дадасининг қўлидан ушлаб, машиналарга узоқдан қараб туришни яхши кўрар эди.

Акрам тўрт ёшга тўлганда ойиси магазиндан ўйинчоқ машиналар олиб келди. Биттаси қизил автобусча. Полга ғилдирагини ишқаб, қўйиб юборса шиғиллаб юриб кетади. Яна биттаси кўк самосвал. Темир дастачасини бураса, орқаси кўтарилиб, юки ерга тушади. Яна биттаси «Волга». Ўзи сариқ, ғилдираклари қора. Бунини Акрам ўзи итармаса юрмайди.

— Машиналарингни уйда ўйнагин,— деди Акрамга ойиси.— Кўчага олиб чиқмагин.

— Нега?— ҳайрон бўлиб сўради Акрам.

— Кўчадан катта машиналар ўтади. Босиб кетади. Акрам шундай чиройли машиналарининг пачақ бўлишини ҳеч ҳам истамас эди. Ойисига:

— Хўп, ойижон, кўчада ўйнамайман,— деди.



Машиналарини диванда юргизиб кўрди. Гилам устида ўйнади. Кўчада юрган машиналарга ўхшатиб:

— Бе-еп! Бе-е-п! Ғанг! Ғанг-нг!— деган овозлар чиқарди.

Самосвал тормоз берганда аллақеридан «Пиш-ш!» этиб ҳаво чиқишини, ғилдираги ғийқиллаб тўхташини ҳам Акрам ўз овози билан қилар эди.

Акрам машиналарини анча вақт уйда ўйнади-ю, кейин ҳовлига олиб чиқди. Ҳовлида гуллар, дарахтлар кўп. Лекин машиначалар юрадиган текис жой оз. Акрам дарвозанинг олдига борди. Ойиси ваннахонада кир юваётганди. Акрам машиналарини секин кўчага олиб чиқди. Асфальт йўлкада қўшни болалар ўйнаб юрган экан. Акрам уларга машиналарини кўрсатди. У ҳали «р» деёлмас эди:

— Қая, Шавкат! Автобусчам ўзи юяди! Сенда бунақаси йўқ!— деб мақтанди.

Болалар унинг машиналарини ўраб олишди.

— Мен битта ушлаб кўрай!

— Мен битта юргизай!— дейишди чувиллашиб.

— Йўқ, ўзим!— деб Акрам автобусчасини асфальтга ишқаб, қўйиб юборган эди, шигиллаб бориб, кичик бир кўприкнинг устидан ўтди-да, катта йўлга чиқди.

Акрам бундан хурсанд бўлиб, автобусчасининг кетидан чопди. Кўчадан катта машиналар бир-бирларини қувлашиб ўтаётганди. Битта оқ «Волга» Акрамнинг автобусчасини босиб кетишига сал қолди.

Шу пайт ҳовлидан Акрамнинг ойиси чиқди. Акрам автобусчасини олгани катта кўча юзига чиққан эди. Ойиси унга:

— Ҳай, қайт орқангга!— деди.— Сенга нима деган эдим? Машина уриб кетса нима бўлади?

Акрам орқасига қайтди. Ойиси уни уйга олиб кирди. Машиначаларини олиб, жавоннинг тепасига қўйди.

— Гапимга кирмаганинг учун энди сенга машиналарни бермайман,— деди.

Акрам йиғлагундай бўлиб, бирпас лабини буриб қовоғини солиб турди. Кейин ойисининг олдига борди:

— Мен энди кўчада ўйнамайман,— деди.— Мен... мен ҳамма гапингизга хўп дейман. Кечиясиз, ойижон, кечиясиз!..

— Шу гапингда турасанми?

— Ҳа!

— Энди катта кўчага чиқмайсанми?

— Чиқмайман!

Ойиси Акрамга ишонди. Машиначаларини жавоннинг тепасидан олиб берди.

Акрам бир-икки кун уйда, ҳовлида ўйнаб юрди. Бу орада машиначаларининг бири бузилиб ишдан чиқди. Лекин қизил автобусчаси ҳали ҳам текис жойда шифтлаб юрар эди.

Бир кун Акрамнинг ойиси магазинга кетди. Кекса бувиси айвонда мудраб ётиб ухлаб қолди. Шу пайт Акрамнинг ўртоғи Шавкат дарвозадан бошини суқиб:

— Чиқ, ўйнаймиз!— деди.— Машиналарингни обчиқ!

Акрам ойисига «кўчада машина ўйнамайман» деганини эслади.

— Ҳа, қўрқасанми?— деди Шавкат.— Қўрқоқмисан?

Шавкат Акрамдан икки ёш катта эди. Акрам унинг олдида қўрқоқ бўлиб кўрингиси келмади. «Ойим келгунча бирпасгина ўйнайман-у, дарров кираман»,— деб ўйлади.

Акрам қизил автобусчасини кўчага олиб чиқди. Уни Шавкат иккаласи навбатма-навбаг йўлка асфальтига ишқаб юргиза бошлашди. Шавкат Акрамдан каттароқ ва кучлироқ эди. Шавкат юргизганда автобусча узоқроқ юрар эди. Шавкат нуқул:

— Сен мендай юргизолмайсан! Сен мендай юргизолмайсан!— деб мақтанар эди.

Акрам автобусчани Шавкат юргизгандан ҳам тезроқ юргизмоқчи бўлди. Қизиқиб кетиб, йўлқадан катта кўча юзига чиққанини билмай қолди. Катта кўчада у автобусчани бор кучи билан ишқаб-ишқаб, қўйиб юборди. Автобусча катта кўчанинг ўртасигача юриб борди.

Шу пайт муюлишдан шағал ортган ўн бир тонналиқ улкан самосвал орқасида прицени билан гувиллаб чиқиб келди. Йўлкада турган Шавкат Акрамга қараб қичқирди:

— Қоч! Югур бу ёққа!

Самосвал ҳам қаттиқ сигнал берди. Акрам орқасига бурилиб, йўлкага қараб интилди. Агар у шу интилганича йўлкага қараб чопганда, қочиб улгурар эди. Самосвал ҳайдаб келаётган амаки ҳам уни қочиб улгурди деб ўйлаган бўлса керак. Яна бир сигнал берди-ю, аммо тормозни унчалик қаттиқ босмади.

Бирдан Акрамнинг кўзи кўча ўртасида тўхтаб қол-

ган чиройли қизил автобусчасига тушди. Баҳайбат самосвал ҳозир бориб уни пачақлайди! Акрамнинг автобусчага шундай ичи ачидики, уни қутқармоқчи бўлиб дадил орқасига қайтди ва кўча ўртасига қараб югурди. Лекин у автобусчанинг олдига боргунча баҳайбат самосвал ҳам етиб келди! Шофёр Акрамнинг бирдан орқага қайтишини кутмаган эди. Жон-жаҳди билан тормоз берди. Аммо машинанинг юки оғир, Акрам эса унга жуда яқин келиб қолган эди. Шофёр ҳар қанча уринса ҳам машинани тўхтатиб улгуролмади. Тормози чийиллаганича нақ Акрамнинг тепасига етиб келди. Акрам устига босиб келаётган ваҳимали машинадан, унинг ёғ босган темирларидан, лой теккан ғилдиракларидан қўрқиб кетди. Ўзини автобусчасининг ёнига ташлади-ю, ғужанак бўлиб ётиб олди. Кейин у машинанинг тагида кўринмай кетди.

Шавкат дод солиб қичқирди. Машина тўхтади. Қўрқиб, ранги оппоқ бўлиб кетган шофёр баланд кабинадан ерга сакраб тушди. Ичкаридан Акрамнинг бувиси чопиб чиқди.

— Акрам қани, Акрам?!

Шавкат йиғлаб туриб:

— Босиб кетди!— деди.— Машина босиб кетди!

Акрамнинг бувиси чинқириб самосвалга томон чопди. Уткинчилар тўпланди.

Бу орада шофёр машинанинг тагига кириб, Акрамни ғилдиракларнинг орасидан тортиб олди.

Акрам беҳуш эди. Шофёр уни кўтариб олди.

— Вой бувинг айлансин, Акрамжон! Вой менгина ўлай!

Қимдир Акрамнинг кўкариб кетган юзига сув сепди. Бола кўзини очди. Қимдир унга сув ичирди. Шофёр йигит Акрамнинг қўлларини, оёқларини ушлаб, секин-секин пайпаслаб кўрди:

— Оғримаяптими? Ҳеч қаеринг оғримаяптими?— деб сўради.

Акрамнинг гапиришга ҳам мажоли йўқ эди. Бошини чайқаб, «йўқ, оғримаяпти» дегандай қилди.

У машинанинг баланд ғилдираклари орасида қолиб кетган эди. Ерга ғужанак бўлиб ётиб олгани учун машинанинг ҳеч қаери унга тегмаган экан! Шофёр йигит шуни тушунди-ю, қувониб, Акрамни бағрига босди:

— Бахтинг бор экан, укам! Менинг ҳам омадим

келган экан! Агар бир қарич нари-берида бўлсанг, сен ҳам кетардинг, мен ҳам қамалар эдим!

Акрамга сув ичирган кекса киши унинг бувисини уришди:

— Нега ёш болани кўчага ҳайдаб қўйибсиз? Босиб кетса нима бўлар эди?!

— Вой менгина ўлай, билмай қолибман! Кўчада ўйнамагин, деб минг марта айтганман! Ойисига ҳам ўзи сўз берган эди!

Шофёр йигит Акрамни ҳовлига кўтариб олиб кириб, айвонга ётқизиб қўйди:

— Бола қўрққан,— деди кампирга.— Бирпас ётиб нафасини ростласин, кейин яна ўйнаб кетади.

Шофёр йигит Акрамга қараб қўшиб қўйди:

— Аммо кўча юзида ўйнаганинг учун ота-онанг сенга яхшилаб жазо беришлари керак! Хўп, хайр!

Улкан самосвал вағиллаб жўнаб кетди. Унинг тагида ётган қизил автобусча ҳам зарар кўрмай бутун қолган эди. Аммо орқадан кетма-кет келаётган машиналардан бири автобусчани қарсиллатиб босиб, пачақлаб кетди. Яна бири уни ғилдираги билан уриб йўлнинг четига чиқариб ташлади.

Бу орада магазиндан қайтиб келаётган Акрамнинг ойиси йўл бўйида пачақланиб ётган қизил автобусчани кўриб ҳайрон бўлди. Кейин уни таниб, ердан олди-да, ҳовлига отилди.

Акрам айвонда бўшашиб ўтирар эди. Бувиси бутун воқеани ойисига айтиб берди. Ойиси Муҳаббат опа ҳам аввал ўғилчасининг омон қолганидан суюниб, уни қучоқлаб ўпди. Кейин Акрамнинг «кўчада ўйнамайман», деб сўз берганини эслади.

— Нега берган сўзингда турмадинг, а? Мана, автобусчанг пачоқ бўлипти. Бунинг учун ким айбдор?— деб ўғлини койиди.

— Мен... Мен автобусчамни қутқараман деб...

— Кўчанинг ўртасига ҳайдаб юборганингдан кейин қутқариб бўлар эканми? Хўп, шундай бўлипти! Автобусчани деб ўзингни машинанинг тагига ташлайсанми? Автобусча пачоқ бўлса, магазинда яна бошқаси бор. Сени машина босиб кетса мен нима қилар эдим? Буни ҳеч ўйлайсанми?

— Ўйлайман,— деб ғулдуради Акрам. Бу гал у ойисига «кўчада ўйнамайман» деб ваъда бермади. Лекин

шундан бери ҳар кўчага чиққанида устидан ўтиб кетган ваҳимали самосвал эсига тушади, пачоқ бўлган қизил автобусчаси кўз олдига келади.

## САНЖАР АКАНИНГ СИЛОВИ

Акрам дадасининг кимёгар олим эканини билади. Лекин унинг нима иш қилишини ҳали тушунмайди. Дадасидан сўраса, Санжар ака кулиб:

— Шошма, бир кун лабораторияга олиб бораман, кўрасан,— дейди.

Санжар ака ишдан кеч қайтади. Акрамни боғчадан кўпинча ойиси Муҳаббат опа олади. Фақат ёз кунларининг бирида кечқурун боғчага Санжар аканинг ўзи келиб қолди.

— Ойингнинг мактабида бугун мажлис бор экан,— деди,— мен ишимни чала ташлаб келдим. Тезроқ кийин.

— Дада, машинангизда келдингизми?

— Ҳа, тез бўл!

Акрам ҳозир дадасининг машинасига ўтиришини ўйлади-да, қувониб, апил-тапил кийинди.

Боғчанинг панжарали дарвозаси олдида Санжар аканинг қизил «Москвич» машинаси турган эди.

Санжар ака орқа эшикни очди.

— Дада, олдида ўтирай!— деб илтимос қилди Акрам.

— Агар тўсатдан тормоз берсам, олдинги ойнага бошинг билан ёмон урилсан!

— Урилмайман, дадажон! Қўлимни тираб ўтираман. Хўпми?

— Ҳа, хўп!— деб Санжар ака ўғлига олдинги эшикни очиб берди.

Санжар ака машинасини сершовқин, серҳаракат кўчалардан ҳайдаб ўтди. Кейин деразалари очиқ турган тўрт қаватли кулранг бинонинг олдида ўннга бурилди-да, унинг ҳовлисига кириб тўхтади. Кун кеч бўлган, ҳовлини тўрт қаватли бинонинг сояси қоплаб олган эди.

Санжар ака ўғлига қараб:

— Менинг яна ярим соатлик ишим қолган,— деди.— Машинада ўтириб турасанми?

— Дада, мен ҳам бирга борай?

— Бориб нима қиласан?

— Ишимни кўрасан, деган эдингиз-ку.

Санжар ака Акрамнинг «р»ни яхши айтадиган бўлиб қолганини энди сизди.

— Ие, айтмоқчи, «р»ни ўрганибсан-ку. Қани, «р» дегин-чи?

— «Ре!» Боғчада мураббиямиз ўргатдилар! Ре!

— Ҳа, дуруст. Бўпти, туша қол, лабораторияни кўрсатаман.

Санжар ака машинасининг эшикларини қулфлади. Кейин Акрам билан учинчи қаватдаги катта бир хонага чиқди.

Хонада докторларга ўхшаб оқ халат кийган бир йигит кичкина митти тарозида алланарсани тортаётган эди. Иш вақти аллақачон тугаган, бошқа химиклар кетиб бўлишган эди. Санжар ака ўғлини очиқ дераза олдида турган стулга ўтқазди. Ўзи шкафдан оқ халатини олиб кийди. Хонанинг ичида узунчоқ, юмалоқ ва бошқа турли шаклдаги шишалар, ғалати машинага ўхшаш нарсалар бор эди. Вишиллаб газ ёниб турибди. Шишаларнинг ичида қандайдир суюқликлар қайнайди, кўпиради. Узунчоқ бир шиша идиш чирпирак бўлиб айланяпти. Тепадан ғувиллаган овоз келади.

Акрам бошини кўтариб қаради. Девор тешигига ҳавони тозалаб берадиган вентилятор ўрнатилган эди. Унинг ялтироқ темир парраклари тинимсиз айланиб турибди. Шундай бўлса ҳам, хонада ачимтир бир тутун сузиб юради, ўткир ҳидлар анқийди.

— Дада, бу ниманинг ҳиди?— сўради Акрам.

— Билмадим. Мен ўрганиб кетганман. Димоғим бу ердаги ҳидларни сезмайди.

Санжар ака қўлига қоғоз-қалам олиб, қайнаб турган суюқликларнинг олдига кетди. Шу пайт эшикдан оқ халат кийган, сочлари оқарган, паст бўйли бир киши қўлини орқасига қилиб кириб келди. Акрам бу кекса одамни аввал ҳам кўрган эди. Бу киши уйларига меҳмон бўлиб келганда Санжар ака: «Мени олим қилган академик», деб айтган эди.

Акрам «академик» деган сўзнинг маъносига яхши тушунмаса ҳам, отаси бу кекса одамдан кўп нарса ўрганганини сезган эди. Шунинг учун ўрнидан сакраб туриб кекса академикка:

— Ассалом!— деди.

— Салом, ўғлим!.. Э, дадангиз сизни ҳам бу ерга олиб келдиларми? Отингиз нима эди?

— Акрам

— Ҳа, Акрамжон! Аммо бу ерга яхши пайтда келибсиз, Мен дадангизни табриклаш учун кирган эдим..

Санжар Суюнович, сиз топган янги гербицид ҳамма синовлардан яхши ўтди. Катта мукофот оладиган бўлдингиз!

— Раҳмат, устоз! Бу ҳаммаси сизнинг ёрдамингиз билан!

Кекса олим Санжар аканинг қўлидан олиб, унинг юзига тикилди.

— Лекин энди дурустроқ дам олинг. Ёшингиз ҳали қирққа боргани йўқ-ку, сочингизда оқ кўпайиб кетибди. Ўзингизни аямайсиз. Мана, ҳозир ҳамма ишдан кетган. Сиз ҳамон шу ердасиз. Соғлиқни ҳам ўйлаш керак. Путёвка бор экан. Қора денгиз бўйларига боринг.

Акрам дадасига, «мени ҳам обorasиз!» демоқчи бўлиб қаради. Лекин Санжар аканинг хаёли устозида эди:

— Тўғри, путёвка бўлса албатта борамиз,— деди.

Санжар ака устозини эшиккача кузатиб қўйди. Кейин кўп ўтмай ишини битирди-да, Акрамни эргаштириб, машинасининг олдига тушди.

Устозининг табригидан Санжар ака жуда хурсанд бўлган эди. Машинани ўт олдираётиб ўғлидан сўради:

— Эшитдингми, Акрам! Биз топган гербицидимиз учун мукофот оладиган бўлибмиз.

Акрам «гербицид» дейишга тили келишмайди:

— Трубаси нима, машинами?— деди.

Санжар ака кулиб юборди:

— Э афанди! Трубаси эмас, гербицид! Ёввойи ўтларни ўлдирадиган дори! Одамлар куннинг иссиғида ўтоқ қилиб юрмайди. Биз топган дорини сепса ёввойи ўтлар ўзидан-ўзи йўқ бўлиб кетади. Биласанми, бу давлатга қанча даромад беради? Бир неча юз минг сўм!

Энди йигирмагача санашни ўрганган Акрам юз минг қанча бўлишини билмас эди.

— Юз мингга нечта ўйинчоқ машина беради?— деб сўради дадасидан.

— Жуда кўп! Ҳамма магазинлардаги ўйинчоқ машиналарни олиш мумкин.

Акрам бирдан хурсанд бўлиб кетди:

— Дадажон, бўлмаса магазинга борайлик! Менга янги ўйинчоқ машиналардан олиб беринг!

— Об-бо сен-ей! Дарров гапни бу ёққа бурдинг-а!

— Ўзингиз «танк олиб бераман» деган эдингиз-ку.

Санжар ака соатига қаради. Ҳали етти бўлгани йўқ. Демак, магазин очиқ.

— Ҳа, майли, юр, бугун сени ҳам бир хурсанд қилай!

Санжар ака машинасини «Болалар дунёси»нинг олдиди тўхтатди. Ота-бола ўйинчоқ машиналар сотиладиган жойга киришди. Санжар аканинг сахийлиги тутиб, Акрамга битта кўк танк, битта ўзиюрар яшил замбарак, битта сариқ енгил машина, яна битта қора юк машинасини олиб берди. Акрам бунинг ҳаммасини қучоқлаб магазиндан чиқаётганда «Планетарий» деб аталадиган антиқа ўйинчоқни кўриб қолди. Унинг назарида, ҳозир дадаси у истаган ҳамма нарсани олиб берадиганга ўхшар эди.

— Дада, шуни ҳам оберинг!

— Йўқ, энди бас.

— Дадажо-он! — деб эркаланди Акрам.

— Сен иштаҳангни карнай қилма, Акрам. Аввал мана бу машиналарни ўйнаб тур. Кейин бир кун пайти келганда унисини ҳам оламин.

— Бошқа кун оберасизми?

— Ҳа, кўрамиз. Агар яхши бола бўлсанг, сендан ҳеч нарсани аямайман.

Акрам ҳозир яхши бола бўлишни жуда-жуда истар эди. У дадасидан қанчалик хурсанд бўлиб бораётганини айтгиси келарди.

Уйга келганда машиналарини онасига кўрсатди-да:

— Мен катта бўлсам, — деди, — дадамга ўхшаган кимик бўламан!

Мактабда ўқитувчилик қиладиган Муҳаббат опа:

— «Кимик» эмас, «химик», — деб унинг хатосини тўғрилади.

Бувиси Собира хола Акрамнинг чучук тилидан завқланиб:

— Кимик бўладиган неварамдан ўргилай! — деди. — Бунинг жони бизга текин қолган! Акрамжон тегирмондан бутун чиққан! Шундай баҳайбат машинанинг тагидан соғ чиқиш осонми?

Уша қўрқинчли воқеадан кейин Собира хола неварасини жуда кўп суйиб эркалатади, ёнғоқми, шоколадми, нима топса, Акрамга беради. Акрам ойисига:

— Тўп оберинг! Ўйинчоқ оберинг! — деб қолса, бувиси дарров Акрамга ён босади:

— Оберақол, болам!

— Ая, ахир Акрамнинг ўйинчоғи жуда кўп. Ҳаммаси ҳар ёқда сочилиб ётипти. Бирор кун ўйнар-ўйнамас



ичини кавлаб бузади. Мана, кечагина дадаси олиб берган замбаракни ҳам синдирибди.

— Ҳзи синиб қолди,— деди Акрам.

— Эҳтиёт қилсанг синмас эди. Сен тартиб нималигини билмайсан. Қара, танкинг ҳам оёқ остида ётипти. Биров кўрмасдан босиб олса, бу ҳам синади.

Бувиси йўлакда ётган ўйинчоқларни йиғиштира бошлади.

Буни Санжар ака кўрди-ю:

— Она, қўйинг, ўзи йиғиштирсин,— деди.

— Э, болам, Акрам ҳали кичкина. Катта бўлса йиғиштирар.

— Йўқ, тартиб-интизомга ҳозирдан ўргансин. Қани, Акрам, ол, ўйинчоқларингни йиғиштир!

Акрам истар-истамас энгашиб, йўлакда ётган машина билан танкни олди. Лекин йўлакнинг нариги четида унинг икки пой шиппаги икки томонга қараб чаппа бўлиб ётипти. Боғчадан кийиб келган оқ қалпоқчаси пойандоз устида, оёқ остида қолиб кетган. Бу нарсаларни бувиси йиғиштирди. Акрам эса бир-икки соат ўтар-ўтмас дадаси берган тапбеҳни унутди-ю:

— Дада, занжирлик велосипед оберинг!— деди.— Оберсангиз нарсаларимни доим йиғиштириб юрман.

— Ие, сен ҳали бунақа шарт қўйишни ҳам ўргандингми? «Оберинг-оберинг» дейвериш ўзи жуда хунук одат. Энди бу одатни ташламагунингча сенга ҳеч нарса олиб бермайман!

Акрам бошини қўйи солди, бурнининг усти терлаб, лаблари пир-пир учди.

— Шавкат велосипедини Акрамга кўрсатиб роса мақтанди-да,— деди Собира хола.— Ҳзим эшитдим. «Сенда бунақаси йўқ, даданг сенга обермайди»— деб, Акрамни роса куйдирди.

— Акрам у куни дадаси олиб берган ўйинчоқ машиналарини Шавкатга кўрсатиб мақтанган эди,— деди Муҳаббат опа.— Бунга янги бир нарса олиб берсангиз, қўшни болаларга кўрсатиб, «сенда бунақаси йўқ!»— деб кўз-кўз қилишга ўрганибди.

— Тантиқликдан чиққан мақтанчоқлик бу!— деди Санжар ака ўғлидан қаттиқ ранжиб.— Мен мақтанчоқ болани ёмон кўраман!

Акрамга дадасининг бу гапи «мақтанчоқ бўлсанг, сени ҳам ёмон кўраман!» дегандай эшитилди. Акрам-

нинг кўзлари бирдан ёшланди. У бувисининг елкасига юзини яширди.

Собира хола уни бағрига босиб, бошини силаган эди, Акрам бирдан «ҳиқ, ҳиқ!» қилиб йиғлаб юборди.

— Ҳай, дадажони,— деди Собира хола,— Акрам билмай шундай қилган. Мен ҳам буни кўп эркалатиб хиёл тантиқ қилиб қўйганга ўхшайман. Энди биз бундай қилмаймиз. А, Акрамжон, қилмаймизми? Қани, йиғини бас қилиб, дадангга айтгин...

Акрам кўзларини муштуми билан артди, йиғидан тўхтади, лекин ўпкасини тезда босолмади. Тили гапга келмади. Собира хола унинг хаёлини бошқа ёққа буришга тиришди:

— Муҳаббат, Қора денгизга дам олгани борадиган бўлдиларингми?

— Ҳа.

— Қачон жўнамоқчисизлар?

— Янаги ҳафта жўнаймиз.

— Акрамжонни ҳам олиб кетасизларми?

Муҳаббат опа Санжар акага қаради. Санжар ака ўйчанлик билан гапирди:

— Ҳайронман, Акрам қаерга борса, нуқул «оберинг» дейдиган одат чиқарибди. Бу билан бирорта магазиннинг олдидан тинч ўтиб бўлмайди. Уйда нарсаларини йиғиштирмайди. Тартиби йўқ... Қора денгизга бирга олиб кетсак, яна қўшни болаларга мақтанса, «ҳеч ким бормаган жойга бордим!» деб тантиқланса...

Акрам бўғиқ товуш билан.

— Энди мақтанмайман!— деди.

— Акрамни бирга олиб боринглар, болам,— деб Собира хола яна неварасига ён босди.— Агар бирга олиб борсаларинг Акрам «оберинг» деган одатини ташлайди. Мана, мен кафил! Нарсаларини ҳам йиғиштириб юрадиган бўлади. Мақтанишини ҳам бас қилади. Ана шундай шарт қўямиз. Бўптими?

— Йўқ, ойи, мен бунақа шарт қўйишларга қаршиман,— деди Санжар ака.— «Сен ундай яхши иш қилсанг, сенга бундай яхшилик қиламан»,— дейиш савдога ўхшаб кетади. Биз билан Акрамга бундай савдо ҳеч ярашмайди.

— Бўлмаса Акрам қандоқ қилсин?

— Бизга нима қилиғи ёқмаганини айтдик. Акрам, ҳамма гапимизга тушундингми?

— Туш... тушундим.

— Тушунган бўлсанг, бу ёгни ўзинг биласан...  
Ҳали жўнашимизга бир ҳафта бор. Ушангача яна ўйлаб кўрамиз.

— Ана, эшитдингми?— деди бувиси Акрамга.—  
Энди эсингни йиғ. Бугунги гапларни унутма.

Акрам учун нарсаларини йиғиштириб юриш шу вақтгача ҳеч кераксиз бир ишдай кўринар эди. Кўпинча бу эсидан чиқиб кетар эди. Энди у сочилиб ётган ўйинчоқларини кўрса дарҳол отасининг аччиқ танбеҳини эслайди. Бувиси унга «ўйинчоқларингни солиб юр» деб битта эски чамадончани берди. Акрам энди уйда ўйнамоқчи бўлса, шу чамадончани токчадан олиб очади. Уйнаб бўлгандан кейин эса машиналару бузуқ соатлар, темир солдатчалар ҳаммаси яна қайтиб чамадончага киради. Кейин Акрам уни токчадаги жойига элтиб қўяди.

Лекин баъзида телевизорга алаҳсиб, кийимларини йиғиштириш эсидан чиқади. Акрамнинг пайпоқлари, кофтаси, шарфи ҳар қаерда бетартиб ётганини Санжар ака кўриб қолади. Шунда у Акрамга «янами?» дегандай бир қараб қўйса бас. Акрам дарров ўша кунги гапларни эслайди-ю, сакраб туриб кийимларини жой-жойига қўяди. Бувиси буни кўриб, Акрамни Муҳаббат опага мақтайди:

— Қара, Акраминг жуда фаросатли бола-да!

— Ҳа, анча тартибли бўлиб қолди.

Акрам бундай мақтовни эшитган пайтларда дарҳол ойнисига эркалик қила бошлайди:

— Ойи, Ғайратга дадаси батарея билан юрадиган чиройли бульдозер олиб берибди.

— Ҳа, даданг сенга ҳам бульдозер олиб берсинми?

— Дадам эмас, сиз...

— Мен? Демак, яна «оберинг»ни бошламоқчимисан?

Акрам Қора денгизга боролмай қолиши мумкинлигини сезади-да:

— Йўқ,— деб бош чайқайди.

Эртаси кун Муҳаббат опа чамадонларга нарсаларини жойлаб, сафар тайёргарлигини кўра бошлади. Лекин дадаси билан ойниси Акрамни ҳам олиб кетишадими, йўқми? Буни ўғилларига очиқ айтишмас эди. Акрам ойнисидан сўраса, «даданг билади» дерди. Да-

дасидан сўрашга Акрам тортинарди. Лекин эртаю кеч дадасига кўзлари мўлтиллаб қараб қўярди.

Жўнашларига бир кун қолганда Санжар ака кўчадан кулимсираб кириб келди-ю, чўнтагидан учта билет олди. Телевизор кўриб ўтирган Акрамга қизил рангли болалар билетини кўрсатиб:

— Мана буниси сеники!— деди.— Эртага биз билан самолётда учасан!

— Қора денгизгами?— кўзлари ялтираб сўради Акрам.

— Ҳа, тайёргарлигингни кўравер!

— Ура, мен ҳам денгизга бораман! Ура! Ура!— деб Акрам қувонганидан аввал ойисини қучоқлади. Кейин ўзини дадасининг қучоғига отди.

У кинолардагина кўрган денгизни энди ўз кўзи билан кўради, унга тушиб чўмилади!

Акрам бу қувончини ҳаммага айтгиси келар эди.

Бир вақт у кўчага чопиб чиқди.

Асфальт йўлкада Шавкат икки ғилдиракли велосипедини миниб, қўнғироғини жиринглашиб юрипти.

Акрам унга қараб югурди. «Сенинг велосипединг нима, мен эртага самолётда учаман. Қора денгизда чўмиламан!»— демоқчи бўлди. Лекин Шавкатга яқин борганда орқасидан кимдир қараб турганини сезди. Акрам ўгирилиб қараса, кўча эшиги олдида дадаси турибди. Бирдан дадасининг: «Мен мақтанчоқ болани ёмон кўраман!» дегани эсига тушди. У Шавкатга ҳеч нима демади-ю, нарёқда копток ўйнаб юрган болаларнинг олдига ўтиб кетди.

## БУЛУТЛАР УСТИДА

Ҳали тонг отмаган эди. Муҳаббат опа Акрамни елкасидан олиб секин силкитди:

— Тур! Кеч қолмайлик!

Акрам уйқуга тўймаган эди. Назарида, ойиси «боғчага кеч қолмайлик» деяётгандай бўлди. Акрам кўзини бир очди-ю, деразалар ҳали қоронғи эканини кўрди. Шифтда чироқ ёниб турибди. Акрам нариги ёнига ағдарилиб, яна кўзини юмди.

Илгарилари кун чиқай деб қолганда ойиси уйғотса, Акрам боғчага боришдан эриниб кўзини очмас, анчагача турмай ётар эди. Энди бирдан ойиси:

— Тур, самолёт кетиб қолади!— деди.

Акрам бугун самолётда Қора денгизга учиб боришлари кераклигини эслади-ю, сапчиб ўрнидан турди. Кўзларини уқалаб:

— Ҳозир! Ҳозир!— деди.

Улар аэропортга келганларида, тонг энди бўзарган эди. Ҳаво салқин. Қатор турган ҳар хил самолётлар орасида бензин ортган улкан машиналар бориб-келиб юрибди. Гоҳо жажжи автопоездлар ранг-баранг кийимли йўловчиларни миндириб ўтиб қолади. Акрамлар ҳам мана шу автопоездлардан бирига чиқдилар-у, ИЛ-18 самолётининг балаид зинапоясин олдига бориб тушдилар. Одам кўп эди. Акрам дадаси ва ойиси билан зинапоядан чиқиш учун навбат кутиб турди.

Шу пайт улардан сал нарироқда бели йўғон АН-10 самолётининг парраклари айлана бошлади. Бу самолётнинг тўртта мотори бор эди. Ҳаммаси баробар ишлагандан кейин овози шундай қаттиқ эшитилдики, Акрамнинг қулоғи ёрилиб кетадигандек туюлди. Бирдан бу улкан самолёт жойидан қўзғалди ва Акрамларга яқинлашиб кела бошлади. Шунда унинг овози Акрамга янада ваҳималироқ эшитилди. Акрамнинг назарида, самолёт тобора қаттиқ вағиллаб, тўғри уларнинг устига босиб келадигандек бўлди. Акрам қўрқиб, дадасининг пинжига тиқилди. Санжар ака энгашиб ўғлининг юзига қаради-ю, кулимсиради:

— Ие, қўрқдингми? Ана холос! АН-10 жуда яхши самолёт-ку. У ҳам биздақа одамларни олиб юради.

Акрам уялиб, дадасининг пинжидан чиқди. Қараса, йўғон белига қизил чизиқлар чизилган бу паҳлавон самолёт ўнг томонга бурилиб кетяпти. Бурилаётганда унинг моторидан чиққан иссиқ ҳаво тўлқини асфальтдан чанг кўтариб, шабадаси Акрамга тегиб ўтди.

Кейин Акрамлар самолёт зинасидан юқорига кўтарилдилар. Чиройли форма кийган хушмуомала қизлар уларни самолёт қанотидан сал орқароқдаги қаторга ўтқиздилар. Кўп ўтмай бу самолётнинг парраклари ҳам айлана бошлади. Акрам юмалоқ деразача орқали парракларга қараб турар эди. Парраклар тез айланганда ҳавога сингиб кетгандай кўзга кўринмай қолди. Акрам бундан хавотир бўлиб:

— Дада, қаранг,— деди,— самолётнинг парраги йўқ. Тушиб қолдимми?

— Тушган эмас. Ҳали самолёт ерга қўнсин, паррак секин айланганда яна кўринади.

— Учганда кўринмайдами?

— Тез айланганда кўз илғамайди-да... Энди қимирламай ўтир. Кўнглинг айнаса, дарров кўзингни юм.

Санжар ака Акрамни ўриндиққа брезент камар билан белидан боғлаб қўйди. Самолёт ердан юриб борди-да, енгил бир силкиниб, ҳавога кўтарилди. Акрам кўзини юмди-ю, лекин сабри чидамай, яна очди. Самолёт бир қанотини пастга эгиб, тез бурилаётганди. Акрамга уйлар, кўчалар, ариқлар қийшайиб, осмонга қўшилиб айланаётгандай кўринди. Унинг кўнгли беҳузур бўла бошлади.

Ўглининг ранги ўчганини кўрган Санжар ака:

— Қарама!— деди.— Кўзингни юмиб ол! Креслога бошингни қўй!

— Дада, қулоғим бекилиб қолди. Қитир-қитир қил-япти!

— Қўрқма! Мана бу конфетни оғзингга сол. Бир-икки ютунсанг, ҳаммаси ўтиб кетади.

Акрам Санжар ака айтгандай қилган эди, қулоғи ҳам очилди. Қўп ўтмай самолёт булутлар устидаги баландликка чиқди-ю, текис уча бошлади.

— Ана энди камарни ечамиз!— деди Санжар ака.

Самолёт шифтидан «ғир-ғир» қилиб, салқин ва тоза ҳаво келиб турибди. Акрамнинг юзига яна қизиллик югурди. У самолёт деразасига юзини яқинлаштириб пастга қаради.

Кумуш қанотлар остидан сийрак оқ булутлар тўдаси секин сузиб ўтяпти. Уларнинг орасидан ерда узала тушиб ётган қўнғир қум тепалар кўринди.

— Дада, бу нима?

— Қорақум саҳроси бошланди.

Самолёт икки соатча учгандан кейин ялтираган улкан сув кўринди.

— Кўриб қўй, Каспий денгизи мана шу,— деди Санжар ака Акрамга.— Мактабга борганинга, ўқитувчинг бунга сенга картадан кўрсатади.

Каспий денгизининг суви тепадан қорамтир-кўкиш кўринар эди. Фақат қирғоқларида тўлқинлар кўпириб, оқ ҳошияга ўхшаб турар эди. Пароходлар самолётдан ўйинчоқдай кичик кўринади. Денгизнинг нариги четини эса, шунча баланддан қараб ҳам кўриб бўлмас эди. Фақат ярим соатча учганларидан кейин чакалакзор ўр-

мон билан қопланган нариги қирғоқ кўзга ташланди. Кейин бири-бирига туташган қорли тоғ тизмалари самолёт тагидан сузиб ўта бошлади.

— Кавказ тоғлари,— деди Санжар ака ўғлига.

Акрам нссиқ ёз пайтида ҳам тоғда қор шунчалик кўп бўлишини биринчи марта кўрди. Самолётнинг ўнг томонидаги деразасидан текис бугдойзор далалар кўзга ташланарди. Чап томонда эса учи арра тишидай ўткир тоғ чўққилари бири-бирига уланиб кетган эди. Самолёт қорли тоғ тизмаси билан улкан текисликнинг чегараси бўйлаб узоқ учди. Бир вақт тепадаги радиодан:

— Самолётимиз пастляпти, ўриндиқдаги камарни белингизга боғланг!— деган товуш эшитилди.

Шунда Акрам қулоғининг яна «қитир-қитир» қилиб, битиб қолаётганини сизди. Дадаси унинг белига камарни боғлаётганда Муҳаббат опа:

— Ана, Қора денгиз!— деди.

Акрам дераза томонга бўйинини чўзиб пастга қаради. Кўм-кўк ўрмонзор қирғоқ яқин келиб қолган. Ҳар битта дарахт аниқ кўринади. Денгизда сузиб юрган пароходлар сувда узун из қолдириб боряпти.

Офтоб тиккада, кун анча исиб қолган эди. Самолёт денгизнинг эгри-бугри қирғоғидан сув устига ўтганда анча силкиниб, қанотлари чайқала бошлади. Акрамнинг боши айланди, кўзи тинди. Ойиси уни қўлидан тортди.

— Қани, энди қимирламай ўтир! Боя даданг нима деган эдилар?

Акрам ўриндиққа катталардай ястаниб ётди-ю, кўзини юмди. Қулоғи битиб оғригандай бўлган эди, оғзини очиб нафас олди, ютинди. Шу билан қулоғи яна очилиб кетди.

Самолёт Симферополь шаҳрига келиб қўнди. Зинапоядан пастга тушганларида Санжар ака Акрамнинг юзига қараб жилмайди:

— Ҳа, дуруст. Самолётда учишни бир оз ўргандинг. Энди денгизда сузишни ҳам ўргансанг...

Акрам атрофига аланглаб қаради:

— Денгиз қани, ойи? Боя самолётдан кўринган эди-ку.

— Денгиз нарироқда қолди. Биз Қримга келдик. Энди қирғоққача машинада борамиз.

Улар чамадонларини кўтариб, машиналар тўхтайдиган жойга қараб кетдилар.

## ТҮЛҚИНЛАР ОРАСИДА

Акрамлар бориб тушган дам олиш уйн денгизга жуда яқин эди. Айвонга чиқиб қаралса, дарахтлар орасидан денгиз сатҳи тўқ кўк рангда товланиб кўринарди. Кечалари ҳамма ухлаганда денгиз тўлқинларининг қирғоққа муттасил урилиб шовуллаши баралла эшитилиб турарди.

Акрам дадаси билан қирғоққа биринчи марта чиққанда денгиз хийла тўлқинланиб турган экан. Узоқдан орқама-орқа қувлашиб келаётган тўлқинлар қирғоққа яқинлашганда кўпириб кетади. Сўнг қирғоққа гувиллаб урилади-да, «шовв» этиб орқасига қайтади. Тўлқин қайтаётганда шағал тошларни бир-бирига ишқаб шақирлатгани ҳам эшитилади. Ҳаял ўтмай яна бир тўлқин қирғоққа келиб урилади-ю, аввалгисидай орқага чекинади. Унинг кетидан яна бошқа тўлқинлар худди шундай кетма-кет келаверади. Уларнинг қирғоққа урилиб ўйноқлаши кечаю кундуз тўхтамайди.

— Билиб қўй, Акрам, буни долға дейдилар,— тушунтирди Санжар ака ўғлига,— русчаси прибор. Долға тўлқинлар дарёларда бўлмайди. Фақат денгизларда бўлади.

Акрам қирғоқда долға билан ўйнашиб чўмилаётган одамларни кўрди. Санжар ака кўйлагини ечар экан:

— Чўмиласанми?— деди Акрамга.

Долға қирғоқ бўйидаги сувни бир оз лойқалатиб қўйган эди. Акрамнинг чўмилгиси келмади. Муҳаббат она ҳам:

— Акрам иккаламиз тўлқин сал пасайганда чўмилармиз,— деди.

— Майли бўлмаса,— деб Санжар ака ўзи чўмила бошлади.

У белигача сувга кириб, катта бир тўлқиннинг яқинлашишни кутиб турди. Тўлқин яқин келган жойнинг суви аввал пасайиб кетар, кейин бирдан кўтарилар эди. Санжар ака сув кўтарилаётганда сакраб тўлқиннинг устига чиқиб олди. Тўлқиннинг қирраси унинг елкасига урилиб ўтиб кетди. Шунда Санжар ака болалардай завқланиб кулди.

Эртаси куни эрталаб нонуштадан кейин қирғоққа келсалар, сув тиниб қолипти. Тўлқинлар пасайиб, қирғоққа майингина урилиб қўяди. Акрам кичкина плавкасини кийиб, денгизга қўрқа-писа кирди. Лекин денгиз



суви илиққина, жуда ёқимли. Тўлқин келиб Акрамни майин қўллари билан силаб ўтгандай бўлди.

Санжар ака бултур ўғлига сузишни бир оз ўргатган эди. Акрам сувда қурбақа сузиш қилиб суза бошлади. Шунда унинг оғзига бир оз сув кирди. Денгиз суви ачқимтир, шўр бўлишини Акрам энди билди.

Узоқдан тўқ кўк кўринадиган денгиз суви энди Акрамга алланечук бошқача туюлди. Сувини кафтига олиб қараса — тиниқ, гўё ҳеч қанақа ранги йўқдай.

— Дада, денгиз қора эмас-ку?— деди Акрам ҳайрон бўлиб.

— Ие, нега қора бўлиши керак?

— Бўлмаса нега бу — Қора денгиз?

— Ҳа, отими? Ҳў, ўрталарига бориб қарасанг, чуқур жойлари қора кўринади.

— Мени ҳам ўша чуқур жойларига оборинг, дадажон!

— У ёққа пароходда борилади-да.

— Ана, пароходлар ўтиб турибди-ку. Биз ҳам пароходга тушамизми, а, дада?

Акрам бу саволни ҳар кунини неча қайталаб берад эди.

— Пароходга тушиб нима қиласан?

— Денгизчи бўламан!

— Аввал химик бўламан дер эдинг-ку.

Акрам хиёл ўйланиб турди-да, жавоб топди:

— Дадажон, Тошкентга борсак, мен яна химик бўламан.

Бу жавобдан Муҳаббат опанинг завқи келиб кулди:

— Санжар ака, пароходга тушсак туша қолайлик. Кечқурунлари денгиз сайрига олиб чиқадиган пароход бор эмиш. Биз ҳам денгизнинг ўрталарига борайлик.

Санжар ака рози бўлди. Эрталаб кемалар тўхтайдигай жойга бориб билет олиб келди.

— Кеч соат олтида жўнар экан,— деди.— Икки соат айлантлар экан. Лекин денгиз бир оз тўлқинланиб турибди-да.

Муҳаббат опа осмонга булут чиққанини кўриб:

— Ҳаво ҳам қовоғини соляпти,— деди. Кейин қўлини силтади:— Э, ёғса ёғар. Ёз-ку! Соябонимни оламан!

Учовлари кечки пайт кемалар тўхтайдиган пристанга келдилар. Қирғоқдан денгизга қаратиб кўприк-симон тахта йўлка қурилган эди. Йўлка тамом бўлган

жойда катта темир устунга чирэйли оқ кема боглаб күйилган. Бу кема йирик-йирик тўлқинлар устида чайқалиб-чайқалиб турарди. Кеманинг баланд бир жойига радиокарнай ўрнатилган эди. Карнайдан қувноқ куйлар янграб турарди. Бир вақт куй узилди-ю, карнайдан эркак кишининг йўғон товуши эшитилди:

— Гражданлар! Бугун денгизда тўлқин бор. Кеманинг чайқалишини кўтаролмайдиган йўловчилар бўлса бошқа куни келсинлар! Бугунга олинган билетлар эртага ҳам ўтади. Такрорлайман...

Бу эълон яна бир марта такрорланди-ю, кейин яна музыка бошланди.

Санжар ака Акрамнинг юзига тикилди:

— Эшитдингми? Бугун сайрни қолдирамизми? Эртага балки ҳаво яхши бўлар.

Оқ кемага тезроқ чиқишга ошиқаётган Акрам:

— Йўқ, дадажон, бугун борамиз!— деб туриб олди.

— Кейин пушаймон бўлмаймизми, Муҳаббатхон?

— Йўқ, борақолайлик,— деди Муҳаббат опа ҳам.

Улар эллик-олтмиш нафар йўловчига қўшилиб кемага чиқдилар. Кеманинг одам ўтирадиган жойлари икки қават эди. Акрам дадаси ва ойиси билан бирга пастки қаватга тушадиган тик зинапоянинг олдидан ўтди.

— Тумшуқ томонида ўтирамиз, атроф яхши кўринди,— деди Санжар ака.

Кема хиёл чайқалиб тургани учун улар ўриндиқларнинг тутқичидан ушлаб-ушлаб, олд томонга ўтиб олдилар. Кеманинг йўғон каноп арқони темир устундан чиқариб олинди. Моторлар гуриллаб ишга тушди. Улар қирғоқдан секин узоқлашдилар-у, денгизнинг очиқроқ жойига борганда тезлаб кетдилар.

Оқ кема ўткир тумшуғи билан тўлқинларни ёриб ўтаётгани Акрамга кўриниб турарди. Қаршидан салқин шамол эсиб, Акрамнинг сочларини, кўйлагининг ёқаларини тортқилайди. Бу унинг завқини келтиради.

Қирғоқдаги бинолар узоқда қолган сари кичик кўринар эди. Кўктебели деб аталадиган тоғнинг қоя тошлари эса денгиздан кўзга тобора аниқ ташланарди.

— Ана, Девбармоқ кўринди!— деди Санжар ака.

Юксак ва тик қирғоқнинг бир жойида шакли чиндан ҳам улкан қоп-қора бармоққа ўхшайдиган минорадай катта қоя тош тиккайиб турибди. Унинг учи тоғлар устида қуюқлашиб бораётган қорамтир булутларга етиб борарди.

Аста-секин Девбармоқ ҳам узоқда қолиб кетди. Темир карнайидан қувноқ музыкалар эшитилиб турган кема очиқ денгизга чиқди. Энди қирғоқнинг пастроқ жойлари, баъзи кичик бинолар денгизнинг панасида қолиб кўзга кўринмай кетди. Акрам бундан таажжубланиб:

— Ойи, денгиз текис эмасми?— деб сўради.

— Денгиз ўзи текис. Лекин Ер худди шардай юма-лоқ. Мактабда ўқиганинда биласан. Ер юмалоқ бўлгани учун денгиз суви ҳам тепаликка ўхшаб, ўзидан наридаги нарсаларни тўсиб қўяди. Агар яна бир-икки соат юрсак, тоғлар ҳам сувнинг панасида қолиб кўринмай кетади.

Акрам денгиз сувининг тепаликка ўхшаб пана қилишини ақлига ҳеч сиғдирилмади. У тобора йириклашиб бораётган тўлқинларга қаради-да, «қирғоқни шулар пана қиляпти» деб ўйлади.

Шамол янада кучая борди. Осмонда булутлар қуюқлашган сари денгиз суви қорайиб кўринар эди. Катта-катта тўлқинларнинг устида гўё оппоқ қанотлар пайдо бўла бошлади. Бу — тўлқинларнинг ҳаракати тезлашганидан пайдо бўлган оқ кўпиклар эди. Денгизнинг қорайиб кетган сатҳида худди оппоқ ғозлар кетма-кет қанот ёзиб келаётганга ўхшарди. Ғозлар гўё учишга интилади, лекин учолмай, денгизга ботиб кетишади. Кетларидан яна беҳисоб ғозлар оқ қанотларини ёзиб келаверади. Лекин денгиз уларни ҳам бирма-бир ютиб юбораётгандай кўринади.

Оқ кема тобора қаттиқ чайқалар эди. Осмонда булутлар янада қуюқлашиб, атроф қорайиб кетди. Тўлқинланиб ётган чексиз катта денгиз қаршисида оқ кема кичкинагина кўринарди. Қоп-қора денгиз бу кемани ҳам оқ ғозларга ўхшатиб осонгина ютиб юбориши мумкинга ўхшарди.

Акрам шуни ўйлади-ю, ваҳми келиб, дадасининг пинжига суқилди.

— Қалай, денгизнинг қоралигини энди кўряпсанми?— кулимсираб сўради Санжар ака.

Акрам индамай бош ирғади. Шу пайт осмон қаттиқ мижжа қоққандай бўлди, кейин момақалдироқ қасирлади.

— Юринг, панароқ жой топайлик,— деди Муҳаббат опа Санжар акага ташвишли кўз ташлаб.

Улар кеманинг ўртасидаги усти ёпиқ бўлимига кир-

дилар. Бу ерда одам кўп. Одамлар орасида уч ёшлардаги бир бола ҳам бор эди.

Кема боягидан ҳам қаттиқ чайқала бошлади. Бундан бола қўрқди шекилли, онасининг бўйнидан қучоқлаб олди. Шу пайт яна устма-уст икки марта момақалди роқ гумбурлади. Болакай бирдан йиғлаб юборди:

— Сенга нима бўлди, Миша, нима бўлди?!— деб сўради онаси уни бағрига босаркан.

— Қўрқяпман!— деди бола йиғи аралаш.

Акрамни ҳам ваҳима босди. Чунки тўлқинлар кемани тарвуз пўчоғидай ўйнатмоқда эди. Кема бирдан ағдарилиб кетса-чи? Совуқ сувда, тўлқинлар орасида аҳволари нима бўлади? Момақалди роқ яна қасир-қусур қилди. Акрамга бу — даҳшатли хавф-хатарларнинг товушидай эшитилди. Миша деган бола яна:

— Қўрқиб кетяпман!— деб йиғлади.

Шунда ташқаридан денгизчилар формасидаги барваста бир йигит кириб келди.

— Йиғлаётган ким?— деди кулиб.— Э-э, сенмидинг? Мен боя радиодан, денгиз сал нотинч, қўрқадиганлар чиқмасин, деб эълон қилган эдим-ку.

— «Бораман» деб қўймади-да,— деди боланинг онаси.— Энди мана, йиғлаб ўтирибди... Қара, ана у бола ҳеч ҳам йиғлаётгани йўқ. Қара!

Боланинг онаси Акрамни кўрсатди. Денгизчи формасидаги амаки Акрамга ўгирилиб қаради. Акрамнинг ҳам ранги ўчган, кўзлари катта-катта бўлиб кетган эди. Денгизчи амаки Акрамнинг олдига келиб:

— Қани, танишиб қўяйлик,— деди.— Мен шу кеманинг капитаниман. Сенинг отинг нима?

Акрам отини айтаётганда овози зўрға эшитилди.

— Хўш, сен ҳам қўрқяпсанми?— деди капитан.

Акрам бояги қўрқувларини капитанга айтишдан уялди-да:

— Йўқ,— деди.

— Ҳа, яша! Қўрқадиган хатар йўқ. Мен ҳозир кемани орқага бураман. Бирпасда қирғоққа етиб борамиз. Сен шуни мана бу болага айтгин. Йиғламасин.

— Ҳозир!— деб Акрам ўрнидан турди.

Капитан ўз ўрнига қайтиб кетди. Кема ҳамон қаттиқ чайқаларди. Акрам гандираклаб кетмаслик учун ўриндиқнинг тутқичидан ушлаб олди.

— Уйинчоқларингдан йўқми?— деди унга дадаси.

Акрам бўш қўли билан чўнтагини қидирди. У гу-

гурт қутисидай келадиган жажжи автобусчасини доим ёнида олиб юрар эди. Ҳозир ҳам шу автобусча чўнтагида турган экан. Уни олиб онасининг қўлида йиғлаётган болага узатди.

— Ма, ўйна! Йиғлама! Ол!

Бола бир Акрамга қаради, бир автобусчага қаради. Йиғидан тўхтаб, бирпас жимиб қолди.

— Қара, деразачалари бор!— деб, Акрам болага яқинроқ борди. Болакай бунақа жажжи автобусчани биринчи марта кўраётгандай унга тикилди. Кейин автобусчани қўлига олди-да, ичида одами йўқмикин, деб митти деразачаларидан қаради.

— Ана, олди томонида шофёри ўтирипти,— деди Акрам.

— Биз ҳозир қирғоққа етамиз-у, мана шунақа автобусга тушиб, уйимизга кетамиз,— деди болага онаси.

Бола автобусча билан овуниб денгизнинг ваҳимасини унутди.

— Бу орада ёмғир ёғиб юборди. Акрам деразадан қараса, денгиз суви энди ёмғир томчиларидан чўтир бўлиб кетибди.

Ёмғир қуйган сари шамол пасайиб борар эди. Кейин тўлқинлар ҳам аста-секин босила бошлади:

Улар қирғоққа келиб тушганларида денгиз аввалгидан кўра тинчроқ, мулойимроқ бўлиб қолган эди. Атрофдан ёмғир шовури эшитилиб турарди.

Муҳаббат опа қора соябонини очди-да, Акрамни ҳам унинг тагига тортди. Санжар ака плашини кияр экан, Акрамга қараб:

— Қалай, ҳали ҳам денгизчи бўлмоқчимисан?— деди.

Акрам тезда жавоб бермади. Денгизнинг баҳайбат кўринишлари ҳали ҳам унинг кўз олдидан кетмай турибди. Лекин у қўрқиб йиғлаган болани қандай юпатганини эслади-да, мамнун жилмайди:

— Ҳа, денгизчи бўламан!

## ВЕЛОСИПЕД ПОЙГАСИ

Акрам бу йил ёзда еттига кирди. У тўладан келган, бўйи кўпчилик тенгдошлариникидан баланд. Унга тўрт яшарлигида олиб беришган митти велосипед энди қадди-қоматига тўғри келмай қолди. Шавкатга отаси бултур занжирлик велосипед олиб берган эди. Бу йил

Акрамнинг тенгдоши Эркин ҳам велосипедлик бўлди. Лекин Санжар ака:

— Бу велосипед анча тез юради, бир-бирлари билан қувлашиб катта кўчага чиқиб кетишса, бирон фалокат бўлади,— деб Акрамга занжирлик велосипед олиб бермади.

Шавкат билан Эркин велосипедларини асфальт йўлкада минишга ўрганган эдилар. Акрамнинг уларга ҳаваси келарди.

— Шавкат, бирпас минай,— деб Акрам гоҳо унинг велосипедини сўраб оларди.

Шавкат унга велосипедини бирда берса, бирда бермасди:

— Дадангга айт, олиб берсин! Ана, Эркинга ҳам ойиси олиб берди-ку!

Бу гапларни эшитган Муҳаббат опа билан Санжар ака ўзаро маслаҳатлашишди-да, Акрамга ҳам ўша велосипеддан олиб беришди.

— Лекин сен бир нарсани унутма, Акрам,— деди Санжар ака ўғлига.— Бўйинг Шавкатга тенг келгани билан ўзинг ундан икки ёш кичиксан. Шавкат озгин, чаққон. Сенинг оғирлигинг ёшингга қараганда катта. Шавкат кўча юзига чиқиб кетганда ҳам сен чиқма. Бир марта машинанинг тагида қолгансан, шу сенга етади.

— Хўп, дадажон, хўп!

— Бизнинг йўлка тор, велосипед пойгасининг жойи эмас. Сен катта бўлсанг, ўзим сени пойга ўйнайдиган жойга олиб бораман.

Акрам тезроқ велосипедни миниб чиқишни истарди. Шунинг учун шошилиб:

— Майли, дадажон, айтганингизни қиламан,— деди.

— Ваъда бериш осон. Аммо кейин эсингдан чиқиб кетса...

— Эсимдан чиқмайди!

Санжар ака ялтираб турган велосипеднинг гайкаларини бураб, ҳамма ёғини созлаб берди.

— Мен яқинда сафарга кетадиганман,— деди.— Мен йўғимда у ёқ-бу ёғига тегма.

— Хўп, тегмайман,— деб Акрам велосипедини етаклаб чиқиб кетди.

Энди йўлкада бир эмас учта велосипед пайдо бўлди. Уларнинг ҳаммасидан тез юрадигани Шавкатники эди. Чайир гавдали қорамағиз Шавкат йўлканинг у ёғидан-

бу ёнига шамолдан учиб бориб келарди. Биринчи кун  
ниёқ Шавкат Акрамга:

— Кел, пойга ўйнаймиз!— деди.

Акрам бошини чайқаб, унамади.

Йўлканинг четларида цемент ариқчалар бор эди.  
Акрам велосипедини бураётганда шу ариқчаларга ту-  
шиб кетишдан қўрқарди. Лекин кунлар ўтиши билан  
унинг машқи ошди, ариқнинг ёнидан ҳам тез бурилиб  
ўтадиган бўлди.

Дадаси сафарга кетгандан кейин Акрам анча дадил-  
ланиб:

— Ойи, боғчага велосипедда бораман,— деди.

— Йўқ, боғчагача нечта серқатнов кўчадан ўтиш  
керак, хатарли,— деб Муҳаббат опа унга рухсат бер-  
мади.

Акрам боғчага бориб келгунча велосипедини соғиниб  
қоларди. Кечқурун уйга келган заҳоти велосипедини  
йўлкага етаклаб чиқарди. Уч бола учта велосипедда  
бир-бирлари билан қувлашиб, асфальт йўлканинг тўс-  
тўполонини чиқаришар эди.

Муҳаббат опа дам-бадам уйдан чиқиб, ўғлига қараб  
қўяр, Акрам тез ҳайдаётганини кўrsa уришар эди:

— Мунча ошиқасан! Секинроқ юр!

— Шавкат мендан ҳам тез ҳайдаяпти-ку!

— Шавкатнинг ёши сендан катта. Сен унга қарама!

— Хўп,— деб Акрам велосипедини секинлатди.

Бир кун Шавкат велосипедидан тушди-да, Акрамни  
ёнига чақирди.

— Қани, туш, бўй ўлчашамиз,— деди.

Акрам унинг ёнига келди. Шавкат бошини Акрам-  
нинг бошига яқин тутди-да, қўли билан бўйини ўлчаб  
кўрди:

— Сен мендан баландсан-ку. Елканг ҳам менинг  
елкамдан кенг.

— Сен мактабда ўқийсан. Мен боғчадаман.

— Боғчада бўлсанг нима? Мен боғчадалигимда  
ҳам ҳеч нарсадан қўрқмас эдим. Сен пўкроқсан. Гав-  
данг бор-у, юрагинг йўқ.

— «Пўк» деганинг нимаси?..

— Ичи бўш ошқовоқ бор-ку...

— Сен ўзинг ошқовоқ!

— Йўқ, сен!— деб Шавкат велосипедини миниб қоч-  
ди. Акрам ҳам велосипедини миниб уни қувиб кетди.  
Шавкат йўлканинг нариги четига бориб орқага бурила

бошлади. Шунда Акрам унга етиб олди. Лекин Акрам жуда тез келаётган эди, педални орқага босиб, шунча тормоз берса ҳам велосипедини вақтида секинлата олмади. Шавкатнинг бурилаётган велосипедини Акрамнинг велосипеди олдинги филдираги билан уриб юборди. Шавкат эгар устида қаттиқ чайқалди. Унинг велосипеди эса нариги томонга ағдарилиб тушди. Акрам қўрқиб кетди. У дарров велосипедидан тушиб, Шавкатга қараб югурди.

Шавкат йўлка четидаги юмшоқ ўт устига ёнбоши билан тушган эди. Сапчиб ўрнидан турди. Акрамни жеркимоқчи эди:

— Шавкат, кечирасан, мен билмай қолдим,— деб Акрам дарров узр сўради. Кейин Шавкатнинг ағанаб ётган велосипедини ердан турғизиб берди.

Шавкатнинг тиззаси сал шилинган эди.

— Агар яна шундай қилсанг, сен билан ўйнамайман,— деди у Акрамга.

— Иккинчи қилмайман. Бир марта кечиргин.

— Майли, кечирдим.

Эртаси куни Акрамнинг ўзи ҳам йўлкада ётган ўйинчоқ машинага қоқилиб кетиб велосипедидан йиқилиб тушди. Аммо ерга оёғи билан тушгани учун ҳеч нарса қилмади.

— Йиқилсанг ер кўтаради,— деб Шавкат унга тасалли берди. Акрам анча дадилланди. Дам олиш куни Шавкат билан Эркин «ким ўзар» ўйнашганда Акрам ҳам уларга қўшилди. Бир пайт Акрам Эркиндан ўзиб кетди. Кейин у Шавкатга қараб:

— Сендан ҳам ўзаман!— деди.

— Узолмайсан!

— Ўзаман!

— Қани, юр бўлмаса!

— Юр!

Улар велосипедларини ёнма-ён қилиб турдилар. Эркин:

— Бир, икки... Уч!— деганда жон-жаҳдлари билан ҳайдашга тушдилар.

Шавкат олдинга ўтиб кетди. Акрам жон-жаҳди билан педални босиб, унга яқин борди. Сўнг Шавкатни ўнг томонидан қувлаб ўтмоқчи бўлди. Шавкат унга йўл бермаслик учун йўлканинг ўнг томонига ўтди. Шунда Акрам чап томондан айланиб ўтмоқчи бўлди.

У ўйинга қизиқиб кетиб, чап томонда цемент ариқ



борлиғини ушутган эди. Акрам Шавкатни айланиб ўтаман деб рулни анча кескин бурди. Тез бораётган велосипед бирдан цемент ариққа тушиб кетди. Олдинги ғилдирак ариқнинг қиррадор четига шундай қаттиқ урилдики, рул буралиб, Акрамнинг қўлидан чиқиб кетди. Олдинги ғилдирак кўндаланг бўлиб, ариқдан чиқолмади. Акрам эгардан ариқнинг нарёғига учиб кетди. У қаттиқ цемент устига юзи билан уриладиган эди. Буни сезиб қўлини тез олдинга қилди. Шунинг учун аввал қўллари ерга шапиллаб тушди. У чап ёни билан йиқилгани учун бутун гавдасининг оғирлиги чап қўлига тушди.

Билагида бир нарса «қирс» этди. Қаттиқ оғриқдан кўзида ўт чақнагандай бўлди. Бир лаҳза Акрам ўзини билмай қолди. Кейин қўлларини ерга тираб ўрнидан турмоқчи бўлди. Шунда чап қўли оғирлигини кўтаролмай қайрилиб кетди.

— Уҳҳ! Қўлим!.. Қўлим!— деди Акрам, кўзи бирдан жиққа ёшга тўлиб.

Унинг чап билаги ўртасидан шишиб чиққан ва жонсиз бўлиб қолган эди.

Бир вақт Муҳаббат опа чошиб келди. Кейин Шавкатнинг дадаси чиқиб, ўғлини уришиб, олиб кириб кетди.

Акрамнинг билаги жуда қаттиқ оғримоқда эди. Ойиси кўчадан такси топиб, уни дарров докторхонага олиб борди. Жарроҳ амаки унинг билаги синганини аниқлади. Синган суякни тўғрилаб, билакни гипсга солгунларича Акрам шунчалик кўп азоб тортдики, буни кўриб Муҳаббат опа ҳам кўзларига ёш олди:

— Ахир даданг айтди, мен айтдим! Велосипедда пойга ўйнама, дедик! Нега гапга кирмадинг, болам?

Акрам бунчалик бўлишини ҳеч ҳам хаёлига келтирмаган эди. У дадасига берган ваъдасини унутиб қўйгани учун ўзини гуноҳкор сезарди. Билаги қаттиқ оғриганда додлаб йиғлагиси келса ҳам тишини тишига босиб:

— Узим ёмон қилдим, ўзим!— дерди.

Унинг билагини тирсагигача маҳкам гипслаб, дока билан боғлашди. Кейин доканинг бир учини бўйнига осиб қўйишди.

Кечагина соппа-соғ юрган Акрамнинг бугун шундай аҳволга тушиб қолгани қўшни болаларга ҳам жуда оғир таъсир қилди. Шавкатга дадаси:

— Шу фалокатга сен ҳам сабабчи бўлгансан, ҳам-ма бузуқчиликни сен бошлагансан!— деб уни уйдан чиқармай қўйди. Велосипедни омборчага олиб кириб, бекитиб ташлади.

Эркин ҳам велосипедни минмай қўйди.

Орадан уч кун ўтгандан кейин Акрам йўлкада Шавкатни кўриб қолди. Шавкат Акрамнинг озиб, кўзлари киртайиб қолганини кўрди-да, унга жуда ачинди:

— Акрам, мени кечир!— деди у лаблари титраб.— Пойгани мен бошламаганимда... сен мунча қийналмас эдинг.

— Мен ўзим ҳам... нотўғри қилдим-да.

— Энди ҳеч бундай қилмаймиз, хўпми?

— Хўп,— деб Акрам Шавкатга соғ қўлини узатди.

Шавкат унинг қўлини авайлаб қисди.

Орадан бир ярим ой ўтгандан кейин Акрамнинг билагидан гипсини олишди. Унинг синган жойи битиб кетди. Лекин велосипед билан ҳазиллашиб бўлмаслиги унинг эсидан чиқмайдиган аччиқ бир сабоқ бўлиб, кўнгилида қолди.

## ТУТ

Санжар аканинг ҳовлисида ўрик, беҳи, ток билан бирга танаси ғадир-будур кекса балх тути ҳам бор. Баҳорда тут пишганда Санжар ака унинг оппоқ доналарини битталаб териб ейишни яхши кўради. Уғли Акрамга:

— Сен ҳам тутдан еб тур, бу жуда ажойиб нарса,— дейди. Лекин Акрам тутдан териб ейишга эринади. Ойиси тақсимчага солиб, шакар сепиб қўйган йирик-йирик қулупнайлар Акрамга кўпроқ ёқади. Тут пишиб тагига тўкилиб ётса ҳам Акрам қайрилиб қарамайди.

Бир кун кечки пайт Санжар ака ишдан келиб сўрида дам олиб ўтирган эди. Уғли йўлкада тўкилиб ётган оппоқ тут доналарини кўрмасдан босиб ўтганига кўзи тушди.

— Бу ёққа кел!— деб Санжар ака ўғлини ёнига чақириб олди.— Қани, бу ёққа чиқ...

Отасининг қошлари чамирилганини кўрган Акрам, «ҳозир гап эшитаман,— деб ўйлади.— Яна нима ёмон иш қилдим экан?..»

— Утир... Бошимдан ўтган бир воқеани айтиб бермоқчиман.

— Акрамнинг хавотирлиги бирдан босилди. У дадаси-

нинг бошидан кечган воқеаларни жуда қизиқиб тинглар, кўпинча, «дада, кўрган нарсаларингиздан айтиб беринг», деб илтимос ҳам қилар эди.

— Уруш вақтида мен сендан сал каттароқ бола эдим,— деб гап бошлади Санжар ака.— Биз тоғдаги қишлоғимиздан Бекободга кўчиб келган эдик. Отам Уралга ишчи батальонига кетган. Катта акам қурилишга ишга кирган. Биз унинг қарамоғига ўтганмиз, карточка билан нон оламиз.

Акрам карточканинг нималигини билмас эди:

— Картошка билан нонми?— деб сўради.

— Э, афанди! Мен қоғоз карточкани айтяпман. У вақтларда нон танқис эди. Ғалланинг кўпи фронтда жанг қилаётган аскарларга юборилар эди. Бизнинг ҳар биримиз карточка билан тўрт юз грамм-беш юз граммдан қора нон олар эдик. Тўйиб ейман десанг, бу нон битта нонуштадан қртмас эди. Лекин биз шуни оздан еб, бир кунга етказар эдик. Ҳамма озиб кетган эди. Лекин ҳамма ғалабани ўйлар эди. Ғалаба учун ҳар қандай қийинчиликка чидар эдик. Биз айниқса урушнинг охириги йили кўп қийналдик. Сигиримизни ҳам сотиб еганмиз. Сут-қатиқ йўқ. Бутун рўзғорни нон карточкаси билан тебратамиз. Шунинг устига мен бир ёмон иш қилдим... Баҳор пайти эди. Эсимда бор, қаттиқ шамол бўлаётган эди. Магазинга бориб, бешта карточкага нон олдим-у, уйга қайтдим. Чўнтагимни қарасам, карточкалар йўқ-да! Орқамга қайтиб, ўтган жойларимни ўн мартадан қидирдим. Топмадим. Шамол учиб кетганми ёки бошқа ҳодиса бўлганми, билмайман. Ишқилиб, беш кишининг ўн кунлик нон карточкаси йўқолди...

— Бошқасини олсангиз бўлмасмиди?— деди Акрам.

— Йўқ, бу мумкин эмас эди. Чунки нон ҳам, карточкалар ҳам — ҳаммаси ҳисоблик бўларди. Бизга икки қайта берса, бошқа биров оч қолиши мумкин эди... Ўн кун жуда ёмон бўлди.

— Ҳеч ким ёрдам бермадимми?

— Яхши қўшнилар, қариндошлар қўлларидан келганича ёрдам беришди. Акамни ишчи ўртоқлари боқибди. Лекин — у пайтда ҳамма ҳам танқислик тортар эди... Унча-мунча топилган нон-понни онам бизга берди, ўзи ҳеч нарса емай дармондан кетиб ётиб қолди. Уша кезларда энди тут пишган эди. Лекин бизнинг ҳовлимизда ҳам, яқин атрофимизда ҳам тут дарахтлари йўқ

эди. Бир кун ярим кечада акам мени станцияга олиб чиқди. Поезднинг очиқ юк вагонларига миндик-да, тонг отганда ўттиз-қирқ чақирим нарига бориб тушдик. Бир жойда тут пишиб турган экан. Шохига чиқиб роса едик... Неча кундан бери очликдан қийналган эдим. Тут менга шундай тотли туюлдими, умримда мен бундай ширин нарсани кам еганман. Ўша куни тутга бир тўйдик, кейин акамнинг белбоғига бир оз тут тугиб олдик. Яна поездга тушиб, уйга етиб келгунимизча белбоғдаги тут эзилиб, суви оқиб кетган эди. Укаларим тутнинг шу қолдиғини ҳам талашиб ейишди. Онам ҳам ундан озгина еб кўрди-ю: «Кўпроқ олиб келмадингларми?»— деди. Биз челақ олиб бормаганимизга афсус қилдик. «Аттанг-а!— деди онам,— тут одамни дармонга киргизади. Шундан кўпроқ есам, мен ҳам тузалиб кетармидим?» Мен бу гапни эшитдим-у, «ака, яна борайлик», дедим. Лекин акам ишга чиқиши керак эди, «мен икки кунгача банд бўламан, ундан кейин борамиз», деди. Мен икки кунгача қараб ўтиргим келмади. Нон карточкасини йўқотиб, ҳаммани қийнаб қўйган менман. Нима бўлсам бўларман, дедим-у, битта бўш челақни қўлимга олиб эрталаб станцияга чиқдим. Тушгача овора бўлиб поездга миндим-у, акам олиб борган тутзорга етиб келдим. Марвариддай оппоқ тутлардан тўйгунимча териб едим. Кейин яхши-яхши доналаридан онам учун териб челақка солдим. Челақ тўлай деб қолди. Станциягача анча йўл. Ўзим ўн икки яшар озгин боламан. «Шуни кўтариб кетолсам ҳам катта гап», дедим-у, кечки пайт йўлга тушдим. Қош қорайганда битта юк поездига секин чиқиб олдим... Поезд юриб кетди. Тезлик катта. «Қоронғи тушгунча Бекободга етман»— деб хурсанд бўлиб боряпман. Ана, цемент заводининг трубалари кўринди. Поезд секинлаши керак, лекин ҳали ҳам тез юриб боряпти. Станцияга ҳам кирдик. Поезд энди секинлар, десам, станцияда тўхтамай, гудок бериб ўтиб кетди! Энди нима қиламан? Поезд шаҳардан ўтиб тўхтармикин, десам, яна тўхтамади. Челақ билан сакраб тушиб кетолмасам!.. Қоронғи тушиб қолди. Кимсасиз чўл бошланди. Юрагим такапука. Онам роса хавотирланаётган бўлса керак. Бу поезд мени қаерларга олиб кетяпти?.. Ҳамма ёққа қоронғилик тушганда поезд чўлдаги кичик бир станцияга бориб тўхтади. Вагондан шоша-пиша тушдим. Шунда мени станциянинг назоратчиси кўриб қолди. «Тўхта!»—

деди, Тўхтадим. Олдимга келганда қарасам, темир йўл формасидаги хотин киши экан. Унга бўлган воқеани бир-бир айтиб бердим. Нон карточкасини йўқотиб қўйганимни, онам уйда касал ётганини, мана шу тутни онам учун териб кетаётганимни айтаётиб, йиғлаб юбордим. Назоратчи хотиннинг менга раҳми келди. «Ҳозир нарёқдан Бекободда тўхтайдиган поезд келади, чиқариб юбораман, йиғлама!»— деди. Айтганини қилиб, мени бошқа поездга миндирди-ю: «Лекин иккинчи бунақа саёқ юрма!»— деди. Мен ўзим ҳам «уйга етиб олсам, ҳеч ҳам бундай қилмайман» деб кўнглимга тугиб боряпман... Ҳалиги поезд Бекободга ярим кеча бўлганда келди. Челақ кўлимда. Станциядан уйимизгача ҳам анча йўл... Саҳар палла уйга етиб бордим. Онам ухламай ётган экан. «Вой, Санжаржон, қаерда эдинг! Мен ҳавотирланиб ўлдим-ку!»— деди. Мен пастлатиб қўйилган керосин чироқнинг пилигини кўтардим. Челақни оймнинг олдига қўйдим, кейин тутга борганимни айтдим. Чироқнинг ёруғи челақка тушди. Қарасак, паровозларнинг қуруми тегиб, оппоқ тутлар кечаси билан қорайиб қолибди. Онамга тозасини бердик. Қолганини укаларим билан ювиб едик. Онам икки-уч марта тутдан тўйиб еди-ю, дармонга кириб, ўрнидан туриб кетди. Уч-тўрт кун ўтгандан кейин ой янги бўлди, янги нон карточкалари олдик. Кейин уруш тугади, отам қайтиб келиб, яна чўпонлигини қила бошлади. Биз Бекободдан тоғдаги қишлоғимизга кўчиб бордик. Тўқчилик бўлиб, кўп нарса эсимиздан чиқиб кетди... Лекин ўшанда тут бизнинг жонимизга қандай оро кирганини онам ҳали-ҳали эслаб юради...

Ҳовлиларида пишиб, тагига тўкилиб турган тут энди Акрамнинг кўзига бошқачароқ кўринди. Гўё уруш вақтида отасига катта яхшилик қилган тут дарахти узоқлардан мана шу ҳовлига келиб қолган эди. Унинг шабадада секин қимирлаб турган тўқ яшил барглари Акрамга шивирлаб, «истасанг сенга ҳам яхшилик қиламан», дегандай бўларди.

Санжар ака Акрамнинг сўри четига ечиб қўйган шиппагига қаради. Боя Акрам босиб олган тутларнинг нами шиппақдан ҳали кетмаган эди.

— Қара,— деди Санжар ака ўғлига.— Шу тўғрими?

Акрам индамай ўрнидан турди. Ҳовлига тўкилган тутларни оёқ остидан супурги билан секин супуриб олиб, ариққа ташлади.

Эртаси куни Санжар ака ишдан келса, айвонда жажжи челакча йирик-йирик оппоқ тутга тўлиб турибди. Санжар ака тутдан биттасини оғзига солди-ю маза қилиб:

— Оҳ! оҳ! — деди. — Муҳаббатхон, буни ким терди?

Акрам индамай кулимсираб турарди. Шунда Муҳаббат опа тутни Акрам терганини айтди...

## АКРАМНИНГ КАКЛИГИ

Акрамнинг бобоси Суюн ота тоғда яшайди. 1969 йилнинг қишида қор жуда қалин ёғди. Суюн ота бир кун тоққа ўтин тергани чиққан эди, белигача қорга ботиб, юролмай қолди.

Уша йили тоғдаги какликларга жуда қийин бўлди. Улар ейдиган дон-дунлар қалин қорнинг тагида қолиб кетди. Какликлар оч қолиб тоғ оралиғидаги қишлоққа томон тушиб келдилар. Лекин қишлоққа яқин келишга қўрқдилар.

Совуқ жуда қаттиқ эди.

Суюн отанинг какликларга раҳми келди. Қирга дон олиб чиқиб, қорнинг юзаси қотган жойига сепиб қўйди. Какликлар бу донларни топиб егунча бўлмай, яна қор бўралаб ёғишга тушди. Эртаси куни Суюн ота қирга чиқса, тўрткўз ит совуқда қотиб ўлган бир какликни қанотидан тишлаб келяпти.

Суюн ота қалин қорда секин юриб, камар тошларнинг қавагига яқинлашди. Қорнинг орасида қорайиб турган бир қавакдан кулранг каклик «қийқ!» деб чиқди-да, қочмоқчи бўлди. Лекин оч каклик заифлашиб қолган эди. Унинг оёқлари янги ёққан юмшоқ қорга ботиб кетди. Қанотларини қорга уриб, патиллаб, бешолти қадам нари борди-да, ҳолдан тойиб, тўхтади. Совуқ бўлишига қарамай, каклик қизил тумшугини очиб, ҳансираб нафас ола бошлади. «Очликдан бунинг ҳам силласи қурибди»— деди Суюн ота ичида. «Ташлаб кетсам, наригисига ўхшаб совуқда қотиб ўлади. Ундан кўра тутиб олиб кета қолай».

Суюн ота олтмишга кирган бўлса ҳам, ҳали жуда бардам. У какликнинг кетидан тушди. Каклик охириги кучларини тўплаб яна қочди. Қанотлари билан қор зарраларини чангитиб уч-тўрт қадам нарига борди. Кейин қочишга дармони қолмади, Суюн ота унинг

кетидан чопиб келди-да, икки биқинидан икки қўллаб ушлаб олди.

Уйда Суюн отанинг тол новдасидан тўқилган каттагина қафаси бор эди. Какликни шу қафасга солиб, оёғининг тагига дон сепди. Қафаснинг бир четида какликнинг боши сизадиган тешикча бор эди. Уша тешикчанинг пастига сопол сувхўрак осиб, уни сувга тўлдирди. Кейин какликни қафаси билан илиқ омборчанинг шифтига осиб қўйди.

Ойхол момо чолига тегишиб:

— Энди қариганда какликбозлик қилмоқчимисиз?— деди.

— Буни мен Тошкентдаги неварангга атаб боқмоқчиман.

— Акрамгами?

— Ҳа, бултур келганда «каклик тутиб беринг», деб кўп чирқиллаган эди.

— Ундай бўлса майли, дадаси,— деди Ойхол момо чолининг ниятини ёқтириб.

Кейин Суюн ота уйда йўқ пайтларида какликнинг дон-сувига ўзи қарайдиган бўлди.

Кундузлари ҳаво илиқ бўлса, Ойхол момо какликни қафаси билан ҳовлига олиб чиқиб, дарахтга осиб қўяди. Кечалари совуқ бўлса, яна омборчасига олиб киради. Ўзи уй ишлари билан банд бўлиб қолса:

— Ҳой, дадаси, Акрамнинг каклигига қаранг, — дейди.— Омборчада димиқиб кетгандир, ҳовлига чиқариб осинг!

Кунлар ўтиши билан каклик чол-кампирга жуда ўрганиб кетди. Ёз кириб кунлар исиди, тоғларнинг қори фақат баланд чўққиларнинг учидагина қолди.

Бир куни кечқурун Ойхол момо бостирмада сигир соғаётган эди, дарвоза томонда машина гуруллагани эшитилди. Кейин шаҳарча калта шим-шорти кийган бош яланг бир бола икки табақали дарвозани ташқарисидан итариб оча бошлади. Ойхол момо болани юришидан невараси Акрамга ўхшатди. Лекин бўйи Акрамникидан баланд. Ойхол момо ўрнидан туриб челакни бир четга қўйди.

Бола дарвозани очган заҳоти ташқаридан қизил «Москвич» машина ҳовлига секин кириб келди. Рулда Акрамнинг дадаси Санжар ака ўтирипти. Ойхол момо ўғлини бир қарашда таниди-ю, унга қараб қучоқ очиб кела бошлади: —

— Вой, дардинги олай, Санжаржон! Уғлинг ҳам бўйи ўсиб катта бўлиб қолибди, зўрға танибман! Момонг айлансин, сендан, Акрамжон!

Ойхол момо ота-болани кучоқлаб ўпа бошлади. Шунда Акрам бувисининг узун, кенг кўйлагидан сут ҳиди кслаётганини сезди.

Акрам бобосининг унга атаб каклик тутиб қўйганини эшитган эди. Сабри чидамай атрофга аланглади:

— Бобом қанилар?

— Бобонг тоғда қўй боқяпти. Кечқурун келади.

— Каклик-чи? Каклик қаерда, буви?

— Каклик шу ерда. Лекин мени момо дегин, болам.

Шаҳарда онангнинг онаси Собирахон бувинг бор-ку. У кишини буви десанг, мени момо дегин.

— Хўп, моможон. Энди менга какликни кўрсатинг.

— Ҳали, шошма.

Ойхол момо сўрига кўрпачалар тўшаб, Санжар акани ўтқизди, фотиҳа ўқиб, ҳол-аҳвол сўрашди.

Шундан кейин Акрамни пешайвонлик уйнинг ортидаги боққа эргаштириб чиқди-да, саданинг шохига осиб қўйилган қафасни кўрсатди.

Силлиқ кулранг каклик товуқдан сал кичикроқ эди. Тумшуғи билан оёқлари Акрамга худди атайлаб қизилга бўяб қўйилгандай кўринди. Патларида, бўйнининг атрофларида қора жимжималари бор.

Ойхол момо қафасни саданинг шохидан олди. Какликнинг дон-суви етарли эди. Шундай бўлса ҳам, каклик Ойхол момодан алланарса кутгандай бўлиб турарди. Ойхол момо қафаснинг икки четидаги иккита илгачини очди. Шунда қафаснинг хивичдан тўқилган устки қисми тагидаги ёғочдан ажралиб чиқди. Каклик қафасдан бўшаб, ерга сакраб тушди, йўрғалаб дарахтларнинг орасига кириб кетди.

— Ие, момо, учиб кетмайдими?— ҳайрон бўлиб сўради Акрам.

— Кетмайди, одамга ўрганган. Бобонг бунинг узоққа учадиган патларини кесиб қўйганлар.

Акрам какликнинг кетидан эргашди. Каклик ҳовли четидаги бедазорга бориб, бирпас кўкаламзорда айланиб юрди. Беданинг нафармон гулини уч-тўрт марта чўқиб қўйди. Кейин девор тагидаги товуқхонага яқинлашди. Товуқлар унга ўрганиб қолишган экан. Каклик товуқларнинг донидан чўқиди.

Кейин каклик дарвозага қараб йўрғалади.



— Ҳай, болам, қайтар!— деди Ойхол момо Акрамга,— кўчага чиқса йўқолиб кетади.

Акрам югуриб какликнинг олдига ўтди-да, дарвозани бекитди. У какликни қўлига олиб эркалагиси келар эди. Лекин каклик чопиб, йўрғалаб дарахтларнинг орқасига ўтиб кетди.

Акрам бу чиройли қушга қараб тўймас эди. Қоронғи тушгунча каклик ҳовлида айланиб юрди. Унинг гоҳ йўрғалаб, гоҳ лапанглаб юриши, тўхтаб атрофига қараши, тумшуғининг қизиллиги, патининг силлиқлиги — ҳаммаси Акрамнинг завқини келтирар эди.

Кеч кирганда тоғдан қора қашқа от минган Суюн ота қайтди. Отдан тушиб ўгли билан кўришар экан:

— Э хайрият, ҳар йил Қора денгизга кетадиган ўғлимиз бу йил бизнинг тоққа келибди!— деб ҳазиллашди. Кейин Акрамни бағрига босди:— Қалай, какликдан хурсандмисан?

Акрам бош ирғаб, уялинқираб:

— Ҳа,— деди.

— Бобонгга нима дейишинг керак?— сўради Санжар ака ундан.

— Раҳмат, бобожон...

— Мактабга боряпсанми? — сўради Суюн ота.

— Иккинчини битирди. Ҳозир каникул.

— Баҳоларинг қалай?

Акрам мақтангиси келмагандай ўнғайсизланиб ерга қаради. Шунда унинг ўрнига Санжар ака жавоб берди:

— «Беши» ҳам бор, «тўрти» ҳам бор.

— «Учи» йўқми?

— Ҳозирча йўқ. Лекин ҳаракат қилса аълочи бўлар эди. Бир оз ўйинқароқлиги бор.

— Ҳаракат қилгин-да, ахир, ўғлим! Мана, биз ҳаракат қилиб, сенга каклик тутиб қўйдик.

— Энди ҳаракат қиламан.

Гира-шира қоронғилик тушди. Ҳовлида юрган каклик кўзга кўринмай қолди. Ойхол момо ошхонадан чиқиб:

— Ҳай, дадаси,— деди.— Акрамнинг каклиги йўқолиб қолмасин.

— Ҳозир топамиз,— деб Суюн ота дарахтларнинг ортига ўтди-да, какликни бедазордан ҳайдаб чиқди.

Каклик қафасга яқинлашгиси келмай, гоҳ уёққа, гоҳ буёққа йўрғалаб қочар эди. Лекин барваста Суюн ота кенг қулочини ёзиб, унинг йўлини тўсиб чиқарди.

— Бобожон, каклик ҳовлида ётаверса бўлмайди-ми?— деди Акрам.

— Бўлмайди-да, мушук еб қўяди. Қўшнининг ёмон бир мушуги бор.

— Шошманг бўлмаса, мен тутиб олай! Какликни бир қўлимга олай!

Лекин каклик Акрамга яна тутқич бермади. Акрам бундан ранжигандай бўлиб, бобосига шикоят қилди:

— Нега бундай қилади?

— Какликнинг бадани жуда нозик-да. Қўлга олаверсанг эзгиланиб, касал бўлиб қолади. Шунинг учун мен ҳам бунга кўп қўл текизмайман.

Суюн бобо какликни қафас томонга секин ҳайдаб борди. Қафаснинг новдадан тўқилган юқори томонини қўлига олиб, какликнинг тепасига келтирди-да, унинг устига ёпгандай қилди. Кейин шунинг ёрдами билан какликни юргизиб бориб, қафаснинг тагида турадиган ёғочи устига чиқарди. Илгаклари илингандан кейин қафас яна аслига қайтди. Қафас ичида чиройли каклик алланечук зерикиб маъюсланиб қолгандай кўринарди.

— Бобожон, мен какликни Тошкентга олиб кетсам майлими?

— Билмадим. Каклик салқин тоғ ҳавосига ўрганган. Тошкентнинг ҳавоси бунга оғирлик қилар.

— Мен ўзим қарайман. Салқин жойда асрайман. Каклик бу ерда зериккан бўлса Тошкентда зерикмайди.

Санжар ака ўғлига қараб кулди-да:

— Сенинг шаҳардаги томошаларинг какликни овунтирадимми?— деди.— Бунга табиат керак, тоза ҳаво керак. Энди тетапоя бўлиб, юриб кетган пайтларингда мен шу ердан шаҳарга битта каклик олиб борган эдим. Эсингдами?

Акрам бир ярим яшарлик пайтида кўрган нарсаларини эслолмас эди.

— Ана ўша каклик қиши билан турди-ю, ёз иссиқлари бошланганда касалга чалиниб, ўлиб қолди. Буни ҳам олиб борсанг шаҳарда кўп яшай олмайди.

Акрам шундай чиройли какликнинг ўлиб қолишини сира-сира истамас эди. Шунинг учун:

— Майли, бўлмаса, шу ерда тураверсин,— деди.

Эртаси куни бобоси унга какликнинг қафасини очиб-ёпишни ўргатди. Акрам сопол сувхўракнинг сувини янгилади. Какликнинг олдига дон сочди. Кейин уни қафасдан чиқариб юбориб, ҳовлида анча вақт ўйнатди.

Каклик ҳар замонда паст товуш билан «қийқ!» «қийқ!» деб қўяр эди-ю, лекин ҳеч сайрамас эди. Акрам тоққа чиққанда арчазорларнинг орасида тўлиб-тошиб сайраган какликларнинг товушини эшитган эди. Какликнинг сайраши унга жуда ёқар эди.

— Дада, бу каклик нега ҳеч сайрамайди?— деб сўради Акрам дадасидан.

Санжар ака от эгарлаётган эди. У тоғ яйловида қўй боқадиган отасининг олдига бормоқчи эди.

— Каклик қафасда кўп сайрамайди,— деди Санжар ака.

— Нега?

— Қафасда бир ўзи сиқилса керак-да. Тоғда эркин юрганда бошқа какликларнинг сайраганини эшитади. Кейин ўшаларга басма-бас сайрашга тушади.

— Бўлмаса буни ҳам тоққа олиб борайлик. Бечора бир сайрасин.

Санжар ака эриниб деди:

— Қафаси билан кўтариб юрамизми?

— Мен ўзим кўтараман, дадажон! Мана, қаранг, енгил!

Акрам қафасни ердан кўтариб кўрсатди. Унинг қафасда сайрашни унутган какликка раҳми келмоқда эди. Каклик қувнаб сайрамагунча Акрам ҳам астойдил қувнаб яйрай олмайдиганга ўхшарди. Санжар ака буни сезди-ю:

— Бўпти, майли,— деди. У эгарнинг ортига Акрам учун чопон солди. Сўнг Акрамни кўтариб олиб чопоннинг устига ўтказди. Кейин ўзи узангига оёқ қўйиб, эгарга минди. Қафас каклиги билан айвон четида турган эди. Санжар ака отни ўша томонга бурди. Қафасни олди-да, отнинг ёли устига ўнгарди.

— Бу от учовимизни ҳам кўтаради,— деди Акрамга.— Мени ушлаб ол. Йиқилмайсанми?

— Йўқ!

Акрам бултур келганда отасининг орқасига мингашиб юришни ўрганиб кетган эди. Ҳозир ҳам товонининг орқаси ва тақими билан отнинг сағрисиغا маҳкам ёпишиб ўтирди. Йўл тик келган жойларда Акрам юзини дадасининг елкасига тираб, унинг белидан маҳкам қучиб оларди.

Арчазор ўрмон бошланди. Тошлоқ сойнинг суви оз бўлса ҳам, харсангларга урилиб катта дарёдай шовуллар эди. От сойнинг сувини бир неча марта кечиб ўтди.

Сув бўйндан тоғ ялпизининг ҳиди келарди. Тик ён бағирлар баҳордагидек кўм-кўк. Юқорига кўтарилганлари сари от пишқириб, ҳансираб боради.

Бир вақт қаршидаги арчазор ёнбағирдан каклик сайрагани эшитила бошлади. Санжар ака ўнгариб бораётган каклик қафаснинг чивикларига ўзини уриб, қанотини ёзиб, ҳаяжонланиб кетди.

— Ана, каклигинга жон кирди,— деди Санжар ака.— Ие, қанотининг қирқилган патлари яна ўсиб чиқибди. Қўйиб берса, бу учиб кетиши ҳам мумкин.

Суюн отанинг чодирни турган текис қўтанга чиқиб бордилар. Лекин чодирда ҳеч ким йўқ. Суюн ота нариги бир тоғ ёнбағрида қўй боқиб юрар ва кўзга элас-элас кўринар эди.

Санжар ака қафасни чодирнинг олдига қўйди-да, Акрамни отдан туширди.

— Йўлнинг бу ёғи ёмонроқ,— деди.— Сен каклигинг билан чодирда ўтириб тур. Дадамнинг олдига мен ўзим чиқиб тушаман.

Санжар ака кетгандан кейин рўпарадаги арчалар орасидан яна какликнинг сайрагани эшитилди. Унга Акрам ўтирган чодирнинг юқорироғидан бошқа бир каклик жавоб берди.

Акрам қафасдаги какликнинг ҳам сайраб юборишини кутди. Лекин Акрамнинг каклиги негадир сайрай олмас эди. Эркин юрган какликлар ёнбағирда тўлиб-тошиб сайраган пайтда қафасдаги каклик типирчилаб, қанотларини қафас чивикларига урар, алланарсадан шикоят қилгандай «қийқ» деб қўярди. Эҳтимол, унга Акрам халақит бераётгандир? Акрам қафасни қўтаннинг четига катта бир арчанинг соясига олиб бориб қўйди-да, ўзи анча нарига бориб яшириниб турди. Лекин қафасдаги каклик барибир сайрамади. Акрам унинг сайрашини кутиб-кутиб зерикди-да, яна қафаснинг олдига келди.

Арчазор ёнларининг гоҳ унисиди, гоҳ бунисиди какликлар тўлиб-тошиб сайрарди.

Акрам ўзининг каклигига худди тил билладиган болага гапиргандай қилиб:

— Сен ҳам сайра!— деди.— Бир сайра! Тоғдасан, сайра!

Қафасдаги каклик ҳамон жим. Акрамга бобоси «баъзи какликлар қафасда ҳеч ҳам сайрамайди», деган эди. Бу ўшанақа какликларданмикан? Акрам қафасни

очай деса, каклик қочиб кетадигандек бўлади. Очмайин деса, каклик ҳеч сайрамайди. Нуқул кўзлари мўлтираб «ҳовлида қафасдан бўшатган эдинг-ку, бу ерда нега бўшатмайсан?» деяётгандай қарайди.

Қакликнинг бу аҳволини кўрган сари Акрамнинг унга раҳми келар, юраги эзилар эди.

Ҳозир нима қилиб бўлса ҳам ўз каклигининг нариги какликлардай тўлиб-тошиб сайрашини эшитгиси келарди.

Қафасдан бўшатса, сайраса керак. Лекин қочиб кетса-чи?

— Қочма! Қочсанг барибир тутиб оламан! — деди Акрам.

Қаклик ўзича «қийқ!» деб қўйди. Акрам қафасни секин очди, каклик бир сакраб кўкатлар устига тушди. Сўнг йўрғалаб арчанинг орқасига ўтди.

Рўпарада ҳамон какликлар басма-бас сайрамоқда. эди. Акрамнинг каклиги ўшаларга томон интилди. Акрам чопиб бориб унинг йўлини тўсмоқчи бўлди. Лекин каклик унга чап берди-ю, тўп бўлиб ўсган қалин зиркларнинг тагига кириб кетди.

Акрам унинг кетидан кирмоқчи эди, зиркнинг тиканлари кўйлагига қадалди. У зиркнинг атрофидан айланиб ўтишга мажбур бўлди. Бунгача каклик анча узоқлашиб кетди. Акрам жон-жаҳди билан унинг кетидан чопди. Қаклик баланд бир қоя тошнинг қиррасига қочиб чиқди. Акрам уни тутмоқчи бўлиб интилган эди, каклик қанотларини ёйиб, париллаб тошдан пастга учиб кетди.

Акрам бу қоя тошдан йиқилса майиб бўлишини сездиди-да, уни айланиб ўтадиган жой излади...

Санжар ака билан Суюн ота юқоридан тушиб келсалар, қафас очиқ ётибди. Қаклик ҳам йўқ. Акрам ҳам йўқ.

— Акрам! Ак-ра-ам!— деб хавотирланиб қичқирди Санжар ака.

Акрам каклик қувиб сойнинг нариги ёғига ўтиб кетган эди. Уша ёқдан унинг йиғламсираб:

— Дада!— дегани эшитилди.

Санжар ака унинг овози келган жойга чиқиб борди. Қараса, Акрамнинг қўллари тирналган, ўзи роса чарчган, ҳансираб зўрға нафас олади.

— Қаклик қани?— деди Санжар ака.

Акрам кўзлари ёшланиб:

— Йўқотиб қўйдим,— деди.

— Қафасни ким очди?

— Мен... сайрасин деб очувдим.

— Э, афанди! Қаноти ўсиб қолибди, эҳтиёт бўлгин, деган эдим-ку... Энди тополмайсан... Юр!

Шу пайт улардан анча юқорида — қизғиш қоя тошлар орасида какликлар басма-бас сайраётгани эшитилди.

— Балки сенинг каклигинг ҳам ҳозир ўша ерда тўпига қўшилиб сайраётгандир?— деди Санжар ака.

Акрам армон тўла товуш билан:

— Энди менинг каклигим йўқ,— деди.

— Сен ўша какликнинг сайрашини истаганмидинг? «Сайраса хурсанд бўламан» деганмидинг?

— Мен қочиб кетишини билмабман-да!

— Қочиб кетмаса сайрамас эди. Каклик қафасда асирга тушган одамга ўхшаб қийналади. Бир ҳисобдан қочгани яхши бўлди. Улса биз уволига қолар эдик. Майли, қўй, тоғда каклик кўпайсин... Бултурги қаттиқ қишда каклик камайиб кетган экан. Яна кўпайса, бобонг бошқасини тутиб беради.

Санжар аканинг гаплари Акрамни бир оз юпатди. Лекин шундай чиройли какликдан айрилиб қолгани ҳар эсига тушганда ачиниб қўяр эди. Бора-бора бу ачиниш ҳам Акрамнинг хаёлидан узоқлашди. У ўрмонзор ичида каклик сайраганини эшитса, ўша какликни соғингандай бўларди. «Шу сайраётган менинг каклигиммикан?»— деган ўй эса унда соғинч аралаш қувонч уйғотар эди.

## АЙИҚНИ ЕНГАН ЧУПОН

Тоғ ёнбағрига қўйларни Суюн отанинг шериги ёйиб кетди. Суюн ота ўғли билан неварасини чодирга бошлаб кирди-да, оғзи боғлаб қўйилган мешдан пиёлага айрон қуйиб берди. Қўйнинг сутидан қилинган бу айрон аччиқ эмас, таъми жуда бошқача. Акрам уни ичгандан кейин ўзидан-ўзи хурсанд бўлиб, завқи келиб, кула бошлади.

— Қўйнинг айрони дори-да,— деб қўйди Суюн ота.

Санжар ака ҳам айрондан ичган сари юзига қизиллик югуриб, чеҳраси очилиб борар эди.

— Бу айрон эмас, дада, бунини — қўйнинг қимизи дейиш керак.

— Э, бу қимиздан ҳам яхши,— деди Суюн ота.— Мен шу айрондан ичаверсам, йигит ёшимга қайтгандай бўлавераман.

Акрам бобосининг йигитлигида айиқ билан олишганини эшитган эди.

— Айиқ билан шу тоғда олишганмисиз, бобо?— деб сўради.

— Йўқ, бошқа жойда.

— Қаерда? Шунини айтиб беринг. Жон бобо!

Айрон ичиб, таъби очилган Суюн ота:

— Э, бу воқеага кўп йил бўлди,— деб кулиб қўйди.— У пайтда отанг Санжар сендан ҳам кичкина бола эди. Мен чўлда колхознинг қўйини боқар эдим. Ёз киргандан кейин чўлда ўт қолмасди. Биз қўйларни тоғдан ошириб ҳайдаб, Янгноб деган жойга кетар эдик. Янгнобда ўт жуда бўлиқ, ёзи билан қўй роса семиради. Яйловдан хурсанд эдиг-у, лекин бир ёмон айиқ бизни жуда кўп қийнади. Боланг йиғлагур айиқ қутурган эканми, гўшт еб ўрганган эканми? Кечаси қоронғи тушганда қўтонга писиб келади. Қўйлар ҳуркиб гуриллаб қочади. Иккита зўр бўрибосар итимиз бор эди. Лекин айиқ шундай каттаки, зўр итлар унинг қаршисида худди мушукка ўхшаб қолади.

Суюн ота оқ оралаган қўнғир соқолини бармоғи билан тараб, чигалини ёзди. У сўкишни ва қарғашни билмайдиган одам эди, бировни қаттиқ уришганда «ҳе, боланг йиғлагур!» деб қўярди. Ҳозир ҳам у:

— Боланг йиғлагур айиқ,— деб сўзида давом этди,— итларимизни олдиға солиб вангиллатиб қувади... Биринчи келган қуни қарасам, икки яшар семиз бир қўйни ғижимлаб отяпти. Думбалик қисирча қўй камида беш пуд келади. Боланг йиғлагур айиқ, шунини икки олдинги оёғи билан ғижимлаб туриб отганда, ўн қадамча нарига бориб гурсиллаб тушади. Итлар акиллаб келса, бўкириб шундай панжа соладики, улар гингшиб қочиб қолади. Менинг қўлимда таёқдан бошқа нарсаси йўқ.

— Милтигингиз қаерда эди?— деди Санжар ака.

— Э, у пайтларда милтиқ камчил эди-да. Бизда милтиқ йўқ эди... Боланг йиғлагур айиқ, ҳалиги қўйни отиб-отиб, қўтондан жилғага олиб тушиб кетди. Учоқда ўт ёниб турган эди. Мен айиқ ўтдан қўрқади деб эшитган эдим. Эски қўйлагимни таёққа боғлаб, устидан мой сепиб ёндирдим. Кейин айиқ тушган жилғага қараб қийқириб чопдим. Қарасам, қўй дўмпайиб ётибди. Бо-

ланг йиғлагур айиқ, унинг думба томонидан анча жойини ебди-ю, кетиб қолибди. Жонивор қўй бир типирчилади. Ҳали жон бермаган экан. Дарров белимдан пичоғимни олиб, уни ҳалолладим... Орадан бир кун ўтгандан кейин кечаси айиқ қўшни сурувга ҳужум қилипти. У сурувни Чақмоқ деган бир йигит боқар эди. Кийикдай келишган йигит эди. Айиқ бир қўйни босгандан кейин Чақмоқ югуриб бориб айиқни таёғи билан ура кетибди. Боланг йиғлагур таёқни писанд қиладими? Терисининг қалинлиги икки энлик келади. Чақмоқ бирикки таёқ ургандан кейин айиқ унга ҳамла қилибди. Чаққон йигит эди, қочибди. Лекин айиқнинг бир панжаси елкасига тегиб кетибди. Биз кейин кўрдик, қўйлаги елкасидан йиртилган. Айиқнинг тирноғи баданига бир оз ботган. Унчалик қаттиқ ярадор бўлган эмас. Айиқдан қочиб қутулиб кетибди. Лекин елкасига айиқнинг панжаси текканда ёмон кўрққан эканми, ё айиқ қутурган бўлса, касали йигитга юқдими, хуллас, бечора Чақмоқ оғир касал бўлиб қаза қилди.

— Айиқ қутурган бўлиши керак,— деди Санжар ака.— Бўлмаса қўйларга ҳам мунча ўчакишмас эди.

— Ҳа, ўша боланг йиғлагур айиқ, жуда баттол эди. Одамни писанд қилмас эди. Қўйни қийратишда бўридан ёмон эди. Чақмоқ нобуд бўлгандан кейин бизнинг жуда ғазабимиз келди. Атрофдаги чўпонлар ҳаммамиз йиғилиб: «Буни бир ёқлик қилмасак, эртага яна бирорта мизни ўлдириб кетади»,— дедик. Қўшни қишлоқдан битта милтиқ топилди. Лекин унинг иккитагина ўқи бор экан. Аксига олиб, ҳеч биримиз мерган эмасмиз. «Бу билан иш битмайди»— деб ўйладим-у, қўй қирқимидан қолган қирқлиқларни олдим.

— Қирқлик деганингиз нима, бобо?— сўради Акрам.

Суюн ота чодирнинг бир четида ётган учлари найзасимон узун қайчини кўрсатди.

Оддий қайчи қўйнинг қалин жунини яхши қирқмайди. Шунинг учун қирқлиқнинг учлари найзадай ингичка, тиғининг узунлиги эса икки қаричча келадиган қилиб ясалади. Унинг икки томонини бир-биридан ажратиб олинса, учи ўткир найзага ўхшаб қолади.

— Мана шу найзаларни,— деб Суюн ота қирқлиқни қўлига олиб Акрамга кўрсатди,— бақувват таёқларнинг учига маҳкам боғладим. Қўшни чўпонлардан бири милтиқни ўқлаб қўйди. Айиқнинг келишини кутдик. Боланг йиғлагурнинг қутурганини қарангки, бир кун



қўтонга қоронғи тушмасдан келди. Битта қўйга ҳамла қилиб бораётганда, қўшни чўпонга: «От!»— дедим. Қўли қалтираб мўлжални яхши ололмаган экан. Уқ айиқ ўтган жойдан беш-ўн қадам берига тушиб, ерни бир чангитди. Иккинчи ўқи айиқнинг тепасидан ўтиб бориб, тошга тегди. Лекин милтиқ устма-уст гумбураганидан айиқ, ҳар қалай, қўрқди. Орқасига бурилиб қочди. Биз қийқириб кетидан қувдик. Нарёқдан беш-олтита бўрибосар итлар шовқин солиб чиқди. Бу гал айиқ итларнинг устига босиб бормади-ю, ўнг томонга бурилди. Ўнг томондан биз қирқлиқ боғланган таёқларимизни кўтариб қийқириб чиқдик. Айиқ шошиб қолди. Чап томонда тирик жон чиқолмайдиган тош жар бор эди. Биз бундай тош жарни зов деймиз. Шу зовнинг тагида — кун тегмайдиган чуқур жилғада ичи ковак бўлиб қолган муз аралаш қор бор эди. Айиқ қочиб бориб, ана шу музнинг ковагига кирди. Ковакнинг музи эриб, тешилиб қолган жойлари бор эди. Қирқлиқни шу тешикка тўғриладим-у, айиқнинг биқинини мўлжаллаб, бор кучим билан санчдим. Ковакнинг ичидан айиқнинг бўкиргани эшитилди. Мўлжални дуруст олганимни шундан сездим. Найзани тортиб олиб, яна бир санчдим. Қайта тортиб олишга улгурмасимдан, ичкаридан айиқ шундай бир силтандики, қирқлиқ боғланган таёқ синиб кетди. Найзалик таёқнинг яна биттасини шеригим ушлаб турган эди. Дарров ўшани қўлга олдим. Боланг йиғлагур айиқнинг зўрлигини қараки, бирдан ковакнинг қалин музини синдириб чиқиб келди. Мен санчган қирқлиқ биқинида осилиб турибди. Бўкириб орқа оёқларига кўтарилди. Шунда чап кўкрагини мўлжаллаб яна қирқлиқ санчдим. Қирқлиқ сопиғача ботиб кириб кетди. Чамамда, тўғри юрак-бағрига қадалган бўлса керак. Яна ҳамла қилишга дармони қолмади. Мен кўкрагига қадалган найзанинг таёғини бор кучим билан нари итардим. Айиқ бир гандираклади-ю, орқага тисарилди, кейин муз устига ағанаб тушди... Йиртқичилиги бошига етди.

— Бобо, мана шу тоғда ҳозир айиқ борми?

— Бор. Баъзида изини кўраман. Баъзида тезаги учрайди. Лекин айиқ кундузи биқиниб ётади.

— Ўзини ҳеч кўрсатмайдими?

— Тунов кун ичкер пайт узоқдан биттасини кўриб қолдим.

— Қўйларингизга тегмадими?

— Йўқ, секин бурилиб ўрмоннинг ичига кириб кетди.

Чодирнинг оғзидан тоғ ёнбағирлари ва арчазор ўрмон кўриниб турарди. Акрам энди шу тоғда, шу ўрмонда юрган айиқни кўз олдига келтирди. Назарида, бу қалин ўрмон ва улкан тоғлар гўё шу айиқники эди.

— Бу тоғда айиқларни овлаш ҳам тақиқланганми?— сўради Санжар ака отасидан.

— Ҳа, айиқ ўзи ёввойи мева-чеваларни еб юрадиган беозор нарса. Бизга ёмонлик қилмаса, биз ҳам унга тегмаймиз. Лекин битта-яримта қутургани чорвагами, одамларгами зиён етказадиган бўлса, биз ҳам уни аямаймиз...

Акрамнинг назарида, бобоси қутурган айиқ билан ҳозир ҳам олишса, енгадигандек кўринди. Урмон ва тоғлар эса унга энди Суюн отадек ботир одамларники бўлиб туюлди.

## КИЙИК ПОЙЛАГАН ҚОПЛОН

Санжар ака билан Акрам кечаси арчазорлар орасида, чўпонларнинг чодирда тунадилар. Тоғда тун хийла совуқ ва ваҳимали туюлишини Акрам энди билди. Кечагина у Тошкентда ёз иссиқларидан терлаб-пишиб юрган эди. Қундузлари асфальт йўлкага ялангоёқ чиқса, чўғни босгандай оёғи куяр эди. Мана энди тоққа келиб, пиджакда ҳам совқота бошлади. Кечаси бобосининг пахталик фуфайкасини кийиб олди.

Қоронғида ўзи кўринмаётган сойнинг шовуллаши тун қуюқлашган сари қаттиқ эшитилади. Атрофдаги арчалар Акрамнинг чодирдан чиқишини пойлаб турган айиқларга ўхшаб кетади. Бобоси ёққан гулхан ёруғи бу улкан қоронғилик қаршисида зиғирдек кичкина кўринади.

Акрам чодирда гулханга қараб ётиб, кўзи уйқуга кетганини сезмай қолди. Бирпасгина ухлагандай бўлди. Кейин кўзини очиб қараса, аллақачон тонг отибди, офтоб чиқибди. Бобоси қўйларини яна баланд ёнбағирларга ёйиб кетибди.

Акрам ўрнидан турганда ўзини қушдай енгил сизди. Тоғ ҳавосидан нафас олгани сари бутун борлиғи яйрарди. Акрамнинг сакраб ирғишлагиси келарди.

У чодирдан ташқарига чиқди. Тунги совуқ ҳам, кўрқинчли шарпалар ҳам изсиз йўқолган. Офтоб илиқ

нур сочяпти. Арчазор ёнбағирлардан шамол тоғ жамбининг ёқимли ҳидини олиб келади.

Санжар ака билан Акрам қўйнинг қатиғига нон тўғраб, нонушта қилдилар.

Акрам қорли чўққиларнинг этагидаги баланд қоя тошларга тикилиб-тикилиб қаради. Дадаси кеча «кийиклар ана ўша жойларда бўлади», деган эди. Эрталабки ҳаво шундай тиниқки, Акрам дурустроқ қараса, ўша жойдаги кийикларни кўриши мумкинга ўхшарди. Лекин у қоя тошлар жуда узоқда эди. Уларнинг пастига арчалар ҳам бир кичик нуқтадай кўзга зўрға чалинарди.

— Дада, кийиклар юрадиган жойга чиқамизми?

— Кеча ана у тепага чиққунча ҳансираб қолдинг-ку. Кийик юрадиган баланд жойларга қандай кўтариласан?

Акрам кеча дадаси билан тоққа чиққанда, Санжар аканинг ўзи кўпроқ ҳансираган эди. Ҳар юз қадамда бир тўхтаб дам оларди. «Об-бо, шаҳарда юриб хом бўлиб кетибмиз-е!— деган эди Санжар ака.— Илгари бундай баландликка чопиб чиқиб кетар эдим!» Акрам дадасининг бу гапларини ҳозир эслаб илжайди:

— Ана, от бор-ку,— деб қўтоннинг четига оёғидан арқонлаб қўйилган кечаги ювош қашқа отни кўрсатди.

Санжар ака кулди:

— Мен от минсам, сен дарров мингашасан-да. Ҳа, шайтон!

Санжар ака отни яхшилаб эгарлади. Чодирда Суюн отанинг қўштиғ милтиғи бор эди. Уни олиб эгарнинг қошига осди.

— Дада, бу ерда ов қилиш мумкин эмас-ку. Йўлларда ёзиб қўйган!

— Биладан. Биз ов қилмаймиз. Агар бирорта йиртқиш ҳужум қилса, ўзимизни ҳимоя қиламиз.

Санжар ака чўнтагига беш-олтита ўқ солиб олди. Кейин ота-бола отга мингашиб, тоғ сўқмоқларидан юқорига кўтарила бошладилар. Кўп жойда сўқмоқнинг устини арча, зирк, шилба дарахтларининг ўсиқ шохлари тўсиб турар эди. Санжар ака шохларни қўллари билан икки томонга ёриб, отга энгашар:

— Сен ҳам энгаш, тирнаб кетмасин!— дерди Акрамга.

Тоғда юриб ўрганган от гоҳ сув кечиб, гоҳ қиррали қоя тошларни четлаб ўтиб, шошилмай юриб борар эди.

Юқорига кўтарилганлари сари йўлнинг бузуқ жойлари кўп учрай бошлади. Қишда ва баҳорда кўчган қор кўчкилари арчаларни синдириб, қоя тошларни қулатиб, сўқмоқ йўлни бузиб кетган эди. Шундай жойлар келганда Санжар ака билан Акрам отдан тушишарди. Санжар ака отни жиловидан тутиб, етаклаб, ёмон жойдан эҳтиёт билан ўтказарди.

Қорли чўққиларга яқин борганларида арчазор ўрмон сийраклашиб қолди. Яна бир оз кўтарилганларидан кейин шундай тик қоя тошлар келдики, отни етаклаб ўтказиш ҳам мумкин бўлмай қолди.

Санжар ака отни ўтлоқ жойга арқонлаб қўйди. Милтиқни елкасига олиб:

— Қани, юр,— деди Акрамга.

Бундан юқорида ўрмон йўқ. Ялангликнинг у ер-бу ерида майин кўкатлар ўсади.

— Кийиклар ана шу ўтти яхши кўради,— деди Санжар ака.

У от ўтолмаган қоя тошни қўллари билан ушлаб, юқорида чикди-да, Акрамга милтиқнинг учини узатди. Акрам милтиқнинг учидан маҳкам ушлади. Кейин Санжар ака уни ўзи турган жойга тортиб чиқарди.

Қоя тошдан нарида ўтлоқ қиялик бор эди. Ота-бола шу қиядан ўтиб, катта бир тепаликнинг қиррасига чиққунларича уч марта тўхтаб дам олдилар.

— Ҳаво жуда сийрак-да, шунинг учун тез-тез нафас олишга тўғри келади,— деди ҳансираб бораётган Санжар ака.

Ниҳоят, тепаликнинг қиррасига кўтарилдилар.

Нарёқда қоя тошлари бири-бирига мингашиб турган жуда тик бир зов кўринди. Зовнинг тагидаги чуқур жилғаларда қор бор эди. Атроф жимжит. Шамолнинг тошларга урилиб шовуллаши баралла эшитилиб туради.

Санжар ака ўғлига шивирлаб деди:

— Энди овоз чиқарма. Секин юр.

Акрам ҳам отасига ўхшаб тошларни шиқирлатмасликка тиришиб, тиззасини хиёл букиб бора бошлади. Улар паст-баланд тошларнинг орасидан ўтиб, қаршидаги зовга қараб бораётган эдилар. Санжар ака тўхтаб тез орқасига ўгирилди-да, қўлини лабига қўйиб «жим!» дегандай қилди. Акрам ҳам таққа тўхтади ва дадаси қараётган томонга тикилди.

Қаршидаги тик қоя тошлар орасида қандайдир шарпа сезилгандай бўлди. Кейин зағчанинг «ча-ақ!»

деб қичқирганини эслатувчи бир товуш эшитилди. Акрам овоз келган томонга синчиклаб қаради-ю, қизғиш кулранг тошлар орасида шохлари буралиб кетган эчкисимон бир жонворни кўрди. Унинг ранги ҳам худди тоғнинг тошларига ўхшаш кулранг-қизғиш эди, шунинг учун кўзга тезда ташланмас эди.

Санжар ака Акрамга қўли билан «бери кел!» ишорасини қилди-да, сандиқдай бир тошнинг орқасига ўтди. Акрам унинг ёнига келди. Ота-бола тошнинг орқасидан мўралаб қараб, яна бир тўп кийикни кўришди. Улар ҳаммаси шохдор така кийикнинг ортида гуж бўлиб, сергакланиб туришар эди. Шохдор кийик яна бир марта «ча-ақ!» деб оёғини тошга уриб қўйди. Лекин турган жойидан жилмади.

Санжар ака унга ҳайрон бўлиб қараб қолди. Одатда кийикларнинг биттаси баландроқ тош устида қоровул бўлиб туради. Кейин бирор хавф сезганда «ча-ақ!» деб товуш беради. Шу заҳоти ҳамма кийиклар тирақайлаб қочади. Санжар ака машҳур овчилардан шундай деб эшитган эди. Лекин ҳозир қоровул бўлиб турган шохдор кийик икки марта «ча-ақ!» дегандан кейин ҳам на унинг ўзи қочди, на бошқа кийиклар. Улар Санжар акалар томонга қараб туришибди, ота-болани кўрган бўлишлари керак.

Бир-бирига рўпара турган икки ёнбағирнинг ораси анча узоқ, ўқ отса етиши гумон эди. Шундай бўлса ҳам Санжар ака чўнтагидан иккита ўқ олиб, милтиққа секин жойлади. Шунда Акрам ўзлари турган жойдан йигирма қадамча пастда, танга-танга холи бор баҳайбат бир нарсанинг узала тушиб ётганини кўриб қолди. Сўнг дадасини секин туртиб:

— Қаранг!— деб шивирлади. Санжар ака ўғли кўрсатган томонга қаради-ю, узала тушиб ётган нарсанинг қоплон эканини сизди. Мана шу баландликларда кийик овлайдиган кўк қоплонлар учраб туришини отаси унга айтган эди. Лекин Санжар ака бу йиртқични тоғда биринчи марта кўрмоқда эди.

Тоғ қоплонининг жуда узоққа сакрай олиши Санжар аканинг эсига тушди. Назарида, қоплон икки сакраса уларга етиб келадиганга ўхшарди. Шунини ўйлаб Санжар аканинг ранги оқариб кетди.

Акрам бунга ўхшаган қоплонни, ҳатто ундан каттароқ йўлбарсни ҳайвонот боғида кўрганини эслади. Лекин у ерда темир қафас бор эди. Қоплон йўғон темир-

ларни синдириб ўтолмас, буни билган одамлар уни бе-  
хавотир томоша қилишар эди.

Бу ерда эса қоплон эркин. У қайси тошни айланиб  
ўтишини, қаёқдан келиб ҳамла қилишини билиб бўл-  
майди. Тоғнинг бу ёнбағри гўё шу қоплонники. Акрам  
билан дадаси қоплон юрадиган жойларга билмай ке-  
либ қолишган. Энди қандай чиқиб кетишади?

Акрам юраги увишиб, дадасига томон сурилди. Сан-  
жар ака ўқланган милтиқни қоплон томонга тўғрила-  
ди-да, унга энди дурустроқ қаради.

Қоплон уларга орқа ўгириб ётипти. Унинг кўзлари  
қарши ёнбағирда турган кийикларда. Қоплон кийик-  
ларга ўзини кўрсатмаслиги керак эди. Улар ўтлаб ке-  
ладиган зовнинг тошлари панасида кўкиш қоплон ҳам  
гўё бир парча тошга айланиб пусиб ётиши керак эди.  
Бирорта кийик уни сезмай яқин келиб қолса, қоплон  
бор кучи билан сакраб, уни босиб тушарди. Лекин қар-  
шисидаги шохдор кийик бугун қоплонни узоқдан кўриб  
қолган эди. Қоплон бериги ёнбағирдан наригисига  
сакраб етолмаслигини кийиклар ҳам сезарди. Шунинг  
учун улар қоплондан қочмай туришарди. Шохдор  
така эса гўё қоплонни масхара қилгандай «ча-ақ!»  
деб, ер тепиб қўярди-ю, ўрнидан кўзгалмай гердаиб  
турарди.

Қоплон бирпас жим ётди. Лекин шохдор кийик та-  
гин бир марта депсинганда қоплон ортиқ бардош қи-  
лолмади. Сакраб туриб, кийиклар томонга ҳамла қилди.  
Қоплон то пастга тушгунча, сўнг нариги ёнбағирга  
кўтарилгунча кийиклар тошдан-тошга сакраб ўтиб, кў-  
ринмай кетишди. Қоплон ҳам уларнинг кетидан чопа-  
чопа кўздан йўқолди.

— Хайрият, бизни кўрмади!— деди. Санжар ака  
енгил тортиб.

— Кўрса ҳужум қилармиди?

— Ҳамла қилиши мумкин эди. Лекин мен ҳам ҳар  
иккала ўқни унга тўғрилаб турган эдим...

Ота-бола орқаларига қайтдилар ва пастда қолган  
отнинг олдига тушиб бордилар. Бояги қоплон ҳали ҳам  
Акрамнинг кўз олдидан кетмас эди.

— Йўлбарсдай катта эди-я, дада?

— Йўлбарсдан сал кичик. Лекин узунасига икки  
ярим метр келарди.

— Сиз уни ётганда отиб ўлдирсангиз бўлмасмиди?

— Йўқ, қоплон ҳам оз қолган. Беҳудага отаверса-

лар, уруғи қуриб кетади. Шунинг учун ҳукумат ов қи-  
лишни тақиқлаган.

— Лекин қоплон кийикларни тутиб еса майлими?

— Кийиклар ҳам анойи эмас, қоплонга тутқич бер-  
майди. Кўрдинг-ку!

Санжар ака отни етаклаб, ўғли билан тоғдан пастга  
туша бошлади.

Арчазорлар яшнаб турибди. Ер остидан булоқлар  
қайнаб чиқяпти.

Кунгай ёнбағирда каклик сайрамоқда эди. Акрам  
буни эшитиб тўхтади.

— Дада, бизнинг қочган каклигимиз шу эмасмикин?

— Эҳтимол, шудир. Шу бўлмаганда ҳам... тоғдаги  
ҳамма какликлар бизники, ўғлим. Урмонлар ҳам, ун-  
даги ёввойи ҳайвонлар ҳам бизники.

— Қанақасига бизники? — тушунмай сўради Ак-  
рам.

— Чунки бу табиат — ватанимизнинг бир қисми. Биз  
ватанимизни севамиз, ҳимоя қиламиз, тўғримиз? Таби-  
атни ҳам, ундаги нодир жониворларни ҳам авайлаб  
қўриқлаймиз. Келгуси авлодлар ҳам уларни кўрсин,  
деймиз.

Акрам яна қоплонни эслади. У чаққон, зўр. Лекин  
бари бир яхши одамлар уни қўриқламаса, йўқ бўлиб  
кетиши мумкин. Акрам шуни ўйлади-ю, тоғлардан ҳам,  
дадасидан ҳам, негадир, ўзидан ҳам хурсанд бўлиб  
қўйди.

## УҚИШ ВА УЙИН

Акрам математика дарсида ўтириб, хоккейни ўйлаб  
кетди. Бошида оқ шлёми бўлса. Қўлида яхши чавгани  
бўлса. Муз устида қуюндай учса. Шайбани ҳамма ўйин-  
чиларнинг ён-веридан айлантириб олиб ўтса. Дарвоза-  
да Шавкат турган бўлса. Акрам шайбани усталик  
билан урса, Шавкат ўзини шайбанинг устига ташласа.  
Лекин бари бир тутолмаса. Шайба дарвозадан ўтиб,  
сим тўрға урилса... Ҳамма қарсақ чалса-ю, синфдоши  
Малика Акрамга гул келтириб берса...

Акрамнинг ширин хаёлини оёиси Муҳаббат опанинг  
сўзлари бўлди:

— Акрам! Қани, доскага чиқ! Мен ҳозир тушунтир-  
ган масалани ечиб бер.

Акрам бўйи бошқаларникидан баланд бўлгани учун

энг орқадаги партада ўтирар эди. Досканинг олдига чиқаётиб дудуқланиб сўради:

— Қайси... қайси масалани?

— Хаёлинг қаёқда эди, а? Нега дарсга қулоқ солмайсан?

— Мени кечиринг, ойи...

Муҳаббат опа ўнғайсизланди. У Акрамларга қўшни бўлган 3 «а» синфда дарс берарди. Акрам 3 «б»да ўқир эди. Кеча Акрамларнинг ўқитувчиси Карим ака касал бўлиб келолмаган, унинг ўрнига Муҳаббат опа кириб дарс берган эди. У эрталаб уйдан келаётиб Акрамга тайинлаган эди:

— Синфда менга «ойи» деб эркалик қилма. Карим акага қандай муомала қилган бўлсанг, менга ҳам шундай қил.

Акрам хаёл билан бўлиб ойисининг бу гапларини унутган эди. У «ойи» деганда ўрта қаторда ўтирган болалардан бири кулди. Олдинги қаторда ўтирган Малика эса негадир ўзини ноқулай сезиб, бошини қуйи солди.

— Мен бу ерда сенинг муаллимангман, шуни унутма!— деди Муҳаббат опа Акрамга.

— Хўп, энди унутмайман, му...

Акрам ойисини «муаллима опа» деса ҳам кулги бўлишини сезди-ю, «му» деганича тили тутилиб, тўхтади.

— Қани, айт-чи, дарсни тингламай нимани ўйлаётган эдинг?

— Хоккейни.

— Яна хоккей! Ҳовлида ҳам хоккей, дарсда ҳам...

Бутун синф жимжит. Болалар гоҳ Акрамга қарашади, гоҳ Муҳаббат опага. Уларнинг орасида бўлиб ўтаётган гап ҳар куни ўқитувчи билан ўқувчи орасида бўлиб турадиган оддий савол-жавоб эмаслигини ҳамма сезиб ўтирибди. Акрам Муҳаббат опага фақат ўқувчи эмас, балки унинг ўғли, фарзанди. Наҳотки у онасини бутун синф олдида уятга қолдирса?

— Мени кечиринг,— деди Акрам овози титраб.— Иккинчи бундай қилмайман!

— Хўп... Қани, Малика, масалани Акрамга тушунтириб бер-чи.

Сочларига пуштиранг капрон лента таққан Малика тез ўрнидан турди. Йирик-йирик кўзларини Акрамга тикиб, баланд товуш билан дона-дона қилиб гапирди:

— Икки шаҳардан бир вақтда ижкита машина бир-



бирига қараб йўлга чиқади. Биринчи машина соатига 90 километр тезлик билан юриб, иккинчиси билан учрашгунча 180 километр йўл босади.

Акрам дарров қўлига бўрни олиб, Малика айтаётган рақамларни доскага ёзди. Малика давом этди:

— Агар иккинчи машинанинг тезлиги 45 километр бўлса, биринчиси билан учрашгунча, қанча масофани босиб ўтган? Икки шаҳарнинг орасидаги масофа қанча?

Акрам масалани бир эшитишдаёқ уқиб олди. Кейин нимани нимага қўпайтириш, нимага тақсимлаш ва қўшиш керак бўлса, ҳаммасини беҳато ишлаб берди.

— Билар экансан-ку,— деди Муҳаббат опа.— Агар дарсни яхши тинглаб ўтирганинда «беш» ёки «тўрт» қўяр эдим. Энди «уч» қўяман. Бу бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Келиб-келиб ойисидан «уч» олгани Акрамга жуда алам қилди. Уйга келганда чавганини тунука томнинг устига отиб юборди-да, дарс қилишга ўтирди. Уй топшириқларини ишлаб бўлгандан кейин, ойиси:

— Нонга бориб кел,— деди. Акрам тўр халтани қўлига олиб, магазинга чиқиб келди.

Кўчадан Шавкат билан Эркинларнинг «бу ёққа узат», «ур!» деган хитоблари ва ёғоч чавганларнинг бир-бирига шақ-шуқ урилишлари эшитилиб турарди. Акрам бунини эшитиб чидаб туролмади-ю, томга нарвон қўйиб, чавганини олгани чиқди.

Чавган ўзи эскириб, учи ёрилиб қолган эди. Боя Акрам пастдан отганда том тунукасининг қиррасига урилиб, чавганнинг учи синиб кетибди. Янгисини ясай деса, тахта йўқ.

«Бугун чап ёним билан турган эканман-да!»— деб, Акрам томдан бўшашиб, хафа бўлиб тушди.

Кечқурун Санжар ака ишдан келганда, ўғлининг маъюс бўлиб ўтирганини кўрди.

— Ҳа, нима бўлди?— деб сўради.

— Ключкам синиб қолди.

— Чавганим дегин. Сенга айтган эдим-ку, илгари бизда чавган ўйини бўлган. Хоккейга ўхшаб ўйналган. Фақат илгариги чавганлар узун бўлган, чунки от миниб ўйнашган.

— Хўп, чавганим... йўқ... Синиқ...

— Шунга шунча маъюсмисан? Эртага «Динамо» магазинига кирман. Чавган бўлса, янгисини олиб берман.

— Йўқ, Санжар ака, сиз энди бунга чавган-павган олиб берманг. Хоккейни деб бугун мени ҳам уялтирди, ўзи ҳам «уч» олди.

— Э, ҳали буниси ҳам бормиди?

— Хоккей ҳам сал эви билан бўлса дуруст экан. Булар кечаси тушида ҳам хоккей ўйнаб чиқади. Фойдаси нима?.. Кеча қўшнимизнинг болалари хоккей ўйнаётганда биттасининг кўзига шайба тегиб кетибди. Кўр бўлишига сал қолипти. Кўзи пиёладай шишиб чиққанини ўзим кўрдим.

Санжар ака индамай креслога бориб ўтирди-ю, ўғлини олдига чақирди.

— Қани, бери кел. Утир.

Акрам дадасининг қаршисига стул суриб ўтирди.

— Сен бу йил пионерга ўтишинг керак, шуни ҳеч ўйлаяпсанми?

— Ўйлаяпман.

— Қандай ўйлаяпсан, қани айт-чи? Сени куни бўйи хоккей ўйнаганинг учун пионерга олишадими?

— Йўқ.

Санжар ака чўнтагига қўл солиб, эскирган бир конверт олди:

— Тоғдан бобонг хат ёзиптилар. «Акрам «аъло ўқийман» деган эди, сўзининг устидан чиқдим, йўқми?»— дептилар. Энди нима деб жавоб ёзамиз?

Акрам улкан тоғлар, арчазор ўрмонлар орасида қўй боқиб юрган бобосини кўз олдига келтирди. Айиқ билан олишган бобоси қайда-ю, битта чавган деб хафа бўлиб юрган Акрам қайда?

— Дада,— деди Акрам паст товуш билан,— бобомга кейинроқ ёзсак майлими?

— Қачон?

— Яқинда учинчи чорак тугайди. Шунда...

— Майли, мана бу конвертни олиб қўй. Адреси бор. Бобонгнинг саволига ўзинг жавоб ёзасан. Лекин кечиктирма.

— Хўп... Дада... мен энди хоккейни ҳеч ҳам ўйнамайми?

— Унча-мунча ўйнасанг майли. Лекин... Сен боғчада юрганингда ўқиш йўқ эди, ишинг нуқул ўйин эди. Энди учинчи синфдасан. Уч марта «ўқиш, ўқиш, ўқиш» дегин-у, бир марта «ўйин» дегин. Тўртинчи синфга ўтсанг, дарсларинг яна ҳам кўпаяди. Унда «тўрт марта ўқиш, бир марта ўйин» дейдиган бўласан.

Акрам дадаси айтган бу содда қондани кўнглига маҳкам тугди. Мактабда дарсдан зерикканда хаёли хоккейга кета бошласа, ўзига-ўзи: «Чурр! Қондани буздинг!»— деб қўяди. Шу билан яна бутун диққатини дарсга қаратади. Уйда дарсни яхшилаб тайёрлагандан кейин омборчага чиқади. Дадаси олиб келиб қўйган ёғоч, болға, арра ва михни олади. Ўзи истагандай қилиб чавган ясайди, унга кўк изоляция лентасидан ўраб зеб беради. Хоккей ўйнашга кетаётиб:

— Ойи, мен кўп ўйнамайман,— дейди.— Агар кечиксам чақиринг. Хўпми?

Акрамнинг ўзи ясаган чавган бир оз қўпол ва оғир. Кўпроқ ўйнаса қўли толади. Лекин ўйинга қизиқиб, бунга эътибор бермайди. Ойиси чақириб қолса, яна ўйнагиси келиб, уйга тезда қайтмайди. Шунда бобосининг хати ва дадаси ўргатган қоида эсига тушади. «Чурр! Қондани бузма!»— дейди у ўзига-ўзи ва уйга келиб, яна дарсга ўтиради.

Акрамларнинг ўқитувчиси Қарим ака аллақачон соғайиб қайтиб келган. У Акрамдаги ўзгаришни кўриб хурсанд бўлди:

— Уй ишинг бугун ҳам «беш». Яша, ўғлим! Пионерга ўтадиган бола ана шундай ўқийди!

Олдинги партада ўтирадиган Маликанинг Акрамга муомаласи ҳам кун сайин илиқлашиб борди. Бултурлари Малика Акрамни уйларига таклиф қилмас эди. Яқинда у:

— Акрам, эртага туғилган куним,— деди.— Болалар бизни кимга бормоқчи. Сен ҳам келасанми?

Акрам дарров «хўп» дегиси келса ҳам, ойиси тайинлаган бир гапни эслади. «Мендан берухсат ҳеч кимнинг уйига бормаёсан!»— деган эди Муҳаббат опа.

— Ойимга айтмай,— деди у Маликага.— Хўп десалар, бораман.

Муҳаббат опа Маликани яхши кўрар эди. Акрамга «қуруқ борма», деб гулдор откритка ва яхши бир китоб берди. Акрам табрик сўзларини откриткага ёзиб, китоб билан бирга Маликага топширди.

Уша куни у синфдошлари билан Маликаларникида меҳмон бўлди, ҳаммалари кўшиқ айтишиб, рақс тушишиб, роса яйрашди.

Бу ҳаммаси Акрамни ўйинқароқликдан тобора узоққа олиб кетарди.

Учинчи чорак якунланганда Акрам ҳам аълочилар

қаторига ўтди. Кейин у энг илғор ва интизомли ўқувчилар қаторида пионерга қабул қилинди. В. И. Ленин туғилган кунда дружина советининг раиси Акрамнинг бўйнига қизил галстук тақди-да, честь бериб:

— Ленин иши учун, Коммунистик партия иши учун курашга бўл тайёр!— деди.

— Доим тайёр!— деб Акрам ҳам биринчи марта честь берди.

Юқори синф ўқувчиларидан бири Акрамнинг галстук тақиб, честь бериб турганини расмга олган экан. Акрам тоғдаги бобосига хат ёзганда шу расмдан биттасини конвертга солиб юборди.

## БОБОСИГА ТОРТГАН НЕВАРА

Тоғлар қуюқ қорамтир булутга бурканиб кўринмай кетди. Ойхол момо ҳовлига ўрмак<sup>1</sup> қуриб, олача<sup>2</sup> тўқиётган эди. Осмондаги булутлардан ҳовли ҳам қоронгилашиб қолгандай бўлди. Олачанинг ранг-баранг иплари Ойхол момонинг кўзига чалакам-чатти кўрина бошлади.

— «Жала қуядиганга ўхшайди»— деди момо ичида ва ўрмак қиличини ўрмак оёқнинг тагига қўйди. Кейин ҳаммасининг устига кигиз ёпиб ташлади.

Осмонда чақмоқ лип-лип қила бошлади. Сал ўтмай момақалдироқ устма-уст гумбурлашга тушди.

Шу пайт дарвозадан оёғига оқ кета кийган, елкасига яшил рюкзак осган бошланг ўсмир бола кириб келди.

— Ассалом, момо!

— Ким? Акраммисан? Вой дардгинангни олай! Мен яна сени танимабман! Ҳар келганинда бир бошқа бўласан!

Кўп касал бўлиб хиёл мункайиб қолган Ойхол момо Акрамни қучоқлаб бағрига босди. Шунда у неварасининг бўйи ўсиб, момосидан анча баланд бўлиб қолганини сизди. Овози ҳам йўғонлаша бошлаган, фақат қомати ҳали ингичка.

— Вой, бўйгинангдан момонг айлансин, ким билан келдинг?

— Узим.

---

<sup>1</sup> Урмак — гилам ва шолча тўқиладиган дастгоҳ.

<sup>2</sup> Олача — шолчанинг бир тури.

— Ие, даданг қани?  
— Бу йил дадамнинг ишлари кўпайиб кетди.  
— Ойинг-чи?— деб Ойхол момо дарвоза томонга аланглаб қаради.

— Ойим ҳам сизга салом айтиб юбордилар.

— Бир ўзинг келдингми?

— Ҳа.

— Адашмадингми? Қўрқмадингми?

— Кўп келиб кетганмиз-ку. Нега адашаман?

— Худога шукур, одам бўлиб қолибсан! Кечагина машинанинг тагида қолиб юрган болача эдинг-а! Велосипеддан йиқилиб қўлинг синганда ҳам кичкина эдинг. Шунга неча йил бўлди?

— Етти... йўқ, олти йил.

— Ўн учга кирдингми, Акрамжон? Умрнинг тез ўтишини қара-я! Кичкина бўлиб каклик қувлаб юрганинг қачон эди?

Акрам учун вақт жуда секин ўтар эди. Тоққа чиқиб какликни йўқотиб қўйган пайтлари унга қадим замонларда қолиб кетгандай туюларди.

— Э, бунга юз йилча бўлди-ку, момо!— деди Акрам кулиб.

Дарахт баргларини шатирлатиб йирик-йирик ёмғир томчилари туша бошлади. Ойхол момо Акрам билан уйга кирди-да:

— Бечора бобонг энди нима қилади?— деди ташвиш билан.

— Бобом тоғдадилар?

— Ҳа, бу йил тоғда ўт кам эмиш. Бобонг қўйларини одам кам борадиган баланд жойларга олиб чиқиб кетибди. Бунинг устига шериги қасал бўлиб қолибди. Тоғда бир ўзи. Унлари тамом бўлганмиш, чой, гугурт сўратганмиш. Олиб борадиган одам йўқ.

— Мен олиб борақолай?

— Бобонг Тошқўтонда экан. Йўли жуда ёмон. Девдарадан ўтилади. Сен топиб боролмайсан, болам!

Шовуллаб жала қуя бошлади. Томларнинг тарновларидан сув шалолодай отилар эди. Ҳовлида кўлмаклар пайдо бўлди. Йирик-йирик оқ томчилар кўлмак юзида сувдан ялтироқ қуббачалар ясарди. Бу қуббачалар кўлмакда сузиб ўйнар, гоҳ сувга шўнғигандай йўқолиб қолар, сўнг яна тўсатдан пайдо бўларди.

— Бир ҳафтадан бери ҳар куни тушдан кейин ёғади-я!— деди Ойхол момо.— Бобонгга қийин бўлди-да.

Гугурти тугаган бўлса ўт ҳам ёқолмайди. Қўйларни ташлаб қишлоққа келолмайди.

Акрам ўтган гал келганда шу қишлоқлик Тўйчи деган бола билан тоғда кўп юрган эди.

— Момо, Тўйчи йўлни билса керак, мен билан борсин,— деди.

— Тўйчига эрталаб айтган эдим, бормади. «Девдарадан бир ўзим ёлғиз ўтолмайман»— дейди. Қўрқадими ё эринадими, билмайман.

Акрам Девдарани кўрмаган бўлса ҳам, жуда ваҳимали жой деб эшитган эди. Момақалди роқ гумбурлаб, жала қуйиб турган пайтда унақа дарадан ўтишга Акрамнинг ҳам юраги дов бермас эди.

— Қандай қилсак экан-а, момо?

— Сен йўлдан толиқиб келгансан, болам. Тошкентдай жойдан келиш осонми? Неча юз чақирим йўл!

— Мен автобусда келдим-ку.

— Шундай бўлса ҳам, бугун дамингни ол. Кун кеч бўлди. Ёмғир тинсин. Кейин бир гап бўлар.

Акрам чиндан ҳам чарчаган экан, Ойхол момоси пишириб берган қаймоқ торпикдан<sup>1</sup> бир оз еди-ю, ухлаб қолди. Эрталаб турса, ҳаво чарақлаб очилиб кетган.

Акрам тенги Тўйчи уни ҳовлида кутиб турган экан. Акрам даҳлизда ювиниб, ҳовлига чиқиши билан:

— Э, жўражон, яхши келдингми?— деб у билан қучоқлашиб кўришди.

Тўйчининг гавдаси Акрамникидан кичикроқ бўлса ҳам, ўзи миқти эди, Акрамни даст кўтариб, уч марта айлантирди-да, ерга қўйди. Кейин Акрам уни белидан қучоқлаб айлантира бошлади. Тўйчи кула-кула, катталардек:

— Бўлди, жўра, бўлди!— деб оёқларини ерга тиради.— Энди қолган кучингни тоғда кўрсатасан. Девдарада!

— Борамизми?

— Ҳа, Ойхол момо ун-пунларни тайёрлаб қўйди. Қўк эшакка ортиб жўнаймиз.

Ойхон момо уларни айвонга чақирди:

— Қани, келинлар, ширчой ичиб олинглар!

Нонушта қилганларидан кейин Ойхол момо Акрам-

---

<sup>1</sup> Торпик — ичига қаймоқ солиб, қатламага ўхшатиб ёғда пишириладиган овқат.

га пахталик фуфайка билан бобосининг эски чакмони-ни берди.

— Тоғда кечалари совуқ бўлишини биласан,— деди.— Чакмонни ҳам эшакнинг устига ташлаб қўй. Ём-ғир ёғса бундан нам ўтмайди. Ун қуруқ туради.

Хуржунга майда-чуйдаларни солиб, эшакка ортди-лар. Кейин учовлашиб ярим қоп унни юкладилар. Қоп устига чакмонни тўшадилар. Дарвозадан чиққанлари-дан кейин Тўйчи қопнинг устига чиқиб ўтириб олди.

Кўк эшак бу юкларга парво қилмас, фақат жуда секин юрар эди.

Офтоб юқорига кўтарилган сари қаттиқ қиздирар-ди. Бугун арчазорлар орасида ҳам ҳаво дим эди. Ак-рам эшакнинг секин юришидан зерикди-да, ёлғиз ўзи сўқмоқ билан юриб анча олдинга кетиб қолди. Утлари қувраб қолган ялангликдан бораётган эди, оёғи тагида бир нарса қаттиқ шитирлаб кетди.

Акрам қараса, сўқмоқдан юқорига томон чипор илон эгилиб-букилиб боряпти. Илон унча катта эмас — ярим метрдан сал узунроқ. Лекин кулранг, қўнғир ва қизғиш жимжималари Акрамга алланечук хатарли кў-ринди. Акрам тўхтаб унга дурустроқ тикилди.

Илон ҳам ундан уч қадамча нарига бориб тўхта-ди-ю, дум томони ерга ўралиб, бош томони бир қарич-ча юқорига кўтарилди. Шунда Акрам илоннинг боши ромба шаклида эканини пайқади. Бир марта ҳайвонот боғига борганда «заҳарли илонлар» деб ёзиб қўйилган сим тўр ичида худди шунақа илонни кўрганини эслади. Сўқмоқда турган илоннинг боши хиёл чайқалиб кетди. У қизғиш кўзларини Акрамга тикиб турарди. Агар Ак-рам яна бир қадам юрса, илон унга қараб ташланади-ганга ўхшарди. Акрамнинг қўлида ҳеч нарса йўқ. Сўқмоқ четида катта-кичик тошлар ётипти. Акрам «тошлардан биттасини олиб отсаммикин» деб ҳам ўй-лади. Лекин ичида бир овоз: «Яхшиси ўчакишма, га-шига тегмасанг, сенга тегмайди»,— дегандай бўлди.

Акрам ҳеч нарса кўрмагандай секин орқасига бурил-ди. Юз қадамча нарида Тўйчи эшак миниб келаётган-ди. Акрам унга қараб борар экан, илон кетидан етиб келиб чақадигандай юраги увишар эди. Лекин илон ўша жойида қолганди. Акрам Тўйчига гап нимадалиги-ни айтиб берди.

— Учакишмай яхши қилибсан,— деди Тўйчи.— Юр, нариги сўқмоқдан ўтиб кетамиз.

Девдарага тор ва тик бир тангидан<sup>1</sup> кирилар эди. Шу ерга етганда Тўйчи эшакдан тушди. Сўқмоқ йўлнинг тепаси — бош айланадиган тош зов. Пастда эса одамни оқизадиган катта сув харсангларга бош уриб шовуллаб оқяпти. Сўқмоқдан икки киши ёнма-ён юриб ўтолмас эди. Шунинг учун олдинда эшак, ундан кейинда Тўйчи, энг орқада Акрам изма-из тизилиб бора бошладилар.

Даранинг нариги томони ҳам тик зов. Тепада бир парча осмон кўринади.

Бир вақт шу осмон парчасида кечагидан ҳам қуюқ қора булут пайдо бўлди. Кейин қоя тошлар орасидаги арчалар шамолдан эгилиб силкина бошлади. Тўйчи Акрамга қайрилиб қараб, хавотирли товуш билан:

— Тезроқ кенг жойга чиқиб олмасак ёмон бўлади. Кеча ҳам тушдан кейин жала қуйган эди. Нарёқда паналайдиган камар бор. Хихх! Хих-ейй, жонивор! Хихх! — деб Тўйчи эшакни қистаб ҳайдади.

Момақалдироқ гумбурлай бошлаганда улар тош зовнинг тагидан ўтиб, текис бир ялангликка чиқдилар. Соё энди улардан анча нарида — юз метрча пастда гувулламоқда эди. Унг томонда баландлиги уч терак бўйи келадиган тик бир қоя гош бор экан. Унинг паст томонида тош ғорнинг оғзи қорайиб кўринди. Ғорнинг усти худди тандирнинг тепасига ўхшаб тутундан қорайиб қолган эди. Шунга қараганда бу ерда одамлар гулхан ёқишган.

— Ёмғир ўгунча мана шу ғорга кириб паналаймиз, — деди Тўйчи Акрамга.

Эшак ғорнинг олдига боролмас эди. Тўйчи уни пастдаги қалин арчанинг орасига олиб кирди-да, оёғидан боғлаб қўйди. Қопдаги ун ҳўл бўлмасин учун устига чакмонни ёпиб, арқон билан танғиб ташлади.

Бу орада ёмғир ҳам шатир-шутур қилиб етиб келди. Ҳаво алланечук совуб кетди.

Акрам Тўйчининг кетидан ғорга қараб чопди. Тошларга тармашиб, ғорнинг оғзидан ичкарига кираётганда, осмондан тушган совуқ ва қаттиқ бир нарса елкасига «гуп» этиб урилди. Акрам ўгирилиб қараса, ёмғир аралаш дўл ёғяпти.

Тош ғорнинг ичи қоронғи бўлса ҳам илиқ эди.

<sup>1</sup> Танги — дарага кириладиган тор жой.



Акрам ғорнинг оғзидан узоқ кетгиси келмади. Ғорнинг қоронғи жойларида ким билади нималар бор? Одамлар бу ерни Девдара деб бежиз айтмаган бўлсалар керак.

Лекин ҳозир ташқарида бўлаётган тўполон ғорнинг тубидаги қоронғиликдан ҳам ваҳималироқ эди. Дўл осмондан даҳшатли оқ селга ўхшаб қуйилмоқда эди. Йирик-йирик муз парчалари тошларга шатиллаб урилиб, сапчиб кетарди. Дара ичида момақалдиروқнинг қалдир-қулдури шундай қаттиқ эшитилардики, еру кўк остин-устун бўлиб, тоғлар қулаб тушаётганга ўхшарди.

Ғорнинг кираверишида бир-бирининг пинжига тикилиб ўтирган Акрам билан Тўйчи ваҳимадан ва дўл совуғидан қуношиб қалтирашар эди. Ранги ўчиб, кўзлари катта-катта бўлиб кетган Тўйчи:

— Энди сел келади!— деди.

— Ғорга ҳам келадими?— қўрқиб сўради Акрам.

— Билмадим... Бу ер баланд-ку.

— Ҳа, сой пастда. Сел бу ерга кўтарилолмас.

Тўйчи бирпас жим турди-да:

— Суюн бобом қўйлари билан қандай қилдийкин?— деди.

— Тошқўтон ҳали узоқми?

— Девдаранинг юқорисида. Сал эртароқ чиқсак ҳалигача етар эдик.

Тўйчининг гапи Акрамга «энди етолмаймиз» дегандай эшитилди.

Довулни эслатувчи зўр шамол арча шохларини пий-палаб, юлқиб, силкитарди. Қоя тошнинг тепасида — шамол энг қаттиқ тегадиган жойда танаси қизил кекса четан дарахти бор эди. Дўл аралаш довулнинг кучли бир тўлқини шу четанни синдириб юборди. Четан қоя-тошдан пастга ағанаб, Девдаранинг сойига тушиб кетди.

Бу даҳшатлар ҳали жуда узоқ давом этадиганга ўхшарди. Акрам тош ғор ичида умрбод қолиб кетадигандек эди.

Лекин момақалдироқ товуши улардан тобора узоқлашиб бормоқда эди. Дўл ва довулни бошлаб келган қуюқ қора булут Девдаранинг устидан кунботиш томонга ўтди. Осмоннинг кунчиқиш томони эса ёриша бошлади. Шамол ва дўл қандай тез кучайган бўлса, шундай тез пасайди. Кейин дўл сийрак ёмғирга айланди. Яна кўп ўтмай кунчиқиш томондаги уфқда офтоб нуридан ялтираб турган қорли чўққи кўзга ташланди.

Тоғда ҳаво жуда тез ўзгаришини Акрам бултур ҳам кўрган эди. Узининг бояги ваҳимали ўйлари энди унга кулгили туюлди. Гулхан тутунларидан шифти қорайган тош ғор ҳам ишончли, синашта жойдек кўринди.

Тўйчи ҳам энди тетикланиб:

— Эшак нима бўлдийкин?— деди.— Юр, кўрайлик.

Улар ҳўл бўлиб кетган қоятошни ушлаб-ушлаб пастга тушдилар.

Эшак ҳали ҳам бошини қалин арчанинг панасига тиқиб турибди. Шундай бўлса ҳам, шўрликнинг ҳамма жойи ҳўл. Узун қулоқлари ғижимлаб ташлангандай шалпайиб қолган. Ўзи бояги тўполонлардан кўрққанми, дўл тағида ёмон совқотганми, оёқлари, сонлари титрар эди. Тўйчи уни арчаларнинг орасидан ҳайдаб чиққанда эшак гандираклаб кетди.

— Хих-ей, жонивор!— деб Тўйчи унинг устидаги юкини орқасидан суяб бора бошлади. Оёқ ости ҳўл, лекин сув ўтлоқ қияда тўхтамай пастга оқиб кетган, шунинг учун балчиқ ёки лой йўқ.

Сал юрганларидан кейин сўқмоқ йўл Девдаранинг сойига яқинлашди. Шунда Акрам сойнинг илгаригидан ҳам қаттиқроқ шовуллаётганини эшитди.

Сой кўринадиган жойга бориб қарашса, бояги тиниқ сув лойқаланиб, аввалгидан беш-олти баравар кўпайиб кетган. Қорамтир-қизғиш аталага ўхшаб қуюқ кўринадиган улкан сел сандиқдай-сандиқдай тошларни юмалатиб кетмоқда эди. Бир вақт сел юзида илдизи билан суғуриб олинган арча лапанглаб оқиб ўта бошлади.

Акрам ваҳима тўла кўзларини Тўйчига тикди:

— Бобом қайси томонда қўй боқадим?

— Ана шу сел келаётган томонда.

— Бўлмаса, юр тезроқ!

Йўл тик эди. Девдарадан ўтиб, Тошқўтонга кўтарилгунларича эшак ҳам чарчаб юролмай қолди, ўзлари ҳам энтиқиб, елкаларидан нафас ола бошладилар.

Тошқўтоннинг устидан қўйларнинг асабий маърагани эшитилди. Яна сал юрганларидан кейин чакмонининг этакларини бар уриб белига қистирган Суюн ота қаршиларидан чиқиб қолди.

Отанинг эғнидаги чакмони ҳўл бўлиб оғирлашган. Оёғидаги этиги ивиб шишиб кетган. Кўриниши ҳорғин, кўзлари гўё ичига ўпирилиб тушган. Шундай бўлса ҳам у Акрамни бағрига босиб:

— Зап келибсан-да!— деди. Бирга келгани учун Тўй-чини ҳам мақтаб қўйди. Кейин ҳорғин товуш билан сўради:— Девдара томонда қўй-пўйга кўзларинг тушма-дими?

— Йўқ.

— Нима бўлди, бобо? Бояги селда қандай қилдингиз?

— Э, боланг йиғлагур дўл, шамол, сел ҳаммаси устма-уст келиб, мени жуда ёмон қилди. Уҳҳ!.. Қўйларнинг бир тўпи сел келадиган сойнинг нариги ёқасида эди. Қора булут кўринган заҳоти юрагим «шиғ» этди. Агар дўл ёғса сел келади, дедим-у, сойнинг нариги ёғидаги қўйларга қараб чопдим. Уларни ҳайдаб ўтаётганимда дўл уриб берди. Хайрият, шамол орқа томондан эди. Сел келгунча сойдан ўтиб олдим. Лекин бу орада сойнинг бериги ёғида қолган қўйлар тўзғиб, тарқаб кетибди-да. Бу жонивор қўйнинг дўл билан довулга ҳеч чидами йўқ. Момақалдироқдан ҳам ҳуркади. Шамол қаёққа қараб қувса, ўша ёққа кетаверади... Бояги тўполонни кўрдиларингми?

— Кўрдик.

— Қаерда эдиларинг?

— Тош ғорнинг ичида паналаб ўтирган эдик.

— Ҳа, ана ўша тўполонда мен у ёқдан-бу ёққа чопиб, тўзғиб кетган қўйларни бир жойга йиғаетган эдим. Аксига олиб, шеригим йўқ. Ёлғизлик ёмон-да... Дўл тўхтагандан кейин қўйларни санаб кўрсам, олти-таси йўқ. Давлатнинг моли... Совхоз менга ишониб топширган эди... Шамол билан дўл аллақаёққа қувиб кетган-да. Бир эмас олтита-я!..

Бу гаплар давомида қўтонга чиқиб бордилар. Бояги довул Суюн отанинг чодирини йиқитиб кетган эди. Эшакнинг юкини чодирнинг ерда ётган брезенти устига туширишди. Суюн ота хуржунга қўл тикиб бир юмалоқ чойни олди. Уни бурнига яқин келтириб, ютоқиб ҳидлади.

— Ҳаҳ! Беш кундан бери чойим йўқ. Чойнинг хумори ҳам ёмон бўлар экан, бошим бировнинг бошига ўхшайди!

— Бўлмаса биз ҳозир чой қайнатамиз!— деди Тўйчи.— Утин териб келайлик, Акрам.

— Утинлар ҳам ҳўл... Чойни кейин қайнатармиз. Аввал йўқолган қўйларни излайлик. Ҳадемай кун кеч бўлади. Тўпидан ажралган қўйни кечаси бўри еб кета-

ди... Бу тоғда қоплон ҳам бор. Кейин мен давлатнинг олдида қандай жавоб бераман?

— Қайси томонни қидирайлик, бобо, айтинг,— деди Акрам.

Суюн ота қўтоннинг четида бир-бирларига қовушмай тарқоқ аҳволда турган қўйларига ўгирилиб қаради.

— Бу қўйлар ҳам безовта. Боланг йиғлагур дўл жониворларни ёмон эзди-да. Тўйчи, сен Акрам икковинг қўйларга қараб туринглар. Яна булар ҳам тарқаб кетмасин. Мен ўзим ҳу ана у жилгани бир қараб келай...

Сел аллақачон тўхтаган, жилға ичида тошлар ва буталарда унинг лойқа излари қолган эди. Суюн ота пастга тушиб, юқорига чиқиб, анча юрди. Лекин йўқолган қўйларнинг ўзлари ҳам, бирон излари ҳам топилмади.

Ота сўнгги кунларда қўйда бир ўзи қолиб жуда қийналган эди. Бунинг устига бояги тўполонлар қўшилиб, уни баттар чарчатган эди. Энди яна қўй излашга мажоли қолмади. У қўтонга зўрға чиқиб келди. Унинг ёмғирда шишган этиги ҳам йиртилиб кетган эди. Акрам бобосининг оёғини зўрға кўтариб босаётганини кўрди-ю, унга раҳми келди.

— Бобожон, сиз қўтонда қолинг, энди биз излайлик.

— Бўлмаса, Тўйчи йўлни билади,— деди Суюн ота.— Айғиркўл томонга бир ўтиб келинглар. Боланг йиғлагур шамол, ўша томонга қараб қувиб кетган бўлса ажаб эмас...

Суюн бобонинг белида иккита белбоғи бор эди Шунинг биттасини пичоғи билан ечиб Акрамга берди.

— Ма, болам, белингга боғлаб ол.

Пичоқнинг чиройли оқ дастаси попукли қиндан чиқиб турарди. Қиннинг учига мис пойнак ўрнатилган эди.

— Қўшда менинг яна битта пичоғим бор. Ол Йўлда ирғай учраса биттадан таёқ кесиб олинглар. Тўйчи, чакмонни елканга ташлаб ол. Мабодо яна ёмғир ёгса, керак бўлади. Айтмоқчи, тушликнинг вақти ўтиб кетди. Йўлда ҳеч нарса едиларингми?

— Еганимиз йўқ.

— Бўлмаса хуржундаги нондан иккитасини қўйнингга сол... Лекин қоронғига қолманглар. Офтоб ботгунча топилса-топилди. Топилмаса қайтиб тушинглар.

— Хўп.

Айғиркўлга чиқадиган сўқмоқ жуда тик эди. Бирпас юрганларидан кейин иккови ҳам оғир-оғир энтика бошлади. Тўйчи харсангтошнинг тагидан қайнаб чиқётган бир булоқнинг олдида тўхтади, қўйнидаги нондан биттасини олиб иккига бўлди. Иккови булоқ бўйига ўтириб нон ейишди, муздай булоқ сувидан ичиб, ерда бирпас дам олишди. Ҳаво очилиб кетган, офтоб ғарбдаги тоғ чўққиларига томон секин оғиб борар эди. Осмонда иккита калхат кўринди.

— Ғажирни қара,— деди Тўйчи.

— Қалхат эмасми?

— Қалхатни бизда ғажир дейди. Буларнинг суяк ғажиганини ҳеч кўргангиз борми?

— Йўқ. Сен кўрганмисан?

— Ҳа. Бу йил баҳорда Исоқ ака деган одамнинг ғунажинига бўри тегди. Ҳув пастдаги Арчали сойда ўлиги ётган экан. Биз ўтинга кетаётиб кўрдик. Кечаси ғунажин тоғда ёлғиз қолган экан-да. Бўрини кўриб қочган бўлса керак. Бўри кетидан қувибди. Ғунажин сойнинг сувидан ўтган пайтида тутилибди. Бўри уни йиқитиб, қорнини ёрибди. Орқа оёғининг юмшоқ жойидан ебди. Қолганини ташлаб кетибди. Тарғил ғунажин эди. Узоқдан кўрдик. Жонивор сойнинг бўйида ер тишлаб ётибди. Учта оёғи билан бир томони бутун, лекин ҳаром ўлган экан. Эгаси олиб кетмади. Биз ўтин тергани ўтиб кетдик. Нарироқ бориб осмонга қарасак, ўттиз-қирқта ғажир учиб келяпти.

— Тоғда ғажир шунақа кўпми?

— Ҳў нариги даранинг ичида бир тош ўнғир бор. Оти Ғажирхона. Уша ерда ғажир кўп. Шулар ҳаммаси ҳарёқда битта-иккитадан бўлиб учиб юрар эди. Энди ҳаммаси ўлаксанинг ҳидини олибди-да. Э, булар ўлжа кўрса учиши ўзгариб кетар экан. Қанот қоқишлари шундай тез! Бири-бирининг атрофида ғиж-биж айланади. Худди осмонга қора қуюн чиққанга ўхшайди. Шу қуюн ҳалиги ўлакка ётган жойга қараб ўтиб кетди. Биз ўтин олиб бўлдик-да, бояги йўлдан орқага қайтдик. Қарасак, ғунажиннинг ўлиги ётган жойда оппоқ суяклар сочилиб ётипти... Ғажирлар суяк тозалашга уста бўлишини шунда кўрдим.

Осмонда секин айланиб юрган ғажирлар энди Акрамга бошқача кўринди. Булар йўқолган қўйларни осмонда юриб кўраётган бўлса керак. Тирик қўйга ғажир тегмайди. Лекин агар бўрилар эгасиз қўйларни

Ўлдириб, чала-чулпа еб кетса, ғажирлар ана ундан кейин шошилишади...

— Ғунажинни еган бўрини отиб ўлдиришмадими?— деди Акрам Тўйчига.

— Йўқ. Суюн бобом бўрига қопқон қўйган экан. Қопқоннинг ичида каттагина гўшти бўлади-да. Бу гўштии қишлоқдан чиққан бир дайди кўппак олиб емоқчи бўлипти. Кейин қопқонга шу ит икки олдинги оёғи билан илиниб қолипти. Суюн бобо бўшатиб юборай деса, ит вангиллаб, яқинига борган одамни тишламоқчи бўлибди. Суюн бобо уни сўкиб-сўкиб, бир амаллаб бўшатиб юборибди. Кейин қопқон қўймайдиган бўлди.

— Бўри ҳали тоғда юрипти, дегин.

— Юрган бўлса керак.

Акрам бобосининг хавотирланиши бежиз эмаслигини энди сизди. Белидаги пичоғини қинидан суғурди-да:

— Кел, биттадан таёқ кесайлик,— деди.

Булоқдан сал нарида танаси кулранг зирклар тўп-тўп бўлиб турар эди. Тўйчи зиркларнинг таёқ бўладиган текисроқларини топди. Икковлашиб, иккита таёқ кесиб олишди-да, яна йўлга тушишди.

— Сен ўнг ёнани қараб ўт, мен чап томонни излайман,— деди Тўйчи.— Ҳу ана у айри тошда учрашамиз.

Акрам ўнг томондаги сўқмоқ билан ёлғиз борар экан, ёни-верига аланг-жалаңг кўз ташларди. Бирон нарса шитир этса, тўхтаб, ҳамма ёққа қўрқа-писа кўз югуртирар эди.

У қўй излаб юрган бўлса ҳам гоҳ ғунажинни ўлдирган бўрилар эсига тушар, гоҳ бобоси билан олишган айиқ хаёлида гавдаланарди. Унга тўсатдан мана шу йиртқичлар учраб қоладигандай бўлар эди.

Айри тошга етгунча мана шундай таҳликалардан аллақанчаси унинг хаёлига келиб кетди.

— Йўқми?— деди чап ёнбағирдан чиқиб келган Тўйчи.

— Йўқ,— деб Акрам ерга қаради. Шунда унинг кўзи сўқмоқдаги изларга тушди.

Сўқмоқнинг тупроғидан бояги ёмғирнинг нами кетмаган эди. Нам тупроққа чуқур ботган майда туёқ излари пастдан чиқиб келган эди.

— Қара!— деди у Тўйчига.

Тўйчи сўқмоққа чўккалаб, туёқ изларини қўли билан ушлаб ҳам кўрди:

— Ер лой бўлган пайтда ўтган!— деди Тўйчи.—  
Бўлмаса қўйнинг туёғи ерга бунчалик ботмас эди.

Туёқ излари юқорига қараб кетган эди.

— Кўрдингми? Айғиркўлга қараб кетипти!

Улар баланд тепаликдан ошиб, Айғиркўлга яқин  
боргунларича офтоб уфққа яқинлашиб қолди.

— Бу ёқларда из йўқ-ку,— деди Акрам.

— Қўйлар бошқа ёққа бурилиб кетганмикин?

— Юр, кўл бўйига тушайлик.

Атрофи улкан тоғ ёнбағирлари билан қуршалган  
Айғиркўл улар турган жойдан анча пастда эди. Кўл  
юзидан офтоб кетган, кечки сояларда унинг суви қоп-  
қора кўринарди. Тўйчининг пастга тушгиси кел-  
мади.

— Кеч бўлиб қолди. Суюн бобо айтган эдилар...

— Қўйлар кўлнинг бўйига тушган бўлса-чи?

— Тушганми, йўқми, ким билади? Изи йўқ.

— Қуруқ қайтамизми?

— Қоронғи тушиб қолади. Биласанми?— деб Тўйчи  
овозини пасайтириб гапирди:— Мен отамдан эшитган  
эдим. Кўлнинг ичида сув айғири бўлар эмиш. Қоронғи  
тушганда сувни шалоплатиб сузиб чиқармиш.

— Чиқса нима? Одамга тегармишми?

— Одамни сувнинг тагига олиб кириб кетармиш-да.

— Йўғ-е! Бу гапнинг «дев бор, ажина бор», деган  
афсоналарга ўхшайди-ку.

— Лекин бу кўлда сув айғирини кўрган одамлар  
бор экан. Ўшалар бунга Айғиркўл деб от қўйишган  
экан.

Юқоридан сирли йилтираб кўринаётган Айғиркўл  
унча катта эмас эди. Тошкентдаги «Роҳат» кўлича кел-  
лади. Лекин унинг ўрмонзор қирғоқлари ва қорамтир  
суви кечки сояда Акрамга ҳам хийла кўрқинчли кўри-  
нарди. Акрам пастга — бобоси қолган томонга кўз таш-  
лади. У ёқлардан ҳали офтоб кетган эмас. Лекин афсо-  
нага ўхшаган гапдан кўрқиб, бобосининг олдига қуруқ  
қайтиб борадими? Бобоси унга пичоғини ишониб бер-  
ган эди. Акрам «пичоқ тушиб қолмадимикин?» деб  
белини пайпаслаб кўрди. Йўқ, турибди.

— Тўйчи, бобом ҳам «қўйларни кўл бўйидан из-  
ланглар» деган эди-ку.

— Кеч бўлиб қолди-да.

Акрамнинг кўнглида ҳам турли-туман таҳликалар  
фулғула қилмоқда эди. Лекин бобосининг олдига сўн-

пайиб қуруқ қайтиб боришнинг уяти бу таҳликалардан ёмонроқ туюларди.

— Таваккал!— деди у Тўйчига,— сен шу ерда туриб тур. Қўл бўйига мен ўзим тушиб чиқаман.

Акрам шундай деб пастга интилди. Тўйчи бирпас қаққайиб турди. Кейин унинг ҳам орияти зўрлик қилди.

— Шошма, бирга тушамиз!— деб Тўйчи Акрамнинг кетидан югурди.

Қўл бўйида қуриб қолган каттакон бир арчанинг гўласи ағанаб ётибди. Яқиндан қаралганда қўл суви оқиш-сурма ранг кўринарди. Бир жойда кули қорайиб қолган тош ўчоқ учради. Демак, бу ерга одамлар келиб туради. Лекин ҳозир қўл бўйида биронта тирик жон кўринмайди. Атроф ҳувиллаган, жимжит.

Акрамнинг назарида, жимжит сув тубидан алланарса уларни кузатиб тургандай бўларди. У сувга қарамасликка тиришар, қўйларни кўзи билан излаб, нуқул қўл атрофларига тикиларди.

— Ие, қара, қара!— деди Акрам ва қўлнинг узоқ четидаги баҳайбат қоятошлар, орасидан ўтиб бораётган қорани кўрсатди.— Қўйга ўхшайди! Ана, яна биттаси кўринди! Юр, тезроқ борайлик!

Қора кўринган жой хийла узоқ эди. У ерга боргунча бутун қўлни айланиб ўтиш керак эди.

— Қўйга ўхшамайди,— деди Тўйчи.— Тўнғиз бўлиши мумкин.

— Яқинига борайлик-чи!

— Тўнғиз бўлса ёриб ташлайди...

— Яна ваҳимани бошладингми?..

— Хўп, майли, юр бўлмаса!

Улар қўлни айланиб ўтиб, қора кўринган жойга яқин боргунларича чиндан ҳам қош қорайиб қолди.

— Ана, ҳеч нарса йўқ!— деди Тўйчи тўхтаб.

— Шу атрофни қидирсак топамиз!

— Қоронғи тушиб қолди, тополмаймиз! Ундан кўра юр, қайтайлик. Бобонг хавотир бўлади!

Қоронғи тушган сари Акрамнинг юраги ҳам такапука бўлмоқда эди. Бу тоғда чиндан ҳам тўнғиз кўп эди. Айиқ ҳам кечаси чиқади. Балки Акрам отаси билан кўрган кўк қоплон ҳозир шу атрофда пусиб тургандир?

— Юр! — деб Тўйчи уни қўлидан олиб орқага тортди. Шунда Акрам Тўйчини қалтироқ босганини сизди. Тўйчининг титроғи гўё қўли орқали Акрамга ҳам ўтди.



— Юр тезроқ!— тортқилади уни Тўйчи.— Қоронғи тушса адашиб кетамиз! Юр!

Акрам энди Тўйчига ён берди. Унга бўйсуниб орқага бурила бошлади.

Шу пайт арчалар орасидан қўй маърагани эшитилиб қолди. Акрам бобосига тақлид қилиб:

— Қур-ҳей!— деган эди, қўй аввалгидан қаттиқроқ маъради.

Тўйчи Акрамнинг қўлини қўйиб юборди. Акрам қўй маъраган томонга қараб югурди. У қалин арчаларнинг шохларини қўли билан қайриб ўтар, елкаларини бутоқлар тирнашига қарамай чопиб борар эди. Тўйчи ҳам унинг кетидан изма-из келмоқда эди. Энди у ҳам қўйларга:

— Қур-ҳей! Қур-ҳей!— деб қичқирар эди.

Арчаларнинг панасида ғуж бўлиб турган қўйлар бегона жойда номаълум хавф-хатарлар қуршовига тушиб қолгандай безовта эдилар. Бу ерда улар одамлардан нажот топишлари мумкин эди. Бу жониворлар чўпонларнинг «қур-ҳей»ига ўрганган эдилар. Акрам билан Тўйчи Суюн отадай келиштириб «қур-ҳей!» деёлмасалар ҳам, одам зотининг товуши қўйларга аввалги бежавотир кунларини эслатган бўлса керак. Кўпни кўрган кекса бир совлиқ яна йўғон товуш билан «ба-а!» деб қўйди. Акрам билан Тўйчи қўйларнинг олдига чопиб келишди.

— Э, мана, мана!

— Нечта экан? Ҳаммаси борми?

Улар қўйларни санаб кўришди.

— Олтови ҳам бор!

— Яшасин!— деб Тўйчи бояги қўрқувларини ҳам унутди.— Боя «қур-ҳей» дейиш эсимизга келмаганини қара-я!

Улар қўйларни кўл бўйига ҳайдаб тушгунларича тун қоронғиси қуюқлашиб, осмонда юлдузлар кўрина бошлади. Бирпас кўл ёқалаб юрганларидан кейин тор сўқмоқ ўрмонзор ёнбағирга қараб бурилди. Ўрмон дарахтларининг орасидан ўтган илон изи йўлни қоронғида кўзлари яхши кўрмай қолди.

— Адашиб кетмайлик тагин!— деди Акрам.

— Ана у катта совлиқни олдинга ўтказайлик, ўша адашмаса керак.

Тўйчи совлиқни олдинга ҳайдаб ўтказди. Кўл анча пастда қолди. Бир вақт совлиқ тик зовнинг тагига бо-

риб тўхтади. Сўқмоқ шу ерга келганда бирдан йўқолди. Тўйчи у ёқ-бу ёққа қараб:

— Э, бу ер Айланма-ку!— деди.

— Қанақа Айланма?

— Бу ерда йўл йўқ, келган одам айланиб орқасига қайтади.

— Яна кўл бўйига тушамизми?

— Боя тош ўчоқ кўринган жойга борайлик. Уша ерда ўзимиз келган сўқмоқ бор.

Улар қўйларни яна пастга ҳайдаб тушдилар. Кўл сувида юлдузлар акс этиб турарди. Осмонда ой бўлма-са ҳам кўл ва унинг соҳили ўрмонзорга нисбатан хийла ёруғ кўринарди.

Бир вақт тепаларида бойқушнинг хунук товуш билан ҳуҳулагани эшитилди. Акрамнинг бадани музлаб кетгандай бўлди. «Кечаси кўлнинг ичидан сув айғири чиқади» деган гап яна эсига тушди. Куни билан юриб чарчагани ҳам энди билина бошлади. Қоронғида оёғи бир насраларга урилиб гандираклаб кетди. Кейин кўлнинг тепасидаги ёнбағирдан кучли бир овоз келди:

— Тўй-ўй-чи-и! А-ак-ра-а-м!

— Ана! Биров чақиряпти!— деди Акрам ва жавоб бермоқчи бўлиб қўлларини оғзига карнай қилди.

Шунда Тўйчи унинг оғзини кафти билан бекитди:

— Шошма,— деб шивирлади.— Жин-пин бўлса уриб оғзингни қийшайтириб кетади.

— Сенга бир гап бўлганми? Пионермисан ўзинг?

— Пионер бўлса нима?

— Пионер жинга ишонадими?

— Менга бувим айтган!..

— Э, қўй-е!

Бояги қичқирӣқ энди узоқроқ жойдан заифроқ эшитилди:

— А-ак-р-а-м!

Агар тезда жавоб беришмаса овознинг эгаси узоқлашиб кетиши ва уларни бутунлай тополмаслиги мумкин эди. Акрам шуни сездиди:

— Биз бу ёқдами-из!— деб қичқирди. Лекин овози истаганидан заифроқ эшитилди. Кейин Акрам Тўйчини қистади:— Кел, биргалашиб товуш берайлик! Бобом қидириб юрган бўлмасин! Бўл, ҳа, қани! Бир, икки, уч...

Ахири Тўйчи ҳам қўшилди. Улар икковлашиб:

— О-ҳо-ҳо-ҳо-ов!— деб бор овозлари билан қичқира бошладилар. Товушлари қоронғи ёналарда, қоя тош-

ларда акс-садо бериб анча вақт янграб турди. Кейин боьги овоз такрор эшитилди:

— Оҳо-ҳо-ҳо! Қаердасанлар, Акра-а-м?!

— Биз бу ёқдамиз! Бу ёқда-а!

Бирпас ўтгандан кейин ҳалиги овоз яқин бир жойдан эшитилди. Акрам бобосининг овозини таниёлмади.

— Бошқа одамга ўхшайди-ку, Тўйчи?

— Салим ака деган зоотехнигимиз бор,— деди Тўйчи.— Уша кишининг овозига ўхшайди.

Чиндан, уларни излаб келган одам — зоотехник Салим ака эди. У тоққа дўл ёққанини, Суюн ота ёлғиз эканини эшитиб, отадан хабар олгани келган эди. Кейин Суюн ота уни қўй излашга чиқиб ҳаяллаб кетган Акрамларнинг кетидан юборган эди.

Салим ака Акрамларнинг қўй ҳайдаб келаётганларини кўрди-ю:

— Об-бо, азаматлар-ей! Топибсизлар-ку!— деди.

Қоронғида унинг юзи яхши кўринмас, лекин овозидан ўттиз ёшлардаги бақувват йигит эканлиги билиниб турарди. У Акрам билан Тўйчи икковини бир-бирига қўшиб қучоқлади-да, ердан даст кўтариб, эркалатди.

— Лекин Суюн бобо иккаламиз ёмон хавотирландик-да! Қўй-пўйлар ҳам кўзимизга кўринмай қолди. Қоронғида бирон зовдан йиқилиб кетсаларинг нима қиламиз деб роса қўрқдим-да.

— Биз ҳам қоронғида роса қўрқдик,— деди Акрам.

Кейин Тўйчи иккаласи кулиб-кулиб, қўйларни қандай топганларини, қандай адашганларини айтиб беришди.

— Аммо катта иш қилибсанлар, укалар,— деди Салим ака.— Давлатнинг бир эмас олтита қўйини қутқарибсанлар. Бунинг учун биз икковингга катта мукофот берсак арзийди.

— Мукофот керак эмас,— деди Акрам уялиб.— Бобом хурсанд бўлсалар бўлди.

— Лекин сен бобонгга тортибсан, Акрам,— деди Салим ака.— Бобонгга муносиб невара бўляпсан!

Ҳозир Акрам учун бундан ортиқ мақтов йўқ эди.

# НАЖОТ

АФСОНА-ҚИССА





## 1.

Баҳор охирлаб қолаётган кунларда шаҳзода Абу-саид қирқ йигити билан овга чиқди. Ўтлар бўлиқ, лола-қизгалдоқлар гулини тўккан. Қирларда пичан ўраётган деҳқонлар сурнай ва ноғора чалиб бораётган отлиқларга қайрилиб қарайдилар. Шунда шаҳзоданинг чинқироқ овозли жарчиси одамларни огоҳлантиради:

— Ҳов, халойиқ, эшитмадим дема, шаҳзода Абу-саид ҳазратлари ов қиладиган жойга яқин келма!.. Кимда-ким шаҳзоданинг ов қилишига халақит берса, боши балога қолади, моли таловга тушади! Ҳов, тоғлардаги чўпонлар, қирлардаги деҳқонлар! Эшитмадим деманглар!..

Шаҳзода Абу-саид ўйноқи чавкар отда атрофига синчиклаб кўз тикади, лекин буталар устига қўниб сайраётган зарғалдоқлар ва осмонда ғужур-ғужур қилаётган тўрғайлардан бошқа бирон жондор кўринмайди. Шаҳзода ёнидаги йигит оғасига буюрди:

— Жарчини жим қилинг! Ов деб оламга шовқин солади, буёқда биронта бедана ҳам учрамайди!

Йигит оғаси отига қамчи босиб, жарчи томонга елиб кетди. Зум ўтмай жарчининг овози ҳам, ноғора ва сурнайлар ҳам жим бўлди.

Шаҳзоданинг авзойи ёмонлигини кўрган йигит оғаси орадаги ғуборни ҳазил-мутоиба билан тарқатмоқчи бўлди.

— Раҳим-гапдон,— деб жиккак навкарга кинояли кўз ташлади.— Бу атрофда тувалоқ кўп деган эдинг, бир ўқ отсанг булутдай ёпирилиб учади, деб бизни ишонтирган эдинг.

— Тувалоқ бўлмаса қирғовул бор,— деди Раҳим-гапдон.— Ану дарёнинг бўйидаги қамишзорга борайлик, кўрасиз, шаҳзодам. Тўқайда қирғовуллар қумурсқадай қайнаб ётибди.

— Қирғовул тўқайда эмас, сенинг оғзингда қайнайди, холос!— деди йигит оғаси.

Бу гапга мулозимлар кулмоқчи бўлишди, лекин шаҳзода Абусаид ҳамон қовоғини очмай жим бормоқда эди, шунинг учун ҳеч ким баралла кулишга журъат этмади.

Чўтир бир мулозим ўзича «уҳ» тортиб:

— Бу қирларда мен калтакесакдан бошқа нарсани кўрганим йўқ,— деди.— Калтакесак — бехосият, афти совуқ нарса. Буёғи кун кеч бўляпти. Ану тўқайда аждарҳо-илонлар бор эмиш. Ундан кўра қасрга қайта қолайлик, шаҳзодам!

— Ашур-ваҳма яна дийдиёсини бошлади,— деди йигит оғаси.— Бунинг гапига кирсак, қуруқ қайтамиз. Шаҳзодам, рухсат беринг, мен йигитлардан ўнтасини ёнимга олиб, тўқайни бир сралаб чиқай. Раҳим-гапдон айтган қирғовуллар борми, йўқми, бир кўрайлик.

— Аммо сурнай билан ногора бошқа чалинмасин!— буюрди шаҳзода.— Бор ов ҳам шовқинда бекиниб олади.

— Доно гапни айтдингиз, — шаҳзодам! — қувониб хитоб қилди Раҳим-жиккак.

— Ҳа, агар,— таҳдид билан деди шаҳзода,— тўқайда ҳам ов учрамаса, Раҳим-гапдоннинг жазосини бермоқ керак. Оёқ-қўлини боғлаб ташлаб кетамиз, қурт-қумурсқага ем бўлиб ётади.

— Улдинг, Раҳим!— деб шипшиди Ашур. Ранги ваҳимадан оқариб кетган Раҳим-гапдон эса тепага қараб илтижо қилди:

— Эй, яратган эгам, ўзинг нажот бер!

Йигит оғаси бошлиқ отликлар қамишларни шалди-ратиб тўқайни оралаб кетдилар. Бир вақт дарё суви ялтираб кўринди. Сув бўйидаги ўтлоқдан кулранг-қизғиш рангли бир кийик қочганини йигитлар кўриб қолишди.

— Шаҳзодам!— қичқирди йигит оғаси.— Қийик бор

экан! Дарё томондан келинлар! Тезроқ! Биз бу томондан қувамиз! Тез!

Жажжи шохчалари бор, йирик кўзлари тимқора кийик бир тўп қамишларни ёриб ўтди-да, ўтлоқ яйловга қараб қочди. Буни энди шаҳзода ҳам кўрди. Энг учқур от шаҳзоданинг тагида эди. У бошқалардан тезроқ от чоптириб бориб, кийикнинг олдини тўсиб чиқди.

Нариги томон дарё. Орқадан йигит оғаси бошлиқ отлиқлар учиб келмоқда. Фақат ўнг ёқдаги қамишзор холироқ эди. Кийик ўзини ўша томонга ташлади.

— Ашур, Раҳим! Қамишзор томондан келинлар! — деб буюрди шаҳзода.

Ун чоғли отлиқ ўзини қамишзорга уриб, кийикни яна яланг ўтлоққа қочиб чиқишга мажбур қилди. Кийикнинг атрофини отлиқлар тутиб кетди.

— Шаҳзодам, энди бу кийик биздан қочиб қутулолмайди! Уқ отинг!

Шаҳзода олтин қиличини қинидан суғурар экан:

— Мен буни қилич билан оламан!— деди.

Кийик ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлар, лекин отлиқлар ҳалқасидан чиқиб кетолмай, яна орқага чекинарди.

— Шаҳзодам, қаранг,— деб қичқирди йигит оғаси.— Кийикнинг қулоғида бир нарса йилтираяпти!

Кийик ҳуркиб, сакраб шаҳзода томонга яқинлашганда Раҳим-жиккак ҳам:

— Э, ана, қулоғида сирғаси бор!— деди.— Ёқут кўзли сирға чўғдай ёниб турибди!

— Ё тавба! Кийикнинг ўзи ҳам шундай чиройликки, қонини тўкишга одамнинг қўли бормайди!

— Шаҳзодам, бу кийикда бир ҳикмат бор!

— Ҳа, рост, буни тириклай тутмоғимиз керак!— деб шаҳзода Абусаид олтин қиличини қинига қайтариб солди.— Йигитлар, сиртмоқларингни қўлга олинглар! Кийикнинг атрофини ўраб, ҳалқани сиқиб келаверинлар!

От дупури орасидан овчиларнинг:

— Ҳушёр бўл! Утказма!

— Сен томонга сакради!

— Сиртмоқни ишлат!— деган хитоблари эшитилиб турарди.

Шунда шаҳзода Абусаид овчиларига яна бир нарсани тайинлади:

— Қимки кийикнинг бўйнига сиртмоқ солса, чил-

вирни қаттиқ тортмасин, бўғиб ўлдириб қўйса жазо олади!

— Бош устига, шаҳзодам!

— Кийикни тирик тутамиз!

Кийик йигит оғаси томонга қараб сакради. Аммо овчилардан беш-ўнтаси унинг йўлини тўсиб чиқишга улгурдилар.

— Билиб қўйинглар,— деди шаҳзода йигитларига.— Кийик жуда чаққон бўлади. Енларингдан сакраб ўтиб кетса, кейин тутиш маҳол! Агар кимда-ким кийикни ёнидан ўтказиб юборса, шимини ечиб ерга ётқиздираман, думбасига қирқ қамчи урдираман!

Бу гапдан овчи йигитлар янада хушёр тортдилар.

Раҳим-гапдон Ашур-ваҳмага қараб:

— Ўлдинг, Ашур!— деди.— Орамздан ўтиб кетса!.. Қирқ қамчи-я! Думбанг тити-пити бўлиб кетади!

— Худо сақласин! Шаҳзодам, биз даврани торайтириб, кийикни сиз томонга суриб бораверамиз. Сиртмоқни ўзингиз ташланг!

Шаҳзода Абусаид эгарининг қошидаги сиртмоқни қўлига олди. Унинг қирқ йигити кийикни шаҳзода томонга суриб келди.

— Ана, сакради!..

— Шаҳзодам!..

Кийик шаҳзодага томон дадил сакрар экан, йирик-йирик қора кўзларидан шундай бир сеҳрли олов чақнадики, Абусаид бир лаҳза ўзини йўқотиб қўйди. Сўнг то ҳушини йиғиб, қўлидаги сиртмоқни овининг бўйнига ташлагунича, кийик шаҳзода минган отнинг тумшуғи тагидан ўқдай отилиб ўтиб кетди.

— Шаҳзодам, сизга не бўлди? Шундай узангингиз олдидан ўтиб кетди-я!

— Кийик мени бир бало қилди!— деди шаҳзода яниб.— Ўзим ўтказиб юбордим-а! Энди менга ким жазо беради?!

Йигит оғаси отининг жиловини бўшатар экан:

— Қўплашиб қувлайлик, етамиз!— деди.

— Йўқ, сиз тўхтанг!— деди шаҳзода.— Мен ўзим тутиб келаман! Ҳеч ким менга эргашмасин! Мен бир ўзим тутиб келмоғим керак! Менинг жазойим шу! Қатъий буйруғим ҳам шу. Ҳеч ким менга эргашмасин!

Шаҳзоданинг буйруғини сўзсиз бажариб ўрганган йигитлар овда қизишиб ўйноқлаётган отларини куч билан тисариб, тўхтатдилар. Шаҳзода Абусаид эса чав-



кар бедов отига қамчи босиб, узоқда элас-элас кўзга ташланиб қочаётган кийикнинг изига тушди.

Кун кеч бўлиб қолган, офтоб узоқдаги қорли тоғлар ортига оғиб тушиб кетмоқда эди. Кийик ўша тоғ этагидаги қалин ўрмонзорга қараб учиб боряпти. Лекин шаҳзода Абусаиднинг оти ҳам учқур бедовлардан эди, ортда қолган йигитлар шаҳзоданинг кийикка тобора яқинлашиб бораётганини кўриб турардилар.

— Бу ерда ағрайиб тургандан кўра, шаҳзоданинг кетидан бораверайлик,— деди Ашур-ваҳма.

— «Эргашманглар», деб буйруқ бердилар,— эътироз қилди йигит оғаси.— Сўзини икки қилсанг яна ба-лога қоласан!

— Лекин сиз Камолхон подшонинг буйруғини ҳам унутманг, бек. Бугун эрталаб подшо ҳазратлари бизга нима деган эдилар? «Елғиз ўғлимни аввал худога, кейин сенларга ишониб топширдим, агар шаҳзодага бирон шикаст етса, ҳаммангни дорга остираман», деган эмасмидилар?

Бу гапдан кейин йигит оғаси ҳамма овчиларни эргаштириб, шаҳзоданинг кетидан от қўйиб кетди ва уни узоқдан кузатиб бора бошлади.

Кийик тоғ этагидаги ўрмонзорга яқинлашганда шаҳзода уни қувиб етай деб қолди. Шу пайт ўнг томонда бир сувсиз жилға кўринди. Кийик ўзини жилғага ташлади. Буни кўрган Ашур-ваҳма:

— Об-бо, чатоқ бўлди-ку!— деди.— Ўша томонда одамхўр арслон бор деб эшитган эдим.

— Отга қамчи босинглар!— буюрди йигит оғаси.— Шаҳзодани қутқариб қолмасак, ўзимиз ўламиз! Тезроқ!

Ов қизиғи билан хавф-хатарни ҳам унутган ўн олти ёшлик шаҳзода кийик қочган жилғага от сакратиб тушди. Йигитлари яқин борганда шаҳзода кийикка етиб, унинг бўйнига сиртмоқ ташлади.

Шу пайт жилғадаги ўнгир ичидан ваҳимали бир наъра эшитилди. Ўнгирнинг қоронғи пучмоғидан хўкиздай катта бир арслон отилиб чиқди-ю, кийикнинг бўйнига илинган сиртмоқни ўткир тиши билан узиб ташлади.

Сиртмоқдан бўшаган кийик бир сакраб жилғанинг нариги ёғидан юқорига чиқди. Жилғанинг бошқа томонида — тепада учта отлиқ кўринди.

Жилға ичида эса шаҳзода Абусаид қилич яланғочлаб, сиртмоқни узган арслонга ҳамла қилди. Чавкар

от пишқириб, арслондан ҳурккандай бўлиб, ўзини орқага ташлаган эди, шаҳзода қиличининг орқа томони билан отнинг сағрисиغا уриб «чу-чу»лади. Қалтак еб ўрганмаган бедов от олдинги оёқларини кўтариб, кишнаб, арслон томонга сакради. Арслон ҳам бўкириб, шаҳзоданинг қаршисидан чиқди. От арслоннинг устидан сакраб ўтаётганда шаҳзода пастга энгашиб, қилич сермади. Уткир қилич олд оёқларини кўтариб сакраган арслонга қарсиллаб урилди. Арслоннинг ўнг оёғи тирсакдан шартта қирқилиб кетди, тирноқлари ўсиқ улкан панжа ўт-ўланлар орасига чаппа бўлиб тушганини шаҳзода ҳам кўрди.

— Энди бошингни кесаман сен йиртқичнинг!— деб шаҳзода Абусаид отини орқага буриб, яна арслонга яқин кела бошлади.

Уч оёқда чўлоқланиб қолган арслон аввалгидан баттар наъра тортиб, орқага тисарилди, кесилган олд оёғини оғзига яқинлаштирди, қонли ярани тили билан бир-икки ялаган эди, шу заҳоти янги панжа, янги тирноқ ўсиб чиқди.

Тепадаги уч йигитнинг бири:

— Ҳей, шаҳзода, арслоннинг бўйнига уринг!— деб қичқирди.— Бу жодугар арслоннинг жони бўғзида! Бошқа жойи ярадор бўлса, тили билан ялаб тузатаверди!

Шаҳзода арслоннинг жодуси борлигини эшитиб, саросимага тушиб қолди. Лекин унинг остидаги бедов от аввалгидай шаҳдам эди, арслоннинг устидан иккинчи марта сакраб ўта бошлади. Шаҳзода от устидан туриб, арслоннинг бўйнини мўлжаллаб қилич сермади. Аммо қилич арслоннинг елкасини тилиб ўтди. Арслон бошини тез ўгириб, елкасини бир ялаб, қонини тўхтатди-да, отнинг орқасидан ҳамла қилди. У орқа оёқларига кўтарилиб, олдинги икки панжаси билан отнинг сағрисиغا шундай қаттиқ урдик, от ўмрови билан ерга қулаб кетди. Эгар устида ўтирган шаҳзода Абусаид отнинг боши устидан ошиб, ерга учиб тушди.

Жилға тепасида буни кўриб турган йигит оғаси, Раҳим ва Ашурлар:

— Шўримиз қуриди!

— Шаҳзодадан айрилдик!

— Дорга осиладиган бўлдик!— деб қий-чув қилишди.

Жилғанинг нариги томонида турган уч оғайнининг

каттаси Тўлан ботир эса отини пастга сакратиб тушди:

— Ҳей, одамхўр арслон, шаҳзодага тегма, кучинг бўлса мен билан олиш!— деб қичқирди.

Ерга йиқилган шаҳзода Абусаид қиличини қўлидан тушириб юборган эди. Арслон от устидан сакраб ўтиб, ханжардай тишларини шаҳзодага ботирмоқчи бўлиб яқинлашди. Шаҳзода «энди тамом бўлдим!» деб жонидан умидини узди. Бироқ арслон шаҳзодага ҳамла қилмоқчи бўлиб турганда, Тўлан ботирнинг шамшяри йиртқичнинг бошига келиб тушди.

Ўткир тиг суякка қарсиллаб урилганини ҳамма эшитди. Аммо биринчи зарба бу жодугар арслоннинг бошини кеса олмади, фақат уни бир гандираклатди-ю, бутун ғазабини Тўлан ботирга йўналтиришга мажбур қилди.

Тўлан ботир отини чу-чулаб, яна арслонга яқинлашди, энгашиб унинг бўйнига қилич урмоқчи бўлганда, арслон олдинги икки панжасини йигит минган отнинг ўмровига уриб, уни ағдариб юборди. Тўлан ботир йиқилаётган отнинг устидан ерга чаққонлик билан сакраб тушди ва ўзини катта бир дарахтнинг панасига олди. Арслоннинг қудратли панжалари дарахтга зарб билан урилди-ю уни қарсиллатиб синдириб юборди. Тўлан ботир синган дарахтнинг шохлари орасидан қилич яланғочлаб чиқди-да, ўткир тигни арслоннинг ёлдор бўйнига урди. Бўғзи қирқилган арслон хириллаб тўхтаб қолди. Қиличнинг иккинчи ва учинчи зарбасидан унинг улкан боши танасидан жудо бўлиб, ерга юмалаб тушди.

Шаҳзоданинг мулозимлари энди тепадан жилға ичига тушишга журъат этдилар.

— Шаҳзодам, худо сизни бир асради.

— Туринг ўрнингиздан!

— Эгамга шукур! — дейишиб, ранглари оқариб кетган, ҳалигача титроғини босолмай қалтираётган Абусаидни ердан турғазишди ва кийимига илашган хас-хашакларни қоқа бошлашди.

— Лекин мен ўлсам, сенлар ҳам тирик қолмас эдиларинг,— деди шаҳзода иззат-нафсга бориб.

Ашур-ваҳма:

— Рост айтасиз, шаҳзодам,— деди.— Агар сизга шикаст етса, отангиз бизни дорга осар эдилар. Мана бу ботирга раҳмат, ҳаммамизни нақд ўлимдан олиб қолди!

Йигитларнинг кўзи совут ва дубулға кийган девқо-  
мат Тўланга тикилди:

— Сизни бу ерга худо етказдими, а, йигит?— деди шаҳзода мулойимлик билан.— Бу яхшилигингизни под-  
шоҳ отам эшитсалар, албатта мукофот олгайсиз.

— Бу арслонда менинг қасдим бор эди,— деди Тў-  
лан ботир.— Бу жодугар арслон қанча одамларнинг  
ёстиғини қуритган, қанча қизларни сеҳрлаб ташлаган  
эди. Шаҳзода, боя, сиз қувган кийик ҳам шу жодугар  
арслоннинг сеҳрига учраган бегуноҳ бир қиз эди.

— Айтмоқчи, қани ўша кийик?— деб шаҳзода ат-  
рофга аланглади.

— Шу вақтгача кийик турармиди!— деди йигит оға-  
си.— Кетди-да.

Шу пайт жилға тепасидан қиз боланинг нафис жа-  
ранглаган овози келди:

— Мен ҳали кетганим йўқ. Мен ўз халоскорларимга  
раҳмат айтиб, кейин кетмоқчиман.

Тўлан ботир қизни таниб, унга қараб талпинди:

— Санобар, мен йўқотган Санобар, сенмисан?

— Ҳа, менман, Тўлан оға! Бу жодугар арслон мени  
боғбон отамниқидан ўғирлаб кетиб, кийикка айланти-  
риб қўйган эди. Фақат қулоғимдаги сирғаларим асли-  
дай қолган эди.

Йигитлар қизга тикилиб қараб, бояги кийикнинг  
қулоғидаги ёқут сирғаларни унинг қулоғида кўриб та-  
нидилар.

— Сиз боя кийик эдингиз, энди қандай аслингизга  
қайтдингиз?— ҳайрон бўлиб сўради шаҳзода.

— Арслон ўлди-ю, жодуси тамом бўлди, шунинг  
учун мен аслимга қайтдим!

— Во ажабо!— деди шаҳзода. Хайриятки боя қа-  
мишзорда сизни қилич билан чопмаган эканман!

— Бунинг учун мен сиздан ҳам миннатдорман, шаҳ-  
зодам! Мени тириклай тутаман деганингиз жонимга  
оро кирди!

— Ҳа, лекин,— деди Раҳим-гапдон,— сизни деб шаҳ-  
зодам ўзларини шунча хавфу хатарга дучор қилдилар.  
Энди сиз бу яхшилиқни унутмассиз, ойимқиз?

— Бунинг ҳеч вақт унутмайман,— деб қиз нафис эги-  
либ, шаҳзодага таъзим қилди. Сўнг у Тўлан ботирга  
юзланди: — Сиз жодугар арслонни ўлдириб, мени ас-  
лимга қайтардингиз. Шаҳзодани ҳам сиз нақд ўлимдан  
олиб қолдингиз, унинг менга қилган яхшилигини сиз

қайтардингиз. Энди мен сизнинг ихтиёрингиздаман, Тўлан оға!

Санобар ўнг қулоғидаги ёқут сирғани олиб икки қўллаб Тўлан ботирга тутди:

— Мана шу сирғага қўшиб мен сизга ўз ихтиёримни топшираман! Олинг!

Тўлан ботир бир тиззасини ерга қўйиб, сирғани икки қўллаб қизнинг қўлидан олди-да, эъозлаб кўзларига суртди:

— Санобар, сенинг бу совғангни мен кўз қорачиғимдай асрайман,— деб секин қўйнига солди.

Қиз унга илтижо билан қараб:

— Энди мени ота-онамнинг олдига элтиб қўйинг,— деди.

— Жоним билан!— деб Тўлан ботир отини етаклаб қизни унга миндирмоқчи бўлди.

Шунда шаҳзоданинг ишораси билан йигит оға:

— Тўхтанг, Тўланбой!— деди.— Бу кийик-қизни аввал биз топган эдик. Энди ота-онасига элтиб топшириш ҳам бизнинг бурчимиз эмасми?

— Йўқ, сизнинг бурчингиз — шаҳзодани қўриқлаб, эсон-омон саройга етказиб бориш!

— Шаҳзодам овга чиққан эдилар, энди саройга қуруқ қайтадиларми?

— Начора! Бўлган воқеани подшога айтиб берсаларингиз, шаҳзоданинг соғ-саломат қайтганларидан ҳам хурсанд бўлсалар керак.

Шаҳзода Абусаид Тўлан ботирга қараб:

— Сиз ҳам биз билан бирга юринг!— деди.— Ҳазрат отам сизни бек қилади, лавозим беради.

— Таклифингиздан миннатдорман, шаҳзодам. Лекин, кўриб турибсиз, мен ҳозир ёлғиз эмасман. Аввал Санобарни уйларига элтиб қўяй.

— Санобар бошига ёпинчиқ ташласин-у, биз билан юраверсин. Саройда уни ҳам иззат-икром билан кутиб оладилар.

Тўлан ботир Санобарга савол назари билан қаради. Бу орада Тўлан ботирнинг укалари Ўктам ботир ва Кенжа ботирлар ҳам уларнинг ёнига етиб келдилар.

Санобар шаҳзода билан подшо саройига борса, у ердан қайтиб чиқолмаслигини сездди.

— Шаҳзодам, мен аввал ота-онамнинг олдига борай,— деди қиз мулойим товуш билан.— Онам мени йўқотгандан бери йиғлайвериб, кўзи кўр бўлай деб

қолган. Тезроқ бориб онайизоримни юпатай! Ижозат беринг!

— Бўлмаса Санобарни ота-онасининг олдига Тўлан ботирнинг укалари олиб бориб қўйсин!— деди шаҳзода.— Тўлан ботир, сиз биз билан бирга юринг, мукофот оласиз!

Уч оғайни орасида энг зийраги бўлган ўн беш ёшли Кенжа ботир акасининг подшо саройида, бирон балога учраши мумкинлигини сезди ва Тўлан ботирга «кўнманг!» дегандай имо қилди.

— Мени афв этинг, шаҳзода,— деди Тўлан ботир.— Биз уч ака-укамиз, отамиз Алп чўлпондан оқ фотиҳа олиб узоқ саёҳатга чиққанмиз. Санобарни элтиб, қўйиб сафаримизни давом эттирамиз. Дунё кўриб — дунё кишиси бўлмоқчимиз. Уч оғайни бир-биримиздан ажралмаймиз деб аҳд қилганмиз. Менга шундай илтифот кўрсатганингизнинг ўзи ҳам катта мукофот, шаҳзода. Энди ижозат беринг, биз йўлимиздан қолмайлик.

Шаҳзода Санобардан ажралиши муқарарлигини сезиб, қиз томонга аламли бир назар ташлади-да:

— Сўзимиз илобатга ўтмаса нима ҳам қиламиз,— деди.

Тўлан ботир отининг сағрисиغا тўнани тўшаб, унга Санобарни ўтқазди, ўзи бир сакраб эгарга минди. Икки отлиқ укаси унинг икки ёнини олди. Учалоги шаҳзода ва мулозимлари билан хайр-хўшлашиб, тоғ бағридаги қишлоққа қараб кетдилар.

Шаҳзода бор-будини олдирган одамдай руҳи тушиб, бўшашиб туриб қолди.

Унинг чавқар оти шернинг зарбасидан майиб бўлган, ўрнидан туролмай ястаниб ётар эди. Шаҳзоданинг отбоқари етовдаги саман отнинг эгар-айилларини созлади, чавқар отнинг олтин юганини олиб, саманнинг бошига кийгизди, кумуш сувлигини отнинг оғзига солди. Сўнг бу отни шаҳзодага кўндаланг қилиб, узангидан тутиб турди.

Шаҳзода Абусаиднинг рангидан қони кетган, оёқ-қўлида дармон йўқ, узангига оёқ қўйиб, эгарга чиқишга ҳам кучи етмади, уни икки йигит қўлтигидан кўтариб, отига зўрға миндирдилар.

— Арслон билан олишиб чарчабсиз, саройга қайтиб бориб дам олсангиз, ўтиб кетади,— деб йигит оғаси унга йўл-йўлакай тасалли бериб борди.

Ҳашаматли саройнинг тилла билан зийнатланган ўймакор кўшида шаҳзода Абусаид бир ҳафта кўрагини ерга бериб ётди. Саксон ёшли подшо Камолхон ёлғиз ўғлининг арслон билан олишиб тирик қолганидан аввал суюнди, кейин Абусаиднинг рангини олдириб қўйгани ва руҳи сўниклигини кўриб, хавотирга тушди. «Арслон жодугар экан, ҳамла қилганда шаҳзода ёмон кўрққан», деб, уни мамлакатнинг нафаси ўткир эшонларига ўқитди. Бу ҳам кор қилмади. Шаҳзода дуруст овқат емай кун сайин озиб кетаверди. Шундан кейин Камолхон энг ишонган вазири Зухурбекни ишга солди:

— Табиб топасизми, фолчи чақирасизми, нима қилиб бўлса ҳам, ўғлимнинг кўнглидаги дардини билиб беринг, кейин биргалашиб дармонини излаймиз,— деди.

Вазир Зухурбек кечаси шаҳзода ухлаганда унинг хонасига махфий пойлоқчи қўйиб қўйди. Бу пойлоқчи шаҳзоданинг гоҳ тушида, гоҳ ўнгида уҳ тортиб: «Санобар... Тўлан ботир... мени ерга киргиздиларинг! Мени шарманда қилдиларинг!» деб фиғон чекканини эшитиб қолди. Бу гап Зухурбекка етказилди. Вазир шаҳзода билан овга чиққан йигитларни чақириб, улардан воқеанинг бутун тафсилотларини сўраб олди. Шундан кейин Камолхоннинг олдига кириб муфассал ахборот берди-да, охирида ўз хулосасини айтди.

— Ҳазратим, нима қилиб бўлса ҳам, ўша Тўлан ботирни топиб, ўғлингизга хизмат қиладиган мулозимларнинг ёнига қўшиш керак. Ўшанда шаҳзоданинг кўнглидаги алами бир даража пасаяди. Кейин Санобар деган қизни саройга келтириб, ўғлингизга олиб бериш керак. Ўшанда бутунлай тузалиб кетади.

— Жаноб вазир, Тўлан ботирни топтириб келсак бўлар-у, лекин мен шаҳзодага қаёқдаги боғбоннинг қизини қандай олиб бераман? Шаҳзодага қўшни мамлакатнинг подшоси қизини бермоқчи эди-ку! Подшо турганда, боғбонга қуда бўламанми?

— Эй, ҳазратим, шариятнинг йўли кўп! Бир эркакнинг тўртта хотин олишга ҳаққи бор. Ҳозирча боғбоннинг қизини шаҳзодага вақтинчалик хотин-жория қилиб никоҳлатайлик. Ортиқча тўй-даҳмаза ҳам қилиб ўтирмаймиз. Элга овоза бўлиб юрмасин. Беш олти ой кўнгилхушлик қилгандан кейин шаҳзоданинг ўзи ҳам со-

вийди. Ана ундан сўнг боғбоннинг, қизини ҳарамдан чиқариб, канизакликка берамиз. Шаҳзодани қўшни подшонинг қизига уйлантирамиз. Тўй-ҳашамнинг каттасини ўшанда қиламиз.

Камолхон вазирнинг бу маслаҳатини маъқул кўрди ва Санобарнинг отасига совчи юборди. Бироқ Санобарнинг боғбон отаси қизини Тўлан ботирга унаштириб қўйганини, энди фотиҳани бузолмаслигини айтиб, подшо совчисидан узр сўради.

Камолхон подшо бу узрни қабул қилмади, боғбон қизини зўрлаб олиб келиш учун икки юз навкар ва битта соябон арава юборди.

Бироқ подшонинг навкарлари боғбоннинг ўзини ҳам, қизи ва оиласини ҳам қишлоқдан топа олмадилар. Уч оғайни ботирлар уларни бир кечада аллақаяққа кўчиртириб олиб кетишган, ҳозир улар ҳаммаси тоғдами, ўрмондами, ғордами, қаерда яшириниб юрганини ҳеч ким билмас эди.

Икки юз навкарга бош бўлиб кетган понсад подшо саройига қуруқ қайтганда Камолхон тўртинчи қаватдаги ойнаванд уйда камалак рангли тўтиқушга дон сепмоқда эди. Понсад подшо ҳузурига кирганда тиз чўкиб, ер ўпди-да:

— Ҳазратим, оёғингиз теккан тупроқни кўзларимга суртай, қулингизга маслаҳат беринг,— деди.

— Яна қандай маслаҳат керак?

— Ҳалиги боғбон қизи-ю, бола-чақаси билан қишлоқдан қочиб кетибди. Уч оғайни... қароқчилар уларни ўз ҳимоясига олибди.

— Нега қидириб топмадинг? Ё мен ўзим бориб қидирайми?

— Ҳазратим, қидириб топсак, ҳалиги уч қароқчи қаршимиздан чиқса...

— Бошини ол учаласининг ҳам! Жазосини бер!

Шу пайт қафасдаги тўтиқуш шанғи товуш билан:

— Ҳазратим, уч оғайни билан урушманг!— деди.— Емон бўлади! Урушманг!

Камолхон тўтиқушнинг айтгани тўғри чиқишига кўп марта амин бўлган эди. Шунинг учун бир лаҳза ўйланиб қолди. Понсад фурсатдан фойдаланиб:

— Ҳазратим, бу уч қароқчига жангда бас келиш қийин,— деди.— Навкарларингиз бекорга ҳалок бўлиб кетмасин! Бошқача йўл тутайлик.

— Бошқача йўлинг қанақа, қани айт-чи?



— Бу уч йигитнинг ота-онаси тоғ ичидаги бир қишлоқда туради. Ўзи асли камбағал бир чўпон бўлган. Мол боқиб юриб минг қўйли бойга айланган. Кейин шу қўйларини сотиб, ўғилларини мадрасада ўқитган, яхши жангчиларни пулга ёллаб, қиличбозлигу тирандозлик, чавандозликни ўргатган.

— Камбағалдан бой бўлган бўлса, бизга солиқни ҳам дуруст тўламаган. Солиқни яхши тўласа, қўйи мингтага етармиди? Уша жойнинг мингбошиси билан ўлпончисини ёнингизга олинг. Бориб, ота-онасини мажбур қилинг, ўғилларининг адабини берсин! Боғбоннинг қизини қишлоғига элтиб қўймагунча тинчитманг!

— Доно тadbир топдингиз, ҳазратим! Бу бебош йигитларни ота-оналари орқали албатта қўлга оламиз!

Понсад подшонинг оёғи тагидаги ерни яна бир ўпди-да, орқаси билан юриб, хонайи хосдан чиқиб кетди.

### 3.

Арчазор тоғ дарасида шарқироқ сой бўйида Чўпон отанинг катта ҳовлиси, отлар боғланган бостирмаси, сигирлар боқиладиган молхонаси ва қўйлар турадиган иккита катта қўраси бор эди. Понсад бошлаб борган икки юз навкар, мингбоши ва ўлпончилар кечки пайт итларни акиллашиб, қўйларни маъратиб, ҳовли ва қўраларга бирдан бостириб кирдилар.

Оқ соқоли кўкрагига тушган, қизил ирғай таёққа суяниб турган етмиш ёшли Чўпон ота:

— Ҳой, мусулмонлар, ўлпон керак бўлса молимизга қараб олинглар, ушур закотларни ҳам берганман, мана, мингбоши айтсин!— деди.

Понсад заҳарханда қилиб:

— Ҳей, сен, айёр чол, мингбошини ҳам алдаган экансан!— деди.— Сурув-сурув қўйларни тоғда яшириб боқиб, бой бўлиб, қутуриб кетган экансан!

— Меҳнатим билан бой бўлганман!— деди Чўпон ота.— Унта қўйни яхши боқиб, мингтага етказганман!

— Ана ўша мингта қўйнинг пули қани? Сотиб тилласини қайси сандиққа яширгансан?

— Мен тилла йиққаним йўқ, топганимни ўғилларимга сарфлаганман. Уларнинг овқатига пулни аямдим, ҳаммасининг илиги тўла, ўзи бақувват бўлиб ўсди. Энг яхши муаллимларга ўқитдим, оқ-қорани таниб, билимдон бўлишди. Энг яхши отлар, энг зўр қу-

рол-яроғлар олиб бердим, ҳаммаси ботир бўлиб ўсди.

— Ўғилларингизга шунча нарса ўргатиб, фақат одоб ўргатмаган экансиз-да, ўтоғаси!— деди мингбоши.— Подшо ҳазратларининг олдида беодоблик қилишибди, сиз билан биз ҳозир ана шунинг касофатига қолиб ўлтирибмиз.

— Ўғилларим қанақа беодоблик қилибди, жаноб мингбоши? Тўнғич ўғлим Тўланбой подшонинг арзанда шахзодасини арслоннинг чангалидан қутқариб қолгани беодобликка кирадимиз, ҳали? Яхшилиқнинг қайтгани шуми?

— Катта кетманг мунча, ўтоғаси! Тождорлар худоёи таоллонинг ердаги вакили ҳисобланади. Шаҳзода Абусаидга нажотни худо ўзи юборган, сизнинг ўғлингиз шунга бир сабабчи бўлган.

— Албатта, ҳар иш худодан!

— Ўғлингиз шуни айтиб, камтарлигини кўрсатса олам гулистон эди! Бунинг ўрнига у ҳам «мен шахзодани қутқардим» деб мақтанибди.

— Жаноб мингбоши, менинг ўғилларим бунақа мақтанчоқликни билмайди! Шаҳзоданинг ўзи «кийикни мен тирик тутаман» деб мақтанибди. Тутолмагандан кейин уятга қолибди. Мен ҳаммасини эшитдим! Менинг ўғилларим тўғри сўзликка ўрганган, улар хушомад қилишни билмайди. Шаҳзода бўлса хушомадга ўрганган. Менинг ўғилларим хушомад қилмагани учун шахзода хафа бўлган.

Понсад дарғазаб бўлиб:

— Ҳали сен беодоб ўғилларингни бизнинг улур шахзодамиздан баланд қўймоқчимисан?!— деди.

— Менинг ўғлим тенги йигит экансиз, понсад жаноблари, мени сенсираб гапирдиш сизга ярашармикин? Шаҳзода Абусаид подшоҳ оиласида туғилган, наслнасаби биздан юқори, ҳозирги мавқеи ҳам менинг ўғилларимникидан юз карра баланд. Шундай бўлгандан кейин шахзодага муносиб аслзода қизлар, маликалардан топиб берсаларинг бўлмайди? Боғбоннинг қизи менинг ўғлимга кўнгил берган, фотиҳа бўлган. Бу фотиҳани бузиш мусулмончиликка ҳам тўғри келмайди-ку!

— Сен бизга мусулмончиликни ўргатма! Ҳар бир мусулмон ўз подшосининг фармонини сўзсиз бажариши керак. Подшо ҳазратларининг фармони олийлари шулки, ўғилларинг дарҳол ўша боғбонни қизи билан бир-

га қишлоғига элиб қўйсин. Кейин учови ҳам подшонинг ҳузурига етиб борсин, шаҳзодага навкар бўлиб хизмат қилсин!

Чўпон ота кўкрагини иргай таёғига тираб ўйчан жавоб берди:

— Бундан ўн кун олдин ўғилларимга оқ йўл тилаб, учовини узоқ сафарга жўнатган эдим. Уз бахтларингни ўзларинг топинглар, дунё кўриб, дунё киши-си бўлиб келинглар, деган эдим. Шундан бери уларни кўрганим йўқ, қаерда юрганлигини билмайман!

— Биласан!— деди понсад.— Ҳозир ўзинг айтдинг, ўғилларинг билан шаҳзоданинг орасида қандай ҳангомалар бўлганини эшитган экансан. Демак, уларнинг қаердалигини биласан!

— Мен бу ҳангомани бошқа одамлардан эшитдим. Уғилларимни ўн кундан бери кўрганим йўқ.

— Фармони олийни бажармайсанми?

— Бажаролмайман!

— Билиб қўй,— таҳдид қилди понсад,— фармонни бажармасанг, молинг таловга тушади, ўзинг ҳам омон қолмайсан!

— Лекин бунга ўғилларим эшитса, сен ҳам тирик қолмайсан, понсад!— деди Чўпон ота.

Понсаднинг кўзлари косасидан чиққудай бўлиб чақчайди. У ёнида турган тўрт йигитига буюриб, Чўпон отанинг қўлларини орқасига боғлатди. Сўнг қолган навкарларига фармон берди:

— Бор молу мулки мусодара қилинсин! Қўйларини қўралардан ҳайдаб чиқинглар! Йилқилари ҳам, қорамоли ҳам подшониники бўлади. Ҳей, ўнбоши, сен навкарларинг билан уйларни тинти, сандиқларни очинглар, олтин-кумушини мусодара қилинглар!

Бостирмаларда безовта қилинган отлар кишнашиб, сигирлар мўърашиб, хоналарда хотин-халажлар дод солиб, қий-чув, тўполон кўтарилди.

— Вой, ноинсофлар, келинларга атаб йиққан тақинчоқларни нега оласанлар?!

— Подшоликка ўтади ҳаммаси!

— Подшоларинг шу бозбандга зор бўлиб қолдимиз, а?! Шу гиламчани ҳам қўймайсанларми, назари пастлар?! Ҳой, дадаси, ўғилларингизга нега хабар бермайсиз? Тўлан ботир қани? Уктамжон, Кенжажон қани?! Келиб буларнинг танобини тортиб қўйса бўлмай-димиз?!

— Кўнгилни кенг қил, хотин!— деди қўллари боғлоқли Чўпон ота.— Уғилларимиз бу назари пастлардан қасд оладиган кун келиб қолади!

— Вой, булар нега сизнинг қўлингизни боғлайди? Сизни банди қилиб олиб кетмоқчимиз?

Қампир қўлига ошпичоқни олиб, чолининг қўлига боғланган йўғон арқонни кесмоқчи бўлиб кела бошлади. Шунда навкарлардан бири ошпичоқни кампирнинг қўлидан тортиб олишга интилди. Қампир ошпичоқни бермаган эди, уни итариб юбориб ерга йиқитди ва йиқилиб ётган жойида ошпичоқни қўлидан юлиб олди. Қампир дод солиб йиғлаб юборди. Буни кўрган Чўпон ота йўғон арқонни узгудай бўлиб, қўлларини тараңг тортиб, ҳалиги навкарга ташланди, лекин йўғон арқон узилмади, навкар унга чап бериб, талон-тарож бўлаётган уйга кириб кетди.

— Кексайиб кучдан қолибман-да! Шу арқонни узолмадим-а! Илгари бундай арқонларни бирпасда узиб ташлар эдим, Алп Чўпон деб ном чиқарган пайтларим бўлса, бу нокасларни ер тишлатар эдим!

Қампир ерда йиғлаб ётиб:

— Уғилларимнинг қадри ўтди! — деди. — Войдод! Ботир ўғилларим жазоларингни берсин сенларнинг!

Талон-тарож тугагандан кейин понсад Чўпон отани ҳам қўли боғлоқлигича ҳайдаб кетмоқчи бўлди. Шунда мингбоши понсадни бир четга тортиб:

— Буларнинг ўғиллари ўчакишса ёмон қилади,— деди.— Уч оғайнига минг киши ҳам бас келолмайди, жаноб понсад!

— Чини биланми?

— Ҳа, мен кўрганман уларни. Ғазабидан худо сақласин. Ўчакишса ҳар қандай одамни ҳам хароб қилади. Сизнинг ҳам бола-чақангиз бордир. Бор-будини мусодара қилдингиз. Ҳозирча шунинг ўзи ҳам катта жазо. Энди бу чолнинг хунига қолиб ўтирманг.

Понсад уч оғайнига ҳеч ким бас келолмаслигини бошқалардан ҳам эшитган эди. Оталарини қутқариш учун бугун йўл тўсиб чиқишлари ва қасд олишлари мумкинлигини ўйлади-ю:

— Ужар чол, фармони олийни бажармаганинг учун адабингни единг!— деди.— Бу гал жонинг омон қолади! Аммо ўғилларингга шуни етказки, агар Камолхон ҳазратлари билан ўчакишадиган бўлишса, подшо қўшини тўпу тўпхонаси билан келиб, мана бу уйларинг-

нинг кулини кўкка совуради. Унда ўзинг ҳам, ўғилларинг ҳам минг азоблар билан ўлдириласанлар!

Чўпон ота бору будидан айрилса ҳам, ўзи ҳибсдан қутулиб қолгани учун бир қадар енгил тортиди. Талончилар узоқлашгандан кейин хотинини чақириб:

— Бери кел, кампир,— деди.— Бош омон бўлса, дўппи топилар, кўп куюнма!

Кампир ғира-шира қоронғиликда арқоннинг тугунини пайпаслаб топиб, чолининг қўлини ечар экан:

— Тезроқ ўғилларингизга хабар беринг!— деди.— Бу талончиларнинг йўлини тўсиб чиқиб, мол-ҳолларни буюмларимизни қайтариб олсин!

Чўпон ота арқонда уюшган билагини уқалаб:

— Ҳали шошма, кампир,— деди.— Бундай ишда етти ўлчаб бир кесган маъқул. Ўғилларинг бизни талаган икки юз навкар билан жанг қилса, подшонинг аллақанча одами ўлади. Навкарда нима айб! Бизга ўхшаган одамларнинг болаларини подшо хизматига олиб, навкар қилган. Қанча уйлар азадор бўлади. Бизнинг ўғилларимиз буларнинг қонини тўккани билан нарёқда подшонинг яна минг-минг аскарари-ю, тўпу тўпхонаси қолади. Уч-тўрт кун ўтмасдан бутун қўшинини ўғилларимизга қарши отлангирса нима қиламиз? Молу дунёдан кўра бизга ўғилларимизнинг жони азиз эмасми?

— Вой, энди бунини ўғилларимиздан яшириб юрасизми?

— Вақти келганда ҳаммасини айтамыз, кампир. Ҳозир вақти эмас. Улар боғбоннинг қизини олдирмай юра турсин. Кейин бир гап бўлар. Номард понсад! Ўғилларимиз омон бўлса, мен унинг шундай жазосини берайки, дунёга келганига пушаймон бўлсин!

Чол-кампир бир-бирини суяб, тўс-тўполон бўлиб ётган уйларига қараб кетишди.

#### 4

Ҳар қаноти бир қулоч келадиган қора бургут баҳайбат тош зовлар ва учмалар устида парвоз қилади. Икки томони тик қоятошлар билан ўралган тор даранинг тагидан тоғ дарёси гувиллаб оқиб ўтади. Битта одам зўрға сиғадиган тош сўқмоқ бош айланарлик баландликдан эгилиб-буралиб ўтади. Бу сўқмоқдан от миниб ўтиш ҳам хатарли. Шу сабабли уч оғайни бо-

тирлар отларини етаклаб, олдинма-кетин тизилиб бормоқдалар. Сўқмоқ қоятошлар орасидан ўтиб, дарё устига туртиб чиқиб турган улкан тош супага келди-да, йўқолди. Дарёнинг нариги қирғоғидаги харсангтошлар ҳам шу ерда бериги қирғоққа анча яқинлашиб келган эди. Орада тўрт-беш қулоч келадиган масофа бор. Бериги тош супадан нариги харсанглар устига фақат кийиклар ва уларнинг энг дадил такалари сакраб ўтар эди. Шунинг учун бу ерни Такасақратки деб атар эдилар.

Подшо уч оғайни ботирларни ва боғбоннинг қизини топиб келишга юборган понсад мана шу ерга келганда дарёдан ўтишнинг иложини тополмай орқага қайтган эди. Довюракроқ навкарлардан бир-иккитаси «уч оғайни ўтган жойдан биз нега ўтолмас эканмиз!» дейишиб, таваккал билан тош зовдан от сакратишган, лекин нариги қирғоққа фақат отларнинг олдинги оёқларигина етиб боролган, орқа оёқлари баҳайбат ўнгирга тушиб кетган отлар устиларидаги чавандозлари билан бирга ўн терак бўйи баландликдан пастга қулаб тушган, баданлари тошларга урилиб, жон аччиғидан чинқирган товушлари тош ўнгир ичидан бўғиқ акс садо бериб, ҳаммани ваҳимага солган эди. Уларнинг чил-парчин бўлган жасадларини ўнгир тагидан олиб чиқишнинг ҳам иложини топишолмаган, фақат тезоқар дарё битта отнинг ўлигини ўн чақирим наридан қирғоққа чиқариб ташлаганини кўришган эди. Шундан кейин Такасақраткидан юрак ютиб ўтадиган одам подшо навкарлари орасидан топилмай қолди.

Уч оғайни ботирлар дарёнинг нариёғидаги арчазор ичида боғбоннинг қизи Санобарга ва унинг ота-онасига ўтов тикиб беришган, ўзлари улардан анча берига чодир тикиб қўриқчилик қилишар эди.

Бугун эрталаб Кенжа ботир уйқудан туриб хомуш бўлиб юрди:

— Ҳа, ука, сенга нима бўлди?— деб сўради Тўлан ботир.

— Отам билан онам тушимга кирибди. Кийимлари йиртиқ. Отамнинг елкасида увада тўн. Онам «бери кел» дегандай имлайди. Олдига борай десам, оёқларим қимирламайди. Гапирай десам, тилим айланмайди.

— Ота-онамиз тинч бўлсин-да!— деди Ўктам ботир.— Анчадан бери хабар олганимиз йўқ.

— Мен бир уйга бориб келайми, ака?— деди Кенжа ботир.

Тўлан ботир шу кичик укасининг куйгинчак эканини, ота-онасини тез-тез соғинишини биларди.

— Майли, юр, сени Такасақраткигача кузатиб қўяйлик,— деб учовлари ҳалиги тор сўқмоқдан дарё лабига яқинлашдилар. Шу пайт дарёнинг нариги томонидан йиғи-сиғи, дод-вой товушлари эшитилди.

— Дод, уйимиз куйди!

— Гулдай фарзандимдан айрилдим!

— Уч оғайни ботирлар! Ёрдам беринглар!

-- Қутқаринглар!

Ботирлар тез отларига миндилар ва Такасақраткидан от сакратиб ўтиб, овоз келаётган жойга етиб бордилар.

Йигирма-ўттиз эркак-аёл, қари-ёш одамлар тоғэтагидаги қишлоқдан куйиб-пишиб кўтарилиб келган эдилар. Ҳансираб, энтикиб, воқеани айтиб бердилар.

Улкан бир аждаҳо бугун эрталаб тоғдаги ёрдан ўрмалаб чиқиб, қишлоққа тушиб борган, хунук, қалдироқ товуш чиқариб, оғзидан олов пуркаб, уйларни ёндириб юборган. Одамлар кўчага қочиб чиққан. Дадилроқ йигитлардан бир-иккитаси қўлига ўқ-ёй олиб, узоқдан ўқ отиб кўрган. Лекин аждаҳонинг баданидан ўқ ўтмас экан, устида зирҳли пўлатга ўхшаган йилтироқ бир пўсти бор экан. Қишлоқнинг энг довурак йигити қилич ялонғочлаб унинг бўйнига тиг уриш учун яқинига борган экан, аждаҳо оғзидан олов пуркаб, бечоранинг кийимларини ёндириб юборибди, кейин олов йигитнинг баданини ҳам куйдирибди, бечора тил тортмай ўлибди. Уч-тўртта одам болта кўтариб аждаҳонинг орқасидан борган экан, думини хода қилиб, шундай урибдики, болта кўтарганларнинг иккитаси таппа йиқилиб жон берибди. Шундан кейин одамлар чекка-чеккага қочиб:

— Вой, бу аждаҳога нима керак ўзи?— дейиша бошлабди.

Аждаҳо бирдан тилга кириб, баҳайбат товуш билан:

— Менга Муаттар қиз керак!— дермиш.— Заргарнинг қизи Муаттар чиқиб елкамга минсин! Мен уни ёрга олиб кириб кетаман!

Уч оғайнидан ёрдам сўраб келган одамлар орасида ўша қизнинг отаси бўлган машҳур заргар ҳам бор эди:

— Тўланжон, ёлғиз қизим Муаттарни шундай ваҳи-мали аждаҳога қандай бераман?!— деди.

— Қишлоғимизнинг энг чиройли, энг ақлли қизи ўзи шу Муаттар-да!— деб бир аёл ҳам йиғлаб гапирди.— Муаттарни подшонинг энг бадавлат вазири ўзига келин қилмоқчи эди!

— Ундай бўлса, вазирдан ёрдам сўранглар!— деди Тўлан ботир.— Навқари кўп, бир қисмини юборсин!

— Э, юборган навқарини аждаҳо тутдай тўкиб ташлади!— деди заргар.— Олдиндан келса, оловини пуркаб ёндиради. Орқадан келса, думи билан уриб ўлдиради. Умрим бино бўлиб, бундай қўрқинчли балони кўрганим йўқ!

— Вазирнинг ўғли бирон чора тополмадими?— сўради Уктам ботир.

— Уша навқарларни вазирнинг ўғли бошлаб келган эди-да! Аждаҳо эллик-олтмишта навқарини нобуд қилгандан кейин вазирнинг ўғли қолган-қутган одамлари билан жуфтакни ростлаб қолди. Ҳозир подшонинг кўрғонида бекиниб ўтирган бўлса керак.

— Бу аждаҳо менинг ўттиз ёшли ўғлимни ўлдирди! — деб йиғлади бир чол. — Невараларим етим қолди!

— Менинг уйимни куйдирди!

— Қизга раҳмларинг келсин, уч оғайни ботирлар!

— Муаттар қизимни қутқаринглар!

— Жодугар арслонни сиз енгган экансиз, Тўлан ботир! Нажотни сиздан излаб келдик!

— Илоҳим барака топинглар!

Бу гапларни айтиб йиғлаётган бечора одамларнинг аҳволига қараб чидаб туриб бўлмас эди. Кенжа ботир акаларига қараб:

— Шу хизмат мендан бўлсин!— деди.

— Мен турганда сен шошма,— деди Уктам қовоғини уйиб.

Тўлан ботир укаларини бундай хатарли балога юборишга кўзи қиймай:

— Ҳар қалай, менинг ёшим каттароқ,— деди.— Ўзим бормасам бўлмас.

Уктам ботир эътироз қилди:

— Ака, сиз бу ерда қолиб, қайлиғингиз Санобарни кўриқланг! Энди мен ҳам ўзимни хавф-хатарга солиб синаб кўрай. Навбатни менга беринг!

— Майли, Уктам ука, энди сен ўз бахтингни синаб



кўр! Лекин аввал қўшга қайтайлик, ўқ ўтмайдиган, оловда ёнмайдиган зирҳли кийимларингни кийгин!

Ботирлар тез қўшларига қайтиб, Уктамга зирҳли кийим ва дубулға кийдирдилар, отига ҳам оловда ёнмайдиган жул ёпдилар. Кейин Уктам ботир кўп ўтиб ўрганиб қолган Такасақраткидан саман отини сакратиб ўтиб, пастда аждаҳо тўс-тўполонини чиқарган қишлоққа етиб борди.

\* \* \*

Бу орада Муаттар қиз юм-юм йиғлаб, аждаҳонинг олдига чиққан, ҳамқишлоқларини омон қолдириш учун ўзи аждаҳо билан бирга ёрга кетмоқчи бўлаётган эди. Қизнинг онаси юзларини тирнаб қонатиб юборган, ҳамқишлоқларига қараб:

— Вой, инсоф қилинглар, Муаттарни бу ниятидан қайтаринглар!— дерди.

Қишлоқнинг энг кекса мўйсафиди:

— Тақдирга тан бермай илож қанча!— деди.— Бу аждаҳо ҳаммамизни ўлдириб, қишлоққа ўт қўйгандан кейин ҳам бари бир муродига етади.

Аждаҳо ёғланмаган араванинг ғилдирагидан чиқаётгандай нохуш овоз билан:

— Ҳа-ҳа, Муаттар қизни бермасаларинг ҳаммангни ўлдираман!— деди.

— Мен шундай қизимни кўра-била аждаҳога қандай бераман?! Ундан кўра мени ол, аждаҳо! Мени егин, майли!

Муаттар дод солиб, онасига қараб югурди, уни қучоқлаб туриб:

— Йўқ, йўқ, аяжон, сиз ўзингизни қурбон қилсангиз фойдасиз!— деди.— Ундан кўра сиз тирик қолинг! Менинг тақдирим шу экан!

— Ундай дема, болажоним! Йў-ўқ! Шошма, Муаттарим, мен сенинг дийдорингга тўйиб қолай! Шошма!!!

Шу пайт зирҳли кийимлари офтобда ялт-ялт қилаётган Уктам ботир қишлоққа от чоптириб кириб келди.

— Ҳей, мечкай аждаҳо! Сенинг кучинг хотин-халажга етдими? Зўр бўлсанг майдонга чиқ! Мен билан олиш!

Уктам ботир аждаҳонинг ёнидан от чоптириб ўтар экан, қўлидаги найзани унинг бошига мўлжаллаб отди. Найза аждаҳонинг бошига қарсиллаб урилди, унинг пўлатдай қалин терисига озгина ботди-ю, илиниб туриб

қолди. Аждаҳо оғриқ зарбидан бир силкинди, оғзидан олов пуркаб, отлиқнинг кетидан ҳамла қилди. Уктам ботир қишлоқ ичида тўхтамай, атайлаб уйлар ва кўчалардан наридаги ялангликка от чопдириб чиқди.

Аждаҳо унинг кетидан лапанглаб, кўча чангитиб борар экан, қайта-қайта бош силкитиб, терисига илиниб қолган найзани ахийри тушириб юборди. Найза кирган жойдан қоп-қора қон сирқиб чиқди.

— Қиличим сенинг қонингга ташна, яқинроқ кел, мечкай!— деб Уктам аждаҳонинг устига от қўйди.

Уктам ботирнинг оти сакраб ўтаётганда аждаҳо отнинг кўзига оғзидан олов пуркади. От бир лаҳза оёқ тагини кўрмай қолди, иккинчи сакрашда аждаҳонинг думига яқин бориб тушди. Аждаҳо думи билан отнинг олд оёқларига ва ўмровига шундай қаттиқ урдик, от мункиб кетди, Уктам ботир қўлида яланғочланган қиличи билан отнинг бошидан ошиб ерга қулаб тушди. Бунни кўрган одамлар қўрқиб:

— Во-оҳ!— деб юборишди. Аммо Уктам ботир отдан бунақа йиқилганда ўзини қандай тутиш кераклигини кўп машқ қилган эди. У бошини авайлаб, ўнг елкасини бўз ерга тўғрилаб йиқилди-ю, лекин бир ўмбалоқ ошиб, яна оёққа туриб кетди. Бу орада аждаҳо думини яна бир силкитиб, Уктамни ерга қапиштирмоқчи бўлди. Аммо Уктам ўткир исфаҳон қиличини икки қўллаб олдинга чиқарди-ю, тигини аждаҳонинг зарбасига тўғрилади. Аждаҳонинг думи Уктамга тегишдан олдин қиличнинг тигига келиб урилди. Бу урилиш зарбининг зўрлигидан аждаҳонинг думи шартта қирқилиб, узилиб тушди. Аждаҳонинг тиг қирққан ярасидан қон шариллаб оқа бошлади. Баҳайбат махлуқ думи қирқилган калтакесакдай кичрайиб қолди. Аммо унинг қаҳру ғазаби аввалгидан баттар ошди. Бор кучини тўплаб, бошини Уктам томонга силкиди-ю, оғзидан олов пуркади. Уктам ботир бу олов ичида бир лаҳза кўринмай кетди. Ҳамма уни олов аралаш тутун ичида куйиб кетади, деб қўрқди. Бироқ Уктамни ўтда куймайдиган зирҳли кийимлар сақлаб қолди. Фақат борлиғи чўғдай қизиб нафас олиши қийинлашди. Шундай бўлса ҳам, Уктам қўлидаги қилични баланд кўтариб, аждаҳонинг бўғзига куч билан тиг урди. Ўткир исфаҳоний қилич аждаҳонинг олов чиқадаган кекирдагини кесиб ўтди. Аждаҳо уни думи билан урай деса, думи йўқ, оловда ёндирай деса, қирқилган кекирдагидан вишиллаб ҳаво кира-

ди-ю, лекин олов чиқмайди. Уктам ботир пайтдан фойдаланиб, аждаҳонинг бўйнига яна бир қилич урди-ю, тандирдай катта бошини шарт кесиб туширди.

Одамлар чопачопа Уктамга яқинлашар эканлар:

— Бир балодан қутулдик!

— Аждаҳо ўлди!

— Шерюрак ўртанча ботирга минг раҳмат!— деб қичқира бошлашди.

Худди шу аснода кўча чангитиб от чопдириб келаятган мулозимлар кўринди.

— Э, вазири аъзам Зухурбек-ку! Эгилинглар! Таъзим қилинглар!

Кекса бир чол истар-истамас таъзимга эгилар экан, ёнидаги деҳқонга шивирлади:

— Булар доим ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир!

— Ҳа, хатар ўтгандан кейин кўкрак кериб келишини қаранг!

Зухурбек оқ отининг олтин юганини тортиб тўхтатди, кумуш узангиларга оёғини тираб, қаддини баланд кўтарди:

— Халойиқ, бу аждаҳо ҳужумини ким даф қилди?

Заргар кўпчиликнинг орасидан олдинга чиқди:

— Бек жаноблари, Чўпон отанинг мана шу ўртанча ўғли Уктам ботир жонимизга ора кирди!

Уктам ботир қилични ўт-ўланга артиб, шошилмай қинига солаётганди. Вазир унинг ҳам таъзим қилишини кутди, лекин Уктам ботир вазирга эътибор бериб қарамади ҳам. Вазир уни кўриб турган бўлса ҳам, ўзини кўрмаганга солиб:

— Хўш, Уктам ботир деганларингиз ким ўзи?— деди.

— Мен!— деб Уктам ботир одамлар олдида одоб сақлаб, ўнг қўлини кўксига қўйди.

— Боракалло, йигит!— деди Зухурбек.— Мен шу ишни сенга буюрмоқчи бўлиб келган эдим. Амримизни олдиндан сезгандай яхши адо этибсан, катта даргоҳларга келин бўладиган Муаттар бонунни қутқарибсан. Бунинг учун мен сенга битта от анжоми билан мукофот бермоқчиман.

Зухурбек орқароқда турган мулозимлар томонга ўгирилди. Улардан бири етовдаги кўримсизгина тўриқ отни Уктам ботирга томон олиб бориб, юганини унга тутқизди:

— Марҳамат, олинг!

Уктамнинг боя аждаҳо билан олишувда мункиб йиқилган бедов оти аллақачон ўрnidан туриб кетган, ёш ўспирин уни жиловидан олиб, эгасининг олдига олиб ҳам келган эди. Зухурбек берган от Уктамнинг ўз отига яримта ҳам келмас, чиройли бедов ёнида хунук бир қирчанғига ўхшаб кўринар эди. Бунни сезган одамлар бир-бирларига қараб, вазирнинг устидан кулиб юбордилар. Уктам ботир ҳам кинояли кулумсираб:

— Жуда «сахий» экансиз, вазир жаноблари, раҳмат!— деди.

Заргар кўпчиликдан уялгандай бўлиб:

— Мен Уктам ботирга бутун молу дунёمنى, олтинкумушларимни берсам ҳам оз!— деди.

— Дадажон, шошманг,— деди Муаттар.— Уктам ботир мени нақд ўлимдан олиб қолди. Дадам ясаган мана шу гавҳар узукни мен сизга совға қиламан, Уктам ботир. Мен шу узукка қўшиб ўз ихтиёримни ҳам сизга топшираман!

Уктам ботир Муаттар томонга бораётган эди, Зухурбек отини гижинглатиб:

— Шошманглар!— деди.— Муаттар бону, сен бир четда одоб сақлаб тургин. Сен бизга келин бўладиган қизсан, Уктамга хизматига яраша ҳақни отанг иккаламиз берамиз!

Шунда Муаттарнинг онаси аёллар тўпидан туриб қичқирди:

— Жаноб вазир, биз ёлғиз фарзандимиз Муаттар билан аждаҳога ем бўлишимизга сал қолди! Шундай пайтда сизнинг ўғилчангиз жонини ҳовучлаб қочиб кетди! Узингиз ҳам қорангизни кўрсатмадингиз! Уктам ботир қилган яхшилик ҳақ тўланадиган хизмат, холосми? Йўқ, қизим Муаттар тўғри айтди, биз Уктам ботирга жонимизни, жаҳонимизни берсак ҳам арзийди! Уктамжон, қизимнинг қўлини қайтарма, гавҳар узугини ол!

Зухурбекнинг ёнидаги мулозимлардан бири:

— Олмай тур!— деб хитоб қилди.— Ҳей, жаноб заргар, сиз ҳам, хотинингиз ҳам Зухурбек жанобларидай вазири муаззамга қуда бўлсаларинг жон демаясизларми? Ахир бу одам орқали обрўларинг осмонга кўтарилади-ку! Эл-юрт орасида иззат-икромда бўласизлар-ку.

— Эй, бу иззат-икромнинг охири вой, мен ҳаммаси-

ни биламан,— деди заргар.— Вазири аъзамнинг ўғиллари албатта битта хотинга қаноат қилмайди, ҳадемай қизимнинг устига икки-учта кундошни олади. У кундошлар вазирнинг ўзига ўхшаган казо-казоларнинг қизи бўлса, Муаттарни талоқ қилдириб, чўриликка беришлари ҳам ҳеч гап эмас. Саройда заргар бўлиб ишлаганимда мен бунақа ҳодисаларнинг кўпини кўрганман. Ундан кўра бизга мана шу Уктам ботирдай меҳнаткаш одамнинг боласи куёв бўлгани яхши. Муаттар қизим, сенинг қўлингдаги гавҳар узукни мен ўзим ясаган эдим. Бунини Уктам ботир менинг ҳам мукофотим деб билсин!

Уктам ботир Муаттарнинг олдига келиб, бир тиззасини ерга қўйган ҳолда унинг совғасини икки қўллаб қўлига олди:

— Мен бу совғани кўзларимга суртаман, доим жонимнинг қатида асрайман!— деди-да, қизнинг ўзига ва ота-онасига таъзим қилди.

Зухурбек аччиқ билан отига қамчи урди-ю, бутун мулозимлари ва навкарларини эргаштирганича, қишлоқдан от чопдириб чиқиб кетди.

## 5.

Вазир Зухурбек заргардан ва уч оғайнилардан қандай ўч олишини саройга қайтгунча ўйлаб борди. Кўпини кўрган бу қув одам шундай арслон ва аждаҳони енгган, эл орасида шунчалик эътибор қозонган ботирларни йўқ қилиш осон эмаслигини биларди. У подшонинг бутун қўшинини барча тўпу тўпхоналари билан уч оғайнига қарши отлантирсагина мақсади амалга ошишига кўзи етарди. Аммо Камолхон подшони бунга кўндириш осон эмас эди, чунки атрофда ташқи ёвлар ҳам кўп, қўшин чегараларни қўриқлаш билан банд. Подшони нариги уч оғайнига қарши жангга солишда унинг ёлғиз ўғли аламзада Абусаид ёрдам бериши мумкин эди.

Шунинг учун Зухурбек пойтахтга қайтгандан сўнг энг аввал шаҳзода истиқомат қиладиган тиллакори кўшкка кирди. Ҳовлисида фавворалар отилиб турган, оро берилган чаманзориде товуслар юрган, хилват гўшаларида булбуллар сайраган улкан чорбоғ бутун хизматкорлари билан шаҳзода ихтиёрига берилган эди. Лекин шаҳзода ўша жодугар арслонга дуч келган кундан бери чорбоғ сайрига чиқмас, кўшкнинг қоронғи бир хонасида кўкрагини ерга бериб ётар эди.

Зухурбек Абусаид ётган хонага таъзим қилиб кирди-ю:

— Шаҳзодам,— деди.— Энди мен ҳам сизнинг аҳволингизга тушдим. Бу баттол уч оғайни мени ҳам эл орасида шарманда қилди.

Шаҳзода ётган жойидан вазирга ғамгин кўз югуртирди. Зухурбек ҳам уятга қолиб қаттиқ изтироб чекаётгани важоҳатидан сезилиб турарди. Шаҳзода титроқ лабларини очиб:

— Нима бўлди?— деди.

Шунда Зухурбек аждаҳо қишлоққа қандай ҳужум қилганидан тортиб, унинг дастидан нечта навкар ўлгани, қанча уй куйганигача, охири Уктам ботир бу аждаҳони қандай ўлдириб, вазирни бўлажак келинидан қандай маҳрум қилганигача ҳаммасини бир-бир айтиб берди. Унинг ҳикояси давомида шаҳзода ўрнидан туриб ўтирди, кўзларида қизиқишга ўхшаган бир ифода пайдо бўлди, оёқ-қўли жонланиб қолди. Юзини ишқаб, воқеанинг баъзи тафсилотларини сўраб олди:

— Қиз узукни нима деб берди дедингиз? Ҳа, ихтиёрини шу узукка қўшиб топширдими!.. Хўш, Уктам узукни қандай қилиб олди? Кўзига суртиб, бир тиззасини ерга тираб... Ҳа-ҳа...

Шаҳзода Абусаид неча кунлардан бери энди биринчи марта мийиғида кулиб қўйди. Жодугар арслон билан олишган кун унинг бошига тушган маломат худди ўша тарзда Зухурбекнинг бошига ҳам тушгани, кўпчиликнинг олдида вазири аъзам ҳам ўшанчалик ўсал бўлгани шаҳзодага кутилмаган даражада таскин бера бошлади. Уни шунча кундан бери тегирмон тошидай эзиб ётган ўсаллик энди гўё унинг устидан нари кетиб, вазири аъзамнинг боши узра айланмоқда эди! Шаҳзода энди унинг ҳолатига четдан қараб, бирдан энгил тортган ва ҳатто кулгиси ҳам келган эди. Шаҳзода Абусаид тетик товуш билан:

— Жаноб вазир, сиз энди менга астойдил ҳамдард бўлибсиз,— деди.

— Ҳа, шаҳзодам, мен бу бераҳим дарднинг давосини сиз билан бирга қидирай деб келдим. Наҳотки таги паст бир чўпоннинг ўғиллари бизни шунчалик ерга уриб, ўзлари осмонда бемалол юраверса?

— Осмонга қўлимиз етмайди, шекилли-да?

— Э, агар подшо ҳазратлари бизнинг додимизга етсалар, у авбошларни бир кунда нобуд қилиш мумкин!

— Дадам ҳазратлари бир понсадини икки юз нав-кари билан ўша авбошларга қарши юборган эдилар-ку. Ҳеч иш чиқмапти-да?

— Битта понсад эплайдиган ёв эмас булар. Така-сакраткидан ўтолмай, уч оғайнининг ота-онаси турган қишлоққа бориб, мол-қолини мусодара қилиб келибди. Бу ҳаммаси у авбошларга чивин чаққандай ҳам таъ-сир қилган эмас.

Шаҳзода ўйлаиб туриб:

— Ҳа, буларга жиддий чора кўрилмаса, эртага бу-тун авомни орқаларидан эргаштиради, подшо отамнинг тахтига ҳам хавф солишлари мумкин,— деди.

— Жуда доно фикрни айтдингиз, шаҳзодам. Энди кўкракни ерга бериб ётишни бас қилинг. Туриб, жанго-вар кийимларни кийинг. Биргаликда подшо ҳазратлари-нинг ҳузурига борайлик.

Абусайд хизматкорларини чақириб, энг яхши кийим-ларини кийди, энг яхши отини эгарлатди, сўнг Зухур-бек билан бирга подшо саройига йўл олди.

Камолхон ўзининг хонайи хосида яхши кўрган тў-тиқуши билан гаплашиб турганда башанг кийинган, қилич таққан ўғли кириб келди:

— Эй, хайрият, шаҳзода тузалиб кетибдилар!— деб Камолхон ўғлини бағрига босди. Шунда шаҳзоданинг анча озиб, елкалари пуч бўлиб қолганини сизди.

— Ҳазратим, мени интиқом туйғуси оёққа турғиз-ди!— деди шаҳзода.

— Қанақа интиқом?

— Вазири аъзам ташқарида рухсати олийга мунта-зир бўлиб турибди, мумкин бўлса, чақиртирсангиз.

Подшо қарсақ чалиб, вазир Зухурбекни чақиртир-ди. Шаҳзодани ўнг томонига, вазирни чап томонига ўт-қазиб, гап нимадалигини бирма-бир сўраб олди.

— Авом халқ бугун шаҳзода билан вазирдан кўра қаёқдаги чўпоннинг ўғилларини ортиқроқ эъозлайдиган бўлса, эртага нима аҳволга тушарканмиз, шаҳаншо-ҳим?— деб вазир куюниб савол берди.— Мен-ку, бир қулингизман, бундай беҳурматликни ичимга ютиб кета-вераман. Лекин шаҳзодамнинг озиб кетган юзларига бир қаранг!

— Биз бу чўпонбаччалардан қасос олмоғимиз керак, дадажон!— деди шаҳзода.— Барча қўшин тўпу тўп-хонаси билан уларга ҳамла қилиши лозим. Ушанда авом халқ ҳам давлатингизнинг қудратини яна бир

марта ўз кўзи билан кўриб, пошуги босилиб қолади. Акс ҳолда эрта-индин бутун авомлар ўша уч оғайнига эргашиб, ҳокимиятингизга қарши исён кўтариши мумкин!

Қамолхоннинг энг қўрқадиган нарсаси — халқ исёни эди. Уғли билан вазирининг фикрларига қўшилгиси келиб:

— Бу авбош оғайнилар топиб бўлмайдиган жойларда яшириниб юрганмиш-ку,— деди.— Юборган навкарларимиз Такасақраткидан ўтолмай қайтиб келибди.

— Тоғдан айланиб ўтадиган йўлни қўшинга мен кўрсатаман,— деди вазир.— Дарёнинг устига муваққат кўприк қурдирамиз. Фақат сиз фармони олийга имзо чекиб, қўшинга буйруқ берсангиз бўлди, шаҳаншоҳим!

Подшо ўтирган кўйинча қарсақ чалиб, қўшиннинг саркардаси — сипоҳсоларни чақиртирди. Орага тушган бир лаҳзали жимликда Тўтиқушнинг баланд товуши эшитилди:

— Ҳазратим! Уч оғайни билан жанг қилманг! Ёмон бўлади! Жанг қилманг!

Подшо иккиланиб қолди.

— Бу тўтига шу гапларни ким ўргатган, ҳазратим?— деб шаҳзода энсаси қотиб сўради.— Аввалги гал ҳам тўти шу гапни айтиб, сизни иккилантириб қўйган эди.

— Мен бу тўтини кўп синаганман, шаҳзодам,— деди Қамолхон.— Бу бир нарсани сезмаса шундай демайди.

— Лекин мен, ёлғиз ўғлингиз, кўп нарсани сезибгина қолмай, чўпонзодаларнинг шунчалик жабрини тортмоқдаман-ку! Наҳотки тўтининг бир гапи сиз учун менинг жонимдан ҳам азиз бўлса?

— Нима, чўпонзодалар сизнинг жонингизга ҳам қасд қилмоқдаларми, шаҳзодам?— деб сўради Қамолхон.

— Ҳа, менинг жоним ҳозир қил устида турибди, ҳазратим! Агар ўша авбошлар тоғдаги яшириниб юрган жойида йўқ қилинмаса, бир кун эмас бир кун бизнинг жонимизни олиш учун пойтахтга ҳам келади! Мен бунга аминман!

— Мен ҳам худди шу фикрдаман!— деди вазир.

Таъзим қилиб кирган сипоҳсолар ҳам вазир Зухурбекнинг таъсиридаги киши эди. Уч оғайнига қарши юриш қилишни у ҳам ёқлаб чиқди.

Ҳа тўридаги тўти яна бир марта:



— Уч оғайнига қарши жанг қилманг, ҳазратим! Ёмон бўлади, жанг қилманг!— деб такрорлади.

Лекин энди бу сўзлар Камолхоннинг ғашини келтирди. У яна қарсак чалиб, хизматкорни чақирди-ю, тўтини қафаси билан бошқа узоқроқ хонага олиб чиқиб қўйишни буюрди.

Шундан кейинги маслаҳат ва фармони олийга биноан эрталабдан минг-минглаб отлиғу пиёда аскарлар саф-саф бўлиб янги юришга тайёрлана бошлади, тўплар ва уларнинг ўқлари қалъадаги тўпхонадан олиниб араваларга ортилди. Тоққа юборилган қурувчилар Такасақраткининг нарёғидан айланиб ўтиб, аравалар ўтишига қулай бўлган бир жойни танлашди ва ўрмондаги энг баланд арчаларни қирқиб олиб, муваққат кўприк ясашга киришдилар.

Тўплар ортилган аравалар кўприк битгунча дарё бўйида бир-икки кун туриб қолди.

## 6.

Камолхоннинг салтанатига ҳужум қилишни анчадан бери кўнглига тугиб юрган Қирондев ер тагида пайт пойлаб ётган эди. У подшонинг қўшинидан тап тортмас, фақат унинг тўпу тўпхонасидан қўрқар эди. Чунки уни оғир тўпларнинг ўқиғина ярадор қилиши, ҳатто ўлдириши мумкин эди.

Мана энди подшонинг тўплари қалъадаги тўпхоналаридан олиниб, уч оғайнига қарши отиш мақсадида араваларга юкланган пайт Қирондев учун жуда қулай туюлди.

Бир кун саҳар пайти шамол туриб, дарахтларни синдиргудай эгиб, чанг-тўзон кўтарди. Ер қаъридан чиқиб келган зўр бир ҳаракат борлиқни титратиб юборди. Улкан харсангтошлар тепадан шақир-шуқур юмалаб туша бошлади. Дарё ва кўлларнинг сувлари чайқалиб, қирғоқларини босиб кетди. Тўплар ортилган аравалар ўзидан-ўзи нари бориб, бери кела бошлади. Кейин текис бўз ер қоқ ўртасидан шишиб, кўтарилиб, тарс ёрилиб кетди-ю, ундан уч бошли баҳайбат Қирондев чиқиб келди. Гавдаси минорадай баланд, елкаси тоғ ўркачидай кенг. Бу елкада бир эмас учта бош уч томонга таҳдид солиб туради. Бир боши бургут, бир боши тимсоҳ, бир боши бадбашара одам. Яғринида ҳар бири уч қулочдан келадиган иккита бургутқанотлари бор. Одам-

нинг қўлларига ўхшайдиган, лекин юқорига чўзса, энг баланд чинорнинг учига етадиган қўлларида жувоз кундадай каттакон гурзи. Филнинг оёғидай йўғон оёқлари ёнида тирноқлари ханжардай ўткир соҳибчангал бургутпанжалари ҳам бор. Орқасида эса йўғон, гадирбудир, узун тимсоҳнинг думи ерга судралиб бо-ради.

Қирондев ерни зилзила пайтидагидай ларзага келтириб ёриб чиққандаёқ подшо аскарларининг юраги бўшроқлари қўрқиб тахта бўлиб қолди, сал дадилроқлари қуроолларини қўлларига олиб, отларига мина бошлашди. Қирондев бир депсиниб, бургут қанотлари ёрдамида осмонга учди-ю, отланаётган навкарлардан бешўнтасини думи билан уриб йиқитиб ўтди. Тепароққа ўрнатилган чодирга қўлидаги улкан гурзиси билан бир урган эди, чодир қоғоздай гижимланиб, ичидаги одамларни босиб тушди, лашкарбоши йиқилган чодирга ўралиб қолиб, ўрнидан туролмай типирчилади.

Буни кўрган минглаб аскарлар тумтарақай бўлиб қоча бошлади. Қирондевининг одамни кига ўхшаган бошидан қалди роқ товуш эшитилди:

— Камолхоннинг аскарими бу ё қурт-қумурсқами? Ха-ха-ха! Ҳаммангни йўқ қиламан!

Шу пайт тўпчиларнинг саркардаси сал ҳушини йиғиб, аравадаги тўпларни отишга тайёрлаш ҳақида буйруқ берди.

У замоннинг тўпларини тўпхонада турганда отиш осонроқ эди. Аммо аравада юрганда бу тўпларни отишга тайёрлаш ва нишонни мўлжалга олиб, қувурни унга қаратиб тўғрилаш кўп вақт талаб қилар, чақмоқ чақиб, пилтани ўт олдириш ҳам тез бўладиган иш эмас эди, Тўпчилар аравалардаги тўпларни отишга тайёрланаётганларини Қирондев узоқдан кўрди. Бургутқанотларини тез-тез сермаб, тўпчиларнинг устига учиб борди. Тўпчилар шоша-пиша тўпларни ерга туширдилар, уларнинг қувурини Қирондевга тўғрилаб, пилтани чақмоқ билан ёндирмоқчи бўлдилар. Лекин бу орада Қирондев уларнинг тепасига учиб келишга улгурди, қўлидаги йўғон гурзисини тўпчиларнинг бошига урди. Думи билан тўпчиларнинг юзбошисини уриб, ағанатиб юборди. Тўп қувурига ўқ солаётган бир йигитнинг кўзини бургут тумшуғи билан чўқиб кўр қилди. Буни кўрган бошқа тўпчилар араваларини ташлаб қочишга тушдилар.

Қирондев тўплар ортилган араваларни дарёга томон суриб бориб, бирин-кетин сувга ағдариб ташлади.

— Ха-ха-ха!— деб тоғларни ларзага келтириб, қалдироқ товуш билан кулди.— Мана энди Камолхон подшо мен билан урушиб кўрсин!

Қирондев Камолхон подшонинг тўрт томонга тарқаб қочаётган аскарларини қувиб кетди.

Бу аскарлар орасида Қирондев ҳалок қилган ўртоқларининг қасдини олишга интилиб, девга узоқдан найза отаётган, ёйига ўқ ўрнатиб учираётган дадил йигитлар ҳам бор эди. Аммо узоқдан отилган оғир найзалар гоҳ ерда қуюндай чопаётган, гоҳ осмонда бургут бўлиб учаётган Қирондевга етиб бормас эди. Харсангтош орқасига беркиниб, девнинг яқин келишини пойлаб туриб отилган бир ёй ўқи Қирондевнинг узун думига келиб санчилди. Лекин унинг тимсоҳона териси шунчалик қалин эдики, ёй ўқи уни ёриб ўтолмади. Одам кўрагига ўхшаш кўкраги эса қалин кигиз билан ўраб ташланган, узоқдан отилган ёй ўқлари девнинг кўкрагига теккан пайтда ҳам шу кигизга ўралиб туриб қолар, кейин дев қаттиқ бир силкинса тушиб кетар эди.

Қирондевга ўқ отган ҳар бир навкар аёвсиз таъқибга учрарди. Қоятош устига қочиб чиқса, дев бургутқанотлари билан кетидан учиб чиқар ва бургутпанжаси билан бир тепиб, пастга ағанатиб юборар эди. Уқ отган навкар дарёга қочиб кирса, Қирондев ҳам дарёга ўзини ташлар, тимсоҳ бўлиб сузиб, қочган йигитнинг кетидан етиб борар, ваҳимали тимсоҳ оғзини очиб, икки қатор ўткир тишлари билан ўз қурбонини ғажиб ташлар эди. Буни кўрган бошқа навкарлар Қирондевга ортиқча қаршилиқ қилмай, подшо қалъасига қараб қочдилар. Олдинроқ борганлар қалъага кириб, бўлган воқеани қалъадагиларга айтиб бердилар. Қирондевнинг даҳшатини эшитган Камолхон қалъа дарвозаларини тезда беркитишни буюрди. Кейин қолган навкарлар қалъага ҳам киролмай, бири чўлга, бири ўрмонга қараб қочди.

Қирондев улкан қанотларини сермаб, қалъа дарвозалари устидан ошиб ўтди-ю, подшо саройи қаршисидаги энг баланд муғ — қадимий тепалик устидаги гумбазга чиқиб наъра тортди:

— Эй, Камолхон, яхшиликча таслим бўл!

Подшонинг қўриқчи йигитлари пастдан туриб, баланд муғ устига қўнқайган Қирондевга палахмон тоши

отиб кўрдилар. Лекин пастдан муғ тепасига чиқиб боргунча кучи кетиб, секинлаб учган палахмон тошлари девга ҳеч бир зарар етказмади. Дев бу тошлардан бирини илиб олиб, уни отганларнинг ўзларига қайтариб урди-ю, яна бир неча кишини нобуд қилди.

— Тўпларнинг қадри ўтди-да!— деди Камолхон соқолини юлиб.— Тўпларим тўпхонасида турганда, Қирондев менга яқинлашмас эди!

— Ҳазратим, энди бу дев билан муроса йўлини изланг!— шивирлади Зухурбек.

Шундан сўнг Камолхон вазирни орага қўйиб, Қирондевининг мақсадини сўради.

— Мақсадим катта!— деб Қирондев муғ устидан бутун қалъа эшитадиган қилиб хохолаб кулди.— Мен подшонинг ўн беш ёшли қизи Юлдузхонга ошиқман! Лекин Юлдузхон малика бўлгани учун фақат тожу тахти бор подшога тегади. Шунинг учун мен Камолхоннинг тожу тахтини ҳам эгалламоқчиман. Яхшиликча шу шартимни қабул қилмаса, подшони ҳам ўлдираман! Қаршилиқ қилган ҳамма одамни қираман. Муродимга етмагунча қўймайман!

Бу сўзларни эшитган Юлдузхон гулзор орасидан югуриб чиқиб, подшоҳ отасига илтижо қилди:

— Дадажон! Ҳазрат отажоним! Мени бу уч бошли девга берманг! Берадиган бўлсангиз, ўзимни ўзим ўлдираман!

Суюкли қизининг нидосидан юраги эзилган подшо вазир Зухурбекка қараб:

— Қандай кунларга қолдик!— деди.— Наҳотки бирон нажот йўли топилмаса?!

Зухурбек овозини пасайтириб:

— Вақт керак, шаҳаншоҳим!— деди.— Юлдузхон Қирондездан муҳлат сўрасинлар! Ҳеч бўлмаса бир ҳафта муҳлат берсин!

Бу фикр подшога ҳам, Юлдузхонга ҳам нажот берадигандек туюлди.

— Бир ҳафта эмас, қирқ кун!— деди Юлдузхон.— Яна қирқ кунгина умр кўрай! Кейин пешонамда бори бўлар!

Подшо вазирга юзланди:

— Қирондевга айтинг! Қизим унинг шартини қабул қилади, фақат тўй тайёрлиги учун қирқ кун муҳлат сўраймиз!

Зухурбек овозини баланд қўйиб, муғ устидаги девга

бу гапларни айтар экан, унинг ҳар бир сўзини қалъадаги бутун аҳоли ҳам жим туриб эшитди.

— Қирқ кун?! Ха-ха-ха!— деб масхара қилиб кулди Қирондев.— Мен бир ухласам уч ой ухлайман. Яқинда уйқудан турганман, энди уч ой ухламай ҳаммангни қираман! Мени бекорга Қирондев демаганлар! Агар Юлдузхон тезроқ менга хотин бўлмаса, қўрғондаги фуқаронгни қиришга тушаман, подшо. Қирқ кунгача мамлакатингда тирик одам қолармикин? Кейин сен тўйга кимни чақирасан?!

Бу гапларни эшитиб турган қалъа аҳолиси орасидан йиғи-сиғи товушлари эшитилди. Мўйсафидлардан бир қанчаси подшога мурожаат қилиб:

— Ҳазратим, халқни ҳам ўйланг!— дейишди.— Фуқаро қирилиб кетса, хизматингизни ким қилади?!

Подшо яна вазир орқали Қирондевга мурожаат қилди:

— Қирқ кун кўп бўлса, бир ҳафта муҳлат берсин!

— Бир кунга муҳлат бераман!— деди Қирондев.— Эртага шу пайтгача кутаман! Кейин ҳамманг жонингдан умидингни узавер!

— Хўп денг, шаҳаншоҳим!— шивирлади вазир.— Бир кун ҳам ҳарна!

— Майли, эртагача қўрғондан чиқиб турсин!— деди подшо вазирга.

Юлдузхон уввос солиб йиғлай бошлади. Қирондев эса подшо оиласининг аянч аҳволидан хохолаб кулакула, муғ устидан тушиб, қўрғон деворидан учиб ўтди. Сўнг атроф қишлоқлардаги одамларнинг бирини бургутоёғи билан тепиб, иккинчисини думи билан уриб йиқитиб, учинчисини гурзиси билан уриб пачақлаб қирғинни давом эттирди.

\* \* \*

Подшо Камолхон вазири, ўғли ва қизи билан хонаини хосга қайтиб кириб, саросима бир аҳволда:

— Энди нима қиламиз?— деди.— Бу Қирондевга фақат тўпу тўпхона бас келар экан. Тўпхоналаримиз турибди. Бирон жойдан тўп топиб бўлармикин?

Лекин бор тўпларнинг ҳаммаси ўшанда араваларга ортиб кетилган ва Қирондев томонидан йўқ қилинган эди. Подшо тўп ясайдиган усталарни чақиртирди. Бироқ улар бир кунда тўп ясаб улгуролмасликларини,

тўпларнинг маъданини эритиб, қолипларга қуйиб совитиб учун камида бир ҳафта-ўн кун кераклигини айтишди.

— Шунча тўпларим бор эди. Сенлар бошига етдиларинг-а!— деб Камолхон вазири билан ўғлини уришиб кетди.— Қаёқдаги боғбон билан заргарнинг қизини деб, мени уч оғайни билан ёв қилдиларинг! Касофатсанлар! Қалтафаҳмсанлар! Уша Тўтиқушчалик ҳам ақлларинг йўқ! Қайта Тўтиқуш тўғри айтган экан! Ҳей, хизматкор! Тўтиқуш қани? Тўтиқушни олиб кел!

Хизматкор Тўтиқушни қафаси билан кўтариб келиб, аввалги жойига — хонайи хоснинг тўрига осди. Камолхон қафасга яқинлашиб:

— Тўтиқушим, аҳволинг дурустми?— деди.— Нега индамайсан? Илгари кўрган заҳотинг «ассалом» дер эдинг, энди нега жимсан? Мендан хафамисан? Лекин ҳозир гина қиладиган пайт эмас, Тўтиқушим! Ҳаммамизнинг жонимиз қил устида турибди! Қирондев бир кунга муҳлат берди! Эртага шу пайтда бу тожу тахт, хонайи хос, ҳаммаси Қирондевка қолса сен нима қиласан, Тўтиқуш? Қирондев сени ҳам бургуттумшуғи билан бир чўқиб ўлдириб ташламайди дейсанми? Еки тимсоҳ оғзини очиб, бир ямлаб ютишига ишонмайсанми? А, Тўтиқушим? Бир оғиз сўзла!

Тўтиқуш бирдан тилга кирди. Одатдаги баланд, шанғи товуш билан:

— Уч оғайнини чақиринг!— деди.

— Рост, ўшалардан бошқа илинж қолмади, ҳазратим!— деди Юлдузхон.

— А?— деб Камолхон ўғли билан вазирининг юзига тикилди.— Сенлар уч оғайнини ҳам менга ёв қилиб қўйгансанлар-ку? Вазири аъзам, сизнинг гапингизга кириб, Чўпон отанинг молу мулкени талатган эдим-а? Энди унинг ўғилларини қайси юз билан ёрдамга чақирамиз?

— Уч оғайнилар ҳам бизга ўхшаган одам боласида,— деди шаҳзода Абусаид.— Бу Қирондевни кўрдик-ку. Бунга одам боласи бас келолмайди.

— Уч оғайнилар жодугар арслон билан даҳшатли аждаҳога бас келишибди-ку!— деди Юлдузхон.

— Мен у чўпонзодаларга ялиниб обрўйимни тўккунча, кечаси секин қалъадан чиқиб қочишни афзал кўраман!— деди шаҳзода.

— Синглингиз билан мени Қирондевнинг чангалига

ташлаб қочмоқчимисиз?— ўсмоқчилаб сўради Камолхон.

— Бирга қочайлик, демоқчи эдим, ҳазрат дадажон! Мени тўғри тушунинг!

— Лекин сиз яна калта ўйламоқдасиз. Бу Қирондев кечаси ухламайди. Қочсак, бургутқанотлари билан бирпасда қувиб етади! Ана ундан кейин мени ҳам, шаҳзодани ҳам, вазирни ҳам тилка-пора қилиб, Юлдузхонга етишади, тожу тахтни ҳам эгаллайди!

— Бу хато йўлдан бизни худо қайтарсин, ҳазратим!— деди Зухурбек.— Қирондевининг даҳшатию нақд ўлим тахликаси олдида уч оғайнидан тортган азиятимиз ҳам аҳамиятсиз кўриняпти. Ахир, Камолхон шаҳаншоҳнинг ўғлидек улур шаҳзодага ўша боғбоннинг қизидан ҳам кўхлироқ қизларни топиш мумкин-ку. Мен ўзимнинг ўғлимга ҳам ўша заргарнинг қизидан яхшироқ қаллиқлар тополмайманми? Жонимиз қил устида турган пайтда ўткинчи иззат-нафсни унутайлик, ҳазратим. Чўпон отадан мусодара қилинган мол-ҳолни битта қолмай қайтарайлик. Уч оғайнининг ота-онасига озор берган понсад билан ўлпончи бу нарсаларни ўзлари қайтариб олиб борсин-у, оёқларига йиқилиб узр сўрасин!

— Мана бу — доно маслаҳат!— деб Камолхоннинг бирдан чеҳраси очилди.— Жаноб вазир, бу ишни яхшилаб амалга оширишни мен сизга топшираман. Дарҳол ўша понсад билан ўлпончини топиб, тун қоронғисида Чўпон отанинг қўрасига етиб боринг. Битта молини иккита қилиб қайтарсангиз ҳам майли, чолнинг кўнглини олинг-у, ўғилларини Қирондевга қарши отлантинг!

Чўпон ота билан унинг ўғилларига бунчалик илтифот кўрсатилишидан норози бўлаётган шаҳзода Абу-саид:

— Вазири аъзам, наҳотки сиз шу чўпонзодаларнинг Қирондевга бас келишига ишонсангиз?— деди.

Вазир тезда жавоб беравермагач, Юлдузхон:

— Мен ишонаман!— деди.— Жаноб вазир, уч оғайнига менинг номимдан айтинг, агар бизни шу балодан халос қилсалар, мен шоҳ қизи бўлсам ҳам, умр бўйи уларнинг хизматини қилишга тайёрман!

Маликанинг бу гапларидан шаҳзоданинг нафрати келиб, афтини буриштирди. Вазир аввал Юлдузхонга жавоб бериб:

— Маликам, лутф қилдингиз, мен бу сўзларингизни уч оғайнига албатта етказдираман,— деди. Сўнг оғзини шаҳзоданинг қулоғига яқинлаштириб шивирлади:— Уч оғайни Қирондевга бас келса — яхши, жонимиз омон қолади, нарёғига яна бирон йўлини ўйлаб топамиз. Агар уч оғайни Қирондевга бас келолмай ҳалок бўлса, унда сизу биз шу чўпонбаччалардан ҳам қутуламиз! Ёмонми?

Шаҳзоданинг энди сал чеҳраси очилди.

— Душманни душманга қарши солиш — доно тadbир, жаноб вазир. Тўғри, улар бир-бирини нобуд қилса, биз муродга тезроқ етамиз.

— Ахир, бу Қирондев чўпонзодаларнинг бирини ўлдирса-ю, иккинчисини майиб қилса ҳам майли-да, биз учинчисини қайириб олишимиз осон бўлади.

Вазир Зухурбек мана шу ният билан йўл тайёрлигини кўра бошлади.

## 7.

Қирондевинг зилзиласи Такасақраткининг тепасида осилиб турган тошлардан бир қанчасини қулатганда уч оғайнилар арчазор ўрмонда ов қилиб юрган эдилар. Тўлан билан Уктам битта кийик, Кенжа ўнга яқин каклик отишган эди. Овга берилиб қизишган Кенжа:

— Тоғнинг юқорироғига чиқайлик, мен ҳам битта кийик отай!— деди.

Уктам ёйини елкасига осди-да, Тўланга қаради:

— Қўшдагилар нима бўлдийкин, ака?

Икковининг ҳам хаёли қаллиқлари Санобар билан Муаттарга кетди. Кенжа буні сезиб кулди:

— Қўшдагиларнинг ёнларида ота-оналари бор-ку. Ё соғиниб қолдиларингизми?

— Сен бунинг нималигини бошингга тушганда биласан, ука,— деди Уктам.

— Ҳа, ахир, бечора қизлар дугоналаридан айрилиб, ўрганган жойларидан узоқда — ўрмонда юришибди,— деди Тўлан.— Ота-оналари ҳам қувғинга учраганларидан хафа.

— Қачонгача шунақа қилиб юрамиз энди?— сўради Уктам.

— Отамнинг олдига бориб бир маслаҳат сўрашимиз керак,— деди Кенжа.

— Юринглар, аввал қўшга қайтайлик. Зилзила бўл-



ди. Чодир-ўтовларга ҳеч нарса қилмагандир-у, лекин тошлар қулаб тушиб, қўшдагиларни қўрқитган бўлиши мумкин.

Уч оғайни овларини отларига ортиб, Санобар ва Муаттарлар турган кенг дарага қайтиб келдилар. Муаттар билан Санобар ўтовларидан чиқиб, уларнинг йўлга кўз тикиб турган экан.

— Зилзиладан қўрқдиларингми, Санобар?— деб сўради Тўлан.

— Пастда зилзиладан ҳам баттар бир бахтсизлик бўлаётганга ўхшайди,— деди Санобар.— Қулоғимга ёмон товушлар эшитилмапти, Тўлан ака. Бир махлуқ нуқул наъра тортади. Одамлар жон аччиғида чинқиради. Ана, ҳозир ҳам эшитдим!

— Менга унча эшитилмаяпти!— деб қўйди Муаттар.

Тўлан ҳам қулоқ солиб кўрди-ю, пастда тоғ дарёсининг шовуллашидан бошқа нарсани эшитмади.

— Менинг қулоғим шунақа сезгир!— деди Санобар.— Бир вақтлар кийик бўлиб, яна аслимга қайтганимдан бери одамлар эшитмайдиган товушларни ҳам эшитаман.

— Тўлан ака, бўлмаса мен Такасақраткидан нарига ўтиб, пастдаги қишлоққа бориб келай. Сиз Ўктам акам билан шу ерда бўлиб турунгишлар.

Кенжа атайлаб акаларини қаллиқлари билан якка-якка қолдиргиси келиб шундай демоқда эди. Тўлан укасининг ниятини ёқтириб кулимсиради-да:

— Майли, боргин-у, лекин тез қайтгин,— деди.— Унгача биз кийик гўштидан битта қовурдоқ тайёрлаб турамиз. Қани, Ўктам сен хийикни терила<sup>1</sup>.

— Муаттар, юринг, биз ўчоққа ўт қўйиб, қозонни осайлик,— деди Санобар.

Улар иш билан овунганда кўнгилларидаги хавотирлик туйғуси хаёлларидан узоқлашди.

\* \* \*

Кенжа ботир Такасақраткидан нарига ўтгандан кейин Санобар айтган хунук товушлар, қий-чув, йиғи-сиғилар унинг қулоғига ҳам эшитила бошлади. У бунинг сабабини билолмай яна сал пастга тушганда, қаршисидан кийимлари йиртилган, юзлари тирналган ик-

<sup>1</sup> Терилаш — терисини шилиш.

кита навкар чиқди. Булар Қирондевнинг даҳшатидан қочиб қутулган подшо навкарлари эди. Улар Кенжага Қирондев ерни ёриб чиққан пайтда қандай зилзила бўлгани-ю, тўпларни қандай дарёга улоқтирганини, юзлаб навкарлар қанақа қилиб жон берганини бир-бир айтиб беришди.

Қирондев подшонинг қўрғонини ҳам тўс-тўполон қилиб чиққанини, Камолхон унга қарши ҳеч қандай чора тополмай, бир кунга муҳлат сўраганини, Қирондев ҳозир атроф қишлоқларда одамларни қириб юрганини эшитган Кенжа бу махлуқни ўз кўзи билан кўриб қўйгиси келди-ю, узоқдаги қишлоққа томон отини елдириб кетди.

Қишлоқ уйларидан йиғи-сиғи, аза товуши эшитилмоқда эди. Қирондев ўлдирган навкарларнинг бир қанчаси мана шу қишлоқнинг йиғитлари эди. Ота-оналари йиғлаб-сиқтаб уларни дафн қилмоқда эдилар. Шаҳар томонга бориб келган одамлар Қирондевнинг қўрғон атрофидаги қишлоқларни вайрон қилиб, бегуноҳ одамларни ўлдираётганини айтиб бердилар.

Кенжанинг хаёли кекса ота-онасига кетди. Уларнинг кўраси тоғ этагида бўлса ҳам, бу ерда кўра подшонинг қўрғонига яқинроқ эди. Қирондев ўша ёқда қутуриб қирғин қилиб юрган бўлса, тентираб Чўпон отанинг кўрасига бориб қолиши ҳам мумкин. Кенжа ботир ота-онасини тушида увада кийимларда кўрганини яна бир эслади-ю, отини орқага бурди. Қирондевини кейин кўрадиганга ўхшайди. Ҳозир тез акаларининг олдига қайтиб бориб, бутун воқеани айтиб беради.

Тўлан ботир Санобар билан Муаттарга қараб:

— Биз энди ота-онамиздан хабар олмасак бўлмайди,— деди,— сизлар шу ерда қоласизларми?

Узоқдаги хунук наъра ва шовқин-суронлар ҳамон қулоғига эшитилиб турган Санобар ваҳимали тоғ дарасида Тўлан ботирсиз қолишни истамас эди. Қизнинг боғбон отаси ҳам:

— Тўланжон, бизни энди қишлоғимизга элтиб қўйинглар,— деди.— Биз подшо билан вазирдан қочиб бу ерга келган эдик. Ҳозир Камолхон ўзи билан ўзи андармон экан. Бизнинг қишлоғимиз подшонинг қўрғонидан жуда узоқда. Балки Қирондев биз томонларга бормас. Мабодо боши оғиб бориб қолса ҳам, эл-юрт билан бирга бўлганимиз яхши.

— Буёғида элнинг бошига нима тушса, биз ҳам

шунн бирга бахам кўрармиз,— деди Муаттарнинг заргар отаси. У ҳам ўз қишлоғига қайтишни истаб турарди.

Шундан кейин уч оғайнилар уларни бедов отларига мингаштириб, Такасакраткидан нарига ўтказдилар. Кейин уларни етовдаги отларига миндириб, қишлоқларига элтиб қўйганларича кеч кириб, қоронғи тушиб қолди. Тун қоронғисида улар отларини елдириб, ўз қишлоқларига томон шошилардилар.

Тун ярмидан ошганда уйларига яқинлашиб, ҳовлида машғалалар ёниб турганини, бир талай отлиғу пиёда одамлар борлигини кўришиб, ҳайрон бўлдилар.

Ака-ука ҳовлига секин кириб борганларида вазири аъзам Зухурбек отидан тушиб, Чўпон отанинг олдида қўл қовуштириб турганини, понсад билан ўлпончи эса отанинг оёғига йқирилиб, бир нарсалар деб ялинаётганини кўришди. Нарироқда ботирларнинг оналари олдида икки-учта оғзи очилган катта сандиқлар кўринар, уларнинг ичида шоҳи-атласлар, аёлларнинг олтин-кумуш тақинчоқлари кўзга ташланарди.

Уч оғайнилар ўртага чиққанларида ота-оналари уларни кўриб:

— Уғилларим!

— Болажонларим!— деб қучоқ очиб кела бошладилар. Улар кўришиб, омонлашгунларича вазир ҳам, бошқалар ҳам жим одоб сақлаб турдилар. Кейин чолкамбир бўлган воқеани гоҳ дарғазаб бўлиб, гоҳ кулиб айтиб бердилар.

Шундан сўнг вазири аъзам:

— Биз беҳабар эканмиз, шаҳаншоҳ хабар топиб, айбдорларни жазоладилар,— деб гап қўшди,— барча мол-қолларни битта игна ҳам қолдирмай қайтариш ҳақида буйруқ бердилар, мана, мен ўзим Қирондев даҳшат солиб, одамларни қираётган жойлардан чиқиб келиб, фармони олийнинг бажарилишини назорат қилмоқдаман. Мана бу понсад билан ўлпончи сизларнинг ота-оналарингизга озор беришган экан. Қўлларини боғлатиб, ота-оналарингнинг оёқлари тагига ташладик. Подшо ҳазратлари айтдилар: агар Чўпон ота буларнинг қонидан кечсалар тирик қолишади, бўлмаса, ўзларини дорга осиб, мол-мулклари таланади.

Қўллари орқаларига боғланган понсад билан ўлпончи энди ака-ука ботирлар томонга бурилишди, тиз чўккан кўйича уларга ялинишди:

— Бола-чақаларимизга шафқат қилинглар, ботирлар!

— Етим кўпаймасин!

Тўлан ботир отасига қараб паст товуш билан:

— Дада, бу подшою вазирлар нечук мунча юмшаб қолишибди?— деди.

— Э, ўғлим, Қирондев буларни ҳушёр торттирганга ўхшайди.

Ботирларнинг онаси тиз чўкиб турган понсадга қараб:

— Шунчалик ҳолинг бор экан, ўша куни мени навкаринг итариб йиқитганда нега шафқат қилмадинг? Нега чолимнинг қўлларини боғлатиб бизни хор қилдинг?!— деди.

— Мен аҳмоқлик қилган эканман, онажон, мени кечиринг!

— Қўй, йилқиларни ҳам қайтаришдими?— деб, Кенжа ботир қоронғида дуруст кўринмаётган кўра томонга ишора қилди.

— Ҳаммасини битта қолдирмай қайтарипти!— деди кампир.— Сўйиб еганларининг ўрнига ўрин олиб келибди.

Чўпон ота мийиғида кулди-ю:

— Энди, майли, ўғилларим келганидан кўнглим ийиб кетди,— деди.— Эгилган бошни қилич кесмас, дейдилар. Агар понсад билан ўлпончи бизга қилган ёмонлигини бошқа ҳеч кимга қилмаслигига вазир жаноблари кафолат берсалар, биз буларнинг гуноҳидан ўта қоламиз!

— Мен кафолат бераман!— деди вазир.

Ўлпончи йиғламсираб:

— Бас, мен шу ўлпончиликни ташлайман!— деди.— Мен ҳам мол боқиб, ер ҳайдаб, пешона терим билан кун кўраман!

Понсад ҳам бир нарсалар деб, катта ваъдалар бера бошлаган эди, шу пайт қалъа томондан қишлоққа бир талай одам дод-вой солиб кириб келди-ю, ҳаммаёқни ғовур-ғувур босиб кетди. Шу ғовур орасидан:

— Уч оғайни ботирлар қаерда?!— деган нидо эшитилди.

— Чўпон отанинг ҳовлиси шуми?

— Ҳа, шу, келинглар. Нима бўлди?

— Бу Қирондев элни қириб йўқ қилиб ташлади-ку! Ботирлар жонимизга оро кирмасмикин?

Ботирларнинг онаси ўғилларини бу балодан асрагиси келиб:

— Подшога арзга бормадингларми?— деди. Подшомиз халқдан шунча ўлпон олиб, шунча кўп аскар боқяпти! Шунча полвонлари бор, тўпу тўпхоналари бор!

— Эй, кайвони, Қирондев тўпларни сувга чўктириб ташлади, аскарларни қириб, тумтарақай қилиб юборди!— деди вазир.

— Подшонинг ботир ўғли бор эмиш!— бўш келмади она.— Сизнинг ҳам ўғлингиз бордир! Улар нега майдонга чиқмайди?

— Улар майдонга чиқса, беҳуда ҳалок бўлиб кетади! Қирондеври фақат сизнинг баҳодир ўғилларингиз даф қилиши мумкин!

— Мен Қирондевга ем бўлсин деб бола ўстирганим йўқ! Бир парча этни ўстириб катта қилиш осонми?

Уч оғайнидан нажот излаб келганлар орасида ёши юздан ошган кекса бир одам бор эди. Ҳассасига суяниб машъала ёруғига чиқди:

— Кайвони, фарзанд сизники, бу рост! Шундай ботир ўғиллар ўстирган ота-онага балли. Лекин «яхши йигит билан яхши от — элники» деган нақл бор. Элнинг бошига оғир кун тушди. Одамлар бу девнинг дастидан қирилиб кетяпти. Ўғилларингиз шундай пайтда элнинг жонига оро кирмаса қандай бўларкин?

— Ахир, Қирондев подшонинг тахтини оламан деяётган эмиш-ку. Подшога тахти керак бўлса дев билан ўзи олишсин-да!

— Э, хотин,— деб Чўпон ота гапга аралашди.— Бу подшолар доим бошқаларни балоғардон қилиб урушади. Подшо жангга кирса ҳам, ҳаммадан кейин киради. Унгача юрт қирилиб тамом бўлади! Халқнинг бошига кулфат тушганда ўғилларимиз четга чиқиб турса яхши бўлмайди!

Онаизор кўзига ёш олди-ю:

— Иложим қанча!— деди.

— Онажон, кўп хавотирланманг,— деди Кенжа ботир.— Сизнинг меҳрингиз, отамнинг меҳри бизни ҳар қандай балодан асрайди. Насиб қилса, енгиб чиқамиз!

Уч оғайнилар ота-онанинг оқ фотиҳасини олдилар. Юз ёшли кекса мўйсафид ҳам эл-юрт номидан уларга омад тилади. Бу тилакка вазир ҳам, қўли ечилиб,

анча ўзига келиб қолган понсад ва ўлпончилар ҳам қўшилдилар.

Йигитлар энг ўткир қилич ва ханжарларини тақишиб, энг яхши совут, дубулғаларини кийишди, қалқонларини қўлга олишиб, эгарларининг қошига энг бақувват сиртмоқларини илишди.

Оналари ичкаридан учта бутун нон олиб чиқди:

— Болаларим, шу нондан бир тишлам-бир тишлам энглар!— деди.— Қолганини қайтиб келиб егулик қилсин!

Ботирлар бир тишламдан еган учта кемтик нон уйда қолди.

## 8.

Уйқу билмай, туни билан қишлоқларни кезиб юрган Қирондев гоҳ бургут бўлиб чинқирар, гоҳ одам овози билан наъра тортар, зўр гурзиси билан уйларни уриб йиқитар, харобалар ичидан қочиб чиққан одамларга тимсоҳ думи билан зарба бериб ағанатарди. Аёллар ва болаларнинг ўлим талвасасида аччиқ дод солганлари уч оғайнига ҳам эшитилди.

— Ака, бу дев билан мен бир олишиб кўрай,— деди Уктам ботир.

Кенжа ботир эътироз қилди:

— Сиз аждаҳо билан олишдингиз. Энди навбат меники.

— Лекин бу девни битта одам эплаши қийин,— деди Тўлан.— Қара, бунинг учта боши бор. Бу ўзи асли учта балонинг бир жойдан чиққан махлуқи.

— Ака, мен ҳам ўз бахтимни синаб кўришим керак-да. Сизларга муносиб ука бўлишим керак.

— Лекин орамизда энг чаққонимиз ҳам ўзингсан, Кенжа,— деди Уктам.— Бу дев билан олишиш учун кучдан ҳам кўпроқ чаққонлик керак.

Тўлан ботир хуржунидан ғалати бир дубулға олди.

— Бўлмаса, Кенжа ука, бошингга мана бу дубулғани кий. Кўзни бекитиб турадиган олмос кўзойнаги бор. Бургут кўзингни чўқимоқчи бўлганда, тумшуғи синсин!

— Хўп, ака!— деб Кенжа акаси берган дубулғани бошига кийди.

Уктам ботир хуржунидан калта сопли ойболта олди.

— Кенжа, сенинг икки кўллаб қилич чопадиган одатинг бор. Агар қиличинг бирон сабаб билан иш бермай қолса, мана шу болтани ишлатасан. Пўлатни ёгдай кесадиған ўткир тиғи бор.

— Хўп, ака,— деб Кенжа ўртанча акаси берған болтани белидағи энлик камарига сопи билан қистириб қўйди.

Тўлан укасиға битта маслаҳат берди:

— Бу дев билан очик чўлда олишасан. Дарёға яқин борма, тимсоҳ бўлиб сувға тортиб кетади. Тоққа ҳам ёндашма. Қоятошға чиқиб қолсанг бургут бўлиб тегиб қулатади. Биз ҳу, ана шу текисликда кутиб турамыз. Сен Қирондеғни ўша ерға бошлаб чиқ. Лекин бир нарсани билиб қўй: агар бу уч бошли бало учовлашиб сени шошириб қўйганини кўрсак, биз ҳам учовлашамыз.

— Ҳа, оға-ини шундай пайтда керак,— деди Уктам ботир ҳам.

— Аввал қараб туринглар-чи,— деди Кенжа ботир.— Мен бир ўзимни синаб кўрай!

— Хўп, бор, ука! Енгин-у, енгилма!

— Омин!

Улар юзларига фотиҳа тортдилар. Сўнг Кенжа ботир зирҳли жул ёпилған саман отини чопдириб, харобалар орасида одам овлаб юрган Қирондеғға яқинлашди:

— Ҳей, қотил дев! Кучинг бегуноҳ бола-чақаға етдими? Тенгинг билан олишаман, десанг берироқ кел!

Осмондан ўн уч кунлик тўлиной нур сочиб турарди. Қирондеғ ой ёруғида дубулғаси ялтираған хипчагина ўспиринни кўрди-ю:

— Хо-хо-хо!— деди.— Сен жинқарча мени ўзингга тенг кўрасанми! Қанотимни бир сермасам, шунинг шамолидан учиб кетасан-ку.

Кенжа ботир чаптастлик билан ёйидан ўқ отди. Ўқ Қирондеғнинг ҳурпайған қанотига шундай зарб билан урилдики, майда патларидан бир қанчаси тўзғиб ерға тушди.

— Қани, серма қанотингни, қонхўр!— қичқирди Кенжа.

Дев унга қараб интилди.

Кенжанинг учқур оти текис чўлда ҳар қанча тез чопса ҳам, Қирондеғ бургут қанотлари ёрдамида уни қувиб етди.

— Сен болани бир тепиб ерга киргизиб юбораман!— деб Қирондев юқоридан пастга шўнғиди.

Қилич яланғочлаб бораётган Кенжа ботир отининг жиловини қўйиб юборди-ю, қиличини икки қўллаб боши устига кўтарди ва унинг ўткир тиғини Қирондевининг зарбасига рўпара қилди.

Қирондевининг бургутпанжалари Кенжанинги бошига тегишдан олдин қиличнинг тиғига урилди-ю, шарт-шарт қирқилиб тушди. Қирондев оғриқдан дод деб юборди. Қанотларини асабий сермаб, Кенжанинги устидан яна бир айланди-да, тимсоҳдумини силкитиб, уни отдан уриб йиқитишга интилди. Кенжа чаққонлик қилиб эгардан пастга эгилди, оёқларини узангига тираган ҳолда, отнинг қорни остига эгилиб тушди. Тимсоҳдуми бўш эгарга шарт этиб урилганда, отни гандираклатиб юборди, аммо жонивор бедов тўрт оёғини тўрт томонга маҳкам тираб, йиқилмай қолди. Кесилган бургутпанжаларидан қон оқаётган Қирондев ғазабли наъра тортди, Кенжа бошини отнинг тагидан чиқаришини пойлаб туриб, бургуттумшуғи билан унинг кўзини чўқиди. Бургутнинг тумшуғи дубулғанинги қаттиқ пўлатига қарсиллаб тегди-ю, қайрилиб дарз кетди. Буни оғриғидан Қирондев яна бир дод солди. Кенжа шу аснода пастдан қилич солиб, унинг бургутбошини шартта кесиб ташлади. Девнинг бургутқанотлари ҳам шалпайиб тушди. У энди учолмайдиган бўлиб қолди.

Лекин ҳали девнинг иккита боши бутун, қўлида жувозкундадай гурзиси турибди. У тимсоҳғзини катта очиб, Кенжанинги қилич тутган қўлини биллагидан тишлаб олди. Кенжа қўлига ҳам зирҳли енгли кийган эди, тимсоҳнинг тиши унинг этига ўтмади. Лекин йиртқичнинг зўр жағи билакни зирҳли енгликка қўшиб шундай қисдики, Кенжанинги қўли жонсизланиб, қиличи панжасидан тушиб кетди.

Пайтдан фойдаланган Қирондев гурзисини кўтарди. Агар бу ўн пудли гурзи Кенжанинги тепасига тушса, дубулғасига қўшиб бошини мажақлаб ташлаши аниқ эди. Шунда Тўлан ботир билан Уктам ботир укаларига ёрдамга етиб келдилар. Тўлан эгардаги сиртмоқни қўлига олиб, узоқдан девнинг қўлидаги гурзига сиртмоқ ташлади. Гурзининг боши чўқморга ўхшаш катта ва ғадир-будир бўлгани учун сиртмоқ унга тез илинди. Гурзи пастга тушаётганда Тўлан ботир сиртмоқни ўзига қаратиб силтаб тортди. Гурзининг зарба-



си дев мўлжаллаган жойга тушмади. Гурзи айлашиб бориб девнинг тимсоҳдумига урилди. Дев оғриқдан яна бир наъра тортди. Пайтдан фойдаланган Кенжа ботир чап қўли билан белидан ўткир болтани олди-ю, унинг тигини девнинг тимсоҳбошига урди. Болта сопи-гача тимсоҳнинг бўйнига ботиб кетди, лекин тимсоҳнинг боши узилиб тушмади. Кенжа болтани суғуриб олиб иккинчи зарбани бераётганда, девнинг учинчи боши ишга тушди. Сиртмоққа илиниб қолган гурзи энди иш бермаслигини сезган дев узун қўлларини бўшатиб, Кенжанинг бўйнига ёпишди. Девнинг инсон бошига ўхшаш боши пастга эгилди, унинг катта очилган оғзида ханжардай ўткир, узун, сап-сариқ тишлари бор эди.

Совут кийган Кенжа бошини буриб уёқ-буёққа қарай олиши учун унинг бўйнида озгина очиқ жой қолдирилган эди. Қирондев ўткир тишларини Кенжанинг бўйнидаги ана шу очиқ жойига ботирмоқчи бўлди, уни ғажиб, бўғиб ўлдиришни мўлжаллади.

Шу пайт Уктам ботир узоқдан девнинг бошига сиртмоқ ташлади. Сиртмоқ девнинг бўйнига тушиб, унинг ўзини ғиппа бўғиб олди. Кенжанинг бўйнига ханжардай санчилмоқчи бўлаётган йиртқич тишлари муаллақ осилиб қолди. Уктам ботир унинг бўйнига солган сиртмоқ қаттиқ тортилгандан сўнг девнинг нафаси қайтиб, қўлларини Кенжанинг бўйнидан олди-ю, сиртмоқа ёпишди, уни узмоқчи ёки бўйнидан чиқариб ташламоқчи бўлиб, филникидай йўғон оёқларини ерга тиради, жон-жаҳди билан шундай силтандики, сиртмоқнинг нариги учини маҳкам тутиб турган Уктам ботир эгарда ўтирган жойидан кўтарилиб, отининг бўйнига сурилиб келди. Уктам сиртмоқни эгарнинг учига ҳам боғлаган эди. Дев жонҳолатда иккинчи марта сиртмоқни тортган эди, эгар қийшайиб, отнинг айрили узилиб кетди. Дев учинчи марта силтанса, Уктам ботирни отидан судраб ерга йиқитиши ёки сиртмоқни узиб қутулиб кетиши мумкин эди.

Қирондев сиртмоқ билан андармон бўлиб қолган пайтда Кенжа ботир ерда ётган қиличинини олди-ю, девнинг сиртмоқ тушган бўйнига бор кучи билан тиг урди. Девнинг боши ерга юмалаб тушди. Унинг тимсоҳбоши болта билан яраланган бўлса ҳам, ҳали узилиб тушмаган эди. Кенжа ботир чапдастлик билан солган қиличнинг навбатдаги зарбаси девнинг тимсоҳ-

бошини ҳам кесиб ташлади. Қирондевинг баҳайбат катта гавдаси ерга гумбурлаб йиқилди-ю, ҳаммаёқни ларзага келтирди. Тоғ тепасидан тошлар қулаб туша бошлади. Дарё сувлари чайқалиб, қирғоқларига тошиб чиқди. Одамлар:

— Яна зилзила бўлди!

— Қоч, том босиб ўласан!— деб қичқира бошлади-лар.

Қирондев ўлим талвасасида ерни қаттиқ тепиб, ёриб юборган эди. Унинг гавдаси ерга йиқилиб тушганда бу ёриқ катталашиб-катталашиб, ахйри, девнинг жирканч мурдасини кесик бошлари билан бирга ютиб кетди.

## 9.

Эл-юрт Қирондеван қутулгани ҳақидаги хушхабарни махсус одам қалъа ичида яшириниб турган Камолхонга ва унинг яқинларига етказдилар:

— Девнинг уч бошини ҳам Кенжа ботирнинг бир ўзи кесди. Лекин юраги ҳам отнинг калласидай бор экан. Бўлмаса ўн беш яшар йигит-а! Қўрқмасдан бир ўзи шундай балойи-азимга рўпара бўлди-я! Аммо акалари ҳам қойил қилишди. Дев енгай-енгай деганда бир ҳимо билан сиртмоқ ташлаб, укаларининг жонига ора киришди. Иноқлик, оқибат мана бунақа бўлар экан-у! Э, шаҳаншоҳим, сиз бу йигитларга ҳар қанча марҳамат кўрсатсангиз арзийди!

Камолхон хизматкорларига:

— От келтиринг!— деб буюрди,— бутун аркони давлат ҳам отлансин. Биз ҳаммамиз уч оғайни ботирларни табрик этгани борамиз.

Вазир подшога икки букилиб таъзим қилар экан:

— Шаҳаншоҳим, бир оғиз арзим бор,— деди.

— Сўзланг, вазири аъзам.

— Ота-боболардан қолган удумга биноан жангдан сўнг ботирлар ўзлари подшо ҳузурига келиб мукофот олар эдилар-ку!

— Ҳали кейин уларни мукофот олиш учун чақирамиз,— деди Камолхон.— Ҳозир шундай ботирликлари учун бориб табрик айтиш биздан лозим. Қизим Юлдузхон, қаердасан?

— Ҳазратим, мен шу ерданман. Рухсат берсангиз мен ҳам сиз билан борай.

Сахийлиги тутиб турган Қамолхон:

— Рухсат бериш ҳам гапми қизим!— деди.— Иложига бўлса, Кенжа ботирга берадиган энг қимматбаҳо совғангни ҳам олиб юр!

— Жоним билан!

Подшо ўзининг мулозимлари-ю, аркони давлатлари билан саройдан чиқиб қалъа ташқарисидаги сардарахт бир қишлоқда дам олаётган уч оғайни сари бораётганда чиғдовул деб аталадиган қўриқчилари унга йўл очиб:

— Халойиқ, пўшт, подшо ҳазратлари барча аъёнлари билан келяпти, йўлни бўшатинглар, кўчаларга сув сепинглар, чанг чиқмасин!— деб боришди.

Уч оғайни ботирдан беҳад миннатдор бўлган эл-юрт дарё бўйига улар учун чодир тикиб, қўй сўйиб, ош дамлаб, бисотида бор ноз-неъматларини дастурхонларга қўйиб, зиёфат бермоқда эдилар. Подшо ясан-тусан одамлари, отлари билан яқин келганда, дарё бўйида хизматда бўлган одамлар уларга пешвоз чиқдилар. Чодир ичидаги уч оғайнилар ҳам ташқарига чиқиб, қўлларини одоб билан кўксиларига қўйиб турдилар. Қамолхон анча нарида отдан тушди, аъёнлар ҳам истар-истамас пиёда бўлиб, ботирлар томонга кела бошладилар. Қамолхон одамларига ишора қилиб, уларни орқароқда қолдирди-да, ўзи уч оғайнилар ёнига келди, уларни бир-бир бағрига босиб табрик айтди. Кенжа ботирни эса қучоқлаб пешонасидан ўпди.

— Қирондевнинг уч бошини ҳам сиз кесибсиз, Кенжа ботир!

— Менга акаларим ёрдам берди. Мен акаларимнинг шогирдиман, холос.

— Бундай камтар шогирдга таҳсин айтамиз. Устозларидан ўзган шогирд, бизга фарзанд бўлишга муносибдир! Қизим Юлдузхон! Бери кел.

Юлдузхон яқин келиб:

— Шердил ботирлар, мен шоҳ қизи бўлсам ҳам, сизларнинг қаршингизда ер ўпиб таъзим қилишга тайёрман!— деди-ю, келинлардай паст эгилиб, юзи ерга теккудек бўлиб таъзим қилди.— Кенжа ботир, аввало сиз мени Қирондевнинг даҳшатли қийноқларидан қутқардингиз! Сиз бўлмасангиз мен ҳам, отам ҳам, бошқа қанча одамлар ҳам тирик қолмас эдик! Шунинг учун мен умрбод сизнинг хизматингизни қилишга тайёрман!

Мана шу олтин билакузукни гавҳар кўзлари билан бирга сизга тақдим қиламан!

Ун тўрт ёшли Юлдузхон ўн тўрт кунли тўлин ойдан ҳам гўзалроқ эди. Сўзлаётганда унинг майин ва ширин овози Кенжани элтиб қўйгандай бўлди. Кўз-кўзга тушганда қизнинг нигоҳидаги олов Кенжанинг қалбида аланга бўлиб ёнгандай, вужудини қиздириб юборди. Кенжа қизнинг совғасини олиш учун унга томон икки қадам ташлади:

— Олинг!— нозланиб, ийманиб деди Юлдузхон.— Шу гавҳарларга қўшиб мен сизга ўз ихтиёримни ҳам топшираман!

Кенжа ботир қиз қаршисида бир тиззасини ерга қўйиб, чап қўли кўксига, ўнг қўли билан гавҳар билакузукни Юлдузхоннинг қўлидан олди-ю, кўзларига сурди:

— Маликам, мен бу совғангизни умрбод кўз қорачиғимдай асрайман!

Кенжанинг одоби ҳам, сўзлари ҳам подшога жуда ёқиб тушди:

— Кенжа ботир, менинг лашкарбошим Қирондев билан жангда ҳалок бўлган...

Сезгир Кенжа подшонинг ниятини пайқаб қолди:

— Ҳазратим, агар шу уч оғайнидан биримизни лашкарбоши қилмоқчи бўлсангиз, бу ишга энг муносиб одам бизнинг катта акамиз Тўлан ботирдир,— деди.

Бу гапга дарҳол Уктам ботир ҳам бош ирғаб қўшилди. Вазир билан шаҳзода Абусаид безовталаниб қолишди.

— Ҳазратим, бундай катта муаммоларни саройда шошилмай ҳал этганингиз маъқулроқдир,— деди вазир подшога икки букилиб.— Энди уч оғайниларни саройга таклиф қилсак!

Подшо орқасига ўгирилиб, барча беклари ва аъёнларнинг истаги ҳам шундай эканини сезди. Аркони давлатлар — подшонинг суянган тоғлари эди, ҳар ишда уларнинг ҳам кўнглидагини ҳисобга олиш Камолхонга одат бўлиб қолган эди. Шунинг учун Тўлан ботирни лашкарбоши қилиб тайинлашни кейинга қолдирди, лекин битта нарсани ҳозироқ аниқ айтгиси келди:

— Жаноби вазири аъзам, сиз биздан вакил бўлиб бориб, уч оғайни ботирларни Қирондевга қарши жангга даъват этганингизда ваъда бергансизки, агар бу йигитлар бизни ўша балойи азимдан халос қилсалар, уч оғайнидан бири қизимиз Юлдузхонга уйланиб, бизга куёв бўлади. Бутун эл-юрт,— деб, подшо овозини кўтариб, атрофдаги халойиқ ҳам эшитадиган қилиб гапирди:— Огоҳ бўлсинки, биз ўша ваъдамизга содиқмиз. Уктам ботир билан Тўлан ботирнинг қаллиқлари бор экан. Энди биз қизимиз Юлдузхонни Кенжа ботирга никоҳлаб бериш ниятадамиз!

Кенжа ботир, қўли кўксига, подшога енгил бир таъзим билан миннатдорчилик билдирди.

— Ҳазратим,— деб Тўлан ботир подшога мурожаат қилди:— Бизга шунчалик ҳурмат билдириб, инимизни куёв қилмоқчи эканингиздан жуда хурсандмиз. Фақат бир андишамиз бор: биз аслзода эмасмиз, чўпон оиласидан чиққанмиз.

— Бугун аслзода бўлмасангиз эртага бўласиз!— деди сахийлик қилгиси келиб турган Камолхон.— Мактаб-мадраса кўрган мулла йигит экансизлар. Қани, саройга юринглар. Мен таклиф қиламан. Ғалаба шарафига уч кун зиёфат бермоқчиман!

Тўлан ботир яна қўлини кўксига қўйиб, подшога бу илтифотлари учун ҳам ташаккур айтди-ю:

— Бизга бир кун фурсат берсангиз, — деди. — Отамиз билан кўришсак, у кишининг розилиklarини олсак.

— Маъқул фикр!— деб подшо махсус топшириқларни бажарадиган ясовул томонга ўғирилди:— Менинг шоҳона отларимдан бирини етаклаб, дарҳол Чўпон отанинг ҳузурига боринглар! Уни шу отга миндириб, иззат-икром билан ўғилларининг олдига олиб келинглар. Аввал дийдор кўришсинлар. Ундан сўнг эртага уч оғайнилар ўз оталари билан бирга саройга марҳамат қилсинлар!

— Бажонидил!— деб бу таклифни Кенжа ботир ҳам қабул қилди.

Фақат ўртанча Уктам ботир гапга қўшилмай жим турар, унинг авзойидан қандайдир бир кўнгилсизликни олдиндан сезаётганга ўхшарди.

Подшо саройида ғалаба кўйлари янграйди, миноралар устида қўшкарнайлар, қўшноғоралар чалинади. Қалъа дарвозалари ланг очик, кирди-чиқди бемалол. Баланд овозли жарчилар нортуяларга миниб, кўчаларда, майдонларда, халойиқ тўпланган ҳамма жойда шаҳаншоҳнинг фармонини эълон қиладилар:

— Эшитмадим деманг, халойиқ! Аъло хазрат Камолхон уч оғайни ботирларга доноларча йўл-йўриқ кўрсатиб, ёвуз Қирондев устидан улкан ғалабага эришдилар! Шунинг шодиёнасига улуг подшоҳимиз элга уч кеча-кундуз тўй берадилар. Барча фуқаро, етти ёшдан юқори ҳамма эл-улус ўз маҳаллаларида тортиладиган ошдан баҳраманд бўлсинлар! Барча беклар, аъёнлар, аркони давлатлар шоҳ саройида бўладиган базми жамшидга марҳамат қилсинлар!

Кўчалардан савлат тўкиб ўтаётган беклар, амирлар кўпчиликка эшиттириб:

— Омон бўлсин ғолиб шаҳаншоҳимиз Камолхон!

— Қирондевини енгишнинг доно йўлларини ўйлаб топган хон ҳазратлари мингга кирсинлар!— деб олқиш айтадилар.

Аъёнлар биладиларки, халойиқ тўпланган жойларда подшонинг яширин одамлари — хуфялари қаландару дўкандор ёки бошқа турли қиёфаларга кириб юрадилар ва кўчада эшитган гапларини саройга бориб айтадилар.

Бундан беҳабар содда одамлар кўнгилларида бори-ни бир-бирларига тўкиб соладилар:

— Э, тавба, ғалаба келтирганлар — уч оғайни ботирлар эди-ку! Аъёнлар нега уларнинг ғалабасини подшога олиб беряпти?

— Булар ана шунақа! Доим тайёрига айёр бўлиб ўрганган!

— Лекин подшо ҳам оғир пайтда шу уч оғайнини ишга солиб ақлли иш қилган-да.

— Агар ақли бўлса, подшо доим мана шу уч оғайнига суянсин! Бу юрган вазиру аъёнлари бир пулга арзимаёди. Элнинг бошига кулфат тушганда, бирон-таси юрак ютиб майдонга чиқмади. Бу аъёнлар фақат ўзим бўлай дейди. Халқнинг жонига фақат уч оғайнига ўхшаган мардлар ора киради!

— Рост! Агар менинг қўлимда бўлса, шуларнинг

бирини подшо, бирини вазир, бирини лашкарбоши қилиб кўтарардим.

— Мунча қаттиқ кетманг, йигит! Бу сўзларингиз саройга етиб борса, уч оғайнига яхшилик эмас, ёмонлик қилиб қўясиз!

— Келинлар, қўйинлар, шу гапларни бас қилайлик!

Шаҳар дарвозаси томондаги халойиқ бирдан тўлқинланиб қолди:

— Ана, уч оғайни ботирлар келяпти!

— Қани, қани?

— Олдиндаги мўйсафид ким бўлди?

— Оталари-да! Йигитлигида бу одамнинг Алп Чўпон деган номи бор эди. Полвонликда ҳам, ботирликда ҳам Алп Чўпонга ҳеч ким бас келолмаган.

— Ўғиллари отага тортган экан-да! Қаранг, учаласи ҳам бири-бирдан дуркун, бири-бирдан кўҳлик!

— Тавба де! Кўзинг тегмасин азаматларга!

Бутун қалъадаги халойиқ йўлнинг икки четига шундай ғужғон бўлиб йиғилдики, ботирларнинг ўтиши ҳам қийинлашиб қолди. Шунда шаҳар ҳокими навкарлари билан олдинга чиқиб меҳмонларга йўл очиб бера бошлади.

Атрофдаги одамлар ботирларга гул ташлай бошладилар. Олқишлар ёғилди:

— Оталарингга раҳмат, уч оғайни ботирлар!

— Илоҳим дунё тургунча туринлар!

— Шундай ўғил ўстирган Чўпон ота омон бўлсин!

Чўпон ота ҳам, унинг ўғиллари ҳам ўнг қўлларини кўксиларига қўйиб, ўнгу сўлдаги одамларга қуллуқ қилиб ўта бошладилар.

\* \* \*

Саройда ботирлар шарафига катта зиёфат тайёрланмоқда. Мамлакатда бор энг яхши ноз-неъматлари майлар ҳаммаси муҳайё этилган. Бугунги базм завқини олдиндан ҳис қилиб, кайфияти кўтарилиб бораётган подшо Қамолхон ўзининг хонайи хосидан гуллар чаман бўлиб турган боққа чиқди. Атрофдан зафар куйлари, карнай-сурнайлар, ноғоралар товуши, сарой аҳлининг:

— Ғолиб подшоҳимиз Қамолхон ҳазратлари мингга кирсинлар!— деган олқишлари эшитилиб турарди.

Боғда булбуллар ва беданалар бири қўйиб, бири

сайрар, қушлар нагмасини яхши кўрадиган Камолхонга бу ҳам ғалаба табригидек эшитиларди. Ўзининг доно йўл тутганига, уч оғайнига яхши раҳнамолик қилгани учунгина Қирондев енгилганига Камолхоннинг ўзи ҳам тобора қаттиқ ишонмоқда эди.

Боғда шундай қушлар тўлиб-тошиб сайраётганда Тўтиқуш жим тургани билиниб қолди. Подшо йўлкадан келар экан, қаршисидан икки букилиб таъзим қилиб чиққан вазирга мурожаат қилди:

— Вазир аъзам, нега Тўтиқуш жим турибди?

— Буни Тўтиқушнинг ўзидан сўрайлик, ҳазратим.

Улар иккови Тўтиқуш жим турган қафасга яқин келдилар. Тўтиқуш подшодан бир оғиз илиқ сўз кутар эди. Ахир «уч оғайнини ёрдамга чақиринг» деган маслаҳатни подшога Тўтиқуш берган эмасмиди? Вазир ўшанда нималар деган эди? Лекин Камолхон ҳозир уни унутганмиди ёки эслагиси келмасмиди? Агар элса Тўтиқушни подшодан ҳам донороқ деб тан олишга тили бормасмиди? Ҳар қалай Камолхон қафасга яқин келиб:

— Ҳа, менинг севимли Тўтиқушим? Нега жим турибсан?— деди.

Тўтиқуш «севимли» деган сўздан бир қадар кўнгли ийиб:

— Шаҳаншоҳим, ғалаба муборақ!— деди.

— Боракалло. Тўтиқушим! Бу ғалабада сенинг ҳам ҳиссанг бор!

— Раҳмат, ҳазратим! — деб Тўтиқуш энди астойдил қувонди.

— Ҳозир менинг кўнглим ниҳоятда шод, Тўтиқуш! Қани энди ёшроқ бўлсам-у, кайф-сафо қилсам! Саксонга бориб қолдим. Афсус, минг афсус, кексалик ўзини кўрсатяпти. Тўтиқушлар уч юз йил яшар эмишлар! Уларда бир юз эллик-икки юз ёш ҳам йигитлик саналар экан! Шунинг учун менинг сенга ҳавасим келади, Тўтиқушим!

— Мен қафасдаман-да, ҳазратим!— деди Тўтиқуш.— Бўлмаса сизга одамни ёшартириб, умрини уч юз ёшга етказадиган мўъжиза мевадан келтириб берардим!

— Бунақа мева қаерда бор экан, Тўтиқушим? Мен одам юборай!

— У меванинг қаердалигини одам зоти билмайди. Ҳиндистон ўрмонларида менинг икки юзу эллик ёшга



кирган донишманд отам борлар. Сизни ёшартирадиган мевани ана ўша зот топиб берадилар. Агар мени қафасдан бўшатсангиз бир ҳафтада бориб, мўъжиза мевадан олиб келаман.

— Вазири аъзам, Тўтиқушни қафасдан бўшатайликми?

— Ҳазратим, сиз неки десангиз биз учун қонун. Аммо мен, қулингиз, шуни биламанки, қафасдан бўшаган қуш ўз ихтиёри билан зинҳор қафасга қайтиб кирмайди!

— Ундан чиқди, Тўтиқуш мени алдамоқчи экан-да?

— Ҳазратим, сиз бу вазирга кўп ишонманг!— деди Тўтиқуш.— Агар шу вазирнинг гапига кирганингизда, уч оғайни билан жанг қилар эдингиз. Оқибати нима бўлишини бугун тасаввур этсангиз керак?

Вазир подшонинг ғазабидан қўрқди, айни вақтда, бу Тўтиқушнинг узоқроқ кетишини истаб қолди. Чунки Тўтиқуш нуқул уч оғайнининг тарафини олади, подшони уларга яқинлаштиришга интилади. Бу кетишда Зухурбек вазирлик лавозимидан ҳам ажраб қолиши мумкин.

— Ҳазратим, мен қафасга қайтиб кирмайди деб бошқа қушларни айтдим. Аммо ўттиз йилдан бери сизнинг тарбиянгизни олган бу Тўтиқуш бошқача! Бунинг сизга садоқати чексиз. Мана, мен сизга қанчалик содиқ бўлсам, Тўтиқуш ҳам шунчалик содиқ! Чунки сизни яқиндан билган одамгина эмас, ҳатто қуш ҳам чин дилдан кўнгил бериб, яхши кўриб қолади!

Подшо ўз хотирасидан бу гапга битта исбот ҳам топди. Бир марта Тўтиқушнинг қафаси тасодифан очилиб кетган, Тўтиқуш боққа учиб чиққан, лекин Камолхон буни кўриб қолиб: «Жойингга қайт, Тўтиқушим, сен менга кераксан, мени ташлаб кетма!» деб илтимос қилганда, Тўтиқуш қафасга қайтиб кирган эди.

— Тўтиқушим, мен сенга ишонаман!— деди.— Ўттиз йилдан бери бирон марта ёлғон сўзлаган эмассан. Бир ҳафтагача мен сени соғиниб қоламан! Лекин ўша мўъжиза мева учун мен сенга жавоб бераман! Вазири аъзам, қафасни очинг!

Тўтиқуш қафасдан «пир» этиб учиб, беҳи шохига кўнди:

— Раҳмат, шаҳаншоҳим! Мен ота-онамни, кўриб, ўша мўъжиза мевадан албатта олиб келаман!

— Хайр, Тўтиқушим!

— Хайр!

Тўтиқуш учиб кетгандан сўнг подшо бир оз маъюсланиб, боғдан хонаини хосга қайтиб кирди. Ҳаял ўтмай бу хонага ясовул кирди-ю, айғоқчи-хуфялар амири билан шаҳзода Абусаид шаҳаншоҳ қабулига мунтазир эканликларини айтди. Подшо уларнинг киришига рухсат берди.

Хуфялар амирининг қўлида бир даста қоғоз, кўриниши жуда ташвишли:

— Ҳазратим, фуқаронинг кайфияти бузуқ!— деб гап бошлади амир.— Мана, йнгирма беш хуфя ҳаммаси мазмунан бир-бирига ўхшаш маълумот келтирган.

Хуфялар амири қўлидаги қоғозларни икки қўллаб таъзим билан подшога тутди. Подшо майда ҳарфлар билан битилган маълумотномага тикилиб қаради, аммо кўзи ўтмади.

— Кўзойнагим йўқ, шаҳзода, сиз ўқинг-чи.

Шаҳзода Абусаид махфий маълумотномани қўлига олиб, уларга кўз югуртирди-ю:

— Ҳазратим, бу ерда беодоб гаплар битилган, ўқишга тилим бормайди,— деди.

— Уқинг, майли, ҳаммасини билмоғимиз керак.

— Мана, тимнинг тагидан уч оғайни ботирлар ўтаётган пайтда авомнинг айтган сўзлари. Кулол Рўзибой айтади: «Нега бу жарчилар подшони ғалаба қилди деб юрипти? Ғалаба уч оғайни ботирларники-ку!» Унга этикдўз Маҳкам сариқ жавоб беради: «Э, бу подшолар доим ботирларнинг ғалабасини ўзлариники қилиб ўрганиб қолган».

— Аблаҳ этикдўз!— деб подшо қўлларини мушт қилди.

Абусаид ўқишда давом этди:

— Мана, уч оғайнилар бозор майдонидан ўтаётганда бўлган гаплар. Темирчи Собир айтади: «Асли ўзи давлатни мана шу уч оғайни бошқариши керак. Бири подшо, бири вазир, бири лашкарбоши бўлса арзийди». Унга мисгар Абдураззоқ қўшимча қилади: «Кенжа ботир подшога куёв бўлар экан-ку. Ақаси лашкарбоши бўлса, иккови биргалашиб, тожу тахтни анави ношудлардан тортиб олиши ҳеч гап эмас!»

Подшо қалтираб, оёғида туролмай қолди.

Ўғлига:

— Бас!— деб бақирди. Ясовулга:— Ҳассамни

бер!— деб буюрди. Ясовул дарҳол подшонинг олтин қопланган ҳассасини қўлига берди. Бирдан кексалиги билиниб қолган Қамолхон ҳассага суяниб, тахтига чиқиб ўтирди.

— Жаноб амир, ўша аблаҳ этикдўз ҳам, темирчи ҳам, мисгар ҳам тутиб келинсин! Менга қарши шундай ёмон гаплар айтганларнинг тиллари кесдирилсин!

— Бош устига, ҳазратим, буйруғингизни дарҳол бажо келтираман. Лекин мана бу ахборотларда бундан ҳам ёмон гаплар айтган одамлар бор!

— Ҳаммасини тутиб зиндонга ташланг! Авом халқ ичида юрадиган хуфяларни кўпайтиринг! Мударрису мавлонолар нима демоқдалар? Улардан ҳам хабардор бўлинг! Бизга қарши айтилган биронта сўз жазосиз қолмасин!

Амир бу фармонларни бажариш учун орқаси билан юриб чиқиб кетди. Подшо вазирни чақирди:

— Жаноби вазир, шаҳрингиздан ғулунинг ҳиди келмоқда-ку. Қандай чора кўрмоқдасиз?

— Ҳазратим, халқни ўша уч оғайни билан унинг отаси қўзғатиб қўйди. Сиз дарё бўйига бориб уларни махсус табриклаб келганингиз, малика Юлдузхонни Қенжа ботирга узатмоқчи эканлигингиз уларнинг обрўсини ошириб юборди.

— Вазири аъзам, биздан олдин сиз ўзингиз Чўпон отанинг қўрасига бориб, уч оғайнини Қирондевга қарши отлантириш учун қандай ваъдалар берганингиз эсингиздан чиқдимми? Мен энди ўша ваъдаларни бажармасам, эл-улус олдида бебурд бўлмайманми?

Шаҳзода Абусаид отасига енгил бир таъзим билан мурожаат қилди:

— Шаҳаншоҳим, сиз улуғ бир давлат тепасида ўлтирган ҳокими мутлақсиз. Чўпонзодалар ҳар қанча... (Уч оғайнига бахиллиги чексиз бўлган Абусаид уларни «ботир» деб атагиси келмай, бошқа сўз қидирди)— улар қанчалик голиб келмасин, сизнинг қўл остингизда зафарга эришдилар. Ҳамиша одат шулки, катта ғалабалар аввал саркардалар номи билан тарихга киради. Ахир ўша уч оғайнига сиз саркарда бўлдингиз! «Енгсангиз куёв қиламан» деб, сиз уларни илҳомлантирдингиз! Демак, ғалаба сизники!

— Зафарни худо сизга ато қилди, уч оғайнилар бир сабабчи — ижрочи бўлдилар, халос!— деди вазир ҳам.

Бу гапдан подшонинг қадди яна тикланди. Юзидаги ажинлари ҳам анча текисланди. Сийрак оқ соқолини силаб туриб:

— Уч оғайниларнинг ўзлари қандай фикрда эканлар, шунни билолмадингизми, вазири аъзам?— деди.

— Афсуски, уларнинг фикрлари ҳам сиз жазога буюрган темирчи-ю, кулолларнинг фикрига яқин.

— Сиз буни қаердан билдингиз?

— Уларни бирга кузатиб келган шаҳар ҳокимидан эшитдим. Уч оғайни жуда мағрур, ўзлари ҳақида фикрлари ниҳоятда баланд. Сиз танглик қилиб, дарё бўйига бориб уларни табриклаганингиз-у, оталарига махсус от юбориб таклиф қилганингиздан димоғлари янада баланд кўтарилган.

— Сал уларнинг ҳовурини босиб қўймоқ керак, ҳазратим,— деди Абусайд.— Менда бир таклиф бор. Бугун оқшомги зиёфат пайтида кўпчиликнинг олдида уч оғайни ҳам, уларнинг оталари ҳам шаҳаншоҳимизнинг оёқлари тагидаги ерни ўпиб садоқат изҳор қилсинлар!

Камолхон мағрур уч оғайнини кўз олдига келтирди-ю, иккиланди:

— Кўнишармикин?

— Мен кўндиришга интилиб кўрай,— деди вазир.— Уларни Катта боғдаги махсус меҳмонхонага жойлаштирганмиз. Ҳамма гапларини қўшни хонада ўлтириб эшитиш мумкин. Агар кўнишмаса қандай эътирозлар қилишади? Ғалаба тўғрисида нима дейишади? Шаҳаншоҳга муносабатлари қалай? Бунинг ҳаммасини сиз, шаҳаншоҳим, ўз қулоғингиз билан эшитишингиз мумкин.

Камолхон бунга рози бўлар экан:

— Фақат бир нарсани унутманг, вазири аъзам,— деди.— Уч оғайни билан ёвлашиш керак эмас. Уларнинг куч-қудратини кўрдик. Бутун қора халқ улар томонда.

Вазир маккорона кулимсираб:

— Сиз ўз қудратингизга ҳам ишонинг, ҳазратим,— деди.— Уч оғайни бизга тутқич бермай тоғу чўлда юрганда, қўлимиз калталиқ қилган эди. Аммо улар ҳозир саройда, дарвозалари бекик қалъа ичида. Бу ерда сиз олий ҳукмронсиз, сиз нима десангиз сўзсиз бажарадиган минглаб махфий одамларингиз бор.

— Рост, биз саройда уч оғайнини шунга мажбур

қилайликки, авом халқ олдида подшо ҳазратларининг иззат-ҳурматларини бошларига кўтаришсин, ғалабага подшо уларни илҳомлантирганига ялангоёқларни ҳам ишонтиришсин. Ана ундан сўнг хуфялар келтирганда қа иғво гаплар ҳам ўз-ўзидан босилади.

Подшо бу маслаҳатни ҳам маъқул кўрди. Шундан сўнг вазир уч оғайнилар тушган меҳмонхона томонга йўл олди.

## 11.

Чўпон ота ҳам, унинг ўғиллари ҳам умрларида бунчалик иззат-икром кўрмаган эдилар. Уларни подшонинг махсус меҳмонлари дейишиб энг ҳашаматли бир боғнинг тўридаги тиллакори кўшкка туширдилар. Боғдаги чаманзорларда ранг-баранг капалаклар қанот қоқяпти, мрамар ҳовузларда оққушлар сузиб юрибди. Меҳмонларнинг қўлларига сув қуйишаётганда қарашса, обдаста қуйма олтиндан, дастшу соф кумушдан. Тағларига тўшалган кўрпачалар зар иплардан тўқилган. Утирган хоналарнинг эшик-деразаларига тутилган ипак дарпардаларига қимматбаҳо дурлар, ёқутлар қадалган. Дастурхонга бедана қовурдоқлари, кийик каоблари, бошқа энг нодир нозу неъматлар тортилди.

Мезбонлик вазифасини вазир Зухурбек бажармоқда эди. У тилидан бол ёғиб, гоҳ Чўпон отага, гоҳ ўғилларига энг илиқ сўзларини айтади:

— Азиз Чўпон ота! Азиз меҳмонларимиз Тўлаи ботир, Уктам ботир, Кенжа ботир! Шаҳаншоҳимиз номидан сизларга қизгин саломлар, энг яхши тилаклар айтишга рухсат этингизлар! Бугун пойтахтда биз учун сизлардан улуғ меҳмон йўқ! Қани, каобдан энглар, қовурдоқдан олинглар! Мана, зарур бўлса, анор шарбати ёки майиноб, ҳаммаси муҳайё. Кечқурун подшо ҳазратлари сизлар учун махсус зиёфат бермоқчилар.

— Унгача мен бир пешин намозига чиқиб келсам,— деди Чўпон ота.

— Дарвоқе, бугун жума,— деди вазир.— Бўлмаса сиз биз билан бирга масжиди жомага юринг. Жуми намозини бирга ўқийлик.

Чўпон ота бу гапни маъқул кўрди.

— Ҳали пешингача бир оз фурсат бор,— деб давом этди вазир.— Энди меҳмонлар кечқурун подшоҳ

қабулида нима қилишлари кераклигини ўйлашиб олайлик.

— Қабул пайтида биз бирон иш ҳам қиламизми?— ҳайрон бўлиб сўради Кенжа ботир.

— Иш эмас, шунчаики одоб, ҳурмат юзасидан... подшо ҳазратлари қаршисида.. Таъзим бажо келтириш... Яъни мана бундай тиз чўкиб, ер ўпиш лозим.

Вазир зарбоф кўрпача устига тиз чўкиб, Чўпон ота чўк тушган жойга юзини қўйиб, ер ўпгандай қилди ва тушунтиришда давом этди.

— Ер ўпганда қуйидагиларни айтиш лозим: «ҳазрат шаҳаншоҳ, бугундан эътиборан мен сизнинг содиқ қулингизман, қандай ишни буюрсангиз сўзсиз адо этгайман! Агар шу сўзимдан қайтсам сиз менга ҳар қанча жазо берсангиз ҳам ҳақлисиз!»

Ака-укалар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарадилар. Уларнинг ҳеч қайсиси ҳали бирон киши олдида бундай тиз чўкишмаган ва ҳеч кимга бундай қулларча ваъда беришмаган эди.

— Шунисини қилмай қўя қолсак-чи?— деди Тўлан ботир.

— Кенжа куёв бўлмоқчи, ўзи билади,— деди Уктам.— Лекин мен бунақа ер ўпиб қуллуқ қилмайман.

— Мен ҳам шу!— деди Кенжа.

— Азизларим, бу бир удум, урф-одат, холос!— Кулиб эътироз қилди вазир.— «Қулингизман» деган билан қул бўлиб қолмайсиз. Фуқаро орасида пасту баланд гап кўзғалиб қолибди. «Подшодан кўра уч оғайнилар баланд» деяётган одамлар бор эмиш. Бундай гаплар икки орага ғубор солиши мумкин. Ана шундай ғубор бўлмаслиги учун кўп қатори сизлар ҳам подшонинг ҳурматини жойига қўйиб, таъзим бажо келтирсаларингиз — олам гулистон!

— Уғилларим, зиёфат пайтигача бунга яна ўйлаб кўринглар,— деди Чўпон ота ва вазир билан бирга масжиди жомега кетди.

Йўлда бораётганларида вазир Зухурбек Чўпон отага ҳам сўз ўргата бошлади:

— Сиз кўпни кўрган ўтоғасисиз. Оғзига кучи етмаганлар «ғалаба уч оғайниники, подшо тайёрига айёрлик қиляпти», деб ҳазратнинг ғашига тегяпти. Подшо — подшо-да! Шу мамлакатда яхши иш бўлса ҳам, ёмон иш бўлса ҳам, подшо ҳаммасига мутасадди, ҳаммасининг гуноҳу савобига шерик. Тўғрими? Намоздан

кейин масжид ҳовлисида мен халойиқни тўхтатаман. Сиз айтинг: «Қамолхон ҳазратлари ғалабанинг раҳнамоси бўлдилар» денг! Ўғилларингиз унга содиқ хизмат қилишини эълон қилинг! «Подшомиз ўз тахтида яна юз йил турсин!» деб дуо айтинг.

Чўпон ота бу гапларни ёқтирмай:

— Жаноб вазир, бўйнидан боғланган този овга ярамайди,— деди.— Бизни ўз ҳолимизга қўйсангиз яхши бўлар эди. Дилимизда борини ўзимиз айтамыз.

— Хўп, хўп, ота, хўп, мени маъзур тутинг,— деб вазир дарров ён берди.

Вазир билан бирга юрган Чўпон ота масжиди жомега йиғилган мингга яқин одамнинг эътиборини тортди. Намоз тугаб, халойиқ масжид ҳовлисига чиққанда одамлар Чўпон отани ўраб олишди:

— Мард ўғиллар ўстирган экансиз, кам бўлманг, ота!

— Раҳмат сизга!— дея бошлади. Кимдир ҳатто унинг қулоғига шивирлаб:

— Қани шундай мардлар давлат тепасига келса-ю, биздай бечоралар ҳам яхши кун кўрса!— деди.

Бу гапни вазир эшитиб қолди. Кўпчиликка мурожаат қилиб:

— Одамлар, шаҳаншоҳимиз Қамолхон ҳам мард подшолардан!— деди.— Мана, Чўпон ота айтсинлар! Подшомиз ўзи дарё бўйига бориб, уч оғайнини табриклагани мардлик эмасми? Қизини Қенжа ботирга бермоқчи бўлгани мардлик эмасми?

Издихом орасидан кимдир:

— Подшонгиз менинг темирчи акамни бугун нега зиндонга ташлади?— деди. «Ғалабага подшо эмас, уч оғайни ботирлар эришди» деган гапи учун бечора этикдўзнинг тилини кесдиртирибди!

— Рост гап учун жазо бериш мардликка кирадими, Чўпон ота, сиз айтинг?!

Чўпон ота аввал одамларга, сўнг вазирга қараб:

— Рост гап учун жазо бериш тўғри эмас,— деди.— Агар бунга бир чети биз ҳам сабабчи бўлган бўлса, мен бориб подшодан шафоат сўрайман, ноҳақ зиндонга ташланганларни бўшатсин. Лекин, халойиқ, менинг ўғилларимда тожу тахтга ҳавас йўқ, улар ҳеч ким билан давлат талашмоқчи эмас. Бизни подшога қарши гиж-гижламоқчи бўлганлар бекор овора бўлади. Биз бу йўлга юрмаймиз. Бир кун-ярим кун саройда меҳмон

бўламиз-у, қишлоғимизга қайтиб кетамиз. Уғилларим тоғу чўлда, кенг жойларда эркин яшаб ўрганган. Ғалаба кимники, деган гап билан бошни кўп қотирманглар. Ғалаба бутун халқники. Шу халқнинг ичида подшоҳ ҳам бор, сизу биз ҳам бормиз. Гапим шу! Яхши қолинглар.

Вазир Чўпон ота билан бирга саройга қайтар экан: «Ғалаба халқники эмиш!— деб ичида такрорлаб қўйди.— Мен подшога бунинг фақат мана шу сўзларини етказишим керак. Бошқа гапининг аҳамияти йўқ. Чўпон ота халқ томонда. Халқ эса подшодан норози! Ана шуни айтсам бўлди!»

## 12.

Уч оғайни турган кўшк ва унинг боғи малика Юлдузхон турадиган боғдан унча узоқ эмас эди. Маликага хизмат қиладиган қирқ каниздан ташқари уни қўриқлайдиган юздан ортиқ соқчи йигитлар ҳам бор эди. Соқчиларнинг бошлиғи Қўрчибек маликага жуда садоқатли йигит эди. Юлдузхон канизи орқали Қўрчибекни чақириб бир хат берди.

— Мана шуни Кенжа ботирга етказинг-у, жавобини олиб келинг.

Қўрчибек ўрам қилинган хатни авайлаб қўйнига солди-да, таъзим қилиб чиқиб кетди.

Оталари масжидга кетгандан сўнг Тўлан ботир билан Уктам ботир кўшкнинг салқин хоналарига кириб ухлаб қолдилар. Фақат нимадандир хавотири ошиб, кўнгли безовталанаётган Кенжа ботир ташқарига чиқиб, боғнинг йўлкаларида бирпас айланди.

Ана шу қулай пайтдан фойдаланган Қўрчибек дарахтлар панасидан секин чиқиб келди-да, маликанинг хатини унга топширди. Сўнг орқаси билан юриб бориб, яна дарахт панасига ўзини олди. Кенжа ботир олтин боғичли хатни авайлаб очди:

«Хуш келибсиз шаҳримизга халоскорим Кенжа ботир!

Қизлик ҳаёси менга йўл берганда, ўзим йўлингизга пешвоз чиқиб кутиб олар эдим. Лекин хаёлим, қалбим, меҳрим сизга парвона бўлиб, атрофингизда учиб юрганга мана шу мактуб гувоҳдир. Сиз саройга биринчи марта келгандирсиз. Эҳтимол, нималарнидир тушунмаётгандирсиз ёки хушкўрмаётгандирсиз. Агар



мени кўришни истасангиз ёки бирон маслаҳат сўрамоқчи бўлсангиз, мен жон деб ҳузурингизга бораман. Менга қилган яхшилигингиз учун умрбод хизматингизда бўламан деган ваъдамда ҳали ҳам маҳкам турибман. Агар истасангиз, Сиз турган боғнинг тўридаги шийпончага боринг. Бизнинг боғдан у ерга ўтадиган махфий эшик бор. Мен ўша эшикдан ўтиб бораман. Қайлигингиз Юлдуз».

Хатни ўқиган Кенжанинг борлиги яйраб кетди. Кўзларида олов ёниб, атрофга аланглади. Уни зимдан кузатиб турган Қўрчибек таъзим қилиб секин дарахт панасидан чиқди. Кенжа ботир ҳаяжонини унга билдирмасликка тиришиб босиқ товуш билан деди:

— Маликага менинг миннатдорчилигимни айтинг. Бир соат ичида буюрган жойларига етиб бораман.

— Раҳмат, Кенжа ботир. Мен бу сўзларингизни ҳозироқ маликага етказаман.

Қўрчибек қандай келган бўлса, шундай шарпасиз ғойиб бўлди. Кенжа ботир йўлкаларда секин сайр қилиб юриб, ахйри боғ тўридаги шоҳона шийпонни топди. Икки боғ орасидаги деворни қалин печакгуллар ўраб турар эди. Бир вақт шу печакгуллар ҳаракатга кирди. Деворнинг шу жойида махфий эшик бор экан. Шу эшик секин очилди-ю, аввал Юлдузхоннинг учи қайрилган этикчаси кўринди, кейин хина қўйилган нозик бармоқлари кўзга ташланди. Ниҳоят, унинг хипча қомати, қайрилма қошлар орасидан ибоб билан қараётган шахло кўзлари, ҳаяжондан пушти гулдай қизарган тиниқ юзлари кўринди. Кенжа ботир Юлдузхонга тез пешвоз чиқиб, икки қўлини унга чўзди:

— Юлдузхон!

— Кенжа ботир!— деб, Юлдузхон қўлларини йигитнинг қўлларига қўйди. Кенжа унинг нозик қўлларини авайлаб сиқимига олди.

— Мен сизни ўз боғимга таклиф қилмоқчиман,— деди Юлдуз.— Бемалолроқ гаплашармиз.

— Жоним билан.

Улар иккови ўша махфий эшикдан ўтиб нариги боққа кирдилар. У ерда куёв учун ипак поёндоз тўшалган эди. Кенжа ботир поёндоздан юриб, улкан садалар соясида жимирлаб турган мрамор ҳовуз бўйига-ча борди. Икковларидан бошқа ҳеч ким йўқ. Юлдузхоннинг буйруғи билан ҳамма канизу хизматкорлар уларни холи қолдирган эдилар.

Ипак поёндоз ҳовуз бўйидан ўтиб, ундан наридаги нақшин уйнинг эшигигача борган эди. Кенжа билан Юлдуз қўл ушлашган ҳолда ўша уйга кирдилар. Дастурхон тузалган, кимхоб кўрпачалар солинган, аммо икковидан бошқа ҳеч ким йўқ. Кенжанинг завқи келиб, Юлдузхонни бағрига босди-ю, юзларидан, кўзларидан бўса олди. Юлдузхон ийманиб, ўзини четга тортди:

— Ботирим, дастурхонга марҳамат. Қани, ўлтиринг. Нима ичасиз, шарбатми ёки қимиз?

— Сиз нимадан ичсангиз мен ҳам шундан ичаман, Юлдуз!

— Ботирим, сиз тоғда қимиз ичиб ўргангансиз. Шунинг учун менинг ҳозир қимиз ичким келяпти.

— Раҳмат, Юлдузхон. Менинг кўнглимдагини топдингиз.

Улар олтин жомларда қимиз ичганларидан сўнг, дастурхондаги кийик гўштларидан, қази-қарталардан оз-оз едилар.

— Ботирим, кўнглингизда бирон ғашлик ёки ташвиш бўлса мендан яширманг.

— Хўп, битта ташвишимни сизга айтай, бўлмаса. Оқшомги зиёфат пайтида подшо олдида тиз чўкиб ер ўлар эмишмиз. Вазир шуни айтгандан бери ҳаммамизнинг кўнглимиз ғаш. Биз умримизда бундай ишларни қилган эмасмиз.

— Энди бу сарой томонидан ўйлаб чиқарилган бир одат, ботирим. Агар бу одатга бўйсунгиларингиз келмаса, мен отамга айтиб кўрай, сизлардан унақа ер ўпишларни талаб қилмасин.

— Отангиз хафа бўлмасмикинлар, Юлдузхон?

— Отамнинг ўзини кўндириш мумкин, лекин атрофида ёмон одамлар кўп. Тахт вориси бор, акам Абусаид. Ҳалиги вазир. Булар кўпчилик. Мени яккалаб қўйишади.

— Ундай бўлса... Мен сизни бу саройдан олиб чиқиб кетай. Тоғларда кийиклардай эркин юринг.

Малика кулимсираб, нақшин деворларга, мрамар ҳовузларга ишора қилди-ю:

— Мен мана бу гўзалликлар орасида ўсганман,— деди.— Насиб бўлса, подшоҳ отамдан илтимос қиламиз, ажойиб уста-ю, меъморлари бор, ўшаларга буюрсалар, тоғда ҳам, дарё бўйида ҳам мана шунақа бино-

лару боғлар барпо этармиз. Бунинг учун сиз менинг отам билан иноқ бўлишингиз керак, ботирим.

— Биз ҳам иноқ бўлайлик, деймиз. Лекин вазир биздан иноқлик эмас, қулларча итоат талаб қиляпти.

— Вазирнинг гапини кўнглингизга олманг. Ҳазрат отам билан ўзим сўзлашаман.

Кенжа ботир деразадан тушаётган офтобга қараб, кун анча оғиб қолганини сизди, отаси масжиддан қайтса, уни йўқлаши мумкинлигини ўйлади. Ҳушёр Юлдузхон унинг кўнглидан ўтганини сезиб:

— Ботирим, энди сизни кузатиб қўяй,— деди.

Улар дастурхонга фотиҳа ўқиб ўринларидан турдилар ва ипак пойандоз билан юриб, печакгуллар яшириб турган махфий эшик олдига келдилар. Шу ерда Кенжа ботир ўзини тутолмади-ю, Юлдузхонни яна бир қучиб ўпди.

Иккови хайрлашганларидан кейин Юлдузхон орқасига қайтди. Ботирнинг ўпичидан бутун вужуди оловланиб, юзи қизиб кетаётганини сизди-да, мрамар ҳовуздан оқиб чиқаётган тиниқ сувда юзларини ювди. Шундан кейин канизлари ва хизматкорларини чақирди-ю, шоҳона соявон аравани қўшдириб, отасининг хонаини хосига йўл олди.

### 13.

Вазири аъзам Чўпон отани, ўғиллари турган кўшкнинг дарвозасидан киргизиб юборди-ю, ўзи подшонинг ҳузурига шошилди. Чўпон ота боққа кириб, йўлка билан кўшк томонга бораётганда қаршисидан ёши олти мишларга борган кекса боғбон қўл қовуштириб чиқди:

— Азиз меҳмон, сизга бир оғиз гапим бор.

— Гапиринг, ўтоғаси.

Боғбон бирдан кўзига ёш олди:

— Ингирма яшар ёлғиз ўғлим бор эди. Кеча сиз ўғилларингиз билан тимнинг тагидан ўтаётганларингизда қувониб олқиш айтган экан. «Қирондевдан бизни халос қилган мана шулар, подшою вазирлар халқнинг жонига ора кирмайди, уч оғайни ботирлар ора киради» деган экан.

— Энди шу гапнинг кераги йўқ эди-да, ўтоғаси.

— Ахир гапнинг рости ҳам шу эмасми, Чўпон ота?

— Ҳуда-беҳудага подшога тил теккизиш ҳам ододдан эмас.

— Ҳа, ўғлим тилини тийиб юргани яхши эди. Ешлик қилиб қўйди ўзи ҳам. Лекин подшо деганингиз кўнглини сал кенг қилмайдими, ахир? Ҳар нарсдан ҳадиксираб: «Ос! Кеё!» деяверадыми? Суяксиз тил нималар демайди. Яхши подшо арқонни узунроқ ташлаб қўйгувчи эди. «Гапи бундай бўлса, иши қалай экан, ишини бир кўринглар» демайдыми? Ахир менинг ўғлим қўли гул косиб эди. У-бу дегани билан подшога қарши бирон иш қиладиган йигит эмас эди. Одамнинг ишига қараб баҳо берса бўлмайдими?

— Утоғаси, биз подшонинг меҳмонимиз, унинг нон-тузини ичиб, ўзини ёмон дейишга тилимиз бормайди.

— Мен сизга дардимни айтяпман-да, Чўпон ота. Жуда тўлиб кетдим. Беку аёнлар, подшога қарши иғволар, фитналар қилади, оғизларидан боди кириб, шоди чиқади. Лекин подшонинг хуфялари уларнинг гапини етказиб бормайди. Нега десангиз, улардан пора олишади. Ҳаром пулдан бойиб кетган ҳаммаси. Биз бечоралар бу хуфяларга пора беролмаймиз. Шунинг учун бизнинг тўғри гапимизни ҳам «подшою вазирларга туҳмат қилди» деб нотўғри қилиб айтиб боришади. Чақимчилиги учун подшодан олтин олиб, яна бойишади. Бу подшо билан Зухурбек қанча одамини ана шунақа айғоқчиликка ўргатиб, халқнинг ахлоқини бузяпти.

Чўпон ота подшою вазирни ич-ичидан суймаса ҳам, ҳамон боғбонга қўшилиб, уларни ёмонлагиси келмасди.

— Энди ўтоғаси, подшоликка хизмат қиладиган махфий одамлар ҳам ўз ўрнида керакдир-да. «Душманнинг сиртида бўлма, ичида бўл» дейдилар. Душманнинг ичида юриб, унинг сирини билиб турадиган хуфялар эл-юртни хавф-хатардан барвақт хабардор қилади.

— Бунақа ҳалол хуфяларга мен ҳам тан бераман, Чўпон ота,— деди боғбон.— Лекин Зухурбекнинг хуфялари ҳаром йўлга кириб кетган. Айтдим-ку, булар жиноятчилар билан тил бириктириб, кўпроқ пул топишнинг пайига тушган. Ана шулар менинг ёлғиз ўғлимни ёмонлаб бориб, зиндонга ташлатдиришипти. Подшо жаллодларига айтиб, тилини кесдирибди. Ахир шунчалик бераҳм бўлишадими?!

Пиқ-пиқ йиғлаётган боғбонга қараб, Чўпон отанинг ҳам юраги эзилди.

— Тавба!— деб қўйди.

— Э, сиз билмайсиз, ота, бу подшо душмани қо-  
либ, дўстининг кетига айғоқчи қўйиб қўяди. Сизлар  
унга шунча яхшилик қилдиларингиз. Лекин бари бир  
кетларингизга хуфялардан қўйган бўлишса керак. Эҳ-  
тиёт бўлинг, ота, ўғилларингизга ҳам айтиб қўйинг.  
Иложи топилса, биздай бечораларни бу подшонинг зул-  
мидан қутқаринглар. Жуда жонимиздан тўйганмиз!

«Қаёқдан бу бехосият жойларга келиб қолдим,—  
деб ўйланди Чўпон ота.— Ўғилларимни шу ердан эсон-  
омон олиб чиқиб кетсам, худога минг шукур қилар  
эдим-да».

Боғнинг ҳашаматли мрамар ҳовузларидаги оққуш-  
лар, кўшкдаги гулгун нақшлар, зарбоф кўрпачалар-у,  
бошқа юз хил зебу зийнатлар Чўпон отанинг кўзига  
жуда омонат, ҳатто хавотирли кўрина бошлади. Ота  
боя вазир билан ўтирган хоналарига кирса, ўғиллари  
ҳам алланечук хомуш ўлтиришибди. Намоздан қайт-  
ган оталарининг ҳурмати учун уч оғайнилар баробар  
ўринларидан туриб, салом бердилар.

— Ваалайкум, ўғилларим, қани ўтиринглар. Мен  
йўғимда бирон ҳодиса бўлмадими?

Кенжа ботир қайлиги билан учрашганини айтишга  
тортиниб, кўзини ердан узмади. Акалари ухлаб ол-  
ганларини айтдилар.

— Болаларим, шукурки, сизлар менинг орзу-умид-  
ларимни рўёбга чиқаряпсизлар. Мен сизларни қўрқит-  
май ўстирдим — довиорақ бўлдиларинг. Мен сизларни  
яхши мадрасада ўқитдим — доно бўлиб, оқ-қорани та-  
нидиларинг, эл-юртга жонкуяр бўлдиларинг. Мен сиз-  
ларни ростгўйликка, тўғриликка ўргатдим. Тўғрисўз,  
ҳалол одам бехавотир кун кўради. Чин ботирлар ҳеч  
нарсадан хавотир олмайдиган, ҳадиксирамайдиган  
кўнгли бутун ёшлардан чиқади. Сизлар ана шунақа  
ботир бўлиб етилдиларинг. Катта ишлар кўрсатиб, ма-  
на, подшога азиз меҳмон бўлиб келдиларинг. Лекин  
биз ҳозир оқсуякларнинг орасига тушиб қолдик. Асл-  
зода беклар билан муомала қилиш жуда қийин, ўғил-  
ларим. Мен сизларга ўргатган кўп яхши одатлар олий  
табақа орасида иш бермай қоладиганга ўхшайди.

Чўпон ота ўйчан товуш билан ўғилларига айтаётган  
бу гаплар махфий туйнук орқали қўшни хонага ба-  
ралла эшитилиб турарди. Саройдан ер остидаги мах-  
фий йўл билан шу хонага яширин келиб олган Камол-

хон подшо ва унинг вазири қулоқларини динг қилиб, ичкарида бўлаётган ҳар бир сўзни диққат билан эшитмоқда эдилар.

— Чўпон бўлса ҳам гапга чечан чол экан,— деб шивирлаб қўйди вазир. Шу пайт Тўлан ботирнинг товуши эшитилди-ю, подшо вазирга «жим!» деган ишорани қилди.

— Мен ҳам сезиб турибман, ота. Биз — бир дунё, бу сарой — бошқа бир дунё экан. Бу ерда тўғрисўз, ростгўй бўлиш хатарли экан. Бўлмаса, бечора боғбоннинг ўғли биз тимнинг остидан ўтаётганда рост гапни айтган экан. Қирондев ҳужум қилганда, подшо билан вазир қўрғонига бекиниб олгани ёлғон эмас-ку, ахир!

— Аждаҳо ҳужум қилганда ҳам, булар ўзларининг молу жонини асрашдан бошқага ярамаган эди,— деди Уктам ботир.

— Кейин хатар ўтганда дарров «биз отлантирдик, биз йўл кўрсатдик!» деб майдонга чиқишади,— деб қўшиб қўйди Қенжа.— Одамлар шуни ўз кўзлари билан кўришди. Энди шу рост нарсани айтса, нега бу подшо ҳаммасини қамайди, бегуноҳ одамларнинг тилини кесдиради?

\* \* \*

Туйнукнинг нарёғидан бу гапларни эшитган подшо Камолхоннинг юзидаги тиришлари кўпайиб кетди, кўзлари бақаникидай бўртиб чиқди. Вазир унинг ғазабини баттар ошириш учун:

— Сиз яна шу Қенжани куёв қилмоқчи эдингиз-а, ҳазратим?— деди.— Буни лашкарбоши қилмоқчи ҳам бўлган эдингиз-а?!

— Э, мен илонни қўйнимга солмоқчи бўлган эканман!— шивирлади Камолхон бўғилиб.

\* \* \*

«Хонада ўзимиздан бошқа ҳеч ким йўқ», деб ўйлаётган уч оғайнилар кўнгилларида борини оталарига баралла айтмоқда эдилар.

— Бу подшо бахил одамларнинг гапига кирадиган еталатма одам экан,— деди Тўлан ботир.

— Боя боғда бир мўйсафид менга йиғлаб гапириб берди,— деди Қенжа.— Ҳалиги вазир Зухурбек ҳамманинг кетига айғоқчи қўйиб қўйган экан. Қим бир нар-

са деса, дарров подшога тескари қилиб етказиб боришармиш. Ана шу чақиқ билан одамларни қамаб, зиндонга ташлармиш. Тилини, қулоғини, бурнини кесди-армиш.

Уктамнинг газаби қайнаб кетди:

— Яна ўша вазир золим подшонинг қаршисида бизни тиз чўктирмоқчи бўлди-я! Ер ўпиб «қулингизман» дермишмиз! Тушини сувга айтсин!

— Лекин, ўғилларим, бу саройдан эсон-омон чиқиб кетгуниimizча ўзларингни оғир тутинглар! Бу ерда ростгўйлик қиламан деб, кейин зиндонга тушиб қолманглар. Кенжажон, подшонинг қизи Юлдузхон ихтиёрини сенга берган. Насиб бўлса, уни келин қиламиз. Тўй ўтгунча сен куёвлик одобини ўрнига келтириб туришинг керак.

— Юлдузхон отасига ўхшаган эмас, дада,— деди Кенжа.— Мен ишонаман. Юлдузхон бизга ён босади... Отасига бориб айтадиган бўлди...

— Сен у билан гаплашдингми?

— Хат орқали... гаплашдик...— деб Кенжа уёғини айтмади.— Отасининг олдида тиз чўкмоқчи эмаслигимизни айтдим. Бориб тушунтирадиган бўлди. Кейинчалик... саройни ташлаб... биз билан тоғларда яшашга ҳам рози бўлди.

— Ундай бўлса бахтларинг очилсин, ўғлим. Энди ана шу келинимиз туфайли подшо билан ҳам муомалани илиқ қилинглар. Яхши гапга илон инидан чиқар экан...

\* \* \*

Туйнук орқали бу гапларни эшитаётган вазир подшога шивирлаб:

— Сизни илонга ўхшатмоқчи-я, имонсиз!— деди.

— Ҳа... яхши гап билан авраб қизимни олиб кетишмоқчи экан-да!

— Лекин буларнинг асл мақсадлари бошқа. Ана, қулоқ солинг, ана...

\* \* \*

Тўлан ботир подшо томонидан ноҳақ қамалган одамларга ачиниб:

— Бечоралар, бизга ён босганлари учун жабр

тортиб қолишаверадими? — деди. — Биз уларни шу аҳволда ташлаб кетаверсак мардликка кирадими, ота?

— Ҳақиқатдан,— деди Кенжа,— ўшаларнинг қамалишига бир чеккаси биз ҳам сабабчи бўлдик.

— Подшодан талаб қилиш керак, биз туфайли игвога учраб қамалганларни бўшатсин,— деди Уктам.— Агар бўшатмаса, унда подшони ҳам, аъёнларини ҳам Қирондевга ўхшатиб йўқ қиламиз, зиндондагиларни ўзимиз бўшатамиз!

— Ҳали шошманглар, ўғилларим, бунча қаттиқ кетманглар!— деб Чўпон ота ўғилларининг ҳовурини бошига интила бошлади.

Лекин туйнукнинг нарёғида ўтирган подшо билан вазирнинг бошқа гап эшитишга тоқатлари қолмади.

— Бас, ниятлари бузуқлиги аниқ! Булар менга дўст бўладиган эмас!

— Ҳазратим, булар сизни Қирондевга ўхшатиб йўқ қилиб юбормоқчи-я!

— Қим-кимни йўқ қилишини ҳали кўрамиз! Юринг, саройга! Содиқ одамларни тўплайлик!

Вазир билан подшо ер остидаги йўл билан саройга қайтар эканлар, махсус одамлар машъала тутиб, уларнинг йўлини ёритиб бордилар.

#### 14.

Юлдузхон отасини саройдан тополмай, хонайи хоснинг қабулхонасида уни кутиб турган эди. Подшо ер тагидан чиқиб, қабулхонадан ўтаётганда, қизи унга таъзим билан мурожаат қилди:

— Ҳазрат отажон, рухсат беринг, бир илтимосим бор.

— Яна қандай илтимос?!

— Уч оғайни ботирлар бизнинг саройдаги удумларни ҳали яхши билишмайди. Уларни ер ўпиб таъзим қилиш мажбуриятидан озод қилсангиз...

— Сен бу Кенжаси билан аллақачон учрашибсанда, қизим? Ҳали фотиҳа бўлгани йўқ, тўй бўлгани йўқ. Бу қанақа уятсизлик? А?!

— Биз фақат хат орқали аҳвол сўрашдик, холос.

— Кенжа мени Қирондевга ўхшатиб йўқ қилмоқчилигидан ҳам хабаринг борми?

— Йўқ, йўқ, бу тухмат, ҳазратим! Кенжа бизга



шунча катта яхшилик қилди! Ифвогарларнинг гапига ишонманг! Утинаман сиздан, ҳазрат отажон!

— Қанақа ифвогарни айтяпсан? Мен ҳозир ўз қулогим билан эшитдим ҳаммасини!

— Ифвогарлар бегуноҳ одамларни сизга ёмонлаб қаматдирибди, отажон! Балки Кенжа ботир шуни эшитиб хафа бўлгандир? Балки сиз уни бошқача тушунгандирсиз!

— Сен яна ўшаларнинг тарафини оляпсан, сенга отангдан ҳам чўпонзодалар азиз шекилли?!

— Ахир бу ботирлар бўлмаганда ҳозир аҳволимиз нима бўлар эди, отажон? Қирондеври бир эсланг! Бу дев аллақачон ҳаммамизни йўқ қилиб, тожу тахтни эгалламасмиди?

Камолхон бу мантиқли гапга жавоб тополмай қолди. Шунда вазир Зухурбек унга ёрдамга келди:

— Бу тожу тахт баҳодир Камолхон ҳазратларига худо томонидан ато қилинган! Худодан бошқа ҳеч ким — на Қирондев, на уч оғайни — ҳеч бири бу тожу тахтни ҳазратимдан тортиб ололмайди!

— Лекин уч оғайнилар ҳам мени тахтимдан ағдармоқчи экан-ку!

— Бу туҳмат, отажон! Уч оғайни ботирлар тоғда яшаб ўрганган, улар қалъада туролмайди! Тожу тахтининг уларга кераги йўқ! Мен ўзим эшитдим! Кенжа мени қишлоғига олиб кетмоқчи бўлди! Тоғда, дарё бўйида кўшк қуриб бераман, деди!

Отасининг ёнида шаҳзода Абусаид пайдо бўлди. Синглисига зуғум қилиб:

— Сен Кенжанинг шу гапига ишониб ўлтирибсанми?— деди.— Бу ҳаммаси ёлғон! У сени лақиллатган. Чўпонзодаларнинг асил ниятини отам билан вазир жаноблари уларнинг ўз оғизларидан эшитиб келган!

Отасининг важоҳатидан уч оғайнига қарши бирон чора кўрмоқчи эканини сезган Юлдузхон:

— Отажон, яхшиликка ёмонлик қилманг!— деди.— Уч оғайнини тинч қўйинг!

— Тинч қўймасам-чи?

— Унда... унда... Мен бориб Кенжага айтай... Қишлоқларига жўнаб кетишсин!

— Жўнаб кетиб бўпти! Сен биздан эшитган гапларингни уларга бориб айтсанг, кейин улар менга қарши отланади. Нарёқда учқун тушса, ёнаман деб турган қанча исёнчилар бор. Ҳаммаси кўтарилади. Ундан кў-

ра, шаҳзода, сиз синглингизни саройдан чиқармасликнинг чорасини кўринг. То чўпонзодаларни бир ёқли қилгунимизча, Юлдуз ҳеч ким билан учрашмасин, ҳеч кимга хат-пат ҳам бермасин!

Шаҳзода «лип» этиб ташқарига чиқди-ю, иккита бичилган ҳабаш қулни бошлаб кирди. Улар Юлдузхонни икки билагидан олишиб, подшо қабулхонасидан олиб чиқар эканлар, Юлдузхон йиғлаб:

— Бу қандай ноинсофлик?!— деди.— Наҳотки ота ўз қизини ҳам ҳибсга солса?! Юзсиз оғам Абусаид наҳотки мени зиндонга ташласа?

— Додлама, сени ҳеч ким зиндонга ташламоқчи эмас!— ғазаб билан шивирлади шаҳзода.— Саройнинг тўридаги битта хонада бекиниб турасан. Нону сувингга мана шу иккита ҳабаш қарайди.

— Менинг ҳам қўрчиларим, канизларим бор!

— Уларнинг ҳеч қайсиси сени тополмайди! Ҳозир бориб канизларинг билан қўрчиларингга айтаман, икки кунгача ўша боғдан қўзғалмай сени кутади. Сени сафарга кетган дейман, қидиришмайди!

— Қаллоб, ёлғончи оғам! Бир кун эмас бир кун бу ёмонлигинг ўзингга қайтар! Кўрасан ҳали!

Абусаид синглисининг йиғлаб айтган гапларига жавобан истехзо билан кулди-ю, уни ўша бурчакдаги бинонинг деразасиз, туйнуксиз ички хонасига қамаб, эшикни ташқарисидан қулфлади ва калитни ҳабаш қулларга берди. Сўнг бинонинг ташқарисига ўзининг ишонган йигитларидан йигирматасини қоровул қилиб қўйди:

— Ҳеч ким кирмасин, малика билан ҳеч ким гаплашмасин!— деб қаттиқ тайинлади. Сўнг Юлдуз турадиган боққа бориб, подшонинг номидан буюрдикки, маликанинг канизлари-ю, қўрчиларидан бирортаси икки кун давомида шу ердан бир қадам ҳам жилмасин, кимда-ким буйруқни бажармаса, боши кесилади. Шаҳзода буйруқнинг бажарилишини назорат қилиб туриш учун ишонган йигитларидан яна йигирматасини бу ерга қоровул қилиб кетди.

\* \* \*

Шаҳзода Абусаид отасининг хонайи хосига қайтиб борса, подшо билан вазир махфий ишлар амирини чақиритиб, уч оғайнини қандай қўлга олишнинг маслаҳатини қилишяпти.

— Зиёфатга келганда овқатларига заҳар қўшиб бериш мумкин, — деди амири махфий. — Таъмидан мутлақо билиб бўлмайдиган заҳарлар бор.

— Йўқ, зиёфатда одам кўп бўлади, — деди вазир. — Уч оғайни ҳам отаси билан тўрт киши. Заҳар қўшилган нарсани бири еб, бири емаслиги мумкин. Адашиб бошқа одам еб қўйиши мумкин.

— Агар бу уч оғайнидан бирортаси соғ қолса тамом! — деди подшо. — Ҳаммаёқни тўполон қилиб ташлайди.

Шаҳзода Абусаид ўз фикрини айтди:

— Буларни зиёфатга чақириш керак эмас. Уша турган жойларида бирон чорасини кўрган маъқул.

Вазир уларга «бугун кечқурун подшо саройида сизлар учун зиёфат берилади» деб айтиб қўйганини эслади.

— Яна вазири аъзам бориб айтсин, — деди подшо, — зиёфатга яхшироқ тайёрлик кўрадиган бўлди, эртага қолдирилди, десин. Бирон маъқул кўрган овқатларини ўша тушган жойларида қилиб бериш керак. Ана унда иш анча осон кўчади.

Вазир Зухурбек подшонинг шу фикрини ёқтириб:

— Бўлди, топдим! — деди. — Мен бу чўпонзодаларни уйқусида қўлга оламан. Амири махфий менга иккита энг чаққон одамини берсин. Уйимда наша бор, ишонган ошпазим бор. Бир қўй сўйиб, бир қозон ош дамлатамиз. Нарёғи қандай бўлишини ҳазратимга кейин айтаман.

## 15.

Кечки пайт вазири аъзам Чўпон ота ва унинг ўғиллари тушган жойга бир бўрдоқи қўйни олиб келиб сўйдирди. Меҳмонларнинг олдига кириб:

— Азизлар, зерикмай ўлтирибсизларми? — деди. — Подшо ҳазратлари сизларга қуюқ салом айтдилар. Саройдаги зиёфат эртага қолдирилди. Подшо сизларнинг ҳурматларингиз учун тоғдаги улар деган қушнинг гўшtidан кабоб буюрган эдилар. Овчилар шу уларнинг гўштини бугунга етказиб келишолмапти. Эртага албатта топиб берамиз дейишипти. Шунинг учун зиёфатни бугун шу ерда есак. Мен зўр бир ошпаз олиб келдим. Девзира гурунч бор.

Чўпон ота вазирнинг ошпазини бир кўриб қўйгиси

келди-да, ташқарига чиқди. Ошпазнинг лаблари илжайиб турган бўлса ҳам, кўзлари жуда совуқ кўринди.

Кекса боғбон нарироқда юрган экан. Чўпон ота уни имлаб чақирди:

— Утоғаси, девзирадан ош дамлаб кўрганмисиз?— деди.

Боғбон қўлини кўксига қўйиб:

— Ҳа, ҳа, сизлар учун бўлса бажонидил ош дамлаб бераман!— деди.

Чўпон ота қовоғи осилиб қолган вазирга юзланди:

— Ҳар жойнинг тулкисини ўзининг тозиси билан овла деган мақол бор, жаноб вазир. Сизнинг ошпазингиз саройга борганимизда ош пишириб берар. Бу ерда масаллиқни мана шу боғбон инимга беринг. Биз бу одам билан қадрдон бўлиб қолдик.

— Хўп, хўп, азиз меҳмон, хўп!— деб вазир Чўпон отага дарров ён берди.

Ошхона боғнинг ичида, меҳмонлар ўтирадиган кўшкдан анча четда эди. Сарой ошпази қайтариб юборилгандан кейин вазир Чўпон отани ичкарига бошлаб кирди.

Боғбон бир ўзи ўчоққа ўт ёқиб, сабзи-пиёзни тўғраб, ёғни доғлагунча қош қорайиб қолди. Вазир кўшкдан чиқиб дарвозахона томонга ўтди. У ерда махфий ишлар амирининг иккита чаққон одами наша солинган халтачани тайёр қилиб туришган эди. Вазир уларга шивирлаб буйруқ берди:

— Ошнинг зирваси пишаётганда биттанглар боғбонни бир баҳона билан четроққа чақириб гапга тутинглар. Ана шу пайтда иккинчиларнинг бориб зирвакка билинтирмай наша қўшинглар.

Вазир яна меҳмонларнинг олдига кириб кетди. Ошхона томондан капгирнинг қозонга урилиши ва хушбўй зирвак ҳиди келиб турар эди. Оқшом қоронғисида боғ тўрида кимдир:

— Войдод, боғбон ака, ёрдам беринг!— деб хитоб қилди. Боғбон капгирни қўйиб қулоқ солган эди:— Мен ўғри эмасман! Қўйворинг! Урманг!— деган изтиробли товуш келди.

Боғбон ошнинг оловини тортиб, зирвакни куймайдиган қилиб қўйди-ю, овоз келган томонга шошилди.

Иўлкада катта-катта анорлар сочилиб ётибди. Боғ-

да сувчи бўлиб ишлайдиган йигитни бошига дубулга кийган йўгон бир қоровул ёқасидан бўғиб:

— Сен ҳали подшонинг анорини ўғирлайдиган бўлдингми?— деб кўчага қараб судрайди.

Сувчи йигит:

— Мен ўғирлаганим йўқ, анорлар ўзи сочилиб ётган экан,— деди.— Увол бўлмасин деб белбоғимга териб олдим.

Шу жанжалнинг устига етиб борган боғбон сувчини таниб:

— Э, йўғ-е, бу йигит ўғирликни билмайди,— деб орага тушди.

Дубулга кийган қоровул дўқ урди:

— Бўлмаса бу анорларни ким узган?!

— Мен қаёқдан билай?!— бақирди сувчи ҳам.— Қайси бир қўлинг сингур узиб йўлкага сочиб кетибди.

Бу ишни вазирнинг одамлари жўрттага қилганини боғбон ҳам, сувчи ҳам билмас эди. Қоровул сувчи йигитни ўғри деб туриб олди, боғбон унинг бегуноҳлигини исботлашга тиришиб, жуда кўп далиллар келтирди. Бу орада амири махфийнинг чаққон бир йигити халтачадаги нашани секин ошхонага олиб кирди, уни зирвакка қўшиб, капгир билан яхшилаб аралаштирди. Боғбон келгунча зирвак куйиб кетмасин деб, ўчоқ четида қайнаб турган чойдишдан қозонга бир пиёлача қайноқ сув ҳам солиб қўйди. Қозон тагида шамдайгина олов ёниб турар эди, унга тегмади. Кейин ошхонадан чиқиб, дарвоза томондаги йўлкага ўтди. Унинг оқшом қоронғисида қилган бу ишларини ҳеч ким сезмади. Кейин бу хуфя дарвоза томондан чиқиб келиб жанжални босди-босди қила бошлади:

— Майли, энди, боғбон орага тушган бўлса, сувчи йигитни қўйиб юборинг. Иккинчи бундай қилмайди.

Сувчига жавоб берилгач, боғбон орага тушган ҳалиги одамга раҳмат айтиб, шоша-пиша ошхонага қайтди. Зирвак билинар-билинемас қайнаб турибди. Капгир билан уни бир-икки аралаштирди-ю, кейин илиқ сувга ивйтиб қўйилган девзира гурунчни ювишга тушди.

Ош дамлангунча вазир Зухурбек яна бир марта ичкаридан чиқиб, дарвоза томонга ўтиб келди. Махфий одамлари унинг буйруғини яхши бажаришганини, боғбон ҳеч нарсани сезмаганини шивирлаб айтиб беришди. Ош дам егунча вазир яна Чўпон отанинг олдига кириб, бирпас ўтирди. Зухурбек ҳар қанча

илиқ гаплар айтса ҳам, уч оғайнилар унга очилиб сўзламас эдилар.

Ош сузилишига яқин қолганда вазир қўлини кўксига қўйиб:

— Меҳмонлар, энди менга рухсат берасизлар,— деди.— Мени подшо ҳазратлари чақирибдилар. Етиб бормасам бўлмайди.

Чўпон ота тил учида:

— Жаноб вазир, девзиранинг ошидан емайдиларми?— деди.

— Энди сизлар мана бу боғбон ота билан еб туринглар. Иложи бўлса мен кейинроқ қайтиб келаман. Саройда жуда зарур иш чиқиб қолди.

Вазир одоб билан қўл қовуштирганча чиқиб кетди. Унинг қадам товушлари тингач уч оғайнилар анча енгил тортишди:

— Кетгани яхши бўлди,— деди Тўлан ботир.— Узимиз бир яйраб ош ейлик.

— Лекин қоринлар ҳам роса очқади-да,— деди Уктам ботир.

Ҳадемай боғбон катта чинни лаганни девзиранинг ошига тўлдириб кирди. Ошга зира, беҳи, қорақанд солинган, ҳар битта гурунч олтиндай товланиб турар эди. Ошда нашанинг таъми билинмас, қандайдир иштаҳани қитиқловчи ва кулгини келтирувчи бир маза пайдо бўлган эди.

\* \* \*

Подшо билан вазир уч оғайнилар ўлтирган уйнинг махфий туйнуги олдига шаҳзода Абусаидни қўйиб қўйган, ўзлари юзтача энг бақувват навкарларни кўшк ёнига олиб келиб, кутиб туришар эди. Зиндонлар бошлиғи энг йўғон занжирларни тайёрлаб олиб келган эди.

Ичкарида Чўпон ота, боғбон ва уч оғайни ошдан роса тўйиб ейишди.

— Антиқа ош бўлипти!

— Баданни яйратади-я!

Уч оғайнилар шунақа дейишиб, бўлар-бўлмасга кулишар эди. Уларнинг ҳеч бири умрларида наша қўшилган ош емаган эдилар. Шунинг учун гап нимадалигини сезишмай, кулишиб-чақчақлашиб, ошни охиригача ейишди-ю, кейин бирин-кетин кўрпачага чўзилиб ухлаб қолишди. Ҳеч нарсадан беҳабар боғбоннинг ўзи

ҳам уларнинг орасида тарракдай қотиб ухлаб ётар эди.

Хуфялар подшога бунинг хабарини етказган заҳоти занжир кўтарган зиндончилар нариги юз навкар билан секин ичкарига кирдилар. Қаттиқ уйқуга чўмган уч оғайниларнинг аввал оёқларига йўғон кишанларни урдилар. Сўнг қўлларига занжир боғладилар. Шунда Чўпон ота кўзини очиб, сал ҳушёр тортди:

— Болаларим, туринглар, болаларим!— деб хитоб қилди.

Отанинг ўзи ҳам ўрнидан кўтарилмоқчи бўлди. Лекин нашанинг кайфи устига оёқ-қўлидаги оғир занжирларнинг асорати қўшилиб, оёққа туролмади.

Боғбонни ҳам занжирбанд қилдилар. Сўнг ҳар бир ботирни йигирматадан навкар маҳкам тутиб, уларнинг қўл-оёқларига урилган занжирларни бўшатмасдан зиндонга томон кўтариб кетдилар.

— Буларни энг чуқур зиндонларга солинг!— буюрди подшо зиндонлар амирига. — Ҳар бири алоҳида зиндонда ётсин. Олдиларига бошқа одам қўйманг!

Агар уч оғайнидан бирортаси бўшаб кетса, боши омон қолмаслигини сезиб турган зиндонбонлар амири уларнинг ҳар бирини йигирма газ чуқурликдаги энг маҳкам зиндонларга жойлади.

Ботирлардан бири отасининг наърасини эшитганда, иккинчиси навкарлар зиндонга олиб бораётганда, учинчиси занжир қўлини қисганда ҳушига келиб, занжирдан бўшамоқчи бўлиб талваса қилиб кўрди. Лекин нашанинг кайфи ҳали кетмаган, кичкина ариқ ҳам кўзларига катта жардай кўринар, баданларида аввалги куч йўқ, қалбларида кутилмаган ваҳима.

— Уйинг куйгурлар бизни ҳийла билан қўлга туширибди, болаларим!— деб қичқирди Чўпон ота.

— Яхшилиқни билмаган номард подшо!— деб сўкинди Қенжа ботир.

— Буларга ишониб хато қилдик!— Афсус билан бақирди Тўлан ботир.

— Саройига ўт қўйиш керак эди бу малъунларнинг! — Интиқомга тўлиб наъра тортди Тўлан ботир.

Лекин уларнинг бу сўзлари чуқур зиндон ичидан ташқарига учиб чиқолмай, ер қаърига сингиб кетди.

Эртаси куни подшо Камолхон уйқудан анча тетик уйғонди. Қабулхонада вазир уни кутиб турган экан. Нонуштадан сўнг подшо хазиначини чақириб, вазирнинг уч оғайнини усталик билан қўлга олишдаги хизматлари учун бўйи баробарли олтин мукофот беришни буюрди:

— Катта тарозида аввал вазири аъзамнинг ўзларини тортинг, вазилари қанча келса, ўшанча олтин беринг!

Олтинга ўч Зухурбек подшонинг оёғи тагидаги гиламни ўпиб миннатдорчилик билдирди, сўнг хазинадаги катта тарозида вазинини торттиришдан олдин ўзининг маҳкамасига кириб, оғир барра пўстинини кийиб чиқди. У ўз вазинини мумкин қадар оғир чиқаришга интилаётганини сезган қув хазиначи тарозининг бир муртигардонини шундай бураб қўйдик, Зухурбекнинг вазни мўлжалдагидан анча кам чиқди. Шундай бўлса ҳам, унинг бугун хазинадан олган олтини етти пуштига етадиган даражада мўл эди.

Подшо Камолхон ўғли Абусаиднинг хизматларини ҳам тақдирлаб, уни ўзидан кейин тахтга ўтирадиган валиаҳд, деб эълон қилди. Қизи Юлдузхонни ўз боғига қайтарди, аммо боғдаги барча қўриқчиларни ўзгартирди, маликанинг атрофига ўзининг энг ишонган одамларини қўйиб, уни ҳеч қаёққа чиқармасликка ва унинг олдига ҳеч кимни киргизмасликка буйруқ берди.

Ишларнинг боришидан кўнгли анча кўтарилган Камолхон боққа чиқиб, булбуллар ва беданаларнинг сайрашига қулоқ солиб дам олиб ўтирганда патлари камалакдай товланган Тўтиқуш тепасидан учиб ўтди.

Таниш овоз:

— Ассалом, ҳазратим!— деб қолди.

— Эй, Тўтиқушим, келдингми? — деб Камолхон қувониб ўрнидан турди.

Подшога соядай эргашиб юрадиган вазир Зухурбек ҳам шу боғда эди. Тўтиқушнинг товушидан сергакланиб, дарахт панасидан секин чиқиб келди.

Тўтиқуш дарахтга қўниб:

— Ҳазратим, менга берган ваъдангиз эсингиздами?— деди.

— Ҳа, аввал сен ўз ваъдангни бажарасанми? Мени ёшартирадиган мўъжиза мевадан топиб келдингми?



— Бир эмас учта мўъжиза мева олиб келдим. Мана, олинг, ҳазратим.

Подшо Тўтига яқинлашди, унинг патлари устида майин япроққа ўралган ва сунбул толалари билан патларга боғлаб қўйилган уч дона антиқа мева бор эди. Ҳар бири дўланадай келади, лекин ранги ниҳоятда тиниқ, олтиндай товланади.

— Э, раҳмат, Ойтўти! Айт-чи, бу мевани қанақа қилиб ейиш керак?

— Ҳар бирини олтин пиёлага солиб, бир кеча илиқ сувда ивitasиз. Эртага эрталаб есангиз мўъжиза содир бўлади.

— Ёшариб кетаманми?

— Ҳа, яна йигирма яшар йигит бўласиз. Ажинларингиз йўқолади. Тишларингиз қайтадан чиқади. Сочларингиз аслига қайтади. Қадди-қоматингиз ҳам йигирма ёшингизда қандай бўлса, ўша ҳолатга қайтади! Ҳазратим, ваъдага биноан энди менга рухсат беринг. Ота-онам кутиб турибди.

— Яна бир-икки кун шошмагин, Ойтўти. Мана, қафасинг ҳувиллаб бўш турибди. Яна бир-икки кунга қайтиб киргин, менинг ёшарганимни ўз кўзинг билан кўрасан. Ўйлайманки, сен ҳам хурсанд бўласан. Ана ундан кейин иззатингни жойига қўйиб кузатамиз.

Тўти маъюсланиб қолди, лекин подшонинг сўзини ерда қолдиришга журъат этолмай, қафасга қайтиб кирди.

## 17.

Подшо Камолхон уч оғайни ботирлар шарафига саройда зиёфат бермоқчи экани жарчилар орқали бутун халққа маълум қилинган эди. Кейин бу зиёфатнинг қолдирилгани ҳақидаги маълумот бек ва аъёнларга етказилди. Одамлар бунинг сабабига тушунолмаб ҳайрон бўлиб юрган пайтда «Уч оғайнилар оталари Чўпон ота билан бирга подшони тахтдан ағдармоқчи экан, Камолхон буни сезиб қолиб, тўртталасини ҳам зиндонга ташлабди» деган овоза тарқалди. Миш-мишлар оғиздан-оғизга ўтган сари шишиб, ўзгариб, «уч оғайниларнинг боши кесилибди», деган гаплар ҳам пайдо бўлди.

Шунча аслзода оқсуяклар, беку аъёнлар турганда подшо қаёқдаги чўпоннинг ўғлига қизини бермоқчи бўлгани зодагонларнинг гашига тегиб юрган эди.

Энди улар уч оғайнининг зиндонга ташланганидан астойдил хурсанд бўлишди. Подшо Камолхонни ва вазири аъзам Зухурбекни табриклашиб, уларга қимматбаҳо совгалар олиб келишди. Уларнинг олдида вазир Зухурбек кўкрак кериб:

— «Ғалаба уч оғайниники» деб юрган авбошлар ҳақиқий ғолиб кимлигини мана энди кўриб қўйишин!— деди.— Деву аждаҳони енгган чўпонбаччаларни биз шаҳаншоҳим билан бирга енгиб, занжирбанд қилдик! Демак, энг улкан ғалаба Камолхон ҳазратларига мансуб бўлди!

Махфий ишлар амири подшога мурожаат қилди:

— Ҳазратим, сизнинг бу улуғ ғалабангиз тарих саҳифасига олтин ҳарфлар билан битилгусидир. Лекин авом халқ орасида яна хунук овозалар тарқалмоқда. Гўё сиз яхшиликка ёмонлик қилган эмишсиз. Гўё уч оғайнилар хиёнат йўли билан зиндонга ташланган эмиш!

— Бундай дейдиганларни битта қолдирмай қўлга олинг! Тилларини кесинг!

— Фармонингизни бажонидил бажараман! Аммо бир таклифим бор. Халқ орасидаги нохуш овозаларни тугатиш учун чўпонзодаларнинг айби нимадалигини очиқ айтмоқ керакмикан?

Подшо ўз аъёнлари билан кенгашиб, шундай хулосага келди:

— Барча аъёнлар, беклар ўз қўл остидаги фуқарога шуни маълум қилсинки, чўпонзодалар бизнинг ҳокимиятимизни йўқотмоқчи бўлганликлари учун жазоландилар. Уларнинг фикрлари бузуқлигини, бизни тахтимиздан ағдармоқчи эканликларини биз, мана, вазири аъзам, махфий ишлар амири, шаҳзода валиаҳд — тўртталамиз ўз қулоғимиз билан эшитдик. Демак, уларнинг оғир жиноятларини исбот қиладиган далиллар керагидан ҳам ортиқ. Бундай кўрнамак жиноятчиларни биз дорга осиб ўлдирсак ҳам ҳақли эдик. Биз яна уларнинг аввалги хизматларини ҳисобга олиб, раҳмшафқат кўргаздик, қонларидан кечдик, оёқ-қўлларига занжир уриб, зиндонда тирик сақламоқдамиз. Агар улар астойдил тавба қилсалар, фуқаро орасидаги уларга хайрихоҳ кишилар ҳам бизга содиқлигини исбот этсалар, уларга бериладиган жазони енгиллатмоғимиз мумкин. Агар аксини қилсалар, уларнинг ўзлари ҳам, тарафдорлари ҳам аёвсиз қатл этдирилади!

Подшонинг бу фармони мингбошию юзбошилар орқали бутун аҳолига маълум қилинди. Одамларнинг бир қисми: «Суянган тоғимиз шу уч оғайни ботирлар эди, энди улар ҳам зиндонга ташланган бўлса, аҳволимиз чатоқ, подшо билан муроса қилишдан бошқа илож йўқ», дейишди. Сўнг улар ўзларининг подшога содиқлигини айтишиб, амалдорларга совғалар беришиб: «Уч оғайнилар ҳам тавба қилишсин, шаҳаншоҳимиз уларнинг гуноҳидан кечсин!» деган илтимосномалар юборишди.

Аммо одамларнинг кўпчилиги подшонинг уч оғайнига нисбатан номардлик қилганини сезиб, Қамолхонга қарши нафрат ва лаънат ёғдирар эди. Махфий ишлар амири уларни қамаб адо қилолмас, зиндонлар маҳбусга тўлиб кетган, халқ орасида норозилик тобора авжланиб борар эди.

\* \* \*

Малика Юлдузхон ўз кўшикида қамоққа тушган маҳбусдек яшамоқда эди. Унинг илгариги қирқ канизи ўрнида иккита бичилган ҳабаш қул хизмат қилар, илгариги юзта содиқ қўриқчи йигитлари ўрнини махфий ишлар амирининг икки юзта бадбин соқчилари эгаллаган эди. Малика уларнинг кўзини шамғалат қилишнинг иложини тополмас, бирор одамга хат юборолмас, бирорта яқин одами билан учрашолмас эди. Уни аввалгидай яхши боқишар, истаган кийимларини кийдиришар, боғда сайр қилишга ҳам рухсат беришар, лекин дарвозадан ташқарига чиқаришмас, унинг олдига ҳам четдан ҳеч кимни киргизишмас эди.

Бир куни пешинда Юлдузхон боғда ёлғиз сайр қилиб юрганда юқоридан бир ёй ўқи учиб тушди-ю, ерга қадалиб туриб қолди. Юлдузхон атрофига қараса, ён-верида ҳеч ким йўқ. Секин энгашиб, ўқни ердан суғуриб олди. Ёй ўқининг юқорироғига бир оқ қоғоз ўралган ва ингичка тасма билан боғлаб қўйилган эди. Малика тасмани секин ечиб, қоғозни олиб қараса, унга нимадир ёзилган. Дарахт панасига ўтиб, атрофига яна бир кўз ташлади, пойлоқчилар йўқлигига амин бўлгач, хатни очиб, аввал имзосига қаради. «Сизнинг садоқатли Қўрчибегингиз», деган имзони кўриб, қувониб кетди.

«Маликам!— деб ёзган эди Қўрчибек.— Мен умримнинг охиригача сизга туғишган одамингиздай содиқ

хизмат қиламан, деб қасам ичган эдим. На қилайки, мени Сизнинг хизматингиздан олиб, шаҳзоданинг қасрига қўриқчи қилиб қўйдилар. Ҳар дардим ичимда, айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. Лекин шаҳзода оғангиз Сизга ҳеч ҳам ўхшамас эканлар. Жуда ҳам қийналиб кетдим. Таваккал қилиб қўшни боққа келдим. Менга бирон топширигингиз бўлса, ўша махфий эшик олдида кутиб тураман».

Юлдузхон боғ тўридаги печакгуллар бекитиб турган деворни ва ундаги махфий эшикни эслади. Қўшк атрофларида юрган махфий пойлоқчиларда шубҳа уйғотмаслик учун аввал нариги йўлгага ўтиб секин сайр қилди-да, айланма йўллар билан боғ тўрига борди. Бу ерда Кенжа ботир билан учрашган пайтини эслаб, юрагини алам аралаш соғинч чулғаб олди. Қалин ўсган ва деворни қоплаб ётган печакгуллар орасига секин кирди-ю, махфий эшикни очди.

Эшик нарёғида турган Қўрчибек унга таъзим қилиб:

— Ассалом!— деб шивирлади.

Юлдузхон кўзлари ёшланиб алик олди-ю, Қўрчибекка миннатдорчилик билдирди.

— Елғизликда юрагим «торс» ёрилгудек бўлдим, Қўрчибегим! Мени бу ердан олиб чиқиб кетишнинг иложи йўқми?

— Уйлаб кўрайлик. Балки кечаси иложи бўлар. Лекин бу ердан қочиб қаерга борасиз, маликам?

— Кенжа ботирнинг олдига бораман! Майли, мени ҳам у ётган зиндонга ташласинлар!

Қўрчибек бошини чайқади.

— Йўқ, уч оғайнилар ётган зиндонларга яқин бориб бўлмайди. Отангиз у ерга энг ишонган соқчиларини қўйган. Сизни таниб қолиб, яна отангизнинг қўлларига топширишади. Аҳвол аввалгидан баттар бўлади.

— Бўлмаса нима қиламиз, Қўрчибегим? Отам уч оғайнининг яхшилигига шундай ёмонлик қилди! Бу қора доғни қандай ювамиз? Кенжани қандай қутқарамиз?

Қўрчибек ён-верига аланглаб, яқин орада одам йўқлигига амин бўлса ҳам, лабини маликанинг қулоғига яқинлаштириб шивирлади:

— Бизнинг маҳалладаги темирчию мисгарлар ботирларни қутқарадиган зўр бир сим чилвир ясашяпти. Зиндондагиларга нон-пон олиб борса киритиб юбо-

ришар экан. Уша сим чилвирни нонга қўшиб пишириб киритишмоқчи. Лекин юқоридан кимдир бу чилвирнинг учини бақувват қозикқа илиб бериши керак. Ана ўшанда бу чилвирга осилиб зиндондан чиқиш мумкин. Подшонинг зиндонбонларидан бирортасини қўлга олиб бўладими, йўқми, билмадим. Ҳозирча бунинг йўли топилмаяпти.

Малика қўлидаги гавҳар узукни ва қулоғидаги ёқут сиргани апил-тапил ечиб, Қўрчибекка узатди:

— Мана шуларни маҳаллангиздаги темирчию мисгарларга беринг, заргарга элиб сотсинлар. Буларга жуда кўп олтин беради. Кейин ана шу олтинларни ишга солинглар. Мен биламан, отамнинг хизматида юрганлар ҳаммаси порани яхши кўради, олтинга жуда ўч. Бирорта зиндонбонни олтин билан албатта қўлга олишларинг мумкин.

Қўрчибек Юлдузхон берган узук билан сиргани авайлаб қўйин чўнтагига жойлади.

— Яхши маслаҳат бердингиз, маликам. Биз худди сиз айтгандай қиламиз.

— Яна қачон келасиз? Қачон кўришамиз?

— Икки кундан кейин худди мана шу пайтда, шу ерда сизни кутаман, маликам.

— Хўп, унгача мен яна олтинми, гавҳарми, қиммати баланд нарсаларни топиб, олиб чиқаман. Кенжа ботирни қутқариш учун бори будимни, жону жаҳонимни аямайман! Мен бир хат ёзиб қўяман, индин қўлингизга бераман. Нонга қўшиб пиширибми, бир йўлини топиб, Кенжа ботирга етказасизлар.

— Бош устига, маликам! Мен сизнинг ҳамма топшириғингизни бажаришга тайёрман!

Улар хўшлашдилар-у, иккови деворнинг икки томонига секин қайтиб чиқишди. Печакгуллар орасида махфий эшик борлигини ўнлаб пойлоқчилардан бирортаси ҳам сезмади.

## 18.

Уч оғайнилар зиндонда ётгани ҳатто қафасдаги Тўтиқушнинг ҳам қулоғига етиб борган эди. Эрталаб подшо Камолхон хонайи хосга Зухурбек билан кириб келганда, Тўтиқуш.

— Ассалом, шаҳаншоҳим!— деди.

— Салом, Тўтиқушим! Яхши ухладингми?

— Ухлай олмадим. Безовта бўлиб чиқдим.

— Нега энди, Тўтиқушим?

— Уч оғайни зиндонда экан. Емон бўлади, ҳазратим. Уч оғайнини бўшатиш. Фалокат юз бермасин!

Камолхон «уф!» тортиб бошини ушлади. Вазир Тўтиқушга заҳарханда қилди:

— Сени доно қуш десак, кўчадаги авбошларнинг сўзини такрорлаб ўтирибсан-ку! «Тўтиқуш бировнинг сўзини такрорлайди» деганлари рост экан-да!

— Уч оғайнини бўшатиш, ҳазратим!— деб яна такрорлади Тўтиқуш.

— Тўтиқушим, сен бу ишга аралашма. Мени тахтимдан ағдариб ташламоқчи бўлган одамларни бўшатиш мумкин эмас. Яхшиси, мен бугун сен олиб келган меваларни олтин пиёлаларга солиб қўйай-да, эртага еб кўрай. Зора ёшариб кетсам!

— Ана унда сен ҳам хурсанд бўласан, Тўтиқуш,— деб гап қўшди вазир.— Ҳазратим ёшариб кетсалар сени қафасдан бўшатадилар. Сен озод бўлиб ватанингга қайтасан. Бундан катта қувонч борми?

Вазир ичида: «Мен ҳам шу Тўтиқушдан қутулар эдим-да,— деб қўйди.— Мен подшога бирон маслаҳат берсам, Тўтиқуш бунинг аксини гапирди. Қошки подшо унинг гапини эътиборга олмаса! Дарров Тўтиқушга ишонгиси келади! Агар бунинг олиб келган мевасядан подшо ёшариб кетса, Тўтиқуш унга мендан ҳам яқинроқ маслаҳатчи бўлиб олиши эҳтимолдан узоқ эмас. Қутулиш керак бу Тўтиқушдан ҳам!»

\* \* \*

Подшо Камолхон Тўтиқуш олиб келган мўъжиза меваларни олтин пиёлаларга солиб, илиқ сувга ивитиб қўйганини, эртага уларни еб ёшариб кетиши мумкинлигини шаҳзода Абусаид ҳам эшитиб қолди. У тахт вориси деб эълон қилингандан бери тез орада подшо бўлишини ўйлаб кўнгли кўтарилиб юрар эди. Отаси саксонга кирди, яна беш-олти йил яшаса яшайди, бўлмаса ундан олдинроқ оламдан ўтиши мумкин. Ана ундан кейин йигит ёшидаги Абусаид бошига тож кийиб, тантана билан тахтга чиқади. Бу мамлакатда ундан зўр, ундан обрў-иззати баланд одам бўлмайди.

Бироқ Тўтиқуш келтирган мўъжиза мева подшони яшартириб юборса, Камолхон яна ўғли тенги йигитга айланиб қолади, унда Абусаид тожу тахт бўшашини

яна эллик-олтмиш йил кутиши керакми? Унгача қариб-чуриб кетмайдими? Йўқ, бу лаънати Тўтиқушнинг мевасини бир амаллаб йўқ қилиш керак!

Шаҳзода Абусайд отасининг ухлайдиган хоналарига кирмоқчи бўлган эди, эшикда турган соқчилар ўтказмади.

— Ҳазратим ором олмоқдалар, ҳеч ким кирмасин деб амр берганлар!

Шаҳзода Абусайд бу ишни бир ўзи эпломаслигини сездди. Қимни ёрдамга чақирса экан? Шу ўй билан саройнинг пастки қаватига тушган эди, вазири аъзам Зухурбек қаршисидан чиқиб қолди. Ер тагидан илон ўтса пайқайдиган Зухурбек шаҳзоданинг алланарсадан изтиробда эканини сездди.

— Шаҳзодам, тинчликми?

— Ҳозирча тинчлик. Лекин эртага...

— Бирон хавф борми?

— Ҳа, сиз учун ҳам хавfli бир ҳодиса юз бериши мумкин.

— Тушунмадим, шаҳзодам. Очиқроқ гапиринг.

Шаҳзода овозини пасайтириб деди:

— Агар ҳазратим мўъжиза мевани еб ёшариб кетсалар, кейин Тўтиқушнинг обрўси қанчалик ошишини ўйлаясизми? Сиздек вазир бир четда қолиб, дадам нуқул Тўтиқушнинг гапига қулоқ соладиган бўлади. Тўтиқуш эса нуқул уч оғайнини ёқлайди. Агар дадам уч оғайни билан тил топишса, сизу бизнинг аҳволимиз нима бўлади, вазири аъзам?

— Менинг бошқа бир илинжим бор, шаҳзода. Ҳазратим ёшариб кетсалар, Тўтиқушни қафасдан бўшатмоқчилар. Тўтиқуш ватанига қайтмоқчи.

— Э, жаноби вазир, дадам берган ваъдаларининг ўндан бирини ҳам бажармайди. Тўтиқуш унга жуда ёқиб қолса, «мен сенсиз яшай олмайман, шу ерда қол, маслаҳатгўйим бўл, вазирлик қил!» деса, Тўтиқуш «йўқ» дермикин? Вазирлик катта лавозим!

Зухурбекнинг кўнглини ҳам худди шундай бир ҳадик алғов-далғов қилмоқда эди. У шаҳзоданинг сезгирлигига тан бергандай бўлиб:

— Хўш, шаҳзодам, сиз бу мўъжиза мевани нега ёмон кўриб қолдингиз?— деди.

— Сабабини ўзингиз фаҳмлаб тургандирсиз, жаноби вазир.

— Ҳа, шаҳзодам, сиз йигит бўлиб қолдингиз. Тожу

тахтнинг лаззатини одам йигитлигида татиб кўрса бошқача бўлади. Қариганда бунинг қизиғи қолмайди. Агар ҳазрат отангиз ўша мўъжиза мевани есалар, ким билсин, яна юз йил тахтда ўлтирадиларми? Тўтиқушнинг айтишига қараганда, ўша мевани еб ёшарган одам камида юз эллик ёшга кирар эмиш!

Шаҳзода қўрқиб кетди:

— Юз эллик ёш?! Унгача сизу бизнинг суякларимиз ҳам чириб битади-ку, жаноб вазир! Мен дунёга келиб, бир умр бошимга тож киёлмай ўтиб кетаманми? Наҳотки бу адолатсизликка қарши бирон чора топил-маса?!

Вазир пешонасини уқалаб, ўйланиб қолди. Шаҳзода унинг қулоғига оғзини яқинлаштириб:

— Уша лаънати мевани йўқ қилиш керак! — деди.— Жаноб вазир, сиз тадбиркор одамсиз. Бир йўлини топинг!

— Мени жуда хатарли йўлга бошляпсиз, шаҳзодам!

— Ахир сиз ҳам ўша Тўтиқушдан қутулишни истаб турибсиз-ку.

— Менинг истагим подшоҳ отангизнинг истағи олдида ип эшолмайди!..

— Сизнинг истагингизга валиаҳд шаҳзоданинг истағи қўшилса-чи? Ахир мен ҳам бир кун подшоҳ бўламан-ку! Ушанда сиз менинг суянган тоғим, энг азиз устозим, раҳнамом бўласиз!

— Яхши ниятларингиздан миннатдорман, шаҳзодам. Бироқ подшоҳ отангиз ҳам менга жуда қадрдон бўлиб қолганлар. У олий зот яқиндагина менга бўйим баробарли олтин мукофот берганларидан ўзингиз хабардорсиз.

— Отам ҳазратларига қилган хизматларингизнинг озгинасини менга ҳам қилсангиз нима бўпти, жаноб вазир? Майли, мен сизга отам берган олтиндан икки баробар ортиқ олтин мукофот берай!

Вазир Зуҳурбек шаҳзоданинг олтини кўплигини, Камолхон ўз ўғлига ҳар йили сандиқ-сандиқ тилла беришини биларди.

— Сиз менга жуда мушкул хизматни юкламоқдасиз. «Йўқ» дейишга тилим бормайди. Фақат... ўша мукофотни қачон бермоқчисиз?

— Сиз ўша меваларни бугун йўқ қилсангиз, бугуноқ мукофот оласиз!..



— Ундай бўлса, секин менинг кетимдан юринг.

Вазир ўзининг қабулхонасига кирди. Ҳозир бу ерда ҳеч ким йўқ. Шохнишинга тўшалган гиламнинг бир четини кўтарган эди, эшикнинг ҳалқасига ўхшаш ҳалқа кўринди. Уни ушлаб тортган эди, ер тагига тушиб кетган бир зинапоянинг эшикчаси очилди. Зухурбек машъала ёқди ва шаҳзодага «кетимдан юринг» деб ишора қилди. Улар зинапоя билан уч-тўрт газ пастга тушдилар-да, ер тагидан ўтган йўлакдан ўттиз-қирқ қадам юрдилар. Қаршиларида яна битта зинапоя чиқди. Зухурбек олдинда, шаҳзода кетинда шу зинапоя билан юқори кўтарилдилар. Зухурбек бояги зинапоянинг қопқоғига ўхшаш эшикчани секин юқорига кўтарди. Улар шу эшикча орқали подшо Камолхон дам оладиган ва ухлайдиган хоналардан бирига чиқдилар. Шаҳзода Абусаид дадасининг тўшаги икки хона нарида — ичма-ич кетган бўлмаларнинг тўрида экаңлигини биларди. Улар Зухурбек иккаласи турган хонада жавонлар, олтин-кумуш идишлар кўп эди, подшо гоҳо бу ерда шарбат ёки чой ичарди. Зухурбек қимматбаҳо жавонлардан бирини секин очган эди, иккита олтин пиёлада илиқ сувга солиб қўйилган мўъжиза мевалар кўринди. Шаҳзода уларни олмоқчи бўлиб қўл чўзди:

— Шошманг!— деб шивирлади Зухурбек.— Бу меваларни ўғирлаб бўлмайди.

— Нега?— деб пичирлади шаҳзода.

— Отангиз бу ерга мендан бошқа ҳеч ким киролмаслигини билади. Айб менинг бўйнимга тушиб қолади...

— Бўлмаса нима қиламиз?

Зухурбек шаҳодат бармоғидаги кўзи катта олтин узукни чиқариб олди-да, шаҳзодага тутди. Оғзини унинг қулоғига қадаб туриб шивирлади:

— Мана шу узукнинг кўзида антиқа заҳар бор. Таъми мутлақо сезилмайди. Пиёлага ўзингиз... оз-оздан солинг...

— Йўғ-е! Мен ўз отамга заҳар бераманми. Йўқ-йўқ! Падаркушлар олти ойдан ортиқ умр кўролмаслигини биламан! Мен яна қирқ-эллик йил яшаш умидидаман!

— Шаҳзодам, кўрқманг, бу заҳарни отангиз ичмайдилар. Камолхон ҳазратлари ҳали менга ҳам кераклар. Заҳарланган мевани биз бошқа ёмон одамларга

едирамиз. Подшоҳ ҳазратлари буни ўз кўзлари билан кўрсалар бас.

— Чини билан шундай қила оласизми?

— Менга ишонмасангиз нега кетимдан келдингиз?

— Сизга ишонаман! Фақат жуда қалтис-да...

— Сиз ўзингиз мени шу хатарли ишга бошладингиз-ку, шаҳзода.

— Хўп, хўп! Майли. Қани, узукни беринг.

Вазир узукнинг кўзини бош бармоғи билан секин ишқаган эди, бир чети очилди.

— Манг, мана бундай тутинг... Энди очиқ томони-ни пиёладаги сувга секин тўнқаринг. Ҳа, ана, бўлди! Энди иккинчи пиёлага солинг... Етар, бас! Ўзингизни босинг, шаҳзода! Мунча титрайсиз?!

— Қалтис иш бўлди-да! Худо кўрсатмасин!..

— Энди бўлари бўлди!

Зухурбек жавон эшигини аввалгидай зичлаб ёпди. Зинапоя эшикчаси ҳам уларнинг кетидан яхшилаб бекитилди. Улар ҳеч бир из қолдирмай вазирнинг қабулхонасидан юзага қайтиб чиқдилар.

— Шаҳзодам, энди бориб ухланг,— деди Зухурбек.— Қилган ишимизнинг натижасини эртага нонуштадан кейин кўрасиз.

## 19.

Осмонда чақмоқлар чақнаб, момақалдироқ гулдуратётган шу қоронғи тунда зиндон ичидаги Кенжа ботир нажот йўлини изламоқда эди. Темирчи ва мисгар косиблар ингичка симлардан пишиқ, ихчам чилвир ясаб, уни катта обинонга қўшиб пишириб, Кенжага бугун кундуз етказиб берган эдилар. Юлдузхоннинг содиқ йигити Қўрчибек гавҳар узук ва ёқут сирғани сотиб топган олтинларини порахўр зиндонбонлардан бирига бериб, сим чилвирнинг юқориги учини илиш учун зиндон лабига бақувват темир қоziқ қоziб беришга кўндирган эди. Ҳозир момақалдироқ шовқинидан фойдаланган зиндонбон бу темир қоziқни белгиланган жойга қоқаётганини Кенжа пастдан эшитиб турарди.

Шунинг устига чуқур зиндоннинг ён томонидан ғалати бир тириқ-тириқ яқинлашиб кела бошлади. Уша томонда тошнинг тошга урилиб эшитилар-эшитилмас «чиқ-чиқ» қилганини Кенжа бундан тўрт кун олдин биринчи марта эшитган эди. Балки акалари ёки отаси

ётган зиндон ўша томондадир? Кенжа шу ўй билан ўзи ҳам бир тошчани зиндон деворининг ўша томонига қаланган тошларга уриб чиқиллатди. Нарёқда кимдир бу чиқиллашни эшитди шекилли, хурсанд бўлгандай тез-тез, устма-уст чиқиллата бошлади. Бу чиқиллаш тўрт кундан бери ҳар замонда бир такрорланиб турди. Кенжа ҳам тошни-тошга уриб чиқиллатиш билан жавоб берар эди.

Ҳозир Кенжа ингичка сим чилвирни ўрам қилиб, юқоридан зиндонбоннинг қозиқ қоқиб беришини кутиб турганда ён томондан келаётган шовқин кучайиб, зиндоннинг ўша томондаги деворидан тош-тупроқлар кўчиб туша бошлади. Зим-зиё қоронғида нима бўлаётгани кўзга кўринмас эди. Кенжа тош-тупроқлар кўчиб тушган деворга яқин борди. Бирдан девор тешилди-ю, аллакимнинг ҳансираган боши кўринди.

— Тўлан?! Кенжа?!— деб ҳаяжон ичида сўради тешикдан кўкрагигача чўзилиб чиққан одам. Кенжа акаси Уктамнинг овозини таниб, унга томон интилди.

— Уктам ака! Сизмисиз?!

Кенжа оёқ-қўлларидаги занжирни шалдиратиб, акасини қучоқлаб тешикдан тортиб олди.

— Кенжажон!— деб Уктам оёққа туриб, укасининг юзига юзини босди. Икковининг ҳам кўзидан ёш чиқиб кетди. Кўзёшлари юзларига сирқиб тушиб, бир-бирларига қўшилиб оқди.

— Хайрият тирик экансиз, акажон!— деди Кенжа йиғи аралаш.— Яхшиликка ёмонлик қилиш шу даражада бўладими, а, ака?! Қамолхон бизга бунчалик аблаҳлик қилади, деб ҳеч ҳам хаёлимга келтирмаган эдим!

— Ҳе, укажон, дунёда одамнинг ёмонидан ёмонроқ махлуқ йўқ экан! Уша биз енгган аждаҳо-Қирондевлардан ҳам мана бу подшою вазирлар даҳшатлироқ экан! Биз билмасдан соддалик қилиб, буларнинг тузоғига тушиб қолдик! Аслида ўша Қирондевни қўйиб бериш керак экан, буларни йўқ қилиб, тожу тахтидан ағдаргандан кейин Қирондевнинг ўзини асфаласофинга жаўнатсак бўлар экан!

— Ким билибди, дейсиз, ака, унгача халқ ҳам қирилиб кетиши мумкин эди-да!

— Хайр, энди, буёғини ўйлайлик. Тўлан билан отамдан хабар йўқми?

— Йўқ. Айтмоқчи, Уктам ака,— деб Кенжа ўртан-

ча ботирнинг қўллари пайпаслаб кўрди.— Занжирингиз қани? Қандай қутулдингиз бу лаънатиларнинг кишанидан?

— Қесиб ташладим. Қайлигим Муаттар нонга ўткир бир аррачани яшириб юборибди. Отаси заргар-да, бошлаб ясаган экан. Шу аррача билан занжирларни қирқиб чиққунимча улар яна нонга қўшиб пишириб, учтўрт бўлак темирчалар юборишди. Бир-бирига бураб киритадиган жойлари бор. Тешанинг тиғига ўхшаш тиғи ҳам бор. Бир-бирига бураб киргизиб қарасам, ер қазийдиган жажжи тешачага айланди. Шу билан лаҳм қазिशга тушдим. Лекин қаёққа қараб қазичимни билмайман. Тўрт томондаги тошларнинг ҳаммасини чиқиллатиб чиқдим. Ахири сен томондан жавоб келди. Ўша пайтдаги хурсандчилигимни кўрсанг эди, ука! Ахири, мана, қазий-қазий, сенга етиб келдим. Худога шукур!

— Яхши пайтда келдингиз, ака. Менга ҳам қайлигим Юлдузхон ёрдам юборибди. Ўзимизга ўхшаган темирчи мисгарлар ҳам бизга қайишиб, мана бу сим чилвирни ясаб юборишти. Юқоридаги зиндонбонлардан биттаси олтинга сотилибди. Ҳозир ўша одам қозиқ қоқиб, мана бу чилвирнинг учини илиб берса, юзага чиқиб оламиз!

— Қанийди-я! Кейин отам билан акамни ҳам қутқариб олар эдик-ку!

Юқорида қозиқ қоқаётган одамнинг шарпаси сезилмай қолди. Ака-ука бирпас қулоқ солиб турдилар. Жимлик. Фақат икки юракнинг қаттиқ дукуллаши эшитиларди, холос. Уктам қуруқшаган лабларини ялаб:

— Жуда чанқаб кетдим,— деди.— Сувинг борми?

— Бор. Ҳозир!

Кенжа ҳар қадам қўйганда оёқ-қўлидаги занжирлар шақир-шуқур қилар эди. У зиндоннинг нариги бурчагини қўли билан пайпаслаб, сув солинган кўзачани топди-да, акасига олиб келиб берди. Уктам кўзачанинг лабини лабига қўйиб, ютоқиб сув ичди. Сал нафасини ростлагандан сўнг:

— Кел, ука, сенинг занжирларингни ҳам қирқиб ташлайлик!— деди ва этигининг қўнжидан латтачага ўроғлиқ ингичка аррачани олди.

— Улгурармикимиз?— деди кўзини юқоридан олмай, зиндонбоннинг ишорасини кутиб турган Кенжа.

— Улгурамиз! Бирпасда кесади. Билмадим, зар-

гар отамиз буни қанақа пўлатдан ишлаган. Темирни худди ёғочни кесгандай тез арралайди.

Уктам укасининг қўлидаги занжирнинг бир ҳалқасини арралаб бўлганда зиндон устида улар кутган шарпа кўринди. Зиндоннинг тепаси ёпиқ бўлса ҳам, ён томонидаги очиқ даричалардан озгина ёруғ тушар эди. Ҳозир осмонда устма-уст яшин чақнаётгани учун зиндон тепасидан энгашиб пастга қараётган одамнинг боши бир кўриниб, бир ғойиб бўлмоқда эди.

— Чилвирнинг учини бер!— деб шивирлади тепадаги одам. Кенжа ўрим қилинган сим чилвирнинг бир учини акаси Уктамга тутқизди-да, иккинчи учини тепадаги одамга отди. Бироқ қўлига урилган кишан халақит бериб сим чилвирни мўлжалдаги баландликка етказиб ташлай олмади. Шундан кейин Уктам чилвирнинг бир учини Кенжанинг ўзига тутқизди-да, симнинг қолган қисмини ўрам қилиб, юқорига отди. Сиртмоқни кўп отиб мўлжалга тушириб ўрганган мерган-йигитнинг ҳаракати бекор кетмади. Сим чилвирнинг сиртмоқли учи юқоридаги зиндонбоннинг пастга чўзган қўлига бориб илинди. Кейин зиндонбон қаддини тиклаб сиртмоқни темир қозиққа илиб берди.

Шу пайт зиндонлардан хабар олиб юрган вазир Зухурбек ҳалиги одамга машъала ёруғини тўғрилаб қаради. Кўзи ўткир вазир зиндон лабидаги темир қозиқни ва унга илинган чилвирни ҳам кўрди. Ён-веридидаги навкарларига:

— Тутинг буни!— деб буюрди.— Бу аблаҳ Кенжани қочирмоқчи. Қозиқни суғуриб ташланг!

Зиндонбон қоронғиликка қараб қочди. Лекин унинг кетидан отилган ёй ўқи икки курагининг орасига санчилди-ю, уч тўрт қадам қўяр-қўймас гандирак-лаб йиқилди.

Уктам сим чилвирнинг учини энди Кенжанинг белига боғлаб, уни юқорига чиқармоқчи бўлиб турганда, Зухурбекнинг навкарлари юқоридаги қозиқни суғуриб ташладилар.

— Чилвирни қирқ!

Навкарлардан бири ханжарини суғуриб, чилвирни бир зарба билан қирқмоқчи бўлди. Лекин бақувват симлардан ўрилган чилвир тезда кесилмади. Шунда иккинчи навкар ўткир қиличини ишга солиб, сим чилвирни қирқиб ташлади. Унинг кесик учи шартиллаб

пастга тушди-да, Кенжанинг пешонаси аралаш бошига қамчидай урилди. Зухурбек навкарларига буюрди:

— Қочиб қутулмоқчи бўлган аблаҳнинг устига тош ёғдиринглар! Ёниб турган олов ташланглар! Тошбўрон бўлиб ўлсин, мурдаси кул бўлсин!

Тепадан ташланган тошлардан бири сув солинган кўзани чилпарчин қилди. Уктам ўзи кавлаган лахмга тез Кенжани киргизди-да, кейин ўзи кирди. Юқоридан тушган тошлардан бири унинг оёғига тегиб, борлиғини зирқиратиб ўтди.

— Шу вазир бирор кун бизнинг қўлимизга тушармикин-а!— деди Кенжа ғазаб ва армон билан.— Одам зоти бу даражада бераҳм, бу даражада разил бўлади деб ҳеч ҳам ўйламаган эдим!

Бошига урилган сим чилвир Кенжанинг чаккасини ёриб юборган, сирқиб оққан илиқ қон бўйнигача тушган эди.

— Хайрият мен бу лахмни қазиган эканман, ука,— деб Уктам Кенжанинг таптани олишга интилди.— Бўлмаса ҳозир икковимиз ҳам тамом бўлар эдик.

— Қутулай деб турганимизда келиб қолганини қаранг бу ялмоғизнинг!

— Ҳе, ука, бу ялмоғизнинг хизматида шундай искович итлар борки, қаерда нима бўлаётганини юз чақирим наридан сезади. Сарой ҳаммаси айғоқчига тўлиб кетган экан. Бири бўлмаса, бири ҳидини сезиб қолиб, вазирга етказган-да.

— Энди нима қиламиз, ака? Булар қўриқчини аввалгидан беш баттар кўпайтирса керак.

— Насиб қилганини кўраверамиз. Юр, мана бу лахм билан менинг зиндонимга ўтайлик.

— Юринг, ўша ерда мен ҳам оёқ-қўлимдаги занжирдан қутулиб олай. Кейин сизга қўшилиб яна лахм қазиймиз. Бир кунмас-бир кун ёруғ дунёдан тешиб чиқармиз, ахир!

— Лахм қазишдан кўра ундан чиққан тупроқни яшириш қийин экан. Мен ётган зиндоннинг таги тупроққа тўлиб кетган.

— Энди зиндонимиз иккита-ку. Биттасига тупроқни уйиб, иккинчисида бирга тураверамиз!

— Шошма! Чиққан тупроқни уйиб, зиндоннинг бир четини кўтариб, тош-пошлардан зинапоя қилиб чиқиб кетсак бўлмасмикин?

— Ўйлашиб кўрамиз. Лекин энди юқоридагиларга

ҳеч нарсани сездирмаслигимиз керак. Бу аблаҳлар ҳид олишга қанчалик уста эканини кўрдингиз-ку,

— Лекин биз ҳам энди аввалгидай содда эмасмиз, ука. Буларнинг усталигини енгил учун биз яна ҳам устароқ бўлишимиз керак!

Энг муҳими, улар энди ёлғиз эмас эдилар. Зиндондан қутулиб чиқиш учун биргалашиб ҳаракат қилсалар, бирон илож топилиши мумкинга ўхшарди.

## 20.

Эрталабки сарин шабада боғдаги гулларнинг хушбўйини Камолхон подшо ётган хобгоҳ<sup>1</sup>га олиб кирган. Уйқудан кўзини очган подшо бу муаттар ҳидни сезиб ва очиқ деразадан қушларнинг басма-бас сайраётган товуши ҳам келаётганини эшитиб, мамнун жилмайиб қўйди.

У бугун нонуштадан кейин Тўтиқуш келтирган мўъжиза-мевани еб, йигит ёшига қайтиши мумкинлигини ўйлаганда мамнунлиги янада ошди. Унинг тўртта хотини бор. Булардан бири — шаҳзода Абусаиднинг онаси ҳозир қирқ ёшлардан ошиб қолган. Камолхоннинг ўртанча хотини Юлдузхонни туққан. Бу ака-сингил бир-бирига ўгай бўлганликлари учун ҳам жуда ноаҳил. Камолхоннинг қолган икки хотини йигирма уч ва ўн тўққиз ёшлардаги жувонлар, лекин фарзандлари йўқ, ҳарамда ёлғиз туришади. Саксон ёшли Камолхон анчадан бери уларнинг олдига бормаи қўйган, ёлғиз ўзи мана шу боғ тўридаги хобгоҳда ухлайди.

Агар Тўтиқуш келтирган мева уни яшартириб юборса, Камолхон ёшликда қилган шўхликларини қайтадан бошларди.

Камолхон мана шу ширин орзулар билан ўрнидан турди. «Офтобачи» деб аталадиган махсус хизматчиси унинг қўлларига сув қўйиб, ювинишига ёрдам берди. «Досторпеч» деб аталадиган бошқа хизматчиси салласини чиройли қилиб ўраб бошига кийдирди, зар ёқали кимхоб тўнини эгнига солди. «Бовурчи» деб аталадиган ошпаз унга бугун сўйилган қўйнинг жигаридан қовурдоқ қилиб берди.

Нонуштадан сўнг Камолхон хонайи хосга чиқиб, олтин билан зийнатланган тахтига ўлтирди-ю, энг аввал вазири ва ўғлини чақиртирди.

<sup>1</sup> Хобгоҳ — ухлайдиган махсус хона.

Кечаси зиндонлардан хабар олиб юриб уйқудан қолган вазир Зухурбек эрталаб кечроқ уйғонди. Подшо ясовули уни йўқлаб келганда, Зухурбек энди бетқўлини ювиб, нонуштага киришган эди.

Подшо эрталабдан уни йўқлагани бежиз бўлмаса керак деб, нонуштасини чала қолдирганича ўрнидан турди. Ун беш яшар қизига:

— Гулноз, салламни бер!— деди.

Хизматкори унга тўнини кийдириб, қимматбаҳо кавушини оёғи тагига тўғрилаб қўйди. Номи Гулноз бўлса ҳам, ўзи жуда кўримсизгина қиз ёқут қадалган саллаи икки қўллаб авайлаб кўтариб келди ва таъзим билан отасига тутди. Зухурбекка қизининг таъзими жуда хушёқди:

— Баракалло!— деди саллани унинг қўлидан олиб бошига кияркан.— Подшоларга келин бўладиган одобингу назокатинг бор, қизим!

— Раҳмат, дадажон!— деди Гулноз. Унинг қувончдан балқиган кўзларида «айтганингиз келсин!» деган бир маъно бор эди. Зухурбек ўзича «айтганимизни амалга ошириш қўлимиздан келади, қизим!» деб қўйди.

Арқка кириб борар экан, ҳозир у ўзини ҳар қачонгидан ҳам қудратлироқ сезар эди. Кечаси агар у хушёрлик қилмаганида, Кенжа қочиб чиқиб, акалари ва отасини ҳам қутқариши, сўнг бутун подшою шаҳзодаларнинг додини бериши мумкин эди.

Зухурбек кечаси бўлган ҳодисани подшога қанақа қилиб айтиб берса зўр чиқишини ўйлаб боғ йўлкасидан ўтаётганда қаршисидан шаҳзода Абусаид чиқди. Одатда, Зухурбек унга аввал салом бериб, таъзим бажо келтирар эди. Ҳозир эса шаҳзода кечаси қилган ишидан ва мўъжиза-меваларга ўз қўли билан заҳар қўшганидан изтиробга тушиб, гўшт ўғирлаган мушукдай думини қисиб турар эди. Зухурбек бунини Абусаиднинг мўлтираган кўзларидан сезиб, унга шундай ҳокимона назар ташладикки, шаҳзода беихтиёр эгилиб вазирга аввал таъзим қилди.

— Мунча кеч қолдингиз, вазири аъзам? Мен сизни кутавериб тоқатим тоқ бўлди. Ахир нонушта бўлиб ўтди. Ҳазратим мўъжиза-мевани еб қўйишлари мумкин!



Абусаид отасининг қотилига айланишдан қўрқиб, ич-этини еб тургани вазирга энди сезилди. Зухурбек шаҳзодани янада қаттиқроқ изтиробга туширгиси келиб:

— Шаҳзода, мен бугун туни билан ухлаганим йўқ,— деди.

— Тинчликми ўзи?

— Ҳаммамиз яна бир нақд ўлимдан қолдик.

— Яна нима бўлди?

— Ҳали подшо ҳазратларига айтиб берганимда эшитасиз. Лекин... шаҳзода...— Зухурбек қўйин чўнтагидан кўзига заҳар солинган кечаги олтин узукни олиб шаҳзодага секин кўрсатар экан, шивирлаб сўради:— Бу узукда ўша заҳарнинг юқи қолган. Тафтиш қилсалар бирпасда исбот этишлари мумкин.

— Бўлмаса тезроқ йўқ қилайлик бу балони...

— Йўқ, шаҳзода, бу узук менда туради. Ким билади, фалакнинг гардиши ҳали бизни не кўйларга солади.

Шаҳзода саросима бўла бошлади:

— Ахир, вазир жаноблари, мен айтдим-ку, отам берган мукофотдан икки баробар кўпроқ олтин бераман...

— Олтин яхши-ю, аммо бевафо...

— Мен ўзим сизга вафо қилсам-чи? Ахир тахтга ўлтирсам устозим сиз бўласиз, дедим-ку!

— Эсимда бор. Камолхон ҳазратлари у кунни ажиб бир истакларини айтдилар... Қизимиз Гулнозни кўрган эканлар. Жуда ёқтириб қолиптилар... «Сиз билан қуда бўлсак арзир экан», дедилар...

Камолхон Зухурбекка бунақа гапни умрида айтмаган эди. Лекин ҳозир подшони ҳам, шаҳзодани ҳам ўз ногорасига истаганча ўйнатишга кучи етишлигини сезиб турган Зухурбек Абусаидни синаш учун шу гапни ўйлаб топди.

Вазир ҳозир истаса мана бу узукни далил қилиб, Абусаидни отасига қарши суиқасдда айблаб, тутиб бериши мумкин эди. Буни ўйлаб, вужудини ваҳима босаётган шаҳзода:

— Албатта, дадам ҳақ бўлсалар керак,— деди.— Мен... сиз... ҳазратимга нима жавоб қилганингизни билмоқчиман...

— «Шундай улуғ подшога қуда бўлишнинг шарафи беҳад зўр», дедим. «Лекин шаҳзоданинг кўнгилларига ҳам қарамоқ керак», дедим.

— Доно гап айтибсиз. Миннатдорман...

Зухурбек шаҳзоданинг кўзларига тик қараб: «Қани, кўнглингни айт, менга куёв бўлгинг келадими, йўқми?» деган бир маъно билан жилмайди. Қўрқувдан юраги увишиб кетаётган Абусайд Зухурбек нимани истаса шуни бажо келтиришга тайёр эди. У вазирнинг қизиди жозиба йўқлигини билар, унга уйланишни хаёлига ҳам келтирмасди. Лекин ҳозир мана бу даҳшатли иш бир ёқли бўлгунича тилёғламалик қилиб деди:

— Мен сизни устозим бўласиз деган эдим... Агар менга ота ҳам бўлсангиз... албатта... бошим кўкка етди... Менга сиз доим раҳнамо бўласиз...

— Илоҳим шу гапга фаришталар омин десин!.. Мен бу узукни,— деб, Зухурбек олтин узукни шаҳзодага яна бир кўрсатди — тўйларинггача асраб юраман... Тўй бўлса, кейин унинг кўзини заҳардан тозалаб, бошқа тоза гавҳар кўз қўйдираман-у, ўзингизга совға қиламан.

Абусайд энди бу одамдан умрбод қутулолмаслигини, отаси емоқчи бўлган мўъжиза мевага қўшган заҳри то ўлгунича вазирнинг қўлида фош қилувчи бир қурол бўлиб хизмат қилишини сезиб, бўғинлари бўшашиб кетди. Тезроқ бу оғир ҳолатдан қутулгиси келиб:

— Мен сиздан қарздорман, жаноб вазир,— деди.— Энди тезроқ дадамнинг ҳузурига кирайлик. Агар бу фалокат мевани еб қўйсалар, кейин кеч қоламиз! Тезроқ юринг!

Зухурбек ҳамон шошилмай салобат билан қадам ташлаб борар экан:

— Шаҳзодам, сиз менга ишонаверинг,— деди.— Мен ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўйганман. Ҳазратим у мевани бизсиз емайдилар.

Улар подшо қабулхонасига кириб, тахтда ўлтирган Камолхонга эгилиб таъзим қилдилар. Вазирни кўп кутиб асабийлашган подшо:

— Фафлат уйқусидан мунча кеч турдингиз, вазири аъзам?— деди.

— Шаҳаншоҳим, мен бугун тунни уйқусиз ўтказдим. Энг хатарли жиноятчилар кечаси зиндондан қочмоқчи бўлганда ўз қўлим билан тутдим. Зиндонбонлар орасида ҳам уч чоғайнига сотилган хоинлар пайдо бўлибди...

Вазир Зухурбек кечаси бўлган воқеани бир-бир айтиб берар экан, ўзини шундай сезгир, шундай ботир, подшо ҳазратларига шундай содиқ одам қилиб кўрсатдики, подшо ийиб кетиб:

— Доно вазиримизга минг раҳмат!— деб юборди.— Зарбоф тўн келтиринглар! Вазири аъзамга тўн билан яна битта олтин камар ҳам инъом қилинсин!

Мукофотлаш маросими ўтгандан сўнг Қамолхон зиндонлар бошлиғини янгилаш ҳақида, уч оғайни ва уларнинг оталарига ташқаридан бирор бурда нон ҳам, бирор қошиқ овқат ҳам киритмаслик тўғрисида буйруқ берди.

— Очликдан ўлсин! Силласи қурисин, кейин қошишни ўйламайдиган бўлади!.. Об-бо, жаноби вазир-ей, сизнинг шарофатиниз билан бугун яна бир балодан қутулибмиз-да.

— Ҳа, шаҳаншоҳим, бугун яна бир катта ғалабага эришдингиз!

— Тўғри, бу биз учун янги бир ғалабадайд муҳим ютуқ. Энди шу ғалаба муносабати билан яна битта хайрли иш қилсак. Мен Тўтиқуш келтирган мўъжиза меваларни олтин пиёлаларга солиб ивитиб қўйибман. Шунини бир тотиб кўрсам, а, жаноб вазир?

— Шаҳаншоҳим, биз сизнинг йигит ёшига қайтишингизни жон-дилимиз билан истаймиз. Фақат подшолик удумига биноан, мўъжиза меваларни аввал бир синаб кўрмоғимиз лозим. Биттасини кимгадир едириб, натижасини билайлик.

Қамолхон таажжубга тушди.

— Сиз шундай бебаҳо мевани мендан олдин кимга едирмоқчисиз?

— Ҳазратим, хабарингиз бор, сизнинг дастурхонингизга тортиладиган ҳар бир таомни аввал махсус одамлар татиб, текшириб кўрадилар. Бирон хатари бўлмаса, кейин сизга берадилар.

— Рост, бу одат азалдан бор.

— Қулингиз ана шу одатга рия қилайлик, демоқчиман. Фақат бу гал мўъжиза мевани ошхонадаги одамлар эмас, кекса маҳбуслардан бирига едириб кўрайлик. Қани, агар, ёшариб кетса, иккинчисини шаҳаншоҳим бемалол еяверишлари мумкин.

Зухурбек бу тадбирни ҳам подшога ғамхўрлик намунаси қилиб кўрсатгандан кейин Қамолхон зиндон-

дан кекса бир маҳбусни олиб келишни буюрди. Зухурбек ясавулга:

— Ҳалиги, туҳматчи чолни олиб келинг,— деб, қайсидир бир одамнинг номини паст товуш билан айтди.

Кўп ўтмай олтмиш ёшлардаги соч-соқоли оппоқ бир маҳбусни иккита навкар икки ёнидан тутиб олиб келишди. Қўл-оёқларидаги йўғон кишанни шалдиршулдир қилиб қабулхонага кирган маҳбус энг аввал тахтнинг ўнг томонида турган Зухурбекни таниди. Сўнг подшога таъзим қилиб:

— Вазирингиз ҳам шу ерда экан, подшо ҳазратлари!— деди.— Ҳақиқат қилинг! Менинг катта бир боғим Зухурбекнинг боғи билан ёнма-ён эди. Бу вазир менга қарши иғво қилиб, хуфяларини ишга солиб, мени зиндонга ташлатди. Кейин билсам унга менинг боғим керак экан. Боғимизни дарров ўзининг боғига қўшиб олибди.

Камолхон подшо савол назари билан вазирга қаради:

— Шаҳаншоҳим, — таъзим билан гап бошлади вазир.— Бу чол эл орасида туҳматчилик билан машҳурдир. Мен унинг боғини сотиб олганман!

— Ёлғон! Тортиб олгансан! Гувоҳлар бор!

— Подшо ҳазратлари, бу чол фақат менга туҳмат қилса чидашим мумкин эди. Лекин бу ноинсоф сиздек улуг подшога ҳам бўҳтон ёғдирган. Мана, махфий ишлар амирининг одамлари берган ёзувга биноан, бу одам ҳалиги уч оғайни чўпонларни сиздан баланд қўйган! Тожу тахтга ўшаларни муносиброқ деган! Мана, хуфялардан келган маълумотномани ўзингиз ўқинг.

Подшо вазир узатган қоғозни олиб, кўзойнагини тақди-ю, ўқий бошлади. Шунда маҳбус чол унга илтижо қилиб деди:

— Ҳазратим, мен содиқ қулингизман!— деди.— Мен сизнинг даврингизда бою бадавлат бўлиб, катта бир боғ қилдим. Шунинг учун ҳеч вақт сизга қарши гапирган эмасман! Лекин бу Зухурбек шундай одамларни хуфя қилиб тайинлаганки, улар ўз манфаатлари учун оқни ҳам қора қилиб кўрсатаверадилар. Зухурбек боғимни олиш учун шу хуфяларга ёлғон ахборот ёздириб берган. Бўҳтончи, туҳматчи — Зухурбекнинг ўзи! Мен у чўпонзодаларни билмайман, суймайман! Мен

сизга содиқман. Бу хуфяларнинг маълумотига ишонманг, ҳазратим!

Камолхон хуфяларнинг ёзувидаги «подшомиз уч оғайнини зиндонга ташлаб номардлик қилди, илоҳим бу аблаҳлигининг жазосини тортсин, омин!» деган жойини ўқиганда бирдан ғазаби қўзғаб кетди:

— Сен, боғдор чол, менга қарши дуоибад ҳам қилибсан-ку! Мен шунча садоқатли одамларимга ишонамай, сенга ишонайми?

— Ахир одамларингиз ўз манфаатлари учун ёлғоняшиқ бўхтонлар тўқиётган бўлса, мен қандоқ қилай, ҳазратим!

Камолхон подшо истеҳзоли кулумсираб туриб сўради:

— Гапинг ростлигини исбот қилишни истайсанми?

— Жони-дилим билан истайман!

— Бўлмаса, мана шу олтин пиёладаги мевадан биттасини егин. Ростгўй бўлсанг, бирдан ёшариб йигит бўлиб кетасан.

— Ҳазил қилмаяпсизми, ҳазратим?

— Йўқ, чин! Қани, баковул, пиёладаги мўъжиза мевадан биттасини шу одамга едиринг.

Баковул пиёлани икки қўллаб ушлаганча маҳбусга яқинлашди.

— Қани, бисмилло деб олиб, оғзингизга солинг.

Маҳбус чол олтин пиёладаги мевани «бисмилло» деб олди-ю, лекин оғзига солгиси, келмади:

— Кўнглим тортмаяпти-да.

Баковул уни уришиб берди:

— Жон демайсанми, одамзот, подшонинг табаррук совғаси-ку, бу!

— Хайр, майли, таваккал!

Кекса маҳбус олтиндай товланиб турган мевани оғзига солди-ю, бир-икки чайнаб, ютиб юберди.

Ҳамма унда қандай ўзгариш бўлишига қизиқиб тикилиб турарди. Бирдан кекса маҳбуснинг кўзлари ёшланди, афти буришиб кетди.

— Вой, ичим куйиб кетяпти!— деб ихради:— Бу нима бало эди? Дод! Жигар-бағрим ёниб кетяпти! Сув бер! Сув! Бутун вужудимга оғриқ кирди. Войдод! Заҳар бердингми, менга золим подшо?!

Маҳбус қўл-оёқларидаги кишанларни шақирлатиб, вужуди қалтираб кетди, гавдаси ғужанак бўлиб эгилди, оғзи кўпириб, кўзлари олайди, тили оғзида

айланмай қолди, сўнг ерга гурсиллаб йиқилди-ю, няк қоқиб, жон берди.

Бунн кўрган подшонинг ҳам ранглари қўрқувдан оқариб кетди. Орқасига ўгирилиб, Тўтиқушнинг қафаси турган томонга кўз олайтирди:

— Тўтиқуш, сен қанақа мева олиб келган эдинг?! Мен еганимда мана шу маҳбуснинг аҳволига тушармидим, а?! Қандай даҳшатли фалокат бўлар эди, а?!

— Мен айтдим-ку, ҳазратим!— деб Зухурбек қўл қовуштириб гап қўшди:— Синалмаган нарсани еманг, дедим-ку, сизга!

— Сиз мени яна бир балодан қутқардингиз, вазири аъзам!

Юз берган ҳодисанинг сабабини тушунолмай ҳангманг бўлиб турган Тўтиқуш энди тилга кирди:

— Шаҳаншоҳим, айб мевада эмас! Биров унга заҳар қўшган! Мева тоза эди! Уни заҳарлашган!

— А?!— деб подшо атрофига шубҳа билан аланглади.

— Э, ҳазратим,— деди вазир,— бу гапга ишонманг! Сизнинг хобгоҳингизда турган меваларга ким заҳар солиши мумкин? Ишониб бўлмайдиган ҳадик!

— Бу мевадан яна биттаси бор-ку,— деди шаҳзода Абусанд.— Униси шубҳали бўлса, бунисини синаб кўрайлик.

— Бизга тухмат қилиб қамалган яна битта кекса маҳбус келтирилсин!— деб амр берди Қамолхон.

Зиндонбонлар ерда ўлиб ётган биринчи маҳбуснинг мурдасини кўтариб олиб чиқиб кетишди-ю, орадан кўп ўтмай ўсиқ қошлари оппоқ оқарган, сочлари ва тишлари тўкилиб кетган озгин бир маҳбусни бошлаб келишди.

Бу маҳбуснинг ўн беш ёшли гўзал қизи бундан ўн йил олдин Қамолхоннинг харамига зўрлаб олиб кетилган эди. Суюкли қизининг етмиш ёшли чол харамиде руҳий азобларга чидай олмай касал бўлиб қолганини эшитган ота ғазабини ичига сиғдиролмай, подшони кўпчиликнинг олдида «номард, ноинсоф, имонсиз!» деб сўкди. Бу гап, албатта, «подшо ҳазратларига қарши тухмат ва ҳақорат» деб баҳоланди-ю, қизнинг отаси зиндонга ташланди.

Ҳозир оёқ-қўли кишанланган маҳбус тахтда савлат тўкиб ўлтирган подшога тикилиб туриб:

— Ҳа, куёв ҳазратлари!— деди.— Мен сиздан ёш

бўлсам ҳам, қайнаталик ҳаққим бор. Бахти қора қизимнинг аҳволи қалай?

— Қизинг харамда, роҳат-фароғатда шоҳона кун кечиряпти!

— Менга ўхшаб-а?— истехзо билан сўради маҳбус.— Ёшим энди эллик бирга кирди-ю, бошимда соч қолмади, оғзимда тиш қолмади. Бу ҳаммаси сизнинг марҳаматингиз туфайли бўлди, куёв тўра!

— Қайната деган сал одоб сақлаб, тилини тийиб юриши керак эди-да!— деди Зухурбек.— Сиз ҳазратимга туҳмат қилганлигингиз учун жазолангансиз.

— Туҳматни сизчалик сув қилиб ичган одам дунёда бўлмаса керак, жаноб вазир! Лекин сизга жазо берадиган одам ҳали онадан туғилмаганга ўхшайди! Илоҳим сизнинг жазойингизни худои таолонинг ўзи берсин!

— Машмаша бас!— деб подшо маҳбуснинг сўзини кесди.— Сиз «қайнатаман» деб гина қиляпсиз. Майли, бўлмаса, куёвингиз сизга битта яхшилик қилсин. Мана шу олтин пиёладаги мўъжиза мевани енг. Тишингиз, сочингиз қайтадан ўсиб чиқади. Йигирма яшар йигит бўласиз... Баковул, беринг!

Баковул иккинчи пиёладаги мевани маҳбусга бераётиб:

— Бисмилло деб олинг!— деди.

— Э, мен бу ерда бисмиллони ҳаром қилмайман!— деди маҳбус.— Ҳаромга ўрганган сиздай одамлардан яхшилик чиқишига ҳам ишонмайман!

Шунда Тўтиқуш сўз қотди:

— Мен бу мевани Ҳиндистондан олиб келганман, енг, умрингиз узун бўлади!

— Э, жонивор Тўтиқуш, сен ҳам маҳбусга ўхшаб қафасда ўлтирибсан-ку! Майли, сен буни шундай узоқ юртдан олиб келган экансан, еганим бўлсин!

Тишлари йўқ маҳбус олтинранг мевани милклари билан эзиб, чала-чулпа чайнади-ю, ютиб юборди. Шу заҳоти унинг ҳам вужуди оғриқдан тўлганиб кетди. Оёқ-қўллари тиришиб, жингак бўла бошлади.

— Оҳ, газандалар, менга берган заҳарларинг ўзларингга қайтсин! Э, худо? Бор бўлсанг бу аблаҳликларга қандай чидаб турасан?! Нега ёмонларга жазо бермайсан, эй парвардигор?! Вой, вой! Бу қандай азоб! Уйинг куйсин, подшо! Боланг ўлсин, подшо!..

Иккинчи маҳбус ҳам йиқилди-ю, жон берди.

Подшо «мўъжиза мева» деб ўйлаган нарсанинг турган-битгани заҳар эканига энди астойдил ишонди. Агар уни еганда ўзи ҳам мана шу икки маҳбуснинг аҳволига тушишини ўйлади-ю, даҳшатдан сочлари тика бўлиб кетди.

Вазир Зухурбек билан шаҳзода Абусаид алланарсадан енгил тортгандай қувонишиб:

— Хайриятки сиз бунни емадингиз, ҳазратим!

— Худога шукур, аввал синаб кўрдик!— дейишди.

Камолхоннинг ўзи ҳам:

— Бир худо деганим бор экан!— деб хиёл енгил тортди, сўнг қафасда безовта питиллаётган Тўтиқушга қараб:

— Сенинг менда қасдинг бор эканда-а?!— деди.

— Ҳазратим, бу мевага ҳам кимдир заҳар қўшган!— деди Тўтиқуш саросима билан бидиллаб.

— Балки ўзинг заҳар қўшгандирсан?— деб Камолхон ғазаб билан ўрнидан турди.— Сен менга шунчалик душманмисан?

— Мен эмас, ҳазратим, вазиригиз қўшган бўлиши керак!

— Аблаҳ тухматкаш!— деди вазир.— Ахир мен ҳазратимни ҳозир юз бериши мумкин бўлган фалокатдан қутқариб қолдим-ку!

— Кечаси зиндонда юз бераётган фалокатдан ҳам бизни вазири аъзам қутқариб қолди, ҳазратим!— деди шаҳзода Абусаид.

— Ҳа, бу Тўтиқуш ўз айбини бошқага тўнкаяпти!— деди Камолхон.— Вазири аъзам сизга яна бир қарра миннатдорчилик билдираман. Аммо мана бу Тўтиқушни...

— Сизга суиқасд қилганларнинг жазоси ўлим!— деди вазир.

— Улим! — деб такрорлади шаҳзода Абусаид.

Камолхон уларнинг ҳукмини бош ирғаб маъқуллади-ю, қафасни шартта очиб, Тўтиқушнинг бўйнига чанг солди.

— Мени заҳарламоқчи бўлганларнинг жазоси мана бу!— деб Камолхон Тўтиқушнинг патларини тўзғитиб, бошини танасидан узиб ташлади.

Ҳансираб, қонли қўлини кимхоб тўнининг этагига артар экан, Зухурбекка томон ўгирилди:

— Вазири аъзам, бугун бизга шундай катта яхшилик қилдингизки, бунни олтин-кумуш билан баҳолаб



бўлмайди. Сиздаги донолик — подшоҳ оилаларига ярашадиган даражага етибди. Шунинг учун мен энди сизга қуда бўлмоқчиман. Қизингиз Гулнозни шаҳзода Абусаидга унаштирмоқчиман! Ана ўшанда сиз ҳам подшо оиласига мансуб бўласиз, вазири аъзам!

Зухурбек учун чиндан ҳам энг улкан мукофот худди мана шу эди. Келажакда агар Абусаиддан неваракўрса, уни болалигидаёқ тахтга чиқариш орзусида эди. Мана бу Камолхон билан унинг ўғлини олдинма-кетин йўқ қилиш Зухурбекнинг қўлидан келади. Агар бўлажак неварасини беш-олти ёшлигидаёқ тахтга чиқариб олса, асли подшолар наслидан туғилган боланинг тахтига бошқалар даъво қилолмайди. Зухурбек эса бу ёш гўдакнинг номидан юрт сўраб, ҳақиқий подшога айланади ва янги сулолага асос солади. Унинг энг катта орзуси ана шу эди. Ҳозир бу орзусига етказадиган йўллар «ярқ» этиб кўзига кўриниб кетди-ю, вужуди-га чексиз бир шодлик таралди.

У подшонинг оёғи остига тиз чўкиб, Камолхоннинг нопок этагини кўзига сурди:

— Мен умрбод содиқ қулингиз бўлиб қоламан, ҳазратим!

Шаҳзода Абусаид Зухурбекнинг сўхтаси совуқ қизига уйланишга мажбур эканини, дадасининг ҳозирги ваъдасидан ташқари орадаги машъум сир ҳам уни вазирга тобе қилиб қўйганини ўйлаб, таъби жуда тирриқ бўлди. У отасининг ҳузуридан ёлғиз чиқиб кетмоқчи эди. Лекин Зухурбек шаҳзодага оталарча илиқ назар ташлаб:

— Шошманг, шаҳзодам, — деди-да, қабулхонадан у билан бирга чиқди. Боғ йўлкасидан бораётганларида:— Хўш, қалай, мўъжиза-мевалардан қутулдикми?— деб кулди.

— Сиз Тўтиқушдан ҳам қутулдингиз...

— Юз чумчуққа бир кесак деб шуни айтадиларда. Иккита тухматчи маҳбусдан ҳам қутулдик.

Шунчалик разил ишлар қилиб, яна бунини шундай сурбетларча мамнунлик билан эслаётган Зухурбекнинг қай даражада ёвуз одам эканини шаҳзода энди бор бўйича кўргандай бўлди. У Зухурбекдан беихтиёр ҳайиқа бошлади. Вазир эса унинг билагидан олиб:

— Қани, энди, шаҳзодам, сизнинг ваъда қилган мукофотингизга мунтазирмиз. — деди.

Абусаид сандиқларида бор олтинларининг ярмини

шу одамга беришга мажбур эканини ўйлаганда, борлиги зирқираб кетгандай бўлди. Лекин Зухурбекнинг дийдоридан тезроқ қутулгиси келиб:

— Ҳозир ишончли одамингизни менинг кўшкимга юборинг, олиб кетсин,— деди.

— Афсуски, бу мукофотни яшириқча олишга тўғри келади,— деб хихилаб кулди Зухурбек.— Лекин, шаҳзодам, мен бу олтинларни кейин сизнинг ўзингизга икки баробар кўпайтириб қайтараман.

— Қанақасига?— деб ишонмай сўради Абусаид.

— Ҳазратимиз айтдилар-ку. Қизимизга жуда катта сеп йиғямқиз. Сепига қўшиб сандиқ-сандиқ олтинлар ҳам бермоқчиман.

Шу топда Абусаид Зухурбекнинг қизидан ҳам, ўзидан ҳам ҳазар қилар эди, лекин бўғма илоннинг ўрамига тушган қуён унинг сиртмоғидан чиқиб кетолмаганидек, шаҳзода ҳам энди вазири аъзамнинг қопқонидан чиқиб кетолмаслигини сезиб, вужуди заҳарли ваҳимага тўлиб борар эди.

## 21.

Бирдан бу ваҳима устига зиндонлар томондан эшитилган қўрқинчли хитоблар ҳам қўшилди.

— Қора халқ ғалаён кўтарди!

— Авбошлар аркка бостириб келяпти!

— Уч оғайнини зиндондан бўшатишмоқчи!

Бу гапларни бақириб айтиб, боғ йўлкасидан чопиб келаётган хуфялар вазир Зухурбекнинг ҳам кайфини учуриб юборди. У дарҳол ўзининг қўриқчи навкарларига қараб югурди:

— Сафланинг! Довул чалинсин! Шаҳзода, сиз ҳам бор навкарларингизни отлантинг! Ҳамма зиндон томонга ҳимояга борсин! Тез! Мен подшоҳ ҳазратларига хабар бераман! Аркда бор ҳамма аскарлар ҳимояга чиқади! Авбошларни аямай қиринглар! Зиндонга яқин келтирмавглар!

Хатарли пайтда ҳаммани сафга чақирадиган зўр довуллар чалинди. Ҳаял ўтмай икки юзга яқин қуролли соқчилар ва навкарлар тўпланди. Абусаид уларни зиндонлар томонга бошлаб кетди. Зухурбек тўртта соқчини ёнига олиб, подшо қабулхонасига чопиб кирди.

— Шаҳаншоҳим! Авбошлар ғулу кўтарди! Уч оғайнини бўшатиб олишмоқчи! Ҳимояга одам керак!

Камолхон ҳассасига суяниб, саросима бўлиб суради:

— А? Энди нима қиламиз?!

— Буйруқ беринг! Барча хос соқчиларингиз жангга чиқсин.

— Жангга? Ҳаммаси кетса мени ким ҳимоя қилади?

— Э, беш-ўнтасини олиб қолиб, қолганларига фармон беринг-да!

Камолхон қарсак чалиб, ўзининг қўрчисини чақирди.

— Сен йигирмата соқчинг билан шу ерда тургин. Қолган тўрт юз саксон соқчи вазир Зухурбек бошчилигида зиндонларни ҳимоя қилишга чиқсин!

— Бош устига!— деб Қўрчибек чопиб чиқиб кетди.

Ҳаял ўтмай Камолхоннинг қуроолланган соқчиларидан тўрт юз саксонтаси Зухурбек бошчилигида зиндонлар томонга шошилди.

Ғалаён кўтарган оломон бу орада арк дарвозасини бузиб кирди. Абдусайд бошчилигидаги икки юз аскар уларнинг қаршисидан чиқди. Шаҳзоданинг буйруғи билан аскарлар ёйларни ғалаёнчиларга тўғрилаб, кетма-кет ўқ ёғдирдилар. Ей ўқлари юпун кийинган бечораҳол одамлардан анчасининг баданларига санчилиб, уларни сафдан чиқарди. Лекин ғалаён кўтарган одамлар жуда кўп, минглар кетидан минглар келмоқда эди. Қўзғолончилар орасида палахмондан тош отадиганлари ҳам бор эди. Улар отган тошлар Абдусайд бошлиқ соқчиларнинг устига дўлдай ёғилди. Навкарлардан бир қанчасининг бошига ва кўкрагига қарсиллаб урилган тошлар уларни беҳуш қилиб ерга йиқитди. Исёнчилар буни кўриб дадилландилар. Қўлларисидаги кетмонлари, паншаха ва болталарини ўқталиб, навкарларга томон селдай ёпирилдилар. Уларнинг орасида хотин-қизлар ҳам бор эди.

— Камолхон подшо уч оғайнини бўшатсин!

— Яхшиликка ёмонлик қилиш бас!

— Бегуноҳ одамларни очдан ўлдиришга ҳақлари йўқ!

Кучли ғала-ғовур орасидан узук-юлуқ эшитилаётган бу хитоблар аскар йигитларга ҳам эшитилиб турарди. Оломон отаётган тошлар яна бир қанча соқчиларни сафдан чиқаргандан сўнг қолганлари орқага чекинишга тушди.

Исёнчилар орасида Тўлан ботирнинг қаллиғи Сянобар ва Уктам ботирнинг қаллиғи Муаттар ҳам бор эди. Улар суюкли йигитларининг зиндонда оч ўтирганларини эшитиб, нон ва бошқа керакли нарсалар солинган тугунчаклар кўтариб олган эдилар.

— Ноинсофлар, ҳеч бўлмаса мана бу қизларни ўтказинглар, қўлларидаги тугунчакларини қаллиқларига берсин!— деди ўрта яшар бир одам зиндон дарвозаси олдида турган соқчиларга қараб.

Лекин соқчилар найзаларини оломонга ўқталиб, ҳеч ким киргизилмаслигини айтдилар. Шундан сўнг исёнчилар орасидан отилган тошлардан беш-ўнтаси зиндон соқчиларига бориб тегди. Улардан иккитаси ерга йиқилди, учтаси орқага чекиниб, ўзини панага олди. Санобар билан Муаттар мана шу пайтдан фойдаланиб, зиндонхоналар жойлашган бостирма дарвозасидан ичкарига отилиб кирдилар. Худди шу аснода Зухурбек бошлиқ подшо аскарлари етиб келишди. Улар аввалги икки юз соқчи билан қўшилгандан кейин қуролли одамлар уч баробар кўпайиб кетди. Буларнинг аксарида қилич ҳам, болта ҳам, найза ҳам, ханжар ҳам, ўқ-ёй ҳам бор эди. Тиш-тирноғигача қуроолланган ва подшо хизматида чексиз шафқатсизликка ўргатилган бу хос аскарларнинг ҳаммасида катта-катта қалқонлар ҳам бор эди. Улар оломон отган тошларга қалқонларини тутиб, паншаҳа ва кетмонларни болта билан уриб қайтариб ва барча қуроолларини ишга солиб, исёнчиларнинг уч-тўрт юзини ўроқ билан ўргандай қириб ташладилар. Бунни кўрган бошқа исёнчилар орқага чекинишга мажбур бўлдилар.

Отлиқ Зухурбек аскарларнинг орқароғида — дўндроқ бир жойда туриб буйруқ бермоқда эди:

— Халойиқ, жонинг керак бўлса зиндонга яқин борма! Чекин, орқага, чекин, авбошлар! Ҳозир яна минг-минг аскар бизга ёрдамга келади! Авбошлар, бекорга қирилиб кетасан! Орқага чекин, уй-уйингга кет! Чекинмаганларни аямай уринглар! Ҳей, зиндонлар томонга ўтган аёллар кимлар? Тутинглар уларни! Ушланглар!

Санобар ва Муаттар уч оғайнилар ётган зиндонлар қаердалигини тополмай бостирма ичидан чопиб ўтар эканлар:

— Тўлан ботир!

— Уктам ботир!

— Қаердасизлар?!

— Овоз беринглар!— деб устма-уст қичқиришарди.

Ниҳоят, оғзи ўнгирга ўхшаб турган четки зиндондан Тўлан ботирнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Санобар! Мен бу ердан! Санобархон!!!

Шу пайт Зухурбекнинг тўртта қуролли соқчиси қизлар томонга чопиб кела бошладилар. Санобар ҳозир уларнинг қўлига тушиши мумкинлигини сизди, лекин бир лаҳзагина бўлса ҳам Тўланни кўриб қолиш учун зиндон лабидан энгашиб пастга қаради:

— Ботирим! Бардам бўлинг! Мана сизга нон!

Тўлан ботир Санобар ташлаган тугунчакни икки қўллаб ушлаб олди-ю, унинг ўзини кўриб, кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди:

— Санобархон! Хайрият сени яна бир кўрдим!

Шу пайт Зухурбекнинг соқчилари Муаттарга чанг соладиган даражада яқин келдилар. Қиз улардан қочиб зиндоннинг нарёғига ўтди ва қўлидаги тугунчакни Тўлан ботир ётган зиндон лабидан пастга ташлади. Соқчилардан иккитаси унинг изидан чопди. Муаттар уларга чап бериб, бостирмадан қочиб чиқди-ю, исёнчилар тўдасига қараб югурди. Қолган иккита соқчи Тўлан билан гаплашаётган Санобарни сочидан ушлаб тортдилар:

— Йўқол бу ердан, ҳаёсиз қиз! — деб ўшқирди ўрта ёшли соқчи.

Санобар оёққа тургач бошини бир силтаб, сочларини жирканч соқчиларнинг қўлидан бўшатиб олди. Шунда соқчилар унинг билакларига чанг солдилар. Қиз энди буларнинг темир панжаларидан бўшаб чиқиб кетолмаслигини сизди.

— Қўйвор!— деб қиз зиндонга қараб талпинди. Улар зиндоннинг лабгинасида туриб олиша бошладилар. Санобар учун Зухурбекдай разил одамнинг соқчилари қўлига тушгандан кўра суюқлиси Тўлан ботир қатори зиндонда ётиш афзал туюлди. Қиз бор кучини тўплаб, зиндон томонга сакради. Соқчилар агар уни қўйиб юбормасалар, ўзлари ҳам зиндонга қулаб тушишлари мумкинлигини сиздилар. Улар қўрқиб қўллари сал бўшатишлари билан Санобар зиндон тубига қараб отилди-ю:

— Мени тутинг!— деб қичқирди Тўланга.

Тўлан кишан урилган қўлларини юқоридан учиб тушаётган қизга беланчак қилиб тутди. Санобар ел-

каси билан унинг қўлларига келиб тушди. Илгариги кучи бўлса, Тўлан ботир уни бемалол тутиб қолган бўлар эди. Лекин бир ҳафтадан бери қоронғи зах зиндонда ётиб, яна уч кундан бери оч-наҳор туз тотмагани таъсир қилди-ю, қизнинг қулаб тушиш зарбига бардош беролмади. Охирги кучларини билакларига тўплаб, Санобарни қўлидан туширмади, лекин ўзи ҳам қиз билан бирга зиндон тубига тўшалган похолга мук тушиб йиқилди. Ётган жойида қизнинг елкаларини пайпаслаб:

— Санобар, ҳеч жойинг лат емадимми?— деди.

— Йўқ, сиз-чи?

— Мен ҳам соппа-соғман.

— Худога шукур-ей!— деб, Санобар қўлларини йигитнинг бўйнига солиб, унинг соқоллари ўсиб кетган юзига нозик лабини босди.

Тўлан ботир ҳам уни бағрига босиб:

— Мунча мардсан, Санобар!— деди.— Мени деб ўзингни зиндонга ташладинг-а!

— Сиз ҳам мени деб шу подшою шаҳзодалар билан қанча олишдингиз. Энди тақдиримизда нима бўлса, шу ерда бирга баҳам кўрамиз!

— Қиз боланинг бунчалик танги бўлишини умримда биринчи кўришим. Менга сендай қаллиқ берган тақдирга минг-минг шукур!

Улар бир лаҳза жим қолиб, юқоридан келаётган товушларга қулоқ солдилар. Подшо аскарлари билан исёнчиларнинг олишуви зиндонлар олдидан узоқлашиб кетган эди. Жон аччиғида қичқирган одамларнинг фарёдлари фақат Санобарга эшитилар, Тўлан ботирнинг қулоғига чалинмас эди.

— Аблаҳ Зухурбекнинг қўли яна баланд келди!— деди Санобар армон билан.— Қанча бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди!

— Енгилиш навбати Зухурбекка ҳам келиб қолар!

— Кошки шу кунларга етсак!

— Биз энди биргамиз, Санобар! Қутулиш йўлини биргалашиб топамиз. Қани, мана бу тугунчакда ни-манг бор?

— Вой, эсимдан чиқибди-я. Нон, сомса, майиз. Олинг, енг.

Тўлан ботир нонни қўлига олиб, аввал кўзларига сурди-ю, кейин уни синдириб, Санобар икковларининг ўрталарига қўйди.

— Ол, сен ҳам! Мунча тотли бу нон! Сомса ундан яхши. Майиз ундан ҳам ширин!

— Енг, енг, ош бўлсин. Мана бу Муаттарнинг тугунчагида нону сомсадан бошқа ғалати нарсалар ҳам бор.

— Қани, қани?..

Санобар шивирлаб айтди:

— Пўлатни кесадиган аррача. Қўлингиздаги кишани қирқади. Мана бу тешача билан лахм қазиса бўлади.

— Об-бо, Муаттар ҳам омон бўлсин-е!

Шу пайт тепада асабий қадам товушлари ва ҳансираб айтилган асабий сўзлар эшитилди.

— Аҳмоқ қиз ўзини-ўзи зиндонга ташлади-я!

Зухурбек зарда қилиб деди:

— Баттар бўлсин! Эрта-индин икковини бирга қўшмозор қиламиз! Нон ҳам, сув ҳам, ҳеч нарса берманглар! Соқчилар аввалгидан икки баробар кўпайтирилсин!

Вазирнинг гап оҳангига қараганда, исёнчилар ардан суриб чиқариб ташланган, жанг чиндан ҳам унинг ғалабаси билан тугаган эди. Энди бу ёвуз одам зиндондагиларга қарши яна бирон бало (балки, ўлим жазоси) ўйлаб топса керак. Санобарга ичи ачиб:

— Пешонамиз шўр экан-да! — деб қўйди Тўлан.

Санобар унга тасалли берди:

— Етиб қолгунча отиб қол, дейдилар, ботирим. Келинг, аввал қўл-оёқларингиздаги кишанни арралаб ташлайлик.

Улар жим қолиб, юқорига қулоқ солдилар. Зухурбек кетиб бўлган, зиндонбон ҳам ўз хужрасига кирган бўлса керак, ҳеч қандай шарпа сезилмади. Шундан кейин улар Муаттарнинг заргар отаси ясаган ниҳоятда ўткир аррачани навбатма-навбат ишга солиб, Тўланнинг қўл-оёғидаги кишанларни қирқиб ташладилар.

— Уктам ботирга ҳам шунақа арра юборишган экан. Тешачасини ҳам беришган экан. Укангиз лахм қазийётган бўлса керак. Сизга ҳеч нарса эшитилмадимми?

— Йўқ,— деди Тўлан ботир.

У ётган зиндон Уктам ва Кенжаларнинг зиндонидан хийла узоқда эди. Уктам тошларни кўп чиқиллатган бўлса ҳам, Тўлан эшитолмас эди. Лекин қулоғи оддий одам эшитолмайдиган паст товушларни ҳам

эшитадиган Санобар дам-бадам такрорланаётган чиқиллашни эшитиб қолди.

— Ана! Уктам ботир ер тагидан сизни қидираётганга ўхшайди.

— Қани? Мен нега эшитмаяпман?

— Сиз кейин эшитасиз. Мени биласиз-ку. Қулоғимда кийикнинг хосияти қолган. Укангиз лахм қазиб келаётганга ўхшайди.

Санобар ўткир тешачани қўлига олди-ю, зиндон деворининг бояги товуш келган томонини ўйиб, ўзи ҳам лахм қазий бошлади. Ора-чора у ҳам тешачани тошга уриб, чиқиллатиб қўяр эди. Бир вақт бунинг нар-ёқдагилар ҳам эшитишди, шекилли, чиқиллаган товуш қувончли тус олиб, тез-тез такрорлана бошлади. Ниҳоят бунинг Тўлан ҳам эшитди. Қувониб, тешани Санобарнинг қўлидан олди-да, ўзи ҳам лахм қазий-га тушиб кетди.

Икки томондан бир-бирига қараб яқинлашиб келаётган ер остидаги бу йўл кўп ўтмай бир-бирига туташади энди аниқ. Санобар ўзича «агар уч оғайни бир жойга йиғилса, подшонинг саройи тагидан қўпориб чиқишга ҳам кучлари етади!» деган ўйни хаёлидан ўтказди-ю, енгил бир сўлиш олди.

## 22.

Исёнчиларни зиндон эшигидан ва аркдан суриб чиқаришга муваффақ бўлган Зухурбек ва Абусаидлар подшодан олтин қилич мукофот олдилар.

— Лекин бу авомларнинг ғулуси ҳали-вери босиладиганга ўхшамайди,— деди Камолхон вазир билан ёлғиз қолганда.— Бугун неча юз одам ўлдирилипти. Қанча уйларда йиғи-сиғи, аза. Яна қанча одам бизга қарши ўчакишади. Шунинг ҳаммасига сабабчи ким?

— Ўзингиз биласиз, ҳазратим, бунинг ҳаммасига ўша чўпонзодалар сабаб бўляпти. Энди уларни тезроқ қатл этдирмасак, бошимиз балодан чиқмай қолади!

— Қатл этдирсак қора халқ баттар қўзғалиб, жунбушга келадими деб қўрқаман. Зиндонга ташлаганимиз учун шунчалик ғалаён қилишяпти-ю! Ўлдиртирсак, оловга мой қуйгандай бўлмайлик тагин, жаноб вазир.

— Э, шаҳаншоҳим, ўлдиртирганингизни халққа



билдириш шартми? Бу қора халқ ёш болага ўхшайди. Болани эса алдаш осон. Таги паст чўпон билан унинг ўғилларини кечаси битта-биттадан махфий қатл этдирамиз. Лекин унгача афт-башараси ўшаларга ўхшаб кетадиган тўртта одамни тайёрлаб қўямиз. Отасининг оқсоқол мўйловига ўхшатиб соқол қилдириш ҳеч гап эмас. Бунақа ишларни ими-жимиди боплайдиган махфийларимиз бор. Ушаларни саҳар палла тўртта отга миндирамиз. Ёнларига беш-олтита отлиқ «нажоткорларни» ҳам қўшамиз. Ҳаммасини аркдан қочирамиз. Кетларидан бизнинг икки юз-уч юз отлиқларимиз қувган бўлиб от чопдиришади. Уша Такасақратки деган жойгача қувиб боришади-ю, тутолмаган бўлиб, қайтиб келишади. Кейин халқ орасида: «Чўпон ота уч ўғли билан қочиб кетибди», деган овоза тарқатамиз. Ҳатто жарчингизга буюрасиз, фуқаро орасида юриб, «кимда-ким Чўпон ота билан унинг ўғилларини тутиб берса, подшо ҳазратлари ўн минг тилла мукофот берадилар», деб эълон қилади. Шу билан қора халқ уларнинг қочиб қутулиб кетганига ишонади. Биз ҳам тинчиймиз.

Қамолхон мамнун бўлиб:

— Доно вазири, яна йўл топдингиз-а,— деди.— Мен сизга қойилман! Аввал тўртталасини ҳам махфий равишда қатл этдирамиз, шундайми?

— Албатта-да. Буни махфий ишлар амири, сиз, мен, шаҳзода Абусаид билсак бас. Уларнинг қиёфасига кириб қочадиган одамларни мен ўзим энг содиқ кишиларимга топшираман.

— Бўлмаса, вазири аъзам, унгача бир иш қилайлик.

Қамолхон қарсак чалиб, Қўрчибегини чақирди-да, унга буюрди:

— Чўпон отани ер ости йўли билан менинг олдимга олиб келинглар. Лекин ҳеч ким кўрмасин.

Вазир Зухурбек ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима қилмоқчисиз, ҳазратим?

— Менга шунча ташвишу таҳлика келтирган бу чолнинг ўлимини ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

— Майли-ю, лекин...

— Сиз ташвишланманг, вазири аъзам. Узингиз синовдан ўтказиб берган зўр бир қурол бор... Унгача сиз бориб, одамларингизга буюринг, кечасиги ишларга яхшилаб тайёрлик кўришсин.

— Бош устига, ҳазратим. Лекин... Чўпон чолнинг қатлини мен ҳам кўраманми?

— Ҳа, энг қизиқ жойини сиз қайтганингиздан кейин бошлаймиз.

Вазир таъзим қилганича чиқиб кетди. Шаҳзода Абусаид кирган эди, подшо уни тахтининг ўнг томонига ўтқизди.

Бир вақт иккита навкар Чўпон отани икки қўлидан маҳкам тутиб, подшонинг қабулхонасига олиб кирди. Чўпон ота оёғига ва бўйнига урилган оғир кишанларни кўтаролмаётгандай букчайиб, оёқлари судралиб, зўрға қадам босмоқда эди. Унинг бужмайган юзи, хира тортган кўзлари Чўпон отани Қамолхон подшодан ҳам кексароқ қилиб кўрсатарди.

Зиндонлар амири Чўпон отага яқин келиб:

— Подшо ҳазратларига таъзим қил, оёқларига йнқилиб тавба айт, зора гуноҳингдан кечса!— деб шивирлади.

Чўпон ота хиёл ҳушёр тортиб, тўхтади, қаддини тиклаб подшога юзланди:

— Мен қайси гуноҳим учун тавба қилай, ҳазрат? Қани, айбимни бўйнимга қўйинг!

— Сен ўғилларинг билан тил бириктириб, мени тахтимдан ағдармоқчи бўлганинг кичкина гуноҳми?

— Ё тавба! Ахир сизни Қирондев тахтингиздан ағдармоқчи бўлганда, ўғилларим жонини жабборга бериб, тожу тахтингизни асраб қолди-ку?

— Бу тожу тахтни худои таолонинг инояти билан олганман. Мени парвардигорнинг ўзи асрайди! Лекин сени ўғилларинг билан меҳмонга чақирсам, дастурхонимдан нон-туз еб ўтириб, мени ёмонлабсан. Мачитга борганда намозхонларнинг орасида «ғалаба халқники» деб авомни менга қарши гиж-гижлабсан!

— Об-бо, вазирингиз сизга ҳамма гапни тескари қилиб етказипти-ку, ҳазрат. Мен мачитда бизни сизга қарши гиж-гижлаганларнинг дамини қайтарадиган гаплар айтган эдим. «Ғалаба халқники, шу халқнинг ичиди подшо ҳам бор, биз ҳам бор» девдим. Мана, тепамизда худо турипти!

Подшо сўз тополмай безовта бўлаётганини кўрган шаҳзода Абусаид Чўпон отага қарши хезланди:

— Катта боғнинг меҳмонхонасида ўғилларинг ҳазратимни «золим подшо» деб тўхмат қилганида нимага индамадинг? Тўлан деган чўпонбачча «подшо ҳақ

гап учун қамаган одамларини бўшатмаса тахтидан ағдарамиз», деганини биз ўз қулоғимиз билан эшитганмиз!

Чўпон отанинг нафрати келиб:

— Э, ҳали сиздай шаҳзода ҳам чақимчилик қиладиган бўлдимиз?— деди.— Менинг Тўланим сизни арслоннинг чангалидан қутқариб олмаганда, ҳалигача қора ерда чириб тамом бўлар эдингиз-ку! Яхшиликка бунчалик ёмонлик қилишингиз — кўролмасликдан эмасми, шаҳзода? «Бир чўпоннинг ўғли мендай шаҳзодадан ҳам яхши бўладими?» деб, бахиллигингиз келиб, шу ёмонликларни қилмаяпсизмикан? Лекин билиб қўйинг: қасос қайтади, бахилнинг боғи кўкармайди!

— Бас қил, эй паймонаси тўлган чўпон!— деб бақирди Қамолхон подшо.— Мен ўз ҳокимиятимга чанг солган одамларни йўқ қилмагунча тинчимайман!

— Ҳокимиятингиз ўзингизга буюрсин, ҳазрат. Биз ўғилларим билан меҳмонхонангизда ўлтирганимизда қишлоғимизга эсон-омон қайтишнинг маслаҳатини қилдик, холос. Хуфяларингиз-у, мана бу ўғлингиз сизга ҳаммасини чаппа қилиб етказганга ўхшайди.

— Сен менинг ўғлимга тухмат қилма! Мен ҳаммасини ўз қулоғим билан эшитганман!

— Ё алҳазар! Уғилларим қизишиб у-бу деганда мен уларни «оғир бўлинглар» деб босиб қўйганимни ҳам эшитганмидингиз?

— Ҳа, эшитдим, яхши муомала билан бизни алдаб, қизимизни олиб кетмоқчи экансан. «Яхши гап билан илон инидан чиқади» деб бизни илонга ҳам ўхшатганинг эсимда бор!

Чўпон ота кишанини шиқирлатиб, ҳайрат билан ёқасини ушлади-ю:

— Ё, тавба!— деди.— Деворнинг ҳам қулоғи бор дер эдилар. Сиздай подшо ҳам деворнинг қулоғига айланиб хуфялик қиласизми, а?

— Қиламан! Мен одамларимни фақат ташидан эмас, ичидан ҳам билишим лозим. Ташқи дунёга подшо бўлишим етарли эмас. Мен одамларимни ички дунёсига ҳам ҳоким бўлишни истайман. Бу икки дунё бир иродага бўйсунмоғи керак! Менинг ота-боболариму етти пуштим подшо ўтган. Уларнинг энг донолари кечаси қаландар кийимини кийиб, шаҳарда ўзини танитмай

юриб, эл-юртнинг гапига қулоқ солган. Мен ҳам ана ўша донолардан ибрат оламан!

— Бунақа доно-ю, одил подшоларнинг ўзини кўрмаган бўлсак ҳам, ривоятларини эшитганмиз. Қанийди, ҳазрат сиз ҳам ўша ривоятлардаги одил подшо-лардан бўлсангиз! Улар қаландар кийимида эл орасида юриб, ўзлари тўғрисидаги ҳақиқатни билганда кўнгилни кенг қилган, кечиримли бўлган. Ахир тўғри гапнинг тўқмоғи бўлади. Хуфя қўядиган подшо тўғри гапга жиззакилик қилмайди. Бу ҳам чидаганга чиқарилган нарса. Эл оғзига элак тутиб бўладими? Яхши одамлар аччиқ ҳақиқатни айтганда, доно подшо мулоҳаза қилиб кўради, халқ ростини айтса, тан беради, чакки қадам босаётган бўлса, эл-юртнинг раъйига қараб қадамини тўғрилаб олади, алдамчи вазиру амалдорларининг жазосини беради. Бунақа доно подшонинг ўзига яраша ҳалол, ростгўй хуфялари бўлади. Сиз бўлсангиз фақат мақтовни «ҳақиқат» деб биласиз, сал айбингиз очилса, «туҳмат!» деб, жиззакилик қиласиз, рост гапни айтганларни зиндонга ташлайсиз, тилини кесдирасиз. Хуфяларингиз ҳам ҳаром йўлга кириб кетган қаллоб, бахил одамлар экан, жиноятчилар билан тил бириктириб, нуқул халқ суядиган яхши одамларнинг пайини қирқади. Агар аҳвол шундай бўлаверса, атрофингизни ўраб олган ёмон одамлар бир кун эмас бир кун сизнинг ҳам бошингизга етади, ҳазрат!

— Қаёқларда юрган чўпон келиб-келиб мендай подшога ақл ўргатмоқчимисан?!

— Хайр, майли, буни ақл ўргатиш деб ўйлайдиган бўлсангиз, энди гапнинг пўсткалласини айтай. Сиз мени қишлоғимдан зиёфатга чақириб олиб келган эдингиз. Сизнинг «зиёфатингиз» зиндонсиз бўлмас экан, ҳазрат, мен шунча кун зиндонда ётдим, уч ўғлим учун куйиб, ёниб, нариги дунёнинг дўзахига тушгандан баттар бўлдим. Худо хайрингизни берсин, бизни энди бўшатинг. У дунёю бу дунё — икки дунёнинг олдида онт ичиб айтаманки, мен билан ўғилларим сизга ёмонлик қилганимиз йўқ, бундан кейин ҳам қилмаймиз. Бизга жавоб беринг, ўғилларим билан бирга қишлоғимга қайтиб кетаман! Шундан кейин бу жойларни елкамнинг чуқури кўрсин!

Шаҳзода Абусаид отасига таъзим бажо келтириб, яна сўзлаш учун ижозат олди.

— Ҳазратим, агар буларни бўшатадиган бўлсангиз, бутун қора халқ кетларидан эргашади. «Зиндондаги ҳамма маҳбуслар озод этилсин» деб талаб қилади. Озод қилмасангиз ғулу кўтарилади. Ғулуга албатта бу чўпонзодалар бош бўлади!

— Биладан,— деди подшо ўғлининг гапини маъқуллаб,— буларнинг дунёси бошқа, қайнаса қони қўшилмайди!

— Лекин худойимиз битта-ку, ҳазрат подшо! Осмон битта, офтоб битта! Ҳаммамиз битта тилда сўзлашамиз. Халқимиз битта! Дунёни иккига бўлиб, бирини бирига уриб, пачақлаб нима қиласиз?!

— Дунёни иккига бўлиб ташлаган менми, сенми? Агар ҳамма битта подшога бўйсуниб, ихлос қўйганда олам гулистон эди-ку. Сенлар халқнинг ихлосини мендан қайтариб ўзларинг баландга чиқиб олмоқчи бўлдиларинг. Ҳамма бало шундан бошланди!

— Ҳазрат подшо, яна айтаман, тожу тахтингиз, ихлосу имонингиз — ҳаммаси ўзингизга буюрсин. Бизни қўйиб юборинг, тоққа чиқиб кетайлик. Қайтиб буёқларга қадам босмаймиз. Агар эл-юрт бизга эргашмасин десангиз, тунда эл ухлаб ётган пайтда секин жўнатиб юборинг.

Қамолхон ўғли Абусаид билан маъноли кўз уриштириб олди. Сўнг кулимсираб:

— Биз ҳам шу бугун кечаси сени ўғилларинг билан бирга секин «қочириб» юбормоқчи эдик. Вазири аъзам шунинг тайёригини кўришга кетди. Сенга саройда зиёфат берамиз деб беролмадик. Шунинг эвазига мен сенга битта мўъжиза мева едирмоқчиман. Баковул, олтин пиёлани келтиринг!

Шаҳзода Абусаид олтин пиёлада тиниқ сув ичида олтиндай товланиб турган мўъжиза мевани кўрди-ю, қўрқиб кетди:

— Ие, бундан яна бормиди?!

— Ҳа, учинчисини яна бир «яхши кўрган» одамимга бераман деб олиб қўйган эдим... Баковул, шу мевани Чўпон отага едириб.

— Ҳазратим, шошманг,— саросима бўлиб илтижо қилди Абусаид.— Вазири аъзам келсинлар. Сиз у кишига ваъда берган эдингиз...

Шу пайт эшикдан шоша-пиша Зухурбек кирди.

— Ана, вазир жаноблари ҳам вақтида ҳозир бўлдилар. Баковул, фармонни бажаринг.

Зухурбек ҳам олтин пиёладаги мўъжиза мевани кўриб, ранглари оқариб кетди:

— Ҳазратим, бунини чўпон чолга берманг! Зинҳор!

— Нега? Аввалги иккитасини синовдан ўтказган эдик-ку.

— Аммо бу гал бошқача бўлиши мумкин...

— А, нега бошқача бўларкан?! Қани, айтинг-чи, вазири аъзам, аввалги иккита мевага сиз бирон бало... «Заҳар қўшганмидингиз?» деган маънони сезиб, Зухурбек талвасага тушди:

— Йўқ, йўқ, ҳазратим! Наҳотки сиз мендай содиқ вазиригизга ишонмасангиз?

— Ишонганим учун учинчисини мана бу одамга бердирмоқчиман. Яна бир марта кучини кўрайлик!

Вазир билан Абусаид иложсиз жим туриб қолдилар. Баковул мўъжиза мевани пиёладан олиб, Чўпон отанинг лабига яқинлаштиради.

— Қўлингиз кишанда. Мен едира қолай. Қани, бисмилло деб оғизни очинг.

Чўпон ота вазир билан подшонинг орасидан ўтган гаплар бежиз эмаслигини, бу мевада катта бир сир борлигини сизди. Подшодан яхшилик кутмагани учун мевани егиси келмади. Баковулдан:

— Бу нима ўзи?— деб сўради.

— Э, бу кекса одамни яшартирадиган мўъжиза — мева. Ҳиндистондан Тўтиқуш олиб келган. Олинг.

— Қани, аввал бир ҳидлаб кўрай!

Чўпон ота энгашиб, мўъжиза мевани ҳидлаган эди, бирдан ёшлиги эсига тушди. Тоғда қийғос гуллаган наъматаклар орасида севиқли қаллиғи билан учрашган пайти кўз олдига келди.

— Егин!— деб буюрди подшо.

Вазир билан шаҳзода «емасин-да!» дегандай қотиб туришибди.

— Майли, есам ея қолай!— деб Чўпон ота мевани оғзига олиб, шошилмай бир чайнади. Меванинг шарбатидан баданига шундай бир ёқимли нур, ҳарорат, қувват ва завқ таралдики, қиқирлаб кулгиси келди. Яна чайнади. Кўкракларини, елкаларини йигитлик пайтидагидай кучга тўлиб таранглашиб кета бошлади. Яна чайнаб, меванинг шарбатини ичига ютди-ю, ўзида шундай бир қудрат сездик, қўлидаги кишанинг йўғон занжирини бир силтаб узиб юборди.

Унинг заҳарли мевадан додлаб жон беришини ку-

тиб турган Камолхон энди кўзларига ишонмай ағрайиб қолди. Чўпон отанинг юзидаги ажинлари бирпасда йўқ бўлди, оқ сочи ва соқоли ўрнига юзида, бошида йигирма беш яшар йигитларга хос қалин ва майин қора мўйлар ўсиб чиқди. Йигитчасига кулганда оғзи тўла оппоқ янги тишлари кўриниб кетди. Қараб турганлар ақлини йиғиб олишга улгурмасларидан Чўпон ота йигирма беш яшарли Алп Чўпон қиёфасига кирди.

Камолхон подшо:

— Ие, а, бу чини билан ёшариб кетди-ку!— деб ва зирга қаради.

— Берманг демабмидим, сизга?!— қаҳр билан ба қирди Зухурбек— Ҳей, навкарлар, маҳбусни маҳкам тутинглар!

Подшо гап нимадалигини энди пайқади.

— Нариги мевалар заҳарланган экан-да, а, жаноб вазир?! Сиз мени ёшартирмаслик учун шундай қилган экансиз-да, а?!

— Э, бунинг сирини шаҳзодадан сўранг!

— Вой, мен аҳмоқ!—деб Камолхон ўз бошига мушт урди.— Узим яшаришим мумкин экан-а! Бунинг ўрнига душманганимни яшартириб қўйдим-а! Вой, малъун вазир!!! Вой, хоин ўғил!!!

— Дада, дод-вой қилиб ўтирадиган пайт эмас! Тезроқ бу чўпонни даф қилиш керак! Соқчилар! Найза санчинг бунга! Қилич уринг!

Алп Чўпон бу орада оёғидаги ва бўйнидаги кишанларни шарт-шурт узиб ташлади. Узилган кишанларнинг узун занжирларини қўлида сермаб айлантириб, ўзига ҳамла қилган тўртта навкарни уриб йиқитди. Бошқа соқчилар қўрқиб орқага чекинди. Алп Чўпон кишан занжири билан вазирни урмоқчи бўлиб интилди. Вазир подшо ўтирган тахтнинг орқасига ўтиб паналашга улгурди. Алп Чўпон подшони тахти билан бирга даст кўтарди-ю:

— Ёмонлигинг бошингни есин-е, номард Камолхон!— деб тахтни эгаси билан бирга ерга қарсиллатиб урди. Олтин билан зийнатланган тахт чил-парчин бўлиб синди. Подшонинг бошидаги тожи юмалаб бориб, остонадан ўтди-ю, зинапоя четида туриб қолди. Камолхон тахтнинг синиқлари орасида ағанаб ётган жойидан бошини кўтарди:

— Ердам беринглар! Вой, атроф мунча қоронғи? Кўзимга нима бўлди? Кўзимни қора босди!

Лекин унинг нидолари энди ҳеч кимнинг қулоғига кирмас эди. Алп Чўпон занжир зарбидан қулаган навкарлардан бирининг қиличини, бирининг қалқонини қўлига олди, бирининг дубулгасини бошига кийди. Фақат эғнида зирҳли кийим йўқ, яктаклари ёш тананинг мускулларини сиғдиролмай, чокларидан сўкилиб кетган.

Зухурбек билан Абусаид бирпасда ўзларига энг содиқ қўриқчилар-у, хуфялардан икки юзтасини йиғиб келишди. Алп Чўпон олдидан келган соқчилардан бир қанчасини қилич билан уриб йиқитди.

— Навкарлар!— деб қичқирди.— Мен билан жанг қилманглар! Бекорга қон тўкилмасин! Йигитлар! Бас қилинглар!

— Менинг буйруғимни бажаринглар!— хитоб қилди вазир узоқдан.

— Биз кўпчиликмиз, бу чўпонни ҳозир ер тишлатамиз!— ҳансираб қичқирди Абусаид.

— Эй, йигитлар, отасига вафо қилмаган бу шаҳзода сизларга ҳам вафо қилмайди! Навкарлар, соқчилар, четга чиқинглар! Мен Зухурбек билан яккама-якка олишаман! Шаҳзода, чиқ сен ҳам майдонга! Икковларинг билан баробар беллашаман! Бегуноҳ навкарларнинг қонини тўкким келмайди!

Алп Чўпон бу гаплар давомида деразага яқинлашиб борди.

— Соқчилар! Навкарлар!— чинқирди Зухурбек.— Бу Чўпон бари бир енгиледи! Қаранглар! Эғнида зирҳли кийими йўқ! Орқасига ўтиб найза отинглар! Уқ отинглар!

Зухурбек билан Абусаидга сўзсиз итоат этиб ўрганган садоқатли соқчилар Алп Чўпоннинг кийимлари йиртиқ, танаси ҳимоясиз эканига энди эътибор бердилар.

— Бу чўпонни ўлдирсаларинг ҳар бирингга минг тангадан олтин бераман! — деб бақирди Абу-саид.

Олтинга ўч соқчилар ҳам энди дадилландилар ва ёйларини Алп Чўпонга тўғрилаб ўқ ёғдирдилар. Алп Чўпон қалқонни кўкрагига, белига тутиб, танасининг юқориги қисмини ҳимоя қилишга улгурди. Лекин унинг сони ва болдирига ёй ўқларидан иккитаси қадалиб туриб қолди. Оёғидан қон оқаётганига қарамай талпиниб, деразадан ташқарига ошиб тушди. Зухурбек



билан Абусаид йигитларини эшикдан ва деразалардан ташқарига бошлаб чиқиб, Алп Чўпонни боғда қуршовга олдилар...

## 23.

Бу тўполонлар туфайли Камолхон подшо ҳамма-нинг эсидан чиққан эди. Хизматкорлар ўқ ейишдан қўрқиб пана-панага қочган. Фақат подшонинг офтобачиси зинапоя четида юмалаб ётган тожни кўрди-ю, секин пусиб бориб, тожга қадалган гавҳар ва ёқутларни юлиб, ситиб олди. Тожни жойига қайтариб ташлади-да, ёқут ва гавҳарларни қўйин чўнтагига маҳкамлади ва боягидай пусиб, узоқлашиб кетди.

Бўм-бўш қабулхонада тахт синиқлари орасида ётган Камолхон бир амаллаб ўрнидан турди. Боши ғувиллайди, кўзи кўрмайди, қулоғига алланима шовқинлар эшитилади.

— Ҳой, ким бор? Кўзим кўрмай қолди! Ердам беринглар!

Жавоб бўлмади. Камолхон асабий қарсак чалди. Ташқарида бўлаётган жанг шовқинида бу қарсак унинг ўзига ҳам зўрға эшитилди. Камолхон қўлини олдинга чўзиб, оёғини кўрлардай судраб босиб, олдинга юра бошлади. Ўлиб ётган бир навкарнинг жасадига қоқилиб йиқилиб тушди. Юзи шилимшиқ бир суюқликка бориб урилди. Бу — қон эди. Камолхон ўрнидан турмоқчи бўлиб қўлларини ерга тиради. Шунда қўллари ҳам қонга беланди. Ерда ётган ўлик ҳаракатга келиб, уни оёғидан тутиб олаётгандай бўлди. Камолхон қўрқиб:

— Дод!— деди.— Ердам беринг! Қутқаринг!

Жавоб ўрнига тепасидан «пир» этиб қуш учиб ўтгандай бўлди. Бирдан бегуноҳ ўлдирилган Тўтиқуш унинг эсига тушди. Шунча оқилона маслаҳатлар берган, одамни чинакам ёшартира оладиган мўъжиза мевани топиб келган Тўтиқушни Камолхон ўз қўли билан ўлдирган пайти хаёлида гавдаланди. Тўтиқушни қафасдан юлқиб олиб, бошини узиб ташлаётганда унинг қони Камолхоннинг юзига ва қўлига сачраган эди. Ҳозир ўша қон унинг юзи билан қўлига қайта илашгандай вужудини даҳшатга тўлдирди. Қўрққанидан:

— А-а! А-а! — деб, қўлини олдинга чўзиб, яна бир

неча қадам юрди. Кўзларини Тўтиқуш қайрилма тум-  
шуғи билан чўқийётгандай жазиллаб оғриди. Эси кир-  
ди-чиқди бўлиб қолаётган Камолхон йиғлаб туриб:

— Тўтиқушим! Кўзимни чўқима!— деб ялина бош-  
лади.— Мени Зухурбек алдади! Уғлим алдади! Мен  
жуда ёмон алдандим! Раҳм қил!

Яна Тўтиқуш Камолхоннинг тепасида пириллаб  
айланаётгандай бўлди. Бир вақт унга Тўтиқушнинг  
овози ҳам эшитилгандай туюлди:

— Сен шундай алданишга муносиб эдинг, Камол-  
хон. Сени ўз бахиллигинг алдади! Яхши одамларни  
кўролмаганинг учун кўр бўлдинг!

— Йўқ, йўқ, кўзим вақтинча кўрмай турибди! Ҳа-  
ли кўзим очилади! Яхши табиблар бор! Ҳой, хизмат-  
корлар! Табибни чақиринглар!

Камолхон қўлини олдинга чўзиб, тусмол билан  
эшик томонга борар экан, хизматидаги ҳамма одам-  
ларни бир-бир чақириб чиқди. Лекин ҳеч қаердан жа-  
воб бўлмади. Остонага етганда оёғи яна бир ўликка  
суруниб йиқилиб тушди. Бошидаги шовқин кучайиб  
кетди. Бу шовқин орасидан яна товуш эшитилди:

— Ҳозир сенга фақат қизинг Юлдузхон ёрдам қў-  
лини чўзиши мумкин эди! Лекин сен ўзингнинг энг  
яхши фарзандингга ҳам ёмонлик қилдинг. Юлдуз сен  
қамаб қўйган жойдан чиқолмай ётибди.

Камолхон бошини ердан кўтариб талваса қилди:

— Йўқ, мен ўзим ўрнимдан тураман! Мана, тур-  
дим! Лекин қаёққа борай? Эшик қаёқда? Ким бор?  
Ҳей!..

Жавоб йўқ. У оёғи билан пайпасланиб, остонани  
топти. Остонадан нарида баланд мрамор зинапоя бор  
эди. Лекин Камолхон уни кўрмади, зинапоя томонга  
яна бир-икки қадам юрди. Шу пайт остонадан нарида  
юмалаб ётган ўз тожигга қоқилиб кетди. Оёқда зўрға  
турган Камолхон яна йиқилди-ю, бу гал баланд, тик  
зинапоядан пастга юмалаб кетди. Ағдар-тўнтар бўлиб  
зинадан-зинага ағанаб тушаётганда боши мрамор  
тошларга уч-тўрт қайта шундай қаттиқ урилдики, мия  
суяги пачақланиб, тил тортмай жон берди...

## 24.

Зухурбек билан Абусаид саройдаги бутун соқчи-  
ларни Алп Чўпонга қарши солиш учун йиғиб кетгани  
зиндондаги уч оғайнининг ишини осонлаштирди. Улар

ер тагида лахм қазиб, учовлари аллақачон бир жойга тўпланиб олган эдилар. Санобар ҳам уларга ёрдам бериб, тупроқ уюмидан ва тош-тупроқдан яширин кўтарма ва зинапоя ясаган эдилар. Зинапоя ер юзига икки одам бўйи яқин кўтарилганда Тўлан укаси Кенжани елкасига чиқарди. Кенжа акасининг елкасидан бўй чўзиб, зиндондан секин бошини чиқарди. Атрофда зиндонбонлар кўринмайди. Арк дарвозаси томондан одамларнинг шовқин-сурони:

— Ботирларни бўшатмасаларинг халқ қўзғолон кўтаради!— деган хитоблар эшитилади.

Сарой ичидаги боғдан эса:

— Найза от! Ур!— деган буйруқ товуши келди.

Зиндонбонлар йўқ — икки томондан бир варакайига кўтарилган тўполон уларни ҳам ўз домига тортиб олиб кетган эди.

Кенжа қоронғи зиндонда кўп тургани учун кўзи ёруғдан қамшиб ёшлана бошлади. У бирпас кўзини юмиб туриб яна очди. Атрофда соқчилар кўринмади. Кенжа қўлини зиндоннинг лабига тиради-ю, бир сакраб ташқарига чиқди. Кейин Уктам ҳам Тўланнинг елкасига чиқди. Кенжа уни тортиб олди. Охирида Санобар Тўланнинг елкасига чиқди. Уни ҳам юзага тортиб олганларидан сўнг Тўланнинг ўзи сим чилвирни белига боғлади. Икки укаси уни ҳам юзага чиқариб олдилар.

Уч оғайни бирпас атрофга қулоқ солиб олдилар. Ташқарида издиҳом шовқин қилади. Ичкари боғда жанг тўполони.

— Бир бало борга ўхшайди, бўлмаса соқчилар кетиб қолмас эди!— деди Тўлан.— Кенжа, сен отам ётган зиндонни қидириб топ. Мана, сим чилвирни ол, тез тортиб чиқар. Санобар, сен ҳам Кенжага кўмаклаш. Биз Уктам иккаламиз арк дарвозасини очамиз, халқни ичкарига киргизамиз!

Ботирларнинг қўлларида қурул йўқ эди, фақат қўйинларини тошга тўлдириб олишган эди. Арк дарвозасига яқинлашганларида узун найза кўтарган, қилич таққан иккита қоровул кўринди. Тўлан билан Уктам мерганларча тош отиб, қоровуллардан бирини йиқитдилар, иккинчиси найзасини ташлаб қочди. Ака-укалар ерда йиқилиб ётган қоровулнинг қилич ва найзаларини қўлларига олдилар-у, дарвозани ланг очиб юбордилар.

Ташқарида ғазабга тўлиб ҳайқириб турган беҳисоб оломон ичкарига пўртанадай отилиб кирди. Бир қанча одамлар Тўлан билан Уктамни таниб, қучоқлаб ўпа бошладилар.

Оломон орасида Уктамнинг қаллиғи Муаттар ва ботирларнинг оналари ҳам бор эди. Улар қувонганларидан йиғлаб юбордилар.

— Чолим қани, Тўланжон?— деб сўради она.— Кенжа уканг қаерда?

— Кенжа отамни зиндондан чиқаргани кетувди.

Шу пайт сарой ичидаги боғдан Алп Чўпоннинг жон аччиғида наъра тортгани эшитилди:

— Уғилларим? Қайдасанлар? Уғилларим! Тўланжон! Уктамжон! Кенжажон!

— Отамнинг овози-ку!— деди Тўлан.— Бир хавф бўлмаса отам бундай наъра тортмас эди!

Ака-укалар сарой ичидаги боққа — оталарининг овози келган томонга югурдилар...

## 25.

Боғда ҳамон Алп Чўпон Зухурбек ва Абусаидларнинг юзлаб аскарлари билан жанг қилмоқда эди. Дарахтлар орасида, гулзор йўлкаларда Алп Чўпоннинг зарбасидан йиқилган йигирма-ўттизта навкар ағанаб ётибди. Алп Чўпоннинг ўзи ҳам елкасидан ва сонидан ярадор бўлган, ҳаракатлари аввалгидай тез ва эпчил эмас. У орқасини сарв дарахтига бериб, олдидан бостириб келаётган навкарлар билан қиличбозлик қилаётганда Зухурбек дастаси узун бир найзани унга тўғри-лаб, орқадан писиб бора бошлади. Сарв панасидан яқинлашаётган Зухурбек Алп Чўпонга кўринмас эди. Зухурбек найзани унинг икки курағи орасига санчмоқчи эди. Қилич сермаётган Алп Чўпон бирдан ўнгга бурилди. Зухурбек бор кучи билан санчиган найзани унинг ўнг биқинига тўғри келди, баданига ғарчиллаб кирди-ю, сопиғача ботиб кетди, найзанинг нариги учи қорнининг бир четидан туртиб чиқди.

Алп Чўпон инграб, гандираклаб йиқилаётганда боғ дарвозасидан ёпирилиб кириб келаётган мингларча исёнчиларни кўрди.

Ҳаммадан олдинда ўғиллари Кенжа, Уктам, Тўлан қилич яланғочлаб, ҳайқириб чопиб келмоқда эдилар. Чўпон ота йўлкага йиқилган заҳоти шаҳзода Абусанд

қилич яланғочлади, узун бўйинни қузғундай чўзиб, ҳушсиз ётган Алп Чўпоннинг бошини кесмоқчи бўлди.

Бироқ Тўлан ботир узоқдан наъра тортиб, қўлидаги найзани Абусаидга қараб отди. Ора анча олис эди, найза Абусаидга тегмади-ю, лекин беҳисоб исёнчилар бостириб келаётганини кўрган Зухурбек:

— Шаҳзода, ичкарига!— деб қичқирди ва саройдаги ўз хонасига қараб қочди.

Сарой соқчилари Тўлан ботир бошлиқ оломонга бас келолмасликларини сезишиб, бир қисми Зухурбек ва Абусаиднинг кетидан ичкарига қочди, бир қисми қуролини ташлаб, таслим бўлди.

Уч оғайнилар қонга беланиб ётган оталари томонга югурдилар, Тўлан унинг бошини ердан кўтариб:

— Отажон, кўзингизни очинг, отажон!— деди.

Отасининг сочлари қорайиб, елкалари йигитникидай тўлишиб, бутун вужуди ёшариб кетганидан ҳайрон ҳам бўлди, «бошқа одам эмасми» деб хиёл иккиланди. Лекин Алп Чўпон кўзини очиб ўғилларини таниди. Бу орада ботирларнинг онаси ва қаллиқлари ҳам етиб келдилар.

— Вой, мен ўлай! Оталарингга нима бўлди? Вой, ярасини боғланглар!

Кимдир оқ мато берди. Шоша-пиша Алп Чўпоннинг биқинидаги ярани боғлашди. Лекин унинг оёғига ҳам, елкасига ҳам ёй ўқи теккан, бутун бадани яра бўлиб кетган эди. Алп Чўпоннинг ҳаёти сўниб бормоқда эди. Фақат ўғиллари, кампири, келинлари Санобар, Муаттар — ҳаммаси соғ-омон йиғилиб келганлари унга хиёл қувват берди. Қуруқшаган лабларини қийинлик билан очиб:

— Хайрият... ҳаммаларинг қутулибсанлар,— деди.

— Бизни сиз қутқарган экансиз, дадажон! Бор соқчилар сиз билан жангда банд бўлгани учун биз нажот топдик!

— Ўғилларим... Энди халқ сизларга... ота бўлсин... Элдан айрилманглар... Зухурбеклар... ҳали кўп... Бе-парво бўлманглар... Хотин... мендан ўтган бўлса... кечир... Мен розиман... Сизлар ҳам...

Охирги сўзларни айтишга мажоли қолмай, кўзи секин юмилди. Тўлан ўкириб йиғлаб юборди. Уктам билан Кенжа ҳам йиғлаб, оталарининг таналарини қучоқладилар.

— Шундай одамни ўлдирган қотиллар тирик юра-

дими?— деди издиҳом орасидан кимдир йиғи аралаш.— Халойиқ, ичкарига ҳамла қилайлик! Малъун Зухурбекни ерга кирса, қулоғидан, осмонга чиқса, оёғидан тортиб оламиз!

Юзларча исёнчилар саройга томон селдай оқдилар. Аёллар қаердандир юмшоқ кигиз топиб келдилар. Уч оғайни ботирлар оталарини авайлаб шу кигиз устига олдилар. Чўпон ота жон бергандан сўнг мўъжиза мева ўз таъсирини йўқотган эди. Соч-соқоли яна оқариб, у аввалги нуроний мўйсафид қиёфасига қайтди. Уғиллари унинг жасадини боғ ўртасидаги кўшкка кўтариб кирдилар.

Сарой ичига ёпирилиб кирган исёнчилар оломони соқчилардан бир қанчасини тутиб чиқди. Аммо Зухурбек билан Абусаидни тополмадилар. Кейинроқ Тўлан ботир укаларини бошлаб келиб, саройнинг ич-ташини ағдар-тўнтар қилиб қидирди. Ниҳоят, сарой хизматкорларидан бири Зухурбекнинг хонасидан ер тагига тушиб кетадиган яширин йўлакни кўрсатди. Машъала ёқиб, ҳамма йўлакларни тинтиб чиқдилар. Ер ости йўлларининг бир шохчаси қўрғон деворининг тагидан ўтиб, ташқаридаги чакалакзор ўрмонга олиб чиқди.

Шунда ботирлар Зухурбек билан Абусаиднинг энг содиқ одамлари билан бирга мана шу махфий йўл орқали қочиб қутулиб кетганини фаҳмладилар.

— Ҳа, бу ғаламисларни ўзларига ўхшаган одамлари қутқарган,— деди Тўлан.— Ҳали улар шаҳзода Абусаидни тахтга чиқариб даврон суриш учун бизга кўп ҳамлалар қилади.

— Қилсин, майли!— интиқомга тўлиб деди Кенжа.— Майдонга чиқсин. Отамнинг қасди учун ҳам бу шумғияларнинг уруғини қуритмагунча қўймаймиз!

Уч оғайни шу аҳдни кўнгилларига маҳкам туғиб қўл олишди-ю, ер ости йўли билан орқага қайтиб, Қамолхоннинг ухлайдиган хоналаридан юзага чиқдилар.

Подшонинг жасади унинг шоҳона тўшагига келтириб ётқизилган, Юлдузхон ёлғиз ўзи битта шамни ёқиб, хомуш ўтирибди.

Уч оғайни пастдан чиққан заҳоти Юлдузхон ўрнидан туриб уларга таъзим қилди ва йиғлаб гапирди:

— Биз туфайли бошларингизга шунча кулфат тушди! Мен шундай одамнинг қизи-ю, Абусаиддай аблаҳ-

нинг синглиси бўлганим учун ўз тақдиримга лаънатлар айтаман!

Тўлан ботир Юлдузхонга яқинлашиб:

— Ундай деманг, синглим, сиз ҳали ҳам бизнинг келинимизсиз,— деди.— Кенжадай йигитга қаллиқ бўлганингиз учун тақдирга шукур қилинг!

Юлдузхон ёшли кўзларини Кенжага тикиб, мунгайиб турар эди. Кенжа Юлдузнинг қўлларини қўлига олди:

— Сиз шу қўлларингиз билан зиндонга юборган ёрдамларингиз бизга катта далда берди, Юлдузхон! Мен бунинг учун сизнинг пок қўлларингизни кўзимга сураман!

Кенжа Юлдузхоннинг қўлларини кўзига олиб бораётганда қизнинг кўнгли бузилиб, ўкириб йиғлади:

— Олижаноб ботирим! На қилайки, отам сизга муносиб бўлолмади. Ўз ақли билан яшай олмай, нуқул Зухурбекнинг қутқусига учди!

— Утган ишга саловат, Юлдуз. Майли, нима бўлса ҳам, фарзандлик бурчингизни охирига етказинг. Биз ҳам отамизнинг ёнларига борайлик.

— Мен ўз отамдан кўра Чўпон отага минг марта ортиқ куйнаман!— деб, Юлдуз ботирларнинг кетидан юм-юм кўзёши тўкиб қолди.

Сўнг Қўрчибекни чақириб, ўзига садоқатли одамлардан беш-олтасини топдириб келди. Сахар пайти отасининг жасадини ювдириб, кафанга ўратиб, жанозасини ўқитди-да, қабристонга кузатиб қўйди. Камолхоннинг дафнига беш-олтитагина одам борди.

Кун ёйилганда Чўпон отани тобутга солиб кўчага олиб чиққанларида, бутун шаҳар оёққа қалқди. Атроф қишлоқлардан ҳам тумонат одам йиғилиб, халойиқ кўча-кўйга сизмай кетди.

Олдинда бели боғланган уч оғайни ғамгин юз, ёшли кўзлар билан битта-битта одимлаб борадилар. Кимхоб тўн ёпилган тобут қўлдан қўлга ўтади. Чўпон отанинг тобутига қўлини тегизиб қолиш орзусида бехисоб одамлар орқадан эргашиб келадилар.

Минг-минг одам Чўпон отанинг тобутини тоғ этагидаги қишлоғига етгунча бир лаҳза ҳам ерга қўймай кўтариб борди. Кейин уни улкан дарё ва обод водий оралиғига тушган баланд тепаликнинг устига дафн этдилар. Шундан бери эл-юрт бу жойни «Чўпон ота тепалиги» деб атайдиган бўлди. Фидокор, мард ота-

нинг қадами теккан бундай жойлар Тошкент, Самарқанд атрофларида ва юртимизнинг бошқа жойларида ҳам бор. Халқимиз уларни ҳам ҳалигача «Чўпон ота» деб атаб келади...

Шаҳарлик мисгар, темирчилар ва қишлоқлардан келган деҳқонлар уч оғайнини ўртага олишиб, улардан бирини подшо қилиб кўтармоқчи бўлдилар.

— Отам раҳматли битта подшони тахтидан улоқтирди, энди бошқасининг кераги йўқ,— деди Тўлан ботир.— Шунча подшо ўтиб, бирортаси халққа нажот, бахт келтирмади.

Халойиқ орасидан саксон ёшли нуроний бир мўйсафид чиқди.

— Тўланжон, нажот — халқнинг ўзида,— деди.— Нажот ҳам, бахт ҳам — халқнинг шу уч оғайнидай мард, асл фарзандлари борлигида. Уғилларим, агар подшо зотидан кўнгилларинг қолган бўлса, майли. Энди учовинг ҳалол меҳнати билан кун кўрадиган одамларга жонкуяр элбоши бўлсаларинг бас.

Уч оғайнилар бу таклифга рози бўлдилар ва оталарининг васиятига биноан халқни ота ўрнида эъзозлаб яшадилар. Чўпон отанинг йил ошини берганларидан сўнг учовлари бир кунда тўй қилдилар, Тўлан ботир Санобарга, Уктам ботир Муаттарга, Кенжа ботир Юлдузхонга етишдилар.

Халқ ижодининг афсонавий дунёси билан ўтмишнинг воқеий дунёсини бир-бирига чатиштиришдан пайдо бўлган бу қисса ҳам ниҳоясига етди.


1977—80



# ЯЙРА ИНСТИТУТГА КИРМОҚЧИ

ЮМОРИСТИК ҚИССА





1

Арслон ака кичик жуссали жиккаккина одам. Лекин унинг йўғон, гулдурак овози бор. Ўзини кўрмаган баъзи бировлар телефонда овозини эшитса, «шертахлит, бадваҳима одамга ўхшайди», деб ўйлайди-ю, дарров раъйига қараб гаплашади. Бир чеккаси шу сабабдан Арслон ака иложи бўлган жойларга ўзини кўрсатмасдан, ишини телефонда битиришга ҳаракат қилади.

Бугун Арслон ака институтнинг қабул комиссиясига телефон қилиб, доцент Ботирбековни сўроқлай бошлади. Секретарь қиз бир неча марта:

— Ботирбеков йўқлар, қачон келишлари номаълум,— деб жавоб берди.

Арслон ака ўзи бошлиқ бўлган қурилиш участкасидан гапирётганди. Бироқ «участка» сўзи камлик қиладиганини сезиб:

— Мен қурилиш бошқармасидан Оқилхоновман,— деди.— Менга Рустам Ботирбекович жуда керак. Иложи бўлса, уйлариинг телефонини беринг, синглим!

— Уйларида телефонлари йўқ.

— Сиз мендан яширманг, синглим.

— Ишонмасангиз, бориб кўринг!

— Майли, борсам бора қолай. Адресларини айтиб юборинг!

Трубка бирпас жимиб қолди. Секретарь қиз икки-

ланарди. Рустам Ботирбекович бу йилги қабул комиссиясига ишга тайинлангандан бери унга мурожаат қилувчилар кўпайиб кетган эди.

— Кечирасиз,— деди ниҳоят секретарь қиз Арслон акага,— Рустам Ботирбекович сизга... қабул масаласида керакмидилар?

Арслон ака «ҳа» деса адрес ололмаслигини сезди. Шунинг учун:

— Мен Ботирбеков билан институтда беш йил бирга ўқиганман,— деди.— Менда унинг эски адреси бор эди. Янги уйга кўчгандан бери кўришолмай қолдик. Диссертация ёқлапти... Табрикламоқчиман.

— Бунга тўрт йил бўлди-ку!

— Мен энди эшитдим. Соҳамиз бошқа бўлгандан бери жуда кам кўришамиз... Хўш, адреслари қанақа энди?

Ботирбеков, «адресимни ҳар кимга бераверманг», деб қаттиқ тайинлаган эди. Лекин телефонда гаплашаётган Арслон аканинг товуши шундай салобатли эшитилдики, секретарь қиз йўқ дейишга журъат этолмади.

Арслон ака Ботирбековнинг адресини ёзиб олди-да, мамнун бўлиб ўрнидан турди. Сўнг деразанинг олдига келиб, тиниқ осмонга кўз югуртирди.

Осмондаги оппоқ булут баланд бир кўтаргич краннинг учига қўниб дам олаётгандай кўринарди. Арслон ака тўртинчи қаватнинг деразаси олдида турганича краннинг кабинасига тикилиб қаради. Сариқ кран қаққайганича қимир этмай турибди. Лекин унинг ўрта белидаги ойнабанд кабинада комбинезон кийган кранчи қиз тинмай ишляпти: қўллари билан ричагларни тортади, оёқлари билан педалларни босади, кўзлари билан сим арқонлар ва пастдан кўтарилаётган юкларни кузатади, бармоқлари билан сигнал тугмасини босиб, краннинг қўнғироғини қувноқ жиринглатади.

Арслон ака кранчи қизнинг ишини томоша қилар экан, деворий газетага мақола ёзиши кераклигини эслади. «Мана шу Яйра Маҳмудовани кўтариш керак!— деб ёзув столининг олдига қайтиб келди.— Планини ошириб бажаряпти. Хотин-қизлардан чиққан механизматор. Турсунойчилар фақат далада эмас, бизнинг қурилишда ҳам бор. Оғир қўл меҳнатидан қутулиб, техникани эгаллаётган аёллар масаласи жуда ҳам муҳим».

Бу фикрлар энди қоғозга тушаётганда эшикдан про-  
раб йигит кирди-ю, Арслон акага битта ариза узатди.  
Арслон ака аввал «ишдан бўшатишингизни сўрайман»  
деган сатрга, сўнг «Яйра Маҳмудова» деган имзога  
қаради. Ишонгиси келмай:

— Бу нима, ҳазилми?— деди.

— Қанийди ҳазил бўлса... Чин!

— Нега бўшаркан?

— Институтга кирмоқчи эмиш.

— Э, бултур киролмай келган эди-ку!

— Балки бу йил ҳам киролмас. Конкурс катта.

Арслон аканинг хаёли ўғли Жавлонга кетди. У ҳам  
бу йил ўнинчини битириб, институтга кириш ҳарака-  
тида юрипти. Арслон ака бирдан Рустам Ботирбеков-  
ни қидириб қолганига шу ўғли сабабчи эди. Энди бу  
ерда махсус мақола ёзиб мақтамоқчи бўлган илғор  
кранчиси ҳам институтни деб ишни ташлаб кетмоқчи.

— Ҳамма ўқишга кетаверса қурилишда ким ишлай-  
ди?— деди Арслон ака фигони чиқиб.— Аризасини қай-  
тариб беринг! Бўшатмаймиз!

— Лекин қонун бор экан... Зўрлик билан олиб қо-  
либ бўлмайди.

Арслон ака Яйра билан ўзи бир гаплашиб кўрмоқ-  
чи бўлди-ю, тушки дам олиш пайтида қурилиш май-  
донига чиқди. Яйра дам олиш соатида ҳам краннинг  
кабинасидан пастга тушмас эди. Унинг олдида очиқ  
китоб-дафтар. Бир қўлида яримлатилган кефир шиша-  
си. Бир қўлида нон. Овқат ея туриб ҳам имтиҳонга  
тайёрланарди.

Шунинг устига краннинг энсиз, тик темир зина-  
поясидан Арслон ака кўтарилиб келди. Яйра унинг  
нафаси қисилиб, ҳансираб қолганини кўрди-ю, сакраб  
ўрнидан турди.

— Нега овора бўлдингиз?— деб ачинди.— Мени ча-  
қирсангиз тушар эдим-ку! Утиринг, нафасни ростланг!  
Кабинада фақат битта ўриндиқ бор эди.

Арслон ака Яйранинг ўрнига ўтиб ўтирди-да, юзи-  
дан терларини артди. Сўнг чўнтагидан тўрт букланган  
қоғозни олиб, қаршисида тикка турган Яйрага узатди.

— Аризангни олиб қўй.

Яйра қоғозни олиб, очиб қаради:

— Резолюция қўймабсиз-ку!

— Қизим, ўзинг биласан, қурилишга одам етишма-  
япти.

— Лекин мен ўқимоқчиман, Арслон ака!

— Йўқ, сен ўқиган қизсан! Шунинг учун жуда яхши ишлаяпсан. Илғор механизаторлардансан! Ҳозир бизнинг участкамиз механизация масаласида бутун трест бўйича биринчи ўринга чиқяпти. Сен бизга жуда кераксан! Мен ўзим сени газетага мақтаб ёзаяпман. Ҳали суратларинг чиқади, машъал бўласан!

— Арслон ака, ғамхўрлигингиз учун раҳмат. Лекин сиз бир нарсага ишонинг: агар мен олий мактабни ҳам битирсам, бундан ўн баробар яхши ишлайдиган бўламан!

— Э, ёшликда ҳамма ҳам шундай деб ўйлайди... Лекин... Ҳозир сенинг олий маълумотлилардан ниманг кам? Ойлигинг баъзи бир дипломи бор инженерларникидан баланд-ку! Агар бу ҳам оз десанг, моянангни яна ошираман! Квартира керак бўлса, уни ҳам олиб бераман! Бўлдими энди?

— Сиз жуда яхши бошлиқсиз, Арслон ака. Менга кўп ёрдам бердингиз, ҳунар ўргатдингиз. Мен буни ўлгунимча унутмайман. Лекин бошқа илож йўқ! Мен ҳозир пули оз, квартираси йўқ бир... студент бўлишни орзу қиламан.

— Дунёнинг иши доим чаппа экан-да! Ахир ҳамма студент бўлиб кетаверса, меҳнатни ким қилади?

— Мен сизда шунча вақт ишладим. Ҳали ишламаган ёшлар бор. Энди ўшалар келсин.

Арслон ака Яйранинг тагдор қилиб айтган гапидан ҳадиксираб сўради:

— «Ўшалар» деганинг ким?

— Очиқ гапирсам кўнглингизга олманг... Ўғлингиз Жавлон... Мактабни бу йил битирдимиз?

— Сен уни қаёқдан биласан?!

— Институтга ҳужжат топшираётган пайтда... танишиб қолдик.

Арслон аканинг бирдан шахти қайтди. Агар бу қиз Арслон аканинг ўғлини ўқишга киритиш ҳаракатида Ботирбековни қидириб юрганини билиб қолса нима дейди? «Менинг ўрнимга ўғлингизни олиб келиб ишлатинг!»— дейишдан ҳам тоймайди.

— Мен сени Яйра десам, сен жайра экансан-ку!— деди Арслон ака ўрнидан туриб.

— Жайрангиз нимаси?

— Одамга найзасини отадиган бир жонивор бор...

Хўп, Жайраҳон, агар ўқишга кирсанг... дуруст. Агар киролмасанг нима қиласан?

— Қайтиб келаман.

— Ундай бўлса, ишдан бўшаб нима қиласан? Отпуска ол-қўй!

— Отпуска вақти етмайди-да. Менга бир ярим ой керак.

— Бир ой ҳам етади.

— Менга етмайди! Бу йил яхшироқ тайёрланмасам, яна киролмайман!

— Об-бо!.. Хўп, майли, бир ярим ой бўлса бўла қолсин... Лекин битта шарт бор Мабодо ўқишга кириб кетсанг, биздаги ўрнингга албатта одам топиб келасан!

— Ие, мен қаёқдан топаман?

— Конкурсдан ўтолмаган ёшлар бўлади-ку. Ушалардан бошлаб келасан.

Яйра ўйланиб туриб, бу шартни қабул қилди. Шундан кейин Арслон ака унинг аризасига «отпуска берилсин» деб резолюция қўйди.

## 2

Арслон ака кечқурун ишдан чиққанда беш тонналик улкан самосвал уни йўл четида кутиб турар эди. Арслон аканинг персонал машинаси йўқ. Лекин бирор ёққа шошилаётган бўлса, мана шу самосвалнинг кабинасига ўтириб боради. Эрталаблари ҳам уни шу самосвал ишга олиб келади.

Ҳозир у каттакон самосвалнинг кабинасида одатдагидан ҳам кичикроқ кўриниб уйига қайтди. Таъби хира. Бугун кечқурун қабул масаласида Ботирбековга учраши кераклигини ўйласа кўнгли ғаш бўлади.

Уйга келса хотини унинг энг яхши ёзлик кўйлакшимини дазмоллаб, қора туфлисини ялтиратиб мойлаб қўйибди. Угли Жавлон ҳам кийиниб тайёр бўлиб турибди.

— Эркак одам совға-повға кўтариб юрсангиз ярашмас,— деди Арслон аканинг хотини ва энг қимматбаҳо гладнолуслардан териб олиб қилинган каттакон гулдастани кўрсатди:— Рустам акани диссертация ёқлагани билан табриклар, шу гулларни берасиз.

— Ёқлаганига тўрт йил бўлипти, гулнинг нима кираги бор?— деди Арслон аканинг энсаси қотиб.

— Ҳа, бўлмаса... янги уйга кўчганлари билан табриклайсиз.

— Ун йилдан бери борди-келди қилмай қўйиб, энди ишимиз тушганда гул кўтариб борамизми?

— Об-бо, мунча!.. Сизга оғирлик қилса, Жавлон кўтариб олсин.

Жавлон тўсатдан:

— Мен бормайман!— деб қолди.

— Нега бормас экансан?— деб ойсиз жеркиб берди:— Кичкиналингинг Рустам Ботирбекович сени қанча суйиб эркалатган! Бизниқига келди дегунча сени қўлига оларди. Энди сен ҳам бориб бир хабар олгин!

— Борсам ҳам, имтиҳонлар тугагандан кейин бораман!— деди Жавлон.

— Жиннимисан? Тўй ўтгандан кейинги ноғоранг кимга керак? Ҳозир даданг билан бориб, ўзингни бир танитиб қўй. Бўлмаса Рустам ака, «нега менга билдирмадиларинг», деб кейин гина қилади.

Жавлон савол назари билан дадасига қаради.

— Мен ҳам «ўғлимни суяб юборинг» деб, бўйнимни қисиб ялинмоқчи эмасман!— деди Арслон ака ўғлига.— Ҳаракатингни ўзинг қиласан. Сени Ботирбековга олиб бориб кўрсатиб келмасам, онанг қулоғимни тинчитмайди... Лекин билиб қўйинг,— деб Арслон ака хотинини огоҳлантирди:— Агар ўғлингиз бировларнинг ёрдамига ишониб бепарво бўлса-ю, ўтолмай қолса, ўзингиздан кўрасиз! Менга «ғинг» демайсиз!

— Мунча нафасни совуқ қиласиз! Сиз аввал Рустам акага яхшилаб тушунтиринг...

— Гулни кўтар!— деди Арслон ака ўғлига.

Жавлон ялтироқ қоғозга ўроғлиқ кўркам гулдастани истар-истамас қўлига олди.

Ота-бола Ботирбековнинг уйини топиб боргунларича офтоб ботиб кетди.

Рустам Ботирбекович кечки салқинда ишкомга нарвон қўйиб, хомтоқ қилаётган экан. У кўчадан гул кўтариб кирган Жавлонни танимади-ю, лекин Арслон ака гулдурак овоз билан салом берганда уни дарров таниди. Шу овози учун студент ўртоқлари Арслон акани «генерал» деб аташарди. Ҳозир ҳам Рустам Ботирбеков унга қучоқ очиб:

— Э-э, ўртоқ генерал, бормисиз оламда!— деб, ўпишиб кўришди.

Ичкаридан Ботирбековнинг хотини чиқди. Жав-

лон отасининг ишораси билан гулни Ботирбековнинг хотинига тутди.

— Янги уй-жойлар муборак!— деди Арслон ака.

— Раҳмат! Бу йигитча ким бўлди?

Жавлон жуда повча, бўйи отасига бир яримта келди. Арслон ака билан ёнма-ён турганда ҳеч ким уларни ота-бола демайди. Жавлон барваста қоматини хиёл эгиб, Ботирбековга қўл бериб кўришаётганда, Арслон ака уни мезбонларга:

— Уғлимиз Жавлон,— деб таништирди.

Ботирбеков ҳайрон бўлиб сўради:

— Қайси Жавлон? Уша ўзимиз кўтариб юрган ўғилчаларингми?

— Ҳа, ўша! Ҳозир бунинг ўзи биздақанинг иккитасини кўтаради.

— Замон яхши-да,— деб қўйди Ботирбеков.— Ҳозирги йигитларнинг кўпи оталаридан новча.

— Э, бу бобосига тортган,— деди Арслон ака,— раҳматли отам жуда барваста одам эдилар.

— Ҳар қалай,— деди Ботирбеков файласуфона оҳангда,— адолат кечикса ҳам, ахийри тантана қилипти.

— Қайси маънода?— тушунмай сўради Арслон ака.

— Шу маънодаки, тақдир сизнинг бўйингиздан уриб қолганини ўғлингизнинг бўйига қўшиб берибди.

Кула-кула айвонга чиқишди. Дастурхон атрофида чой ичиб ўтирганларида Арслон ака студентлик йилларини эслаб кетди:

— Рустамжон дейман, сиз билан биз кўп яхши вақтларда ўқиган эканмиз-да. Конкурс деган гапнинг ўзи йўқ. Аксинча, ўнинчини битирган болалар талаш. Қабул планлари тўлмаб қоларди-я! Институтга кирадиган болаларни излаб, областларга командировкага борар эдиг-а!

— Бунинг нимаси яхши? Аксинча, кирувчилар кўп бўлса, чертиб-чертиб, ўнтадан биттасини танлаб олганга нима етсин?

— Тўғри-ю, лекин баъзида... танлаб-танлаб тозига йўлиқиш ҳам мумкин-да.

— Баъзида бўладиганини қўйинг. Асосан ҳозирги ёшларнинг диди, савияси, ҳатто, мана, бўйи ҳам... баландлигини айтинг!.. Биз ўқиган пайтларни мақтадингиз. Ёшликда ҳамма мушукуллар ҳам осон кўрина-



ди-да. Бўлмаса сиз билан биз урушдан кейинги даврда анча қийналиб билим олганмиз. Эсингиздами, карточка билан беш юз грамм нон олардик. Талон билан ошхсчага борардик. Сувда қайнатилган макаронга қорнимиз тўйса, дўппини осмонга отардик. Институтга кирган болаларнинг кўпида савия паст эди. Абитурнент етишмагани учун ўрта мактабни чала битирганларни ҳам олишаверарди...

— Сиз ўшанда ҳам қабул ишларига қарашиб юра эдингиз чамаси?

— Ҳа, бир йил қабул планлари тўлмай қолиб, роса гап эшитганмиз... Институтга кираман деган аттестатли болалар етишмаган. Беш-олтита аттестатли қизларни институтга зўрға олиб келганимизда ота-оналари рози бўлишмай, қайтариб олиб кетишган.

— Ажаб даврлар экан-да!— деди Арслон ака таассуф билан.— «Институтда бола бузилиб кетади, қизлар ҳаёсини йўқотади», деб қўрқиб қочадиган одамлар ҳозир қани?

— Ушалар ҳам ҳозир ўғил-қизларини институтга киритиш ҳаракатида югуриб юришипти! Чунки одамлар ўқишнинг қадрини энди чинакам билди. Мен, шу кунларга қачон етаркинмиз, деб орзу қилардим, ўртоқ генерал! Биздан олдин Фурқатлар, Ҳамзалар, Абдулла Қодирийлар билимсиз одамларга: «Билим олинг, ўқинг, болаларингизни ўқитинг!»—деб куйиб-ёниб қанча асарлар ёзишган. Улар халқда билимга астойдил интиладиган одамларнинг бугунгидай кўп бўлишини орзу қилишган! Ҳозир мана шу орзуларнинг амалга ошганини кўрганда қувонмай бўладими? Майли, мусобақа бўлсин! Майли, конкурс қизисин, полвонлар майдонга кўпроқ чиқсин! Биз энг зўрларини саралаб оламиз! Олий мактабларимиз билими зўр, истеъдоди ўткир ёшлар билан тўлиб-тошади!

Арслон ака ерга қараб оғир тин олди-ю:

— Айтишга осон,— деди.— Лекин ўнтадан биттаси саралаб олинса, қолган тўққиз киши йиқилади.

— Хўш, «йиқилганда» тубсиз жарга йиқиладимиз?— сўради Рустам ака.

— Энди... жар бўлмаса ҳам... қанча уйларда хафачилик... Қанча одамнинг кўнгли чўқади...

— Мана бу гаплар ҳаммаси бидъат, Арслонжон! Ахир, институт бўлмаса ҳаёт бор! Завод, фабрика,

колхоз-совхоз, ҳаммаси ёшларга қучоғини очиб турибди-ку!

— Бировга бу гапни айтиш осон Аммо ўз бошингизга тушганда бошқача бўларкан...

— Менинг бошимга тушмапти дейсизми?.. Бурноғи йили ўртанча қизим ТошМИга киролмади... Медицина ни яхши кўрар экан... Яқинимизда битта болалар касалхонаси бор эди. Ўзига яраша бир ишга киргизиб қўйдим. Бир йил ишлади, тайёрланди, пишиди. Кейин, бултур кирди-кетди! Мен ўшанда хотинимга ҳам, қизимга ҳам айтдим. «Йиқилиш»ни фожиага айлантдириш — қолоқлик! Янги чиққан бидъат! Бундан қўрқмаслик керак. Йиқилишдан қўрққан полвон майдонга тушмасин — вассалом.

Ботирбеков студентлигида Жавлонга ўхшаган новча, ингичка йигит эди. Ҳаваскорлик тўғарагида Дон Кихот саҳнага қўйилганда бош ролни Ботирбеков ўйнаган эди. Чунки унинг табиатида ҳам Дон Кихотни эслатадиган нимадир бор эди. Шунинг учун ўртоқлари ҳазиллашиб уни «Ламанчлик Ботирбеков» дейишарди.

Ҳозир шу Арслон аканинг эсига тушди-ю:

— Энди, сиз нуқул... Ламанчдан келиб гапиряпсизда!— деди.

Ботирбеков ота-болага синчиклаб қаради-ю, бир нарсани сезгандай бўлди.

— Бу... сиз нуқул конкурсдан нолиб гапирасиз. Шу ташвиш бошингизда борми дейман-да, а?

— Бор-да, Рустамжон, бор. Мана бу Жавлонингиз...

— Нима, бизнинг институтга кирмоқчими?

— Ҳа, шу... сизнинг факультетингизга ҳужжат топширди.

— Ана холос! Факультетда мен қабул комиссиясига раис бўлганим дарров сизларга етиб боришти-да.

Шу вақтгача жим ўтирган Жавлон бошини силтаб кўтариб, отасига юзланди:

— Дада, буни менга нега айтмадингиз?

— Биз бу ерга тўғрилиқча келдик.

Рустам Ботирбекович кулимсираб қўшиб қўйди:

— Ун йилдан бери кўринмай қолган генерал бугун нега гул кўтариб келди десам, буёқда гап бор экан-да.

Жавлон сакраб ўрнидан турди:

— Кечирасиз, Рустам Ботирбекович! Мен ўқишга кирсам, фақат ўз кучим билан кираман! Хайр!

Жавлон пошналари билан йўлка ғишларини тақир-туқур босиб, кўча эшигидан чиқиб кетди. Бунинг нимасидир Рустам Ботирбековичга ёққандай бўлди. Арслон ака лаблари титраб, ўғлининг кетидан жўнаб қолмоқчи бўлганда, Ботирбеков уни қўлидан ушлаб тўхтатди:

— Шошманг, генерал. Ўғлингизнинг зардаси борга ўхшайди... Билими дурустми?

— Кўп фанлардан «беш» олган. Мактабни фахрий ёрлиқ билан битирди.

— Демак, «тўрти» ҳам бор. Лекин бизда конкурс жуда қаттиқ-да.

— Э, мен конкурсдан қўрқмайман!

— Бўлмаса нега бунақа қилиб, бошлашиб юрибсиз?

— Ҳар хил йўллар билан конкурсни четлаб ўтадиганлар кўп эмиш. Ушалар буни бир четга суриб ташламасин деб қўрқаман. Адолатсизлик бўлса, ҳимоя қилинг, деб келганман!

— Сиз майда гап одамларнинг «миш-мишлари»га кўп ишонаверманг. Билими зўр болаларни четга суриб ташлайдиган одам ҳали онасидан туғилгани йўқ! Сиз мени биласиз!.. Мен рўйи-хотирга борадиган одам эмасман! Мен раис эканман, биронта ҳам адолатсизликка йўл қўйилмайди!

Арслон ака Ботирбековга «сиз яна Ламанчдан келяпсиз» дегиси келиб қаради-ю, лекин кўнглини оғритмаслик учун:

— Хўп, мен сизга ишонаман, — деди. — Бу ишларга иккинчи аралашмайман!

— Жуда яхши қиласиз. Мана бу гапингиз менга ёқади!

— Фақат баъзида... дўппи тор келиб қолса, уйингизга телефон қилиб, арзимни айтсам... мумкинми, йўқми?

— Афсуски, уйимда телефон йўқ.

— Чини билан йўқми? Боя ичкарида аппарати тургандай бўлувди-ку!

— Аппаратини берган. Уч ой югуриб, ҳамма симларини ҳам ўтказдирганман. Энди бўш номер йўқ эмиш. Бир бюрократ пайсалга солавергандан кейин, мен ҳам принципга бориб, жуда қаттиқ гапирувдим. Принципим

қаттиқлигини биласиз-ку. Шунга ўчакишиб номер бер-  
маяптими, билмайман.

Арслон ака Ботирбековнинг «принципга бориб»  
қандай уришганини кўз олдига келтирди-ю, кулди:

— Биламан, сизга принципдан худо берган. Лекин  
телефон ўтказадиганларга қаттиқ гапириб бўладими!  
Уларга ялиниб юрганлар қанча! Бу ишни менга қўйиб  
беринг. Идорасида холаваччам ишлайди.

— Холаваччангиз?.. Менинг ошна-оғайнигарчиликка  
тоқатим йўқ! Яхшиси, сиз бу ишга аралашманг.

— Нега энди?

— Буёқда ўғлингиз масаласи бор... Ноқулай!..

— Э, сиз ҳадеб Ламанчдан келаверманг, ўртоқ  
Ботирбеков! Одам — одамга тўғриликча ёрдам бе-  
риши мумкин бўлмай қолдими? Ахир, студентлигимиз-  
да битта майиз топсак икковимиз бўлиб ер эдик-ку!

— Орамиз ҳамиша шундай мусаффо бўлса қа-  
нийди!

— Нима, сиз менинг беғаразлигимга энди ишон-  
май қолдингизми?

— Йўқ, ишонаман!

— Ё бўлмаса, телефон керак эмасми?

— Керакликка жуда керак. Шу зор қолгур билан  
бирпасда битадиган ишга одам кунни бўйи овора бў-  
лади.

— Ундай бўлса сиз жим туринг, сизни хафа қил-  
ган ўша бюрократни мен бир боппай-да, қонуний но-  
мерингизни олиб берай!

— Майли, ўртоқ генерал. Бўлмаса сиз менга тўғ-  
риликча бир кўмаклашинг.

— Албатта-да, ўртоқ Ламанчлик! Бизнинг бир-би-  
римизга кўмагимиз ҳамиша беғараз бўлади.

— Қўлни беринг!

Икковлари ҳалолу пок бўлишга қасамёд қилаёт-  
гандай тантанавор бир жиддийлик билан қўл олишди-  
лар.

### 3

Серҳаракат шаҳар кўчасида — хилма-хил маши-  
налар орасида битта қизил «Жигули» ҳам физиллаб  
бормоқда эди. Улкан самосвалнинг кабинасида ишдан  
қайтаётган Арслон ака қизил «Жигули»нинг чап то-  
мондан ўтаётганда кўрди-ю, унинг ичида ўтирган эру

хотинни таниди. «Жигули»ни Арслон аканинг телефон станциясида ишлайдиган холаваччаси Нафиса ҳайдаб бормоқда эди. Бу жувоннинг жисми исмига мутлақо ўхшамасди: елкалари кенг, қошлари пичоқнинг сопидай йўғон, калласи катта, бутун кўриниши эркаксифат. Енида ўтирган эри аксинча, нозиккина. Шунинг учунми, машинани доим Нафиса ҳайдайди.

Рустам Ботирбековга телефон номерини мана шу Нафиса тўғрилаб бериши керак эди. Арслон ака ўтган ҳафта унинг олдига бориб, ваъдасини олиб келган эди. Лекин Нафиса бугун-эрта деб, ишни ҳали ҳам чўзиб юарди. Арслон ака боя унга уч-тўрт марта телефон қилиб, жойидан тополмаган эди. Шунинг учун ҳозир пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Самосвалнинг шофёрига қараб:

— Мен ана шу қизил «Жигули»га ўтиб олишим керак,— деди.

— Бўпти.

Чорраҳага етиб борганларида қизил чироқ ёниб, йўл бекилди. Самосвал «Жигули»нинг ёнига яқин бориб тўхтади. Арслон ака кабинадан сакраб тушди-ю, то кўк чироқ ёнгунча «Жигули»га кириб, ўтириб олди.

— Тога, кўча қондасини буздингиз-ку,— деди Нафиса.

— Сен шунга мажбур қилдинг мени.

— Намунча?

— Ботирбековга номер бердиларингми, йўқми?

— Эртага бўлади, деб сўз беришди.

— Яна қуруқ ваъдами?

— Афсуски...— деди Нафисанинг эри Муборак.

— Э, ваъданинг қўнғироғи йўқ! Бизга жиринглайдигани керак, демаганмидим?

Нафиса чорраҳадан ўтди-ю, индамай машинага газ берди. Муборак ўнғайсизланиб:

— Билмасам, энди...— деди,— Рустам Ботирбекович менинг ҳам домлам. Нафисага ҳар куни айтаман.

Арслон ака Нафисага қараб ранжиб гапирди:

— Нега мунча пайсалга соласанлар? Гап нимада ўзи?

— Ростини айтайми?

— Айтавер!

— Телефоннинг бир сими бизнинг участкамизга илиниб турибди

Арслон ака истеҳзо билан сўради:

— Нима, яна ғишт билан тахта етишмаяптими?

— Қандоқ қилайлик, ахир, участка уч йилдан бери битмай ётипти. Эшик, дераза, том!..

— Лекин мени бу ишга аралаштирманглар. Мен қурилишдан битта пайраҳани ҳам четга чиқарган одам эмасман!

— Биламиз, сиз ҳалол ишлайсиз, тоға!— деб Муборак папкасидан уч-тўртта қоғоз олди.— Бизга сизнинг игнангиз ҳам керак эмас. Уз пулимизга мана бу қонуний қоғозлар билан базадан фанер ололмаямиз.

Арслон ака қоғозларга кўз югуртириб:

— Тўғри, бунақа нарядларга ҳозир фонд йўқ, — деди.

Нафиса йўлдан кўзини олмай, машинани учуриб борар экан:

— Базада сизни ҳаммалари билишади, тоға, бориб бир оғиз илтимос қилсангиз, беришади,— деди.

Арслон аканинг юраги безиллаб:

— Йўқ, йўқ, — деди.— Кейин улар ҳам бирорта ташвишни бўйнимга ортишади! Мен бунақа айланма йўллардан безор бўлганман!

Нафисанинг аччиғи келиб, машинасини янада тезроқ ҳайдай бошлади. Бир пайт «Жигули» муюлишдан чиқиб келган баҳайбат самосвалга бориб урилай деганда, Нафиса тормозни бор кучи билан босиб, рулни кескин буриб юборди..

Арслон ака аввал мувозанатини йўқотиб, эшик ойнасига пешонасини уриб олди. Кейин машина чуқурга тушиб, қаттиқ силкинганда боши шифтдан «калтак» еди. Ҳалиги қоғозлар ўриндиққа сочилиб кетди.

Муборак қоғозларни йиғиштирар экан:

— Вой, Нафисахон, секинроқ ҳайданг, илтимос! — деди.

Арслон ака пешонасини уқалаб, бошининг урилган жойини ушлаб кўрди. Нафисадан ранжиб:

— Бу нима қилганинг? — деди.— Қалтаклаганингми?

— Кечирасиз, тоғажон, мен... ану самосвални айланиб ўтишга мажбур бўлдим. Йўл меники эди. Лекин «ҳақман» деб тўғри бораверсам самосвалга бориб урилар эдик... Айланма йўлларни биз ҳам ёмон кўрамиз. Фақат баъзида одам ҳозиргидай мажбур бўларкан...

Нафисанинг нима демоқчи эканини Арслон ака дарров тушунди.

— Бу гапни қўй, жиян! Ботирбековга телефон ўтказиш учун ҳеч қандай айланма йўлнинг кераги йўқ! У одам симини ўтказдирган, пулини тўлаган! Унга аллақачон номер беришлари керак эди!

— Биз ҳам мана бу наряддаги фанерни аллақачон олишимиз керак эди!

— Сен буни фонд берилганда оласан!

— Бўлмаса, Ботирбеков ҳам номер бўшаганда олади!

— Тавба! Мен энди сен учун тахта базасига бўйнимни қисиб, ялиниб боришим керакми?

— Йўқ, бир оғиз илтимос қилсангиз бас!

— Кейин у ҳам менга бирон илтимос билан келадими?

— Илож қанча? Мен ҳам Ботирбековга мана шунақа илтимослар билан номер оламан!

— Уфф!

Арслон ака Ботирбековга катта гапирганидан энди пушаймон бўлди. Лекин айтганини қилмаса... нарёғи чатоқ.

Охири у Нафисага қараб:

— Майли, хўп, ҳайда ўша тахта базасига!— деди.

Нафиса дарров машинани ён кўчага бурди-ю, қушдай учириб кетди.

#### 4

Арслон ака ўғлини ўйлаб, куйиб-пишиб юрган мана шу дақиқаларда Жавлон салқин боғда, мажнунтол соясида ширин висол дамларининг завқини сурмоқда эди. У билан бир факультетга ҳужжат топширган Яйра имтиҳонларга бирга тайёрланишга рози бўлган эди. Жавлон эрталабдан бери боғнинг мана шу овлоқ жойида дарс тайёрлаб ўтириб, қизнинг шаҳло кўзларига, нафис лабларига, силлиқ юзига тўйиб-тўйиб қарарди.

— Мен шу иншодан қўрқаман-да,— деди Яйра.— Битта сўз гоҳ ундай ёзилади, гоҳ бундай. Тўғриси қанақа бўлишини билолмай гарангман.

— Қайси сўз, қани менга айт-чи.

— «Айт» эмас, «айтинг»! Мен сендан бир ёш каттаман.

— Катталинггни унута қол энди, Яйра! Сен билан биз бир авлодданмиз.

— Шошма, «унутиш»нинг буйруқ формаси қандай ёзиларди?

— «Унит!»

— «И» биланми? — Яйра китобни варақлаб, ўша сўзни қидириб топди: — Хато кетдинг, укам. Мана, «унут» ёзиларкан.

— Тавба! «Уруш»нинг буйруқ формаси «уриш!» ёзиларди-ку.

— «Уруш» феъл эмас, от. Мен боғдан келсам, сен тоғдан келаяпсан!

— Ҳозир мен ҳам сенинг битта хатойингни кўрсатайми?

— Кўрсат! — деди Яйра.

— Кўрсатиб, бўйнингга қўйсам нима берасан?

— Аввал бўйнимга қўй-чи!

— «Келаяпсан» дединг. Бу ерда битта «а» қисқариб кетади.

— Ҳа, рост-а, «келаяпсан» деб ёзиларди-ку. Шунақа «а»си қисқариб кетадиган яна қайси сўзлар бор эди?

— Масалан... «Ўпяпман...», «Кучяпман...»

Жавлон бу сўзларни айтаётиб, Яйранинг белидан қучоқлаб олишга интилди Лекин Яйра балиқдай чаққон силтаниб унинг қўлидан чиқди-да:

— Яна бир мисол: «Ҳаддингдан ошяпсан», — деди.

— Бўлмаса яна бир мисол: «Яйранинг ёнида яйраб кетяпман».

Яйра ўрнидан туриб, хипча белли пуштиранг крепдешин кўйлагининг уёқ-буёғини тўғрилаб қўйди. Жавлонга жиддий кўз ташлаб:

— Сенга ҳамма нарса ўйиндай осон! — деб қўйди.

Жавлон бу гапни ҳам ҳазилга бурди:

— Чунки мен қийинчилик кўрмай ўсган эркатойман, шундайми?

— Даданга ишонсанг керак-да. Ботирбеков Арслон аканинг дўсти эмиш-ку.

— Э, мен дадамнинг дўстига ҳам очиғини айтдим. Қирсам ўз кучим билан кираман, ёрдамлари керакмас!

— Сен ҳали осмонда юрибсан. Эрта-индин ерга тушарсан, конкурс нималигини биларсан.

— Кўпни кўрган кайвонига ўхшаб гапирасан-а?

— Ҳа, тақдиринг ҳал бўладиган пайтда энгилиб чиқсанг, бир кунда кексайиб қолгандай бўларкансан...

— Об-бо! Мунча ваҳима қиласан?

— Ваҳима эмас... Бултур мен буни бошимдан кечирганман... Нима бўлиб, эркин темада иншо ёзган эдим. Сарлавҳаси: «Менинг ҳаётдаги олий мақсадим». Роса



берилиб ёздим. «Олий мактаб мени олий мақсадимга олиб боради, бахтимнинг калитини топиб беради» деган гаплар билан саккиз бетни тўлдирибман. Вақт тугаб қолганини сезмабман. Уқитувчи: «Тез бўлинг!» — деб қолди. Ҳали оққа кўчиришим керак. Бошқалар топшириб чиқиб кетишяпти. Охирида жуда шошдим... Иншони топшираётганимизда имтиҳон варақаларимизни ҳам олиб қолишди.

— Нега?

— Кўп одам ёзмадан йиқилиши маълум-да. Йиқилганларни кейинги имтиҳонга киритишмайди. Имтиҳон варақасини қайтариб беришмайди. Имтиҳон варақаси йўқларга ҳамма эшиклар бекилади. Конкурсадан чиқади-кетди. Ичкарига киргизмай қўйишади. Мен шуни ўйлаб, юрагим така-пука бўлиб юрибман. Лекин ҳеч бўлмаса «уч» оларман деб ишонаман. Чунки иншони юракдан чиқариб ёзганимни биламан... Орадан уч кун ўтди... Имтиҳон варақамиз бўлмагани учун ичкарига киролмаймиз. Нуқул ўқув корпусининг атрофида айланишиб, натижани кутамиз... Тўртинчи кун ичкаридан рўйхат кўтарган бир йигит чиқди. Ҳаммамиз уни ўраб олдик. Йигит подъездга битта стул қўйиб, шунинг устига чиқди-да:

«— Уртоқлар, яхшилаб қулоқ солинглар! — деди.— Мен ҳозир ёзмадан «икки» олиб, конкурсадан чиқиб кетганларнинг рўйхатини ўқийман».

Ҳаммамиз жим туриб, рўйхат ўқиётган йигитнинг оғзига тикиламиз. Одамга ўзининг исми-фамилияси бунчалик ёмон эшитилишини мен аввал ҳеч кўрмаган эдим. Рўйхат алифбе бўйича тузилган экан.

«— Абдураҳмонов Али.

— Абдураҳмонов Карим».

Тўпланганлар орасида ёшгина бир йигит худди ўқ теккандай «их!» деди. Ранги қув ўчиб, кўпчиликнинг орасидан чолдай мункиллаб чиқа бошлади. Ҳамма унга индамай йўл берди.

Рўйхат ҳамон ўқияпти:

«— Бозоров Рустам.

— Бўрибоева Малоҳат».

Қишлоқча кийинган чиройлигина бир қиз ёнидаги дугонасини қучоқлаб: «— Вой, мен!» — деди-ю, йиғлаб юборди.

«— Малоҳат, ўзингни бос, Малоҳат!» — деб дугонаси уни суяб, халойиқ орасидан олиб чиқиб кетди.

Рўйхат ўқилгани-ўқилган:

«— Тўхтаева Зарифа.

— Тўхтамуродов Абдусалом».

Офтобда қорайган дўлвор бир йигит кулимсирашга тиришиб, лаблари титраб:

«— Тутдай тўкяпти-ку, шоввозлар»,— деб қўйди.

Рўйхат ўқилган сари халойиқ камайиб боряпти. Алифбе фамилиямга яқинлашган сари юрагим зир титрайди. Зора номим чиқмаса! Зора «уч» олган бўлсам! Шунда ҳалиги йигит бирдан:

«— Умаржонова Яйра!» — деб қолди. Қулоқларимга ишонмай:

«— Йўқ, йўқ, бу хато!» — деб юборибман.

Рўйхат ўқиётган йигит ҳайрон бўлиб тўхтади:

«— Нимаси хато? Умаржонова Яйра сизмисиз? Рўйхатда бошқа Умаржонова йўқ».

«— Ишонмайман! Мен яхши ёзганман! Ноҳақ «икки» қўйиншган!»

Шундай деб, ичкарига қараб интилдим. Енгига қизил латта боғлаган навбатчилар йўлимни тўсишди. Тўполон бўлиб кетди... Шовқин кўтарганимдан кейин ичкаридан иншоимни топиб чиқиб кўрсатишди. Оққа кўчирганимда шошилганим учунми, саккиз бет қилиб чўзиб юборганимгами, хато кўп чиқибди. Қизил сиёҳ теккан жойлари кўзимга балодай кўринди...

Жавлон оғир тин олиб:

— Бекор шовқин кўтарибсан-да,— деди.

— Ҳа, ўлганнинг устига тепгандай... Жуда ўсал бўлдим. Одам енгилганда ўзини йўқотиб қўйиб, хунук ишлар қилганини сезмай қолар экан.

Жавлон Ботирбековнинг уйига борганда эшитган сўзларини эслади:

— Ҳақиқатан бунни фожиага айлантириш керак эмас экан-да. Кўнгилни кенг қилавериш керак экан. Уқиш бўлмаса, иш... Мана, ойдаи бўлиб юрибсан-ку.

— Қизиқсан-а! Яна йиқилсам ҳам майли, деб бепарво юраверайми?

Жавлон ўйноқи, шўх оҳангда:

— Қўрқма, йиқилсанг ер кўтаради,— деб қўйди.

Яйра китоб-дафтарларини йиғиштирди-да:

— Энди якка ўзим тайёрланаман,— деди.— Имтиҳонда учрашамиз. Хайр!

Яйра боғдан ёлғиз чиқиб кетди.

Арслон аканинг фидокорона югуришлари натижасида Ботирбековнинг уйида ҳам телефон жиринглай бошлади. Рустам Ботирбеков телефон трубкасини биринчи кун қўлига олиб, қулоғига тутганда юзи қувончдан балқир эди.

— Алло!.. Лаббай!.. Э, ўртоқ генерал, раҳмат!

Трубкадан Арслон аканинг шўх овози эшитилди:

— Ишқилиб, энди мунча Ламанчдан келавермай, бизнинг арзи-додларга ҳам қулоқ солиб турарсиз?

Ботирбеков жиддий жавоб берди:

— Биз ҳамиша адолат хизматидамиз, дўстим! Сизга ким адолатсизлик қилса, мана, биз қалқонмиз!

Рустам Ботирбекович трубкани қўйди-ю, беҳад мамнун қиёфа билан уйни бир айланиб чиқди. У телефоннинг яна жиринглашини истарди. Ҳали бу жиринглаш унга энг ёқимли музикадай тансиқ туюларди. Лекин чиройли оқ телефон узоқ вақт жим туриб қолди. Бузилмадимикин? Рустам Ботирбекович трубкани кўтарса, вангиллаб ишлаяпти. Фақат кўп одам унинг телефони борлигини ҳали билмайди. Шунинг учун телефон ишсиз қолиб, гўё зерикиб турибди.

Рустам Ботирбекович бу зерикишга барҳам бергиси келди. Телефон номерлари билан тўлган блокнотини топди-да, энг яқин ёр-дўст, таниш-билиш, қариндош-уруғларга бир-бир қўнғироқ қилиб чиқди. Албатта, ҳаммалари Ботирбековни телефонли бўлгани билан табрик-лаб, номерини яхшилаб ёзиб олишди.

Шундан кейин Ботирбековнинг телефони кун сайин, ҳатто соат сайин бийронлашиб, тез-тез жиринглайдиган бўлиб қолди.

Ёқимли «музикага» ҳали унча қонмаган Рустам Ботирбекович дастлабки кунларда трубкани доим ўзи олар ва хушхабар кутиб:

— Лаббай!..— дерди.

Лекин хушхабар ўрнига нуқул ташвишни орттирадиган гаплар кўпая бошлади.

Кечаси соат ўн бирларда товушидан кексайиб қолгани билиниб турган бир одам қўнғироқ қилиб:

— Мен тоғангизнинг амакиваччасиман,— деб қолди.— Раҳматли отангизга кўп яхшиликлар қилганман. Сизни ҳам доим дуо қилиб юраман. Илоҳим, тупроқ олсангиз олтин бўлсин, Рустамжон! Кенжатой ўғлим

институтларингизга кирмоқчи. Шунга бир ёрдам қилиб юборинг!

Рустам Ботирбекович «отасига кўп яхшиликлар қилган» бу кекса қариндоши билан сўнгги беш йилдан бери кўришмаган ва гаплашмаган эди. «Телефонни унга ким бердийкин?»— деб ҳайрон бўлди. Дўстингнинг ҳам дўсти бор, қариндошингнинг ҳам қариндоши, деганларидек, Ботирбековнинг телефон номери оғиздан-оғизга ўтиб, ҳозир унга «иши тушиб» турган одамларнинг кўпига маълум бўлган эди.

— Қўлимдан келган ёрдамимни сиздан аямайман, амаки,— деди Рустам Ботирбекович трубкага.

— Раҳмат сизга! Раҳмат! Энди... ишонсам бўладими?

— Нимага ишонасиз? Қиришигами? Мен бунга кафолат беролмайман, амаки! Нега десангиз, конкурс катта. Кирувчилар кўп.

— Ана шуниси бошга битган бало бўляпти-да!

— Сиз бундай гапни қўйинг, амаки! Урта маълумотлилар кўпайган бўлса, бу жуда яхши. Биз бунинг учун қанча курашганмиз.

— Хўп-хўп, мен кексалик қилиб хато гапирган бўлсам, айбга буюрманг. Ишқилиб, кенжатоимни бир суяб юборсангиз бўлди.

— Лекин, «ўтади» деб ваъда беролмайман. Хайр!

Рустам Ботирбеков: «Битта қариндошнинг дилини оғритдим-а», деб таъби тирриқ бўлиб турган пайтда яна кўнғироқ жиринглаб қолди. Бу гал аёл киши:

— Жон, Рустамжон ака, — деди, — биттагина қизим ўқишга киролмай юрибди. Шунга ёрдам бериб юборинг!

— Биз барчага баробар ёрдам берамиз,— деди Ботирбеков.— Бу — кўпга келган тўй. Мусобақада ким зўр чиқса, марра ўшаники!.. Хайр!

Трубка жойига қайтиб тушди.

Боя шундай жозибали кўринган оқ телефон энди Ботирбековга алланечук таҳдид солиб тургандай бўларди. У аппаратга хавотирли бир назар ташлаб қўйди-да, ётоқхонага кириб кетди.

Ярим кеча. Ботирбеков чироқни ўчириб, хотини ётган қўшқаравотга энди чўзилган ҳам эдики, телефон устма-уст жиринглашга тушди.

Ботирбеков инқиллаб бориб трубкани олди:

— Лаббай!.. Нима? Яна ўқишга киришми? Ахир менинг шахсий институтим йўқ, ҳаммани киргизолмайман!

У трубкани қўйиб, энди бориб ётган эди қўнғироқ яна жириглашга тушди. Рустам ака хотинига ялинди:

— Сендан илтимос, бориб айт, мен уйда йўқман!

Навбатдаги қўнғироққа:

— Рустам ака уйда йўқлар! — деган жавоб бўлди.

Сал ўтмай яна қўнғироқ жириглади. Ботирбеков уйдан ҳовлига қочиб чиқди.

У ток сўрисининг тагига йиғма каравот қўйиб, энди чўзилганда, ичкаридан хотини телефонни узун шнури билан кўтариб чиқди.

— Рустам ака, менинг аммам!

— Мен йўқман! Йўқман!

— Овозингиз эшитилди-ку. Хафа бўладилар!

Ботирбеков афтини буриштириб келиб трубкани олди:

— Лаббай! Салом!.. Э, яна ўша гапми? Ахир менинг қўлимдан келмайди!

Трубка шақиллаб жойига тушди. Ботирбековга хотини:

— Сал мулойимроқ жавоб берсангиз бўлмайди-ми? — деди.

— Мулойим жавоб берсам ёпишиб олишади.

— Бунақада ҳамма қариндош-уруғлардан айриламиз-ку!

— Нима қилай бўлмаса? Нима килай!

Телефон яна жириглай бошлади. Ботирбековнинг хотини трубкани олди:

— Рустам ака йўқлар! Уйда йўқлар!

Трубка жойига қўйилиши билан яна жириглади.

Рустам Ботирбекович сўрида осилиб турган тоққайчини олди. Узун шуурли телефон тинмай жириглапти. Ботирбеков унга жонли бир нарсага қарагандай озорланиб тикилди. Сўнг битта-битта юриб аппаратга яқинлашди. Узун шуурни қаҳр билан босиб:

— Мана шу қўли узун нарса мени ҳамма илтимосчиларга тутиб беряпти? — деди.

Телефон ҳамон тўлиб-тошиб жиригларди. Ботирбеков кўзлари чақчайиб:

— Бас! — деди-ю, узун шуурни тоққайчи билан шартта қирқиб ташлади. Телефон бирдан жон берди. Ҳаммаёқ тинчиди.

Институтнинг қўшқаватли биноларида одам қайнайди. Йўлкаларни, подъезд эшикларининг олдини халойиқ селдай босган.

Қизил «Жигули» одамлар тўлқинини шиддат билан ёриб ўтиб, бош подъездга яқинлашганда тўхтади. Машина рулидаги Нафиса эрига буйруқ оҳангида шивирлади:

— Гап шу. Холамнинг қизини ўзингиз имтиҳон оладиган группага ўтказинг. Бўлмаса йиқилади.

Муборак озорланиб деди:

— Акангизнинг ўғли... Холагизнинг қизи... Қайси бирига қарашай? Кошки осон бўлса!

Нафиса эрини силтаб ташлади:

— Лекин менга миннат қилманг! Профессор билан биз гаплашмаганимизда Ботирбеков сизни ассистентлар қаторига қўшмасди!

— Вой, хўп, бу яхшилигингиз учун раҳмат! Топширигингизни бажарсам бўлдимиз?

— Бўлди. Тушинг!

Муборак машинадан тушиб, эшикни ёпган заҳоти қизил «Жигули» силкиниб қўзғалди-ю, кескин бурилиб, жўнаб кетди.

Эркаксифат хотинининг буйруқлари ва қўполликлари назокатли Муборакка жуда оғир туюларди. У атрофига қараб, гулдай нафис қизларни кўрди-да, юраги эзилиб «ух» тортиб қўйди.

Хусусан, дарахт соясида турган ана у жозибали қиз... Муборак уни қаердадир кўрганини эслади. Бултурги имтиҳонда ёзмадан «икки» олиб, тўполон кўтарган қиз эмасми? Муборак бирдан унинг исмини ҳам эслади: Яйра! Исми жисмига монанд. Бу чиройли қизга қараганида унинг вужуди ҳам яйраб кетгандай бўлди. Муборак кулимсираб қизнинг ёнига келди:

— Яйрахон, салом!

Қиз уни тезда таниёлмади.

— Бултурги ёзма иш... мен рўйхат ўқиётганимда...

Сиз...

Яйра «икки» олганларнинг рўйхатини кўтариб чиқиб, стулнинг устида туриб ўқиб берган нозиккина йигит мана шу одам эканини энди эслади. Саросима бўлиб:

— Вой, сиз бу йил ҳам имтиҳон оласизми? — деди.

— Мен бултур имтиҳон олганим йўқ, фақат домла-

ларга қарашиб юрган эдим.— Муборак оғзини Яйранинг қулоғига яқинлаштириб, сирдошларча шивирлади: — Мен бу йил ассистент бўлдим. Имтиҳонларга энди кирман.

Яйра унга алланечук ҳайқииб кўз ташлар экан:

— Яхши бўлипти,— деди.— Ёзгани ҳам сиз ола-сизми?

— Ҳа.

Муборакка қизнинг ҳайқиши ёқиб кетди. У энди хийла дадилланиб:

— Бу йил энди бултургидай бўлмайди, Яйраҳон,— деди ва «биз бормиз» дегандай кўкрак кериб қўйди.

— Раҳмат, домла.

Муборак қошини чимириб, соатига қараб олди.

— Бўлмаса, бугун имтиҳондан кейин бир учрашамизми?

— Шу ердами? — деди Яйра сергакланиб.

— Йўқ, холироқ жой керак. Мен сизга... Йўл-йўриқларини тушунтириб қўймоқчиман.

— Қаерда?

— Холамнинг уйида... Сиз тортинманг. Холам жуда яхши хотин.

Яйра Муборакнинг кўзига тикилиб қараб, қандайдир нияти борлигини пайқади.

— Кечирасиз, мен нотаниш жойга боролмайман.

— Э, қўрқманг, мен сизга яхшилик қилмоқчиман!

— Қайдам...

Муборак бирдан хафа бўлди.

— Агар яхшиликни истамасангиз... унда ўзингиз биласиз!

Яйра бугунги ёзма имтиҳондан қўрқиб, юраги увушиб турган эди. Энди шунинг устига бу ёш домла билан ўчакишиб қолиш беҳад ваҳимали туюлди.

Муборак ўгирилиб кетмоқчи бўлганда, Яйра:

— Домла, шошманг! — деди.— Мен ўйлаб кўраман.

Муборак бир лаҳза тўхтаб:

— Бўпти, жавобини ичкарида айтасиз,— деди ва ўқув корпусига қараб кетди.

У кетиши билан Яйранинг ёнида Жавлон пайдо бўлди. Яйра лабини асабий тишлаб, саросима бўлиб турган эди. Жавлон унинг юзига тикилиб туриб сўради:

— Бирон гап бўлдими? Муборак сенга нима деди?

— Қайси Муборак?

— Ҳозир сен билан гаплашган ёш домла-чи.

— Сен уни қаёқдан биласан?

— Хотини дадамга холавачча бўлади.

Яйра ҳанг-манг бўлиб:

— Ие, хотини ҳам борми? — деди.

— Шундай хотини борки, Муборак ундан ўлгудай қўрқади.

— Шундай дегин!

— Ҳа, унинг олдида Муборак эр эмас, хотин бўлиб кетади!

Яйра бир лаҳза ўйланиб турди-ю:

— Таваккал!— деди Жавлонга.— Бугун кечқурун мени Муборакнинг хотини билан таништириб қўясанми?

— Майли. Нима гап бўлди ўзи?

— Кейин айтаман. Лекин Муборак бунни билиб қолмасин.

Улар имтиҳон варақаларини эшикда турган навбатчиларга кўрсатиб, ичкарига кирдилар.

Зинапоядан юқорига чиққанларида узун коридорнинг бир муюлишида ёлғиз турган Муборак кўринди. Унинг кўзи Яйрада эди.

Яйра Жавлонга:

— Сен боравер,— деб шивирлади-да, ёлғиз ўзи Муборакнинг ёнига келди. Муборак умид билан:

— Яйрахон, кечқурун кутайликми? — деб шивирлади.

Қиз ҳам паст товуш билан:

— Бугун эмас,— деди.

— Эртагами?

Қиз рози бўлиб бош ирғади.

## 7

Яхши кийиниб, силлиқ тараниб, ихчам бир папкани қўлтиққа қисиб олган Рустам Ботирбекович зинапоядан шипиллаб юқорига чиқиб келмоқда. Иккинчи қаватда қўлларига қизил боғлаган уч-тўртта йигит чақчақлашиб, кулишиб турар эди. Ботирбеков пайдо бўлди-ю:

— Жим! — деб ўшқирди.

Йигитлар уни таниб дамлари ичига тушиб кетди.

— Ичкарида одамларнинг тақдири ҳал бўляпти! — деди Ботирбеков.— Шарпа эшитилмасин!

— Хўп, домла!

— Хўп!

Ботирбеков жимжит коридорлардан ўтиб, эшигига



«Буфет» деб ёзилган хонага кирди. Тухум, пирожки ва қаҳваларга разм солиб чиққач, буфетчи аёлдан сўради:

— Қани, бу... муздай сувлар нега йўқ?

— Илиқ компотимиз бор.

— Мен сизга, салқин тутадиган нарсани кўпайтиринг, демаганмидим?! Ичкарида полвонлар курашяпти! Уларга сиз ҳам ғамхўрлик қилишингиз керак!

— Ғамхўрлик қилмай нима, арақхўрлик қилипманми?

— Бўлди, бўлди! Буюрилган ишни тезроқ бажаринг!

Ниҳоят Ботирбеков имтиҳон олувчи домлалар тўпланган хонада пайдо бўлди. У ҳамманинг кўзи олдида сургучланган пакетларни очиб, бугунги ёзма ишлар мавзусини домлаларга кўрсатди.

— Уртоқлар, давлатимиз бизга юзлаб ёшларнинг тақдирини ишониб топширган...

Орқароқда ўтирган Муборак ёнидаги жувонга шипшиди:

— Энди домла роса чўзадилар.

— Ҳа, қирқ беш минут!..

Ботирбеков чуқур эътиқод билан узоқ гапирди. Охирида:

— ...Мен сизларга ишонаман, аммо вазифа жуда мушкул, — деди.

— Муҳит таъсир қилиши мумкин, — деб Муборак луқма ташлади.

— Ҳар қандай таъсирлардан юқори туриш учун, — деди Ботирбеков, — биз бир йўл топдик. Кирувчилар ёзган иншоларнинг ҳар бирига исм-фамилия ўрнига махфий шифр қўйиб берамиз.

— Вой-бўй, юзлаб ишларга шифр қўйиш... Бунга ҳам биз қиламизми? — деди домлалардан бири.

— Йўқ, бу ишни алоҳида жойда махсус одамлар қилади. Сизлар қайси иншони ким ёзганини мутлақо билмайсизлар. Фақат сифатига қараб баҳо қўясизлар. Ана шунда баҳо ҳолисона бўлади.

Муборак кўзлари аланг-жалаңг бўлиб, ташвишга тушиб қолди.

\* \* \*

Амфитеатр шаклида қурилган катта аудиторияда юзга яқин йигит-қизлар иншо ёзишяпти. Уларнинг орасида ҳали она сути оғзидан кетмаган тажрибасизлари ҳам

бор. Булар алланечук жуда толиқиб қолган, юзларида саросима, кўзларида қўрқув.

Лекин олдинги қаторда ўтирган солдат гимнастёркасидаги бир йигитнинг кўриниши мардона. Узини босиб олган, чиниққан кишиларга хос қатъият билан қалам тебратяпти.

Жавлон гўё имтиҳонда ўтирганини ҳам унутган: берилиб ёзади, баъзи сатрларни ўчиради, яна ёзади. Четроқда ўтирган Яйранинг ручкаси эса дам-бадам тўхтаб қолади. Гоҳо у тўрда, мавзуларнинг номи ёзилган қора доска олдида айланиб юрган домлаларга қараб қўяди. Икки домланинг бири Муборак. У иншоларга шифр қўйилишини эшитгандан бери безовталаниб қолган. Ҳозир ўйланиб-ўйланиб, ниҳоят, бошқа бир йўлини топгандай бўлди.

Юзлари ёришиб, Яйрага яқинлашди. Унинг елкаси оша ёзганларига кўз ташлар экан, оғзини қизнинг қулоғига яқинлаштириб пичирлади:

— Иншолар шифрланадиган бўлди. Шунинг учун оққа кўчирганда мана бу ерига белги қўйинг.

Муборак қўли билан иншонинг плани ёзилган сатрларнинг тагини кўрсатди.

— Қанақа белги? — шивирлади қиз.

— Иккита ярим ой. Ҳилол қошларингизга ўхшаган белги.

Сўнги сўзлар Яйранинг ғашини келтирса ҳам, у узини босиб, «хўп» дегандай бош ирғади.

Муборак бошқа қаторларга ўтиб кетди. Жавлон ўзини эшитмаганга солиб жим ўтирган бўлса ҳам, Муборакнинг сўзлари қулоғига чалинган эди. Муборак узоқлашиб кетгандан кейин Жавлон Яйрага аччиқ қилиб шивирлади:

— Жуда топишибсанлар-ку!

Жавлоннинг рашки келаётганини сезган Яйра шўх кулимсираб:

— Ишинг бўлмасин! — деди ва бояги ярим ой белгисини Жавлоннинг иншосига ҳам чизиб қўйди.

Жавлоннинг ғаши келиб:

— Бу нима қилганинг?! — деди.

Яйра Муборак кетган томонга ишора қилиб:

— Бир боплансин! — деди.

Шунда Жавлон унинг нияти бошқачалигини пайқадди-ю, орқага ўгирилди. Қийналиб ўтирган бир йигитчага шивирлади:

— Белги қўй. Яхши баҳо оласан!

Шундан кейин яна бир иншонинг план ёзилган жойдан пастига иккита ярим ой белгиси қўйилди.

8

Тун. Стол лампасининг ўткир ёруғида Муборак иншоларни текширмоқда. Стол устида уч хил рангли учта сиёҳдон ва учта ручка турипти. Даста-даста иншолар. Муборак улардан бирининг хатоларини қизил сиёҳ билан тузатиб, чизиб, тагига катта қилиб «2» қўйди. Сўнг навбатдаги иншога ўтди. Бирдан унинг кўзи иккита ярим ой белгисига тушди. Белгини кўзларига яқин келтириб қаради. Қувониб:

— Яйраҳон! — деб қўйди.

У сиёҳнинг худди шу иншодаги каби сафсар ранглисини танлади. Саҳифаларнинг у ер-бу ерида учраган имло хатоларни авайлаб, билинтирмай тузатди. Сўнг охириги саҳифанинг тагига қизил сиёҳ билан «5» қўйди. Қўллари ни мамнун ишқаб, навбатдаги иншони очди.

Ажабо! Бунда ҳам иккита ярим ой белгиси турипти.

Муборак ағрайиб қолди. Сўнг яна битта иншони очди. Бунда ҳам ўша белги. Стол устида ўшанақа белгиси бор иншолардан яна учтаси пайдо бўлди.

Қайси бири Яйраники? Билиб бўлмайди. Ҳаммасида бир-бирига ўхшаган рақамлар, эгаси кимлигини билдирмайдиган шифрлар.

Муборак ўсиқ сочини чангаллаб: «Энди нима қиламан?» — деб ўрнидан туриб кетди. Шу пайт хотирасида Ботирбековнинг товуши худди радиокарнайдан келаётгандай варанглаб эшитиларди:

«Ҳар бир «беш» билан ҳар бир «икки»ни мен ўзим қайта текшириб, тасдиқдан ўтказаман», — деган эди Ботирбеков.

Муборак қўрқиб столдан орқага чекинди. Шунда Яйранинг чиройли юзи кўзига кўриниб кетди. Хаёлида қиз ундан: «Шунчалик қўрқоқмисиз?» — деб сўрагандай бўлди.

«Йўқ! Бошим кетса ҳам сени дейман!» — шивирлади Муборак ва қолган уч иншога ҳам бирма-бир «5» қўйиб чиқди.

Эртаси куни у Яйра билан учрашиш учун холасининг уйига йўл олди.

Атрофи шинам уйлар ва баланд деворлар билан ўралган жажжигина ҳовли. Айвонга стол қўйилган.

Дастурхонда узум, нок, қовурилган товуқ, бир шиша боши олтин шампань виноси, яна бир шиша беш юлдузлик коньяк турибди. Аммо қадаҳлар фақат иккита. Стул ҳам бир жуфт. Вилкалар ҳам бир жуфт. Муборак вилкаларни артиб, иккита оқ салфеткани икки томонга қўйди.

Сўнг у столга разм солиб, қаноат ҳосил қилгач, айвонда осифлиқ турган кичкина ойнага ўзини солиб қаради. Худди қиз-жувонларга ўхшаб уёқ-буёғини тўғрилади, бармоғини ҳўллаб, сочининг бир неча толасини бураб, пешонасига жингалак қилиб тушириб қўйди.

Шундан кейин деразалари айвонга очиладиган ичкари уйга рўпара бўлди. Мулойим, нафис товуш билан:

— Ҳой, Яйрахон, стол тайёр, чиқинг! — деди.

Очиқ деразадан бошига оқ рўмол ташлаган, «қичиқ» атлас кўйлак кийган Яйра кўринди.

— Мунча шоширасиз? Ё холангиз келиб қоладиларми?

— Э, холам курортга кетган, — деди Муборак. — Бир ойсиз келмайди. Ушангача бу уй икковимизнинг ихтиёримизда!

Яйра истехзоли кулиб:

— Ҳо, бу уйнинг битта калити хотинингиздадир? — деди.

— Бу калит — бахтнинг калити! Бунини мен хотинимга бериб бўлман! Хотинимнинг ўнтаси сиздек пари қизнинг тирноғига ҳам арзимайди!

— Вой, бўлмаса нега уйлангансиз?

— Мен «тузоққа» тушганман, Яйрахон... Уёғини кейин айтиб бераман.. Лекин ҳозир жуда куйиб юрибман. Фақат оти Нафиса. Узи эркаклаб кетган сабзидай қўпол, хунук. Менга ҳеч муносиб эмас.

— Рост, сиз жуда... қиздаккинасиз.

— Шунинг учун бизга сиздаккинаси керак-да, Яйрахон!

Ичкари уйда бир нарса тарақлагандай бўлди. Муборакнинг юраги «шув» этиб:

— Ичкарида биров борми? — деди.

Яйра кулиб туриб:

— Мен деразани очган эдим, шамол тақиллатгандир, — деди.

— Мен ҳозир кириб ёпаман! — деб Муборак эшикни очмоқчи бўлди. Лекин эшик ичидан берк эди.

— Вой, кирмай тулинг, кийиняпман! — деди Яйра ва кўздан ғойиб бўлди.

Муборак айвонда яна бирпас кутди-ю, охири тоқати тоқ бўлиб, очиқ деразининг рўпарасига келди:

— Яйрахон, агар чиқмасангиз, унда ўзим кираман!

Ичкаридан энгилгина кулги товуши эшитилди. Муборак дадилланиб:

— Кираверайми? — деди.

Ичкаридан садо чиқмай қолди. Шундан сўнг Муборак эшикни итарган эди, очилиб кетди. Юраги гурсиллаб уриб ичкарига кирса, нимқоронғи уйда бошига келинчаклардай оқ ҳарир рўмол ташлаган, атлас кўйлак-ли жонон турибди.

Муборак қуруқшаган лабларини ялаб:

— Яйрахон! — деди.— Юзингизни мендан тўсманг. Мен сиз учун жонимни бераман! Биласизми, мен иншонгизга «беш» қўйдим. Сиз туфайли яна учта иншога ҳам «беш» қўйдим!

Қиз ҳайкалдай қотиб жим турибди. Унинг гавдаси Муборакка энди Яйранинг гавдасидан йўғонроқ кўринди. Муборак яқин бориб, унинг юзидаги оқ ҳарир рўмолни очди-ю, даҳшатга келиб:

— Вой! — деб юборди.

Яйрага ўхшаб турган бу келинчак Муборакнинг хотини — Нафиса эди.

Кеча Яйра Жавлоннинг ёрдамида Нафиса билан яккама-якка учрашган ва Муборакнинг ниятини айтиб берган эди. Нафиса эрини гуноҳ устида қўлга тушириш режасини тузди. Курортга кетган холалари Муборакка уйнинг фақат битта калитини бериб кетган эди. Нафиса Муборак ухлаганда унинг чўнтагидан бу калитни олди-да, азонлаб туриб, холаларининг уйига келди. Бу ерда Жавлон уни кутиб турган эди. Нафиса уйни очиб, ичкари кирди. Кейин Жавлон уйни яна қулфлаб, таксида Нафисаларникига қайтди. Муборак ҳали ҳам ухлаб ётган эди. Жавлон секингина кириб, калитни унинг чўнтагига солиб қўйди. Ошхонадаги столда Нафиса, «мен ишга кетдим», деган ёзув қолдирган эди.

Кечки пайт Муборак Яйрани холасиникига бошлаб келганда, Нафиса ичкаридаги хонада беркиниб ўтирар эди.

Муборак стол тузаётганда Яйра ичкарига кириб, гўё

Ўзига узоқ вақт зеб берди. Муборакни эса «мен ясаньяпман» деган баҳона билан айвондан ичкарига киргизмади.

Нафиса эрининг айвонда туриб Яйрага айтган ҳамма гапларини ичкарида ўтириб эшитган эди. У ғазабини ичига сиғдиролмай столни мушти билан урганда, бунинг тарақлаши айвонга ҳам эшитилган эди. Яйра бу ишни интиҳосига етказиш учун охирида Нафисани ўзига ўхшатиб кийинтириб, эрига рўпара қилди. Муборак уни Яйра деб ўйлаб, муҳаббат изҳор қилгани, Нафисанинг бояги аламлари устига қўшилди.

— Ҳали биз эркаклаган сабзи бўлиб қолдикми?! — деди-да, эрининг ёқасидан хиппа бўғди.— Қиздаккина бўлмай ўлгур, мулойим-хунук! Битта хотинни эпломмайсан-у, ўйнаш ҳам тутасанми! Бу уй бир ойгача ўйнаши икковининг ихтиёрида бўлармиш-а!

— Йўқ, йўқ! Ҳазил қилдим, Нафиса, ҳазил!

— Мана ҳазил! — деб Нафиса унинг елкасига бир мушт туширди.— Тузоққа илиниш деб мана буни айтади! Мана сенга тузоқ, мана!

Муборак калтак зарбидан гўё илонга айланиб кетди. Кўйлагини ёқа-поқаси билан хотинининг қўлида қолдирди-да, ўзи кўйлак ичидан сирғалиб чиқди ва майкачан бўлиб, айвонга қараб қочди.

Нафиса қўлида қолган кўйлакка бир лаҳза ағрайиб қараб турди. Сўнг уни жаҳл билан бир четга улоқтириб ташлаб, эрининг кетидан айвонга отилиб чиқди.

Айвонда тузоғлиқ турган стол ағанаб кетди. Шампань шишаси тош зинапояга учиб тушиб; пақиллаб синди. Атрофга фонтан бўлиб отилган вино кўпиклари Нафисанинг юзига, кўзига сачради. То у юз-кўзини артгунча Муборак дарвозага бориб қолди. Нафиса уни қувиб бориб, кўчага чопиб чиқди.

Кўчада Муборак майкачан қочиб бормоқда. Атлас кўйлаги йўлбарс терисига ўхшаб кўринган Нафиса эрига етай деб қолди.

Шунинг устига йўл бўйидаги бир ҳовлидан Рустам Ботирбекович чиқиб қолса бўладими!

— Э, ҳа, Мубораквой, нега мунча югуриб юриб-сиз?

Муборак хотинидан қанчалик қўрқмасин, Ботирбековнинг олдида сири фош бўлишидан даҳшатга тушди. Қадамини секинлатиб, Нафисага ялингансимон бир қараб олди-да, деди:

— Нафисахон иккаламиз... ҳалигидақа... оилавий му-  
собақа ўтказаяпмиз.

Нафиса кўп югуриб, ҳансираб қолганди. У Рустам Ботирбековнинг феълени билар ва эрининг келажагини хароб қилишни истамасди. Шунинг учун Муборакнинг гапини тасдиқлаб:

— Ҳа, бу — бадантарбия! — деб қўйди.

Рустам Ботирбекович ўйчан товуш билан:

— Шу, чопиш ҳам мода бўлиб боряпти-да! — деди.—  
Азонлаб туриб югуриб юрган одамларни кўп кўраман.

— Топдингиз, Рустам Ботирбекович, «Бегом от ин-  
фаркта» деган китоб ҳам бор.— Муборак хотинига ишо-  
ра қилди:— Мана, мен ҳам ҳозир инфарктдан қочиб  
келяпман!

Бу гап яна Нафисанинг ғазабини қўзғади. Эр-хотин  
қувлашганча узоқлашиб кетди.

## 9

Институт коридорлари гавжум. Аудиторияларнинг  
эшиклари олдида имтиҳон топшираётганлар тизилишиб  
турипти. Бир пайт Рустам Ботирбекович Муборакни ало-  
ҳида хонага чақириб олди-да, қаҳр билан:

— Сиз нималар қиляпсиз ўзи? — деди.

Муборак титраб-қалтираб:

— Кеч... кечирасиз,— деди.

— Сиз мана бу иншоларга,— деб Ботирбеков қўли-  
даги бир даста дафтарни Муборакнинг юзига яқинлаш-  
тириб силкитди:— Ҳаммасига қаторлаштириб «беш»  
қўйибсиз. Мен, ҳар бир «беш»ни ўзим қайта текшириб  
чиқаман, демаганмидим?!

Муборак қўрқиб орқага тисарилди:

— Айтган эдингиз, домла!

— Мен ҳаммасини бошқатдан кўриб чиқдим! Фақат  
биттаси «беш», биттаси «тўрт», қолганлари «икки»!

— Майли, домла, мен рози...

— Аммо, биз сиздан норозимиз!

— Рустам Ботирбекович, бир марта кечиринг! Бир  
марта!

— Лекин бу охиргиси бўлсин! Боринг!

— Хўп, хўп!

Муборак Ботирбековнинг ҳузуридан чиқди-да, оғза-  
кидан имтиҳон олинаётган аудиторияга кирди. Аудито-  
рия анча катта, унинг ичида уч-тўрт киши билет бўйича

тайёрланиб ўтирибди. Тайёрланаётганларнинг бири Яйра, яна бири Жавлон эди.

Муборак Яйрага аламзада кўзлар билан қараб қўйди. Ҳозирги танбеҳларни шу қиз туфайли эшитгани, унинг хотинидан балога қолгани устига қўшилиб, яра устига туз сепгандай бўлди.

Имтиҳонни одатда иккита ўқитувчи оларди. Муборак ўзининг шериги бўлган ўрта яшар аёл ўқитувчига қараб:

— Фотима опа,— деди,— майли, сиз бориб чой-пой ичиб келинг. Кейин мен тушликка чиқаман.

Аёл ўқитувчи чиқиб кетди.

Муборак ёлғиз ўзи қолгандан кейин Яйрага:

— Қани, чиқинг! — деди.

Кейин у Яйрага савол ёғдиравериб, роса қийнаб ташлади.

Охирида зуғум қилиб:

— Билмайсиз! — деди.— «Икки!» Қани, имтиҳон варақангизни беринг!

— Бермайман!

— Беринг деяпман!

Муборакнинг рўпарасида Жавлон пайдо бўлди:

— Муборак почча, бу қиз «беш»га жавоб берди, мен ҳаммасини эшитдим. Яйрага Ботирбековнинг ўзи ёзмадан «беш» қўйган!

— Сен жим тур, ҳали ўзинг топширганда гапирасан!

Жавлон овозини пасайтириб:

— Сиз бундан қасд оладиган бўлсангиз, бутун сирингизни фош қилиб ташлайман! — деди.

Муборак кеча рўй берган ҳодисада Жавлоннинг ҳам қўли борлигини билмас эди.

— Қанақа сирим? Нима демоқчисан ўзи?!

— Холангизнинг ҳовлисига Нафиса опам мени ҳам бошлаб борган эди.

Муборак тишларини ғижирлатиб сўради:

— Энди айғоқчилик ҳам қилмоқчимисан?!

— Айғоқчилигу ахлоқсизлик сиздан чиқади. Мен, бу қиз гап бўлиб юрмасин, деб индамай турибман. Агар бунга ёмонлик қилсангиз, ҳозир бориб Рустам Ботирбековичга айтаман!

Муборак бўшашди. Яйрага юзланиб:

— Бўпти, «тўрт!» — деди.— Беринг варақангизни!

У Яйранинг имтиҳон варақасига чиндан ҳам «тўрт» қўйиб берди. Яйра хиёл енгил тортиб чиқиб кетди.

Шундан кейин Муборак Жавлонга:



— Қани,— деди,— энди ўзинг жавоб бер-чи!

Жавлон билетдаги саволларга жавоб бераётганда Муборак унинг сўзини бўлмай жим ўтирди. Қўшимча савол ҳам бермади, бошини ҳам кўтармади. Сўнг индамай Жавлоннинг имтиҳон варақасини олди-ю, катта қилиб «уч» қўйди.

Жавлон тахта бўлиб қолди. Бу конкурсда «уч» олиш мағлубият билан баробар эди. Муборак қаддини тиклаб, заҳарханда қилди:

— Ана энди Ботирбековга арзга боришинг мумкин. Лекин билиб қўй. Мени ёмонласанг, «уч» қўйганим учун ифво қиляпти», дейман.

— Муттаҳамлик-кў бу!

— Об-бо, сенлар жуда ҳалолу покмисанлар? Отанг Ботирбековга телефон ўтказдириб, хушомад қилиб юрганини биз билмаймизми?

— Елғон! Менинг отам унақа одам эмас!

— Ишонмасанг, Ботирбековдан сўра! Бор, тезроқ учраш! Телефон учун баҳонингни бир-икки балл кўтариб беради! Агар бояги қизни ёмон отлик қиламан десанг, кечаги ишларни ҳам айтиб бер! Кейин мен ҳам Яйраҳон билан холамнинг ҳовлисида қандай учрашганимизни ҳаммага айтиб бераман. Севган қизинг роса машҳур бўлади. Бор!

Жавлон Муборакдан жирканиб коридорга чиқди. У Яйранинг номи бу аблаҳ кимсанинг номига қўшилиб, одамларнинг оғзига тушишини ва овоза бўлишини бутун вужуди билан истамас эди. Лекин Муборак айтган пасод гапларни ичига ютиб, адолатсиз «уч»га индамай кетавериш ҳам кечириб бўлмайдиган бир бўшангликдай туюларди. Жавлон нима қилишини билмай, ич-этини еб турганда коридорнинг бир четида Ботирбеков кўринди. Жавлон унга қараб борар экан, ўзича: «Яйрани айтмайман,— деб аҳд қилди.— Муборакдан ҳам шикоят қилмайман. Фақат «мендан ўзингиз имтиҳон олинг» дейман, холос».

Жавлон яқинроқ борганда Ботирбековни ўраб олган илтимосчиларни кўрди. Бир йигитча домлага имтиҳон варақасини чўзиб:

— Домлажон, илтимос, бир балл қўшиб беринг! — демоқда эди.

Юзлари кўз ёшидан ҳўл бўлган бир қиз:

— Рустам Ботирбекович, ҳеч бўлмаса «уч» қўйинг! — деб илтижо қиларди.

— Сизларда юз борми, йўқми? — деб Ботирбеков уларни уришиб берди.

Жавлон бу гапларни эшитгандан кейин Ботирбеков билан гаплашишга тили бормади. «Мендан ўзингиз имтиҳон олинг» деган илтимоснинг тагидан «баҳоимни ошириб беринг» дегандай бир маъно чиқишини сезди-да, ори келди. «Бор-э!» дегандай қўл силтаб, орқасига қайтди-да, зинапоядан пастга тушди.

Кун кеч бўлиб қолган, подъезд эшигининг қаршисида—дарахт тагида Арслон ака ўғлини кутиб турган эди. У Жавлоннинг ранги ўчиброқ чиққанини кўрди-да, тез ёнига келди.

— Ҳа, тинчликми?

Жавлон Муборакнинг гаплари таъсирида отасига синовчан кўзлар билан тикилди:

— Сиз Ботирбековга телефон олиб берганмидингиз? Арслон ака бирдан ўнғайсизланди:

— Телефон эмас, фақат номер олишда... ёрдам берганман... Тўғрилиқча...

Жавлон лабини тишлади. Агар Муборакнинг бояги гапи ёлғон бўлганда, Жавлон қандай қилиб «уч» олганини отасига тортинмай айтган бўларди. Лекин энди буни айтишга иззат-нафси йўл бермади. Чунки айтса, Арслон ака дарҳол Ботирбековга учрайди-ю, баҳони оширишни илтимос қилади. Отасининг телефон масаласида Ботирбековга ўтказиб қўйган жойи бор экан. Энди шунинг «ҳақи»ни сўраб кирадимиз? «Сиздан угина, биздан бугина» дегандай-а? Жавлоннинг: «Қирсам ўз кучим билан кираман!» — деб мақтангани қаёқда қолади? Муборак рост айтган бўлиб чиқадими? Мана шу андишаларнинг ҳаммаси бир-бирига қўшилди-да, Жавлон «уч» олганини отасидан яширди.

Арслон ака унинг машқи пастлигини сезиб:

— Неча олдинг? Нега айтмайсан? — деб сўрайвергандан кейин истеҳзоли кулимсираб:

— «Беш»,— деди.— Ботирбековнинг телефонига номер олиб берганингиз учун «беш» олдим!

Арслон ака ерга қараб йўталиб қўйди.

## 10

Ичкарида Рустам Ботирбеков адолат учун курашмоқда эди. У бошда айтганига амал қилиб, «беш» олганларни ҳам, «икки» олганларни ҳам шахсан ўзи синаб кўрар-

ди. Мана, солдат гимнастёркасидаги бир йигит унинг саволларига жуда яхши жавоб берди. Рустам Ботирбекович солдатнинг имтиҳон варақасидаги «беш» баҳони тасдиқдан ўтказиб, қўл қўйди. Сўнг имтиҳон варақасини солдатга худди мукофот топширгандай тантана билан тутқазди-да:

— «Беш» билан табриклайман! — деб унинг қўлини астойдил сиқди.

Шу пайт Рустам Ботирбековичнинг қулоғига қувноқ бир маршнинг садолари эшитилиб кетгандай бўлди. У узоқ областдан келган нозиккина бир қизчанинг «беш» баҳосини тасдиқдан ўтказаетганда қувноқ марш садоси гўё авжига чиқди. Ботирбеков:

— Ҳалол олинган «беш»ни кўрсам кўзим қувнайди! — деди.— Ким нима деса десин, лекин билимдон ёшлар кўпайяпти! Усиш, ўзгариш зўр!

Рустам Ботирбекович «беш»ларни тасдиқдан ўтказиб бўлгандан кейин навбат «икки»ларга келди-ю, унинг халёлида янграган қувноқ музика бирдан узилди. Муборак «икки» қўйган бир йигитни Рустам Ботирбекович ўзи сўраб кўрди-да:

— Билимингиз дуруст-ку,— деди.— Сизга бемалол «тўрт» қўйса бўлади.

— Ана ёш домла... бир нарсадан таъби тирриқ бўлиб ўтирган экан...

— Ҳозир биз унинг «таъбини» жойига келтирамиз! Ботирбеков Муборакни кабинетига чақиртирди.

— Сиз бу йигитга нега «икки» қўйдингиз?

— Билмайди...

— Узингиз билмайсиз! Мен сизни қабул ишларига аралаштирганимдан пушаймонман!

— Адашган бўлсам, кечиринг, домла...

— Бир марта кечирган ҳам эдик... Қани, пропусканигни менга беринг-чи.

— Нега энди, домла?

— Кейин биласиз. Беринг-чи!

Муборак қабул ишларига қатнашиш ҳуқуқини берадиган пропускани чўнтагидан олди-да, Ботирбековга қўрқа-писа узатди. Ботирбеков пропускани олиб, ўзининг чўнтагига солди:

— Боринг, энди сизга жавоб! — деди.— Қабул ишларидан бутунлай озодсиз.

Муборакнинг боши ғувуллаб, кўзи тиниб кетди. У ташқарига қандай чиққанини билмайди. Назарида, даҳ-

шатли бир қуюн уни чирпирак қилиб учириб, бешинчи қаватдан пастга олиб тушди-да, эшикдан чиқариб, кўчага улоқтириб юборди.

\* \* \*

Навбатдаги имтиҳонга астойдил тайёрлик кўрган Жавлон ҳам, ниҳоят, «беш» олди. Рустам Ботирбекович унга бир-иккита савол бериб, аъло баҳо тўғри қўйилганига ишонди-да:

— Ҳалолинг бўлсин, ўғлим! — деб Жавлонни бағрига босиб табриклади: — Тезроқ уйга бориб, дадангни суюн-тир. Уртоқ генералга биздан салом айт!

Бугун Рустам Ботирбековичнинг дилида яна ўша қувноқ марш янграмоқда эди. Чунки «беш» олувчилар кечагидан кўпроқ эди. Улар орасида Яйра ҳам бор эди. Рустам Ботирбекович унинг «беш»ини тасдиқдан ўтказаетганда:

— Яйра қизим! — деди.— Сенинг ютуғингдан менинг дилим яшнаб кетяпти!

— Раҳмат, домла!

Лекин беш қўл баробар эмас. Фалокат босиб, йиқилиб чиқаётганлар Рустам Ботирбековичнинг дилини хуфтон қилади. У «икки» олган олифта бир йигитни синаб кўриб:

— Чиндан ҳам билимингиз саёз, баҳо тўғри қўйилган,— деди.

— Домла, яна битта қўшимча савол беринг,— деди йигит ялинган товуш билан.

— Э, сизга бир эмас, бешта савол бердим!

— Яна бир марта синаб кўринг!

— Об-бо, йиқилган курашга тўймас экан-да! Оддий нарсаларни билмайсиз! Бас!

Ботирбеков «икки»ни тасдиқдан ўтказиб қўл қўйган эди, олифта йигит бирдан ўзгарди. У Ботирбековга бирдан ғазаб билан хўмрайиб қаради. Сўнг «икки» қўйилган имтиҳон варақасини унинг олдига улоқтирди:

— Олинг бузғингизни-е! Энди менга кераги йўқ!

Ботирбековнинг ранги оқариб кетди. Унга ҳаво етишмаётгандай бўлиб, коридорга чиқди. Шунда бир қиз йиғлаб, унинг йўлини тўсди:

— Мен бу қора доғни қандай кўтариб юраман! Бу кунимдан ўлганим яхши эмасми?!

— Битта «икки»га шунчами? Ваҳима қилманг!

— Қайта топширишга рухсат беринг!

— Фойдаси йўқ, қизим. Беруний кимлигини билмай-сиз. Яна йиқиласиз. Ундан кўра ишга кириш.

Ботирбеков шундай деб пастки қаватга тушди. Қоридорнинг бир муюшида яна ўша қиз қаршисидан чиқди:

— Домла, сиз менинг уволимга қоласиз! Мен бу «икки» билан уйга қайтиб бормайман!

— Бормасангиз, бошқа жойда бирорта ишга кирар-сиз.

— Йўқ, мен ўзимни ўзим ўлдираман!

— Бу қанақа лўлилик!

— Улсам сиз жавоб берасиз!

— Бекорларни айтибсиз!

Қиз ҳўнграб йиғлаганча:

— Ҳозир бешинчи қаватдан ўзимни ташлайман! — деб, очиқ турган деразага қараб югурди.

Ботирбековнинг кайфи учиб кетди. У қизнинг кетидан чопиб:

— Ҳой қиз, шошма, шошма! — деди, қўлини чўзиб, уни ушлаб қолмоқчи ҳам бўлди. Лекин қиз унга тутқич бермай очиқ деразанинг рафига сакраб чиқди-да, ташқарига ўзини олди.

— Уҳ! — деб юборди Ботирбеков ва деразанинг олди-га келди. Пастга қараса, бу — биринчи қаватнинг деразаси экан. Юмшоқ майса устига тушган қиз бир юмалаб ўрнидан туриб кетди. Ботирбеков деразадан унга бармоқ ўқталиб: — Мени алдаёлмайсан! — деди. — Бешинчи қаватдан ўзини ташлармиш-а! Ушанақа зардали қиз бўлганимда, билиминг ҳам яхши бўларди!

Шу пайт деразанинг олдидан ўтиб кетаётган Яйра чопиб келиб, қизни биллагидан олди:

— Сизга нима бўлди?

Қиз бурнини тортиб, ҳиқиллаб:

— Йи-йиқилдим! — деди.

— Ҳечқиси йўқ, эндиги йил яна келасиз.

— Энди келолмайман, опажон! Қайтиб борсам, уйдигилар мени эрга беришади. Тамом!

— Эрга тегини шунчалик ёмонми? — деди Яйра ҳайрон бўлиб. — Отингиз нима?

— Асал.

— Асалнинг оғзидан шундай тахир гаплар чиққани галати. Қани, буёққа юринг.

Яйра Асални институтнинг ҳовлисига бошлаб кирди.

Ҳовлининг соя томонига уч-тўртта стол қўйилган. Ҳар бир стол ёнида битта корхонанинг вакили ўтирипти. Столлар ортидаги девор ва тахталарга ишга таклиф қилувчи вълон ҳамда чақириқлар илиб қўйилган.

Четки стол ёнида ўтирган ўрта яшар бир аёл Асалнинг йиғидан қизарган кўзига тикилиб туриб, гап нимадалигини фаҳмлади.

— Қани, қизим, бизга ишга кирасизми?

— Қаерга?

— Фабрикага. Чиройли кийимлар тикадиган бўласиз.

Фабрика вакили Асалнинг хунуккина тикилган чит қўйлагига кўз ташлаб олди-да:

— Узингиз ҳам қўғирчоқдай кийиниб юрасиз,— деди.

Асал энди девордаги чақириқларга яхшироқ қаради. Яшил ҳарфлар билан: «Ёшлар, машинасозлик заводига марҳамат!» — деб ёзиб қўйилган. Қизил ҳарф билан ёзилган яна бир чақириқда: «Қурилишлар ёш кадрларга мунтазир!» — дейилган.

— Мен ҳам бултур сизга ўхшаб йиқилиб чиққан эдим,— деди Яйра Асалга.

— Шундайми?

— Ҳа, бир йил қурилишда ишлаб, бу йил яна келдим.

— Бу йил «икки» олганингиз йўқми?

— Йўқ. Иккита «беш», битта «тўрт».

— Бўлмаса кирасиз! — деди Асал ҳавас билан.

— Тайёрлансангиз сиз ҳам кейин кирасиз.

— Ишлаб юриб ҳам тайёрланса бўладими?

— Ҳа, ҳафтада икки кун бўшсиз. Саккиз соат ишлайсиз.

Асал бу гаплар давомида анча ўзига келди-ю, ишга таклиф қилаётган корхона вакилларининг гапларига қулоқ сола бошлади:

— Ойлигингиз юз элликдан кам бўлмайди.

— Бир йил ўтмасдан квартира оласиз.

— Институтнинг кечки бўлимига ҳам киришингиз мумкин, заводимизда филиали бор. Буёқларга қатнаб юрмай ўқийсиз.

«Икки» олиб чиққан бир тўда йигитлар бу гапларга ўйчан қулоқ солиб туришарди. Уларнинг орасидан дўлвор бир йигит чиқди-да, институт биносига армон билан қараб қўйди. Сўнг корхона вакилига қараб:

— Таваккал, ёзинг мени ўша машинасозлик заводингизга! — деди.

Яйра билан Асал буни кўргач, бир-бирлари билан кўз уриштириб, жилмайиб қўйишди. Асал энди кўнглига ёқадиган иш ҳақида ўйланиб қолди.

## 11

Нарироқда барваста бир раис «икки» олиб чиқаётганларни ўз атрофига тўплаб гап уқдирмоқда эди:

— Э, бу шаҳарда сарғайиб юрасанларми? Биз чўлда янги ер очяпмиз! Чўл ҳавоси одамни хўроз қилиб юборади!

— Борсак қанақа иш берасиз?

— Трактор десанг, тракторга ўтқизаман! Машина десанг, машина бераман! Икки йил ўтмай кўкрагингга орден тақаман! Қани, мард бўлсанг юр, ҳозир «Волгам»-га ўтқизиб олиб кетаман!

Раисга уч-тўртта ёш-яланглар эргашди. Шу пайт нарироқда турган оналардан бири раисга эргашган ўғлининг қўлидан маҳкам ушлади:

— Ҳой, Эргашали, тўхта! Далада ишлайман десанг, дала ўзимизнинг қишлоқда ҳам бор. Ўзимизнинг колхозга ҳам одам керак!

— Мен кўриқ очаман!

— Э, кўриқ очмай кет! Аввал имтиҳон тугасин. Бу-ёққа кел!

Оёғига баланд пошнали қизил эгик кийган бу бақувват аёл ўғлини куч билан тўпдан олиб чиқиб кета бошлади.

Гавдаси қўпол, семиз Эргашали аччиқланиб:

— Мен бари бир ўтолмайман! — деди.— «Уч» олдим, стажим йўқ!

Она-боланинг олдига бошдан-оёқ оқ кийинган, баланд бўйли хипча бир киши келди-да, паст товуш билан:

— Ука, сал оғир бўлинг! — деди.— Бахтингиз очилса ўтиб кетасиз!

Ёши қирқ бешларга борган, салобатли бу одам Эргашалида бирдан умид уйғотди. Йигит ойнисига «бу киши ким?» дегандай савол назари билан қаради.

— Ҳожар хола, сизда гап бор,— деди ҳалиги киши. Сўнг Эргашалига қараб буюрди:— Сиз боринг, эртанги имтиҳонга яхшироқ тайёрланинг!

Эргашали кетгандан кейин ҳалиги киши Ҳожар хола-

ни дарахтлар орқасига бошлаб ўтди. Икковлари якка-ма-якка қолганда:

— Кечирасиз, мулла иним, ўзингизни кўриб юрибман-у, ҳали отингизни билмайман,— деди Ҳожар хола.

— Отим Усарбек.

— Усарбек, иним, Эргашали «уч» олгандан бери мен тинчимни йўқотдим-да. Не умидлар билан олиб келган эдим. Елғиз ўғил... Наҳотки энди ўтолмаса?

— Нега? Айтдим-ку. Қолган имтиҳонларни «беш»га топширса, ўтиб кетади.

— Э, айланай иним, бизга ўхшаганларга «беш» қаёқда? «Беш»ни бахти борлар олади!

Усар оғзини Ҳожар холанинг қулоғига яқинлаштириб:

— Йўлини топганлар ҳам «беш» оляпти, хола! — деди.

Ҳожар хола унинг шамасига ишонгиси келмай:

— Йўғ-э! — деди.

— Нима, сизнингча, бу ерда фақат кирувчиларнинг конкурси бўляптими?

— Ҳа, хўш?

— Бу конкурснинг ичида яна битта конкурс бор.

— У қанақаси?

— Бу ерда ота-оналарнинг ҳам конкурси бўляпти!

— Тушунмадим.

— Э, кимнинг қўли узун бўлса, ўшанинг боласи киряпти!

— Вой, бундан чиқди, менинг қўлим калталик қияптими?

— Билмадим. Ҳозир пули борнинг қўли узун бўлиб кетган.

— Пул бизда ҳам бор.

— Бўлса ишлатинг!

— Қандай қилиб? Мен умримда бундай ишларни қилган эмасман. Ё сиз қарашиб юборасизми?

Усар рози бўлгиси келмай:

— Жуда қалтис иш-да,— деди.

— Жон ука! Қўлингиздан келса йўқ деманг!

— Қандай бўларкин...

Шу пайт подъезд эшигидан Рустам Ботирбекович чиқиб қолди. Усар уни Ҳожар холага кўрсатиб:

— Танидингизми? — деди.

— Йўқ. Бу ким ўзи?

— «Беш» қўядиган раис мана шу.



Рустам Ботирбекович йўлкадаги одамлар орасидан голибона қадам ташлаб келмоқда эди. Унинг адолат йўлида доим маҳкам турмоқчи эканлиги қатъий кўз қарашидан ҳам сезиларди.

Усар Ҳожар холага:

— Сиз қараб туринг, мен бир гаплашиб кўрай-чи,— деди-да, «лип» этиб йўлкага чиқди. Сўнг Ботирбековга жуда қадрдон одамдек қуюқ салом бериб яқинлашди. Ботирбеков бош ирғаб тез ўтиб кетмоқчи эди, Усар унинг йўлини тўсиб чиқди:

— Рустам Ботирбекович, табриклаймиз!

Ботирбеков унинг қувончли юзига қараб, қандайдир хушxabар кутгандай тўхтади:

— Раҳмат... Лекин... нима муносабат билан?

— Катта муваффақиятлар муносабати билан!— Усар нариёқда кутиб турган Ҳожар холага овозини эшитдирмай, паст товуш билан давом этди: — Сиз жуда ҳалол йўл тутяпсиз, Рустам Ботирбекович! Қаттиқ турир-сиз. Сизнинг принципиаллигингиз ҳаммани қойил қолдиряпти!

Ҳали ҳеч кимдан бунчалик мақтов эшитмаган Ботирбеков жуда эриб кетди. Усар билан қўл бериб кўришар экан:

— Қуллуқ, қуллуқ,— деди.— Ўзлари ким бўладилар?

— Сизнинг бир холис мухлисингизман. Менинг сизга ҳеч қанақа илтимосим йўқ. Фақат сизни чин юракдан табриклаб қўймоқчи эдим, холос! Ишингиз беш, домла, беш!

Усар шундай деб Ботирбековга беш бармоғини силки-тиб кўрсатди. Ботирбеков, «қуллуқ» дегандай бош ирғади-ю, ўтиб кетди.

Усар бир четда мунтазир бўлиб турган Ҳожар хо- ланинг олдига қайтди. Сирли товуш билан:

— Бўлди,— деб шипшиди.— Қани, юринг!

Бир четда Усарнинг яшил рангли «Запорожец» ма- шинаси турган экан. У Ҳожар хо- лани машинасининг ол- дига бошлаб келди, эшигига калит солиб очди-да, ичка- рига таклиф қилди. Машинани овлоқроқ бир жойга ҳайдаб бориб тўхтатди. Шундан кейин Ҳожар холага юзланиб:

— Ботирбеков билан қандай гаплашганимни кўрди- нгиз-а? — деди.

— Ҳа, кўрдим, сизга муомаласи жуда яхши.

— Ишонади-да... Беш бармоғимни кўрсатганимда «хўп» деб бошини ирғади-я, пайқадингизми?

— Кўрдим, кўрдим!

— Маъносини ҳам тушундингизми?

— Йўқ.

— Беш бармоқ — беш юз дегани бўлади.

— Вой-бўй!

— Домлага беш юз. Менинг чўталимин кейин бера-сиз. Иш битганда.

— Уғлимни кириши аниқми?

— Гаплашганимни ўзингиз кўрдингиз-ку. Демак, аниқ-да!

— Пулни қачон берай?

— Бугун етказишим керак, вақт ғанимат!

Орқа ўриндиқда ўтирган Ҳожар хола узун лозими устидан кийган пайпоғини кавлаб, тиззанинг юқорироғидан бир даста пул олиб, Усарга узатди.

## 12

Конкурс охирлаб қолган. Институт корпуслари атрофида одам сал камайган. Яйра ичкаридан қувноқ қадам ташлаб чиқди. Подъезд эшигидан берироқда турган Ҳожар хола ундан:

— «Беш»ми? — деб сўради.

Қиз бахтиёр товуш билан:

— Ҳа,— деди-да, ўтиб кетди.

Ҳожар хола кўзлари ёниб эшикка қаради-ю:

— Насиб қилса, шу бугун Эргашали ҳам «беш» олиб чиқади,— деди.

Бир пайт эшикдан лапанглаб Эргашали чиқди. Унинг қош-қовоғи осилган. Онасига хўмрайиб яқинлашди. Ҳожар хола фалокат юз берганига ишонгиси келмай.

— Ҳазилингни қўй, болам! — деди.— Мени мунча қўрқитмай айта қол! «Беш»ми, а, «беш»ми?

— «Беш»ни боғлаб қўйиптими? «Икки!»

— Вой, нега «икки» бўларкан?

— Мана, қаранг!

Ҳожар хола имтиҳон варақасини ўглининг қўлидан юлқиб олди-да, машъум «икки»га бирпас бақрайиб қараб турди.

— Бу... нега бундай бўлди, а, Эргашали? Ё ҳалиги домла билмай қолганмикан? Сен Ботирбековга учрадингми, йўқми?

— Нега учрамас эканман? Мана шу «икки»ни Ботирбеков ўзи текшириб, тасдиқлаб берди-ку!

Энди Ҳожар холанинг ғазаби келди:

— Ноинсофлар! Муттаҳамлар!.. Мен ҳозир бориб ёқасидан бўғаман ҳаммасини!

Ҳожар хола эшик олдида турган навбатчилар сафини ёриб ўтиб, ичкарига отилиб кирди. Сўнг қабулхонадаги секретарь қизнинг ҳайҳайлашига қарамай, тўғри ректорнинг кабинетини очди.

Кабинет шовқин бўлиб кетди. Қабулхонадаги қўнғироқ устма-уст жиринглади. Секретарь қиз кабинет эшигини очиши билан ичкаридан ректорнинг:

— Ботирбековни чақиринг! — деган кескин буйруғи эшитилди.

...Рустам Ботирбекович ректорнинг кабинетига кираётганда диванда ўтирган Ҳожар хола сапчиб ўрнидан турди:

— Домла, сизда лафз борми ё йўқми?!

Ботирбеков ҳанг-манг бўлиб, бир Ҳожар холага қаради, бир кабинет ўртасида турган ректорга қаради.

— Сиз бу опадан беш юз олган эмишсиз! — деди ректор Ботирбековга тикилиб туриб.

Ботирбековнинг тепа сочлари тикка бўлиб кетди:

— Қачон?!

— Уч кун бўлди! — деб бидирлаб кетди Ҳожар хола. — «Беш» қўяман, деб пулни олиб, бугун «икки» қўйиб берибсиз? Бу қанақа поинсофлик?! Қишлоқи деб алдамоқчимисиз?

Ботирбеков ёқасини ушлади:

— Ё алҳазар! Мен бу опани умримда биринчи марта кўряпман-ку!

— Лекин мен сизни кўрганман. Усарбек билан тил бириктирганларингда мен қараб тургандим!

Ҳалоллик ва софлик учун жон куйдириб юрган Ботирбеков бу гапларни эшитгач Отелло ролидаги Аброр Ҳидояттовдек инграб юборди:

— Тушимми бу, ўнгимми? Бу қандай туҳмат?!

— «Туҳмат» деб ёлғон гапирманг! — ўдағайлади Ҳожар хола. — Усарбек «беш юз» деб беш бармоғини кўрсатганда, «хўп» деб бош ирғагансиз!

Ректор телефон аппаратида қўл чўзиб:

— Шу гап рост бўлса, мен ҳозир тегишли жойга ҳабар беришим керак! — деди.

Ботирбеков унинг қаршисига келиб:

— Шошилманг, ўртоқ ректор! — деди. — Мени қаматмоқчи бўлсангиз ҳали улгурасиз. Аввал бу хотин бизга бир нарсани айтсин. Пулни кимга берган? Менгами?

— Пулни мен Усарбекка бердим. Усарбек орада турадиган воситачи экан.

— Даҳшат! — деб ректор ўрнидан туриб кетди.

— Ахир мен Усарбек деган одамни билмайман-ку! — қичқирди Ботирбеков. — Ким ўзи у?

— Биласиз! Кўчада қўл бериб кўришганингизни ўзим кўрдим!

— Бу қанақа бемаънилик! Балки Усарбек деганингиз товламачидир? Балки сизни алдаб пулингизни олиб кетгандир?

— Нима, Усарбек сизга пул бергани йўқми?

— Йўқ. Ишонмасангиз мени ўша одам билан юзлаштиринг!

Ҳожар хола бўшашиб ўрнидан турди:

— У одам ўзи ўшандан бери кўринмай қолди.

— Уйини биласизми? — сўради Ботирбеков.

— Йўқ, кўчада кўришганман.

— Фамилиясини-чи? — деб энди ректор савол берди.

— Билмайман-да!

Ботирбековнинг зардаси қайнаб кетди:

— Бу қандай бетамизлик! Уртоқ ректор, қандайдир бир товламачи мени ёмон отлиқ қилиб кетаверади-ми?

— Топамиз уни! — деди ректор. — Пулни ким олганини аниқламагунча қўймаймиз! Ана ўшанда бу опа ҳам пора бергани учун қамалади! Қонун икки томонни баробар жазолайди!

Ҳожар хола пиқ-пиқ йиғлай бошлади:

— Мен билмайман, пулимни қайтариб беринглар!

Ботирбеков тутақиб кетди:

— Э, яна қўшяпсизми мени!

Ҳожар хола бу гапга қулоқ солмай, яна ўз дардини айтиб йиғлади:

— Менинг гуноҳим нима?! Далада тер тўкиб топган ҳалол пулим...

— Қани, буёққа юринг! — деб Ботирбеков уни ташқарига бошлади.

Институт ҳовлисида Арслон ака турган эди.

— Арслон, дўстим, — деди Ботирбеков ўпкаси тў-

либ,— менинг ҳалол номимга биров доғ тушириб кетипти!

— Ким экан у, ким? — деди Арслон ака гулдурак товуш билан.

— Яшил машинаси бор,— деб йиғи аралаш изоҳ берди Ҳожар хола.— Кичкина «жапорож». Оти Усарбек.

— Яшил «Запорожец»ми? — сўради Арслон ака.— Ҳозир милицияга хабар қиламиз, топиб беради!

— Жон ака, милисага айтманг!

— Ҳа, нега?

— Милиса уни ушласа мени ҳам қамармиш!

Арслон ака ҳайрон бўлиб Ботирбековга қаради. Ҳожар хола энди Ботирбековга ялина бошлади:

— Домлажон, менгина ўлай, соддалик қилиб алдандим, сизни бекорга хафа қилган бўлсам, кечиринг!

Ҳовлидан бўш бир такси чиқиб кетмоқда эди. Ҳожар хола ҳар иккала қўлини кўтариб чопди:

— Ҳой, такси, такси!

Ботирбеков Ҳожар холага раҳми келиб сал юмшади.

— Арслон, сиз ҳам биргалашиб излашсангиз,— деди.

— Жоним билан,— деди Арслон ака.— Бугун шанба, мен бўшман.

### 13

Рустам Ботирбекович кечаси чарчаб, руҳи тушиб уйига кириб келди. Хотинидан:

— Арслон келмадими? — деб сўради.

— Йўқ, тинчликми ўзи?

— Э, тинчлик қаёқда!

— Тагин нима бўлди?

— Ҳалол ишлайман деб туҳматга қолиб ўтирибман...

Ботирбеков уйга кириб, кўкрагини ерга бериб ётиб олди.

Тунги соат икки. Арслон акадан ҳамон дарак йўқ. Рустам Ботирбеков уёқдан-буёққа ағдарилади, сира уйқуси келмайди. Имтиҳондан йиқилиб чиқаётганлар унинг кўз олдидан кетмайди. «Уларга осон эмас»,— деди Ботирбеков ўзига-ўзи.

Ана, ўрта яшар бир хотин кўчада Ботирбековнинг йўлини тўсиб, нималардир деб илтимос қилди. Ботирбеков: «Кечирасиз, иложим йўқ, конкурс», деб ўтиб кетди.

Ана, институт корпуслари атрофидан кетолмай юрган издиҳом дарёси...

«Ота-оналарга ҳам осон тутиб бўлмайди!» — деди Ботирбеков яна уф тортиб. Сўнг бошқа томонига ағдарилди.

«Биз ҳам бўлганимизча бўляпмиз,— деб ўзи билан ўзи гаплашди.— Нега уч томон ҳам бир-бирини қийнаши керак? Наҳотки бошқа осонроқ йўли топилмаса?.. Москвада «КИСИ» деган автомат математикадан имтиҳон олипти... Қани энди иншони ҳам, тарихни ҳам, чет тилини ҳам кибернетик машиналарда олинса...»

Ботирбеков бу орзусининг тафсилотларини ўйлар экан, кўзи уйқуга кетганини сезмай қолди. Кейин унинг ўйлари тушга айланиб кетди.

...Самовий бир музыка янграмоқда. Самовий бир кенгликда тоғдай улкан бинолар турибди. Пўлат ва ойнадан таркиб топган бу биноларда институтларга кириш имтиҳонлари оладиган кибернетик машиналар ишлапти.

Космонавтларга ўхшаб шлём кийган ва оғзи яқинига жажжи микрофонлар ўрнатилган Рустам Ботирбеков бинонинг бошқарма пультада қабул комиссиясининг аъзоларига раислик қилмоқда.

Бу ерда раислик қилиш — маза. Чунки ҳамма ишни холис автоматлар бажаради, барчага баробар кибернетик машиналар имтиҳон олади. Ботирбеков ва унинг ёрдамчилари фақат керакли тугмаларни вақтида босиб, ақлли машиналарни ишлатиб туришипти, холос.

Имтиҳон топширадиганлар ҳам унчалик қийналмайди.

Қатор турган чиройли салонлар бор. Мана ўша салонлардан бирига Яйра, Жавлон ва яна икки йигит киришди. Салоннинг тўрт томонида тўртта кресло бор. Тўрт кирувчининг ҳар бири бир креслога ўтиргандан кейин, юқоридан секин бир қалпоқ тушди-ю, бошларига кийилди. Ён томондан қалқонга ўхшаш бир нарса чиқиб, кўкракларига қўнди. Елкаларида ҳам парашют халтасига ўхшаш нарса пайдо бўлди.

Қалпоққа ҳам, бу анжомларга ҳам ўнлаб симлар уланган. Симлар кирувчиларнинг билимларини беҳато аниқлашга хизмат қилади. Кибернетик машинада рентген нурига ўхшаш ажиб нурлар бор. Улар миянинг қатлариди ва бурмаларида қандай билимлар бўлса, ҳаммасини ёритиб, ҳисоблаб чиқа олади.

Салон тепасига ўрнатилган репродуктордан Ботирбековнинг товуши эшитилди:

«Диққат! Тайёрланинг! Кўзлар юмилсин, сўзлашилмасин! Кирувчилардан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди. Билет олиш, иншо ёзиш, оғзаки жавоб бериш — бизда бу ишларнинг ҳаммасини кирувчилар учун машиналар бажаради».

Салон лифтга ўхшаб юқорига кўтарила бошлади. Имтиҳон топширувчилар кўзларини юмиб, жим ўтириштипти. Кибернетик машиналардан эса ленталар оқиб чиқяпти. Ҳар бир лентанинг бошида бир кирувчининг исми ва фамилияси бор. Ленталарда хилма-хил рақамлар тобора кўпайиб боради.

Бинонинг ташқарисида — Арслон ака, Ҳожар хола ва бошқа юзлаб ота-оналар ўтирган жойда қатор телевизор экранлар бор. Бу экранлардан ўша исму фамилиялар ва лентадаги ҳисоб-китоблар узлуксиз кўриниб ўтяпти.

Имтиҳон олувчи салон навбатдаги қаватга чиққунча кибернетик аппаратлар ҳар бир кирувчининг маълум фан соҳаси бўйича қанчалик билими борлигини аниқлади. Салон қаватдан-қаватга кўтарилиб бораверди. Экранлардан рақамлар оқиб ўтяпти. Мана, ниҳоят, лифтга ўхшаш салонлар ҳамма қаватлардан ўтди. Ҳар бир кирувчининг имтиҳон олинадиган барча фанлар бўйича қандай билимлари борлиги аниқланди. Салон-лифт бинонинг энг юқориги қаватидан чархпалакка ўхшаб айланиб ўтиб, пастга туша бошлади. Шунда яна репродуктордан Ботирбековнинг овози келди:

«Биз ҳозирнинг ўзида ҳар бир кирувчига баҳо қўйишимиз мумкин эди. Бироқ баҳо ҳаққоний бўлганига кирувчилар ҳам, ота-оналар ҳам, биз ҳам узил-кесил ишонишимиз керак. Шунинг учун салон пастга тушаётганда ҳар бир кирувчининг билимлари яна бир марта синчиклаб текширилади. Олинган якунлар аввалги якунларга солиштирилади. Шунда ҳеч қандай тасодифга, ҳеч қандай хатога ўрин қолмайди».

Бу гаплар давомида имтиҳон олувчи салон пастга тушиб тўхтади. Ҳар бир кирувчининг исми, фамилияси ва тўрт фан бўйича олган баҳолари аввал Ботирбеков ўтирган бошқарманинг экранида, сўнг ота-оналар ўтирган жойнинг экранида нур билан бирма-бир ёзилди.

Жавлон, Яйра ва уларнинг ҳамроҳлари салондан

чиққунларича худди ўша экранда кўринган баҳолар махсус варақларга ёзилиб, тайёр қилиб қўйилган экан.

Конкурсдан ўтган Яйра билан Жавлоннинг имтиҳон варақалари қизил рангда. Конкурсдан ўтолмаган нариги йигитларнинг варақалари эса кўк рангда. Унда институт ичкарасига кириладиган чиройли эшик бор. Тепасига нур билан: «Конкурс ғолиблари, марҳабо!» — деб ёзиб қўйилган. Жавлон билан Яйра қўлларидаги қизил варақа билан ўша эшикка яқинлашган эдилар, эшик ўзидан-ўзи очилди.

Кўк варақали йигитчалар ҳам мана шу эшикка қараб интилишди. Лекин уларнинг қўлларидаги кўк варақа таъсирида шартта эшик ёпилди. Итаришса ҳам очилмади. Нарироқда яна бир эшик бор эди, кўк варақалилар ўшандан кирмоқчи бўлишди. Бу эшик ҳам уларни ичкарига киритмай, шартта ёпилди. Кейин улар чапдаги бир эшикка рўпара бўлишди. Буниси кўк варақалиларга бемалол очилди.

Эшикдан бундай чиқишса, нарёқ — катта кўча. Ноилож уйга кетишди.

Имтиҳон олувчи салонлар эса бетиним ишлайди. Соатига юзлаб одам имтиҳон топшириб чиқяпти. Албатта, яхши топширганларга нисбатан конкурсдан ўтолмаганлар кўпроқ.

Уларнинг энг тантилари имтиҳон адолатли бўлганлигига тан беришиб, уйларига кетишди. Лекин баъзиларининг ёнларига ота-оналари ва қариндошлари қўшилиб, улкан бинонинг атрофида уёқдан-буёққа югуриша бошлашди. Илтимос қилмоқчи бўлганлар кўп. Бироқ, машиналарга илтимос кор қилармиди?!

Унлаб одамлар Ботирбеков ўтирган пультага қараб интилди. Лекин уёққа чиқиб борадиган йўлни ҳеч ким тополмади. Унлаб телефонлар ишга тушди. Ҳамма: «Алло, ўртоқ Ботирбеков, алло!» — дер эди. Шунда радиокарнайдан Ботирбековнинг овози келди: «Конкурсдан ўтолмаганлар менга телефон қилиб овора бўлмасинлар. Бари бир буларнинг қўнғироқларини менга яқинлаштирмайдиган аппаратлар ишлаб турипти».

Ичкарида имтиҳон осойишта давом этипти. Чиндан ҳам билими яхши ёшлар беҳато танлаб олинаётганидан Ботирбеков беҳад хурсанд. Пульт ёнидаги комиссия аъзоларидан бири — ғоят келишган ёш жувон Ботирбековга завқланиб тикилди:



— Рустамжон ака, шундай яхши имтиҳон оладиган машиналарни сиз ўйлаб топдингиз-а! Қўйилмиз сизга!

— Қуллуқ, Севарахон!

— Менимча, бу ихтироингиз учун сиз лауреат бўлишингиз керак.

Ботирбеков камтарлик билан жилмайди:

— Шарт эмас... Сизнинг бир оғиз ширин сўзингизни ўзи етарли.

Севарахон эриб кетди:

— Агар менинг қўлимда бўлса,— деди, — сизга хоҳлаган мукофотингизни берардим!

Бир вақт Ботирбековнинг лаблари шу чиройли жувоннинг лабларига яқин келиб қолди. Лекин тўсатдан пульта ҳам, бутун бино ҳам қаттиқ силкиниб кетди. Ташқарида конкурсдан ўтолмаганлар хуруж қилмоқда эди. Ҳаммадан олдинда Муборак чийиллаб, лом кўтариб келяпти:

— Ботирбековнинг темир машиналаридан безор-миз!

— Ҳа, бир жойини бураб қўйса, керакли одамига «беш» қўйиб беради! — деб бадбашара бир йигит кетмон билан бинонинг эшигига урди.

Муборак чийилларди:

— Ур! Буз!

Ҳожар хола унинг ёнига қўшилди.:

— Синдир! Ўт қўй! Ёндир!

Сонсиз-саноқсиз одамлар Ботирбековнинг шундай яхши ишлаб турган ақлли машиналарини синдиришга ва ёндиришга киришдилар.

— Халойиқ!— деб бақирди Ботирбеков.— Ёмон одамларнинг гапларига кирманглар! Халойиқ!

Лекин унинг овози ҳеч кимга эшитилмас эди. Юғурай деса, оёғини ердан кўтаролмайди. Ҳайқирмоқчи бўлса, товуши чиқмайди.

Ботирбеков босинқираб уйғонди. Қараса, уйда ётип-ти. Тонг отиб, кун чиққан. Хотини тепасида:

— Нима бўлди, Рустамжон ака, нима бўлди? — деб турипти.

— Милиция чақиринг! Бузишяпти.

— Вой, нимани бузишаркан?

Ботирбеков туш кўрганини энди фаҳмлади-ю, «уҳ» тортиб, бошини чангаллаганича сукутга кетди.

Ҳожар хола Арслон ака билан таксига миниб, кенг проспектта учраган ҳар битта «Запорожец» машинасига аланг-жаланг кўз ташлаб бормоқда эдилар.

— Кўрсам танийман-а! — деди Ҳожар хола.— Туси яшил, ўзи кичкина.

— Кечадан бери учта яшил «Запорожец» топдик,— деди Арслон ака хуноб бўлиб,— ҳаммаси бошқа. Балки ранги бошқачадир? Балки адашаётгандирсиз?

— Йўқ, тусини ел есин, яшил эди, яшил!

Шу пайт кўчанинг нариги четида яшил «Запорожец» кўриниб қолди. Ҳожар хола ҳовлиқиб:

— Э, ана, қаранг, қаранг! — деди ва таксичидан илтимос қилди: — Барака топинг, ака, тезроқ орқага бу-ринг. Ану яшил шайтон кетиб қолмасин!

Проспектнинг ўртасида гулзор бор эди. Йўлнинг нариги четига ўтадиган жой эса анча узоқда эди.

Такси ўша жойга бориб бурилиб келгунча яшил «Запорожец» жуда узоқлаб кетди. Арслон аканинг ичи пишиб, нуқул:

— Қувинг! Тезроқ ҳайданг! — дерди.

Таксичи газни охиригача босиб, «Запорожец»га яқин борди, ниҳоят, уни қувиб ўта бошлади. Ҳозир олдига ўтиб тўхтатиши керак. Арслон ака рулда ўтирган ёшги-на йигитчани Ҳожар холага кўрсатиб:

— Шуми? — деди.

Ҳожар холанинг тарвузи қўлтиғидан тушиб:

— Йўқ, бу бошқа,— деди.

— Яна бошқа! Тўртта яшил «Запорожец» топибмиз. Ҳаммаси бошқа!

— Мунча уруғи кўп бу яшил «Запорожец»нинг!

— Ҳаммаси битта конвейердан тушган-да,— деди таксичи.— Бунақа излашда тополмайсизлар. Мен сизларга битта йўлини айтайми?

— Айтинг, жон ака, айтинг! — деди Ҳожар хола.

— Агар сизлар излаган одам товламачи бўлса, бу опага ўхшаган соддаларни бошқа институтлардан ҳам «ов»лаб юрган бўлса керак.

— Шу гапда жон бор,— деди Арслон ака.— Бўлма-са, пединститутга ҳайданг. У ердан топилмаса, мед-институтга барамиз.

Улар ТошМИнинг олдида келганларида таксичининг

иш сменаси тугади. Ҳожар хола унга пулини бериб жўнатиб юборди.

Ҳожар хола Арслон ака билан трамвай йўлидан ўтаётганда институтнинг ўнг томонида турган таниш «Запорожец»ни кўриб қолди. Машина эшиги очилди-ю, ичидан посон кийинган Усар чиқди. Ҳожар хола уни Арслон акага кўрсатиб:

— Вой, ана!— деди.

— Жуда басавлат одам-ку. Адашаётган бўлманг тагин!

Усарбек қайрилиб, Ҳожар холани кўрди-ю, дарров машинасига қайтиб кирди ва моторини ўт олдирди.

Ҳожар хола билан Арслон ака унга қараб чопишди. Лекин яшил «Запорожец» ўрнидан силкиниб қўзғалди ва қочиб қолди. Арслон ака йўлдан ўтаётган таксига қўл кўтарди. Ичида одам бор экан, тўхтамади. «Тез ёрдам»га қўл кўтарди. Тўхтамади. Кейин у бир самосвалга қўл кўтарди. Бўш келаётган самосвал тўхтади. Ҳожар хола билан Арслон ака кабинага чиқмоқчи бўлган эди, шофёр йигит:

— Одам олишга ҳаққим йўқ! — деди.— Мен қуриш материалли ташийман.

— Ҳамкасб эканмиз, мен ҳам қурувчиман,— деб Арслон ака шофёрга ўзини танитди.

Шундан кейин шофёр:

— Қаёққа бормоқчисиз? — деб сўради.

Арслон ака узоқлашиб кетаётган «Запорожец»ни кўрсатиб:

— Ана ўша ўгрини қувиб етишимиз керак!— деди.

Улкан кўк самосвал жойидан гувуллаб қўзғалди. Усар Ҳожар холани «қолиб кетди» деб ўйлаган бўлса керак, чорраҳадан ўтгандан кейин машинасини секинроқ ҳайдай бошлади.

Шунда бир самосвал кетидан бостириб келаётганини ойнадан кўриб қолди. Ўгирилиб қараса, самосвал кабинасида Ҳожар хола ўтирибди. Шундан кейин Усар қизил чироқларга ҳам қарамай, машинасини зинғиллатиб, газни бор кучи билан босди.

Самосвал светофор олдида бирпас тўхтаб қолди. Лекин шофёр йигитнинг кўзи ўткир экан. Яшил «Запорожец» ҳар қанча узоққа кетса ҳам, уни кўздан қочирмай қувиб бораверди.

Халқ орасида «кўк қашқа» деб ном олган бу тез юрар самосвал «Запорожец»га минут сайин яқинлашиб

бормоқда эди. Маккор Усар тўғри йўлдан борса қўлга тушиши аниқлигини сизди чамаси, машинасини эгри-бугри тор кўчаларга буриб юборди.

Самосвал гувуллаб, тор кўчага сиғар-сиғмас учиб борарди. «Запорожец» зинғиллаб қочмоқда эди. Бир жойда самосвалнинг борти пахсадеворга тегиб, озроқ жойини кўчириб кетди.

Ниҳоят, тор кўча тугади-ю, серчанг, ўнқир-чўнқир майдонга чиқдилар. Кузови паст «Запорожец» ўнқир-чўнқирларда таги ерга тақиллаб тегиб, тез юролмай қолди. Самосвал эса паст-баландни писанд қилмай «Запорожец»ни қувиб ўтди-ю, кўндаланг бўлиб Усарнинг йўлини тўсди.

Усар чанг-тўзонда машинасидан чиқиб қочди. Арслон ака билан Ҳожар хола уни қувиб етишлари гумон эди. Лекин самосвалнинг забардаст шофёри Усарни қувиб етди. Кейин уювлашиб унинг қўлини орқасига қилиб боғладилар-да, «Запорожец»нинг орқасига ўтқиздилар. Самосвал «Запорожец»ни шатакка олиб, Ботирбеков ишлайдиган институтга қараб кетди. Йўлда Усарбек Ҳожар хола билан Арслон акага ялина бошлади:

— Жон ака, бешта болам бор. Тирик етим қилманглар. Ҳожар хола! Уша беш юзни ҳозир қайтариб бераман.

— Ҳозир-а? — деди Арслон ака.— Пул ҳали чўнтагингиздами?

— Ҳа, мен Ҳожар холага пулини қайтармоқчи эдим. Домла Ботирбеков ваъдасини бажармапти. Мен буни шу бугун эрталаб билдим. Ҳожар холага пулини қайтарай, деб ўша жойга бордим, лекин тополмадим.

— Ҳа, тулки! — деди Ҳожар хола.— Ҳамма гапинг ёлғон! Мени қидирган бўлсанг, ҳозир нега қочдинг?!

— Сен Ботирбековга ҳам туҳмат қиляпсан! — деди Арслон ака.

Яшил «Запорожец» ўқув корпусининг олдига бориб тўхтади. Арслон ака ичкарига кириб, Рустам Ботирбековични бошлаб чиқди. Ботирбеков машинанинг ичида қўли боғлоғлиқ ўтирган товламачини кўрди-ю, уни энди таниди.

— Бу одам мени кўчада нега мунча қуюқ табрикланди десам, гап буёқда экан-да!

— Ҳа, домла, бу сизга беш бармоғини ҳам кўрсатган эди-ку,— деди Ҳожар хола.

— Мени «ишларингиз беш!» деб мақтаган эди-да.

— Об-бо, тулки-ей! Битта мақтов билан беш юз сўм ишлаган экан-да!

Ботирбеков тутақиб:

— Ғаламислик ҳам шунчалик бўладими! — деди.— Кўчада тўғрилиқча кўришиб, сўрашганингдан шундай аблаҳона маъно чиқарса-я! Яна бунга одамларни ишонтирса-я! Э, бўлди, энди мен кўчада ҳеч ким билан қўл бериб кўришмайман!

Рустам Ботирбеков ичкарига кириб, тўғри ректорнинг олдига чиқди.

— Товламачи тутилди! — деди.— Мана энди тегишли жойга тезроқ телефон қилинг!

... Шу кундан бошлаб кўчада таниш-билишлар дуч келиб қолса, Ботирбеков беш-олти қадам нарида тўхтаб салом берад, кўришмоқчи бўлганларга:

— Э, э, кўришманг, кўришманг! — дерди.

— Ҳа, Рустамжон ака, тумовмисиз?

— Тумовдан ҳам баттар.

— Ие, нима бўлди ўзи?

— Битта муттаҳам билан кўчада кўришиб, бошим қанча ғалвага қолди!

— Муттаҳам жазосини олди-ку. Ҳамма ҳам ўшанақа бўлавермас.

— Эҳтиёт шарт-да.

— Энди имтиҳонлар тугади-ку.

— Мандат комиссияси бор. Шу ҳам ўтиб бўлсин. Ана ундан кейин қўл сиқишиб кўришамиз! Ҳозирча оғзаки... хайр!

## 15

Арслон ака Рустам Ботирбековичнинг бу гапларини орқаворотдан эшитди-ю:

— Ҳа, ўша... ўзимиз билган Ламанчлик Ботирбеков-да! — деб кулиб қўйди.

У Жавлоннинг Муборакдан «уч» олганини ҳали ҳам билмас, ўглининг конкурсдан бемалол ўтишига ишониб юрар эди. Сўнгги пайтда Арслон аканинг участкасида иш жуда қизғин борар, Яйра ўқишга кетаётганда энди ердан кўтарила бошлаган беш қаватлик уй ҳозир биттай деб қолган эди. Арслон ака қурилиш планининг ошириб бажарилгани ҳақида рапорт ёзаётганда эшик секин очилди-ю, Яйранинг:

— Мумкинми? — деган майин овози эшитилди.

Арслон ака Яйрани кўриб, ўрнидан турди.

— Табриклаймиз, қизим, ўтибсан! — деб унга қўл берди.

— Раҳмат, Арслон ака. Энди расчёт олгани келдим.

— Расчёт?... Шошма, ҳалиги шартимиз нима бўлди?

— Ўрнимга одам олиб келишим керакмиди?... Ҳозир!

Яйра эшикни қия очди-да, ташқарига қараб:

— Асал, кириңг! — деди.

Зуваласи пишиққина қиз эшикдан салом бериб кирди.

— Қурилишда ишламоқчимисиз, қизим?

— Ҳа.

— Жуда яхши-да, — деб Арслон ака Асалга стул суриб берди. — Қани, ўтириңг.

Яйра қия очиқ эшик орқали яна кимгадир имлади. Шунда лапанглаб Эргашали кириб келди. Арслон ака унинг онасини эслаб:

— Ҳожар хола қалай, тинчиб кетдими? — деди.

— У ғалвадан тинчиди-ку, лекин менга жавоб бермай роса қийнади.

— Қочиб келдингизми?

— Йўқ, «Арслон аканинг участкасига ишга бораман» деганимдан кейин кўнди. Сизга ўшанда жуда ихлоси ошиб қолган экан.

Арслон ака мамнун бўлиб, салобатли йўғон товуш билан:

— Ҳа, бизнинг ишимиз — ихлос қўйса арзийдиган иш, — деди. — Баъзи ёшлар нуқул институтга интилади. «Бахтимнинг калитини фақат олий мактабдан топаман», деб ўйлашади. Бекор гап! Мана, Яйрани мисолга олинг. Бунга бахтли истиқболнинг калитини бизнинг қурилиш берди. Яйра бу йил институтнинг эшигини ана шу калит билан очди. Тўғрими, Яйра?

— Жуда тўғри!

Эргашали қия очиқ қолган эшикдан ташқарига қараб-қараб қўймоқда эди.

— Яна биров борми? — деди Арслон ака.

— Ҳа, институтга киролмаган яна бир йигит ўтирибди, — деди Эргашали.

— Жуда соз, уни ҳам ишга оламин! — Арслон ака

ташқарига қараб: — Киринг! Тортинмай кираверинг! — деди.

Эшикдан кутилмаганда Жавлон кириб келди. Арслон ака ҳайрон бўлиб:

— Э, сенмидинг? — деди.— Мандатдан ўтиб келдингми? Табриклайликми?

Жавлоннинг юзи сўлғин, кўзлари киртайган. У жилмайишга тиришиб:

— Мандат комиссияси ўтказмади,— деди.

— Нега?! — деди Арслон ака ғазабли гулдурак овоз билан: — Мен ҳозир Ботирбеков билан гаплашаман! Бу қанақа адолатсизлик? Ҳаммаси «беш», «тўрт» бўлсин-да, ўтказмасин!

— Битта «уч»им ҳам бор эди-да.

Буни Яйра ҳам билмас эди. Ҳайрон бўлиб:

— Қачон «уч» олдинг? — деди.

— Оғзакидан Муборак «уч» қўйган эди.

— Буни мендан нега яширдинг, лапашанг? — деди Арслон ака аччиқланиб.

— Сабабини кейин айтаман, дада! Ҳозир иш тўғри-сида гап кетяпти шекилли.

— Иш? Сен-а?! Шундай зўр институтга кирмасдан... Ҳў, хумкалла!..

— Дада, ҳозир ўзингиз айтдингиз-ку, ахир! Бахтнинг калити ўқишда эмас, ишда дедингиз-ку!

Эргашали билан Асал Арслон аканинг юзига тикилиб қолишди. Наҳотки бу одам битта нарсани ўғлига бир хил, бошқаларга бошқа хил қилиб айтса?! Арслон ака ўғлига ҳар қанча куюнса ҳам, аввал айтган сўзларидан қайтишга тили бормади. Жавлон дадасидан кўп гап эшитмаслик учун нозик пайтни топиб келган эди.

— Мен фақат қилган меҳнатларимга ачинаман! — деди Арслон ака бўғилиб.

Жавлон эса: «Телефонга номер олиш учун қилган меҳнатларингизми? — дегандай қилиб қаради.— Яна бу ишга қўли эгри холаваччангизни аралаштиргандингизми? Ҳалол ишга ҳаром қўл тегса шундай бўларкан-да.»

— Ачинманг, арзимаиди,— деди Жавлон дадасига.


Арслон ака эса:

— Баттар бўл! — деб қўл силтади.— Қани, ариза ёз! Сизлар ҳам ёзинглар.


Арслон ака ҳаммага бир варақдан оқ қоғоз берди.

1971—1975

# Хикоялар







## АМУ ЧАНГАЛИДА

Фарҳод Самарқанддан Хоразмга самолётда учиб бо-раётганда «мана энди Амударёни ҳам кўраман» деб ичида суюниб қўйди. Унинг катта опаси Самарқандда институтни битирган йили курсдоши бўлган хоразмлик йигит билан оила қурган эди. Улар икки йилдан бери Амударё бўйидаги бир қишлоқда ишлашади. Фарҳодга поччаси Амударё ҳақида ғалати ҳикоялар айтиб бериб, уни жуда қизиқтириб қўйган эди. Амударёнинг гоҳ ма-роқли, гоҳ қўрқинчли қиёфаларга кириб оқиши ҳақида Фарҳод китоблардан ҳам кўп нарса ўқиган эди. Бу афсонавий дарёни ўз кўзи билан кўришни жуда-жуда истарди. «Опамни кўргани борсангиз мени ҳам олиб борасиз!» деб онасидан сўз олиб қўйган эди.

Мана ҳозир онаси шу сўзининг устидан чиқиб, Фар-ҳодни самолётда бирга олиб кетяпти.

Кумушраиғ қанотлар остида Қизилқум саҳросининг тўлқинсимон тепаликлари — барханлари сузиб ўтмоқда эди. Барханларнинг бир-бирига ўхшашлиги, бири орти-дан бошқалари тизилиб туриши ва уфққача чўзилиб кетиши чиндан ҳам улкан денгиз тўлқинларини эслатар эди. Фақат бу қум денгизи беҳаракат, унинг тўлқин-лари қумтепаларга айланиб қотиб қолган. Шамол ту-

риб қум кўча, эҳтимол, барханлар ҳам сал нарига силжир. Лекин улар силжиб борган жойларида яна беҳаракат қотиб туради. Ҳозир иссиқ ёз пайти бўлгани учун саҳро қовжираб қуриб ётипти. Баҳорда сув йиғилиб кўлмак бўлган жойлар энди сувсиз тақирларга айланган. Самолётдан худди оқ доғларга ўхшаб кўринади.

Самолёт катта тезликда бир соатдан бери учаётибди-ю, саҳро ҳеч тугамайди. Хоразмдан анча берида Қизилқумга Қорақум саҳроси келиб қўшилди. Аввал қизғиш кўринган барханлар энди сояда қолгандай қорамтир тус олди. «Одам ўтса оёғи, қуш учса қаноти куяди» деган нақл энди Фарҳоднинг эсига тушди.

У саҳрога қарайвериб зерикди-да, кўзини иллюминатордан олди. Бир пайт олдинда кимдир қувонч билан: — Ана дарё! Амударё! — деб қолди.

Фарҳод яна самолётнинг юмалоқ, жажжи деразаси томонга энгашди. Шунда у икки улкан қум саҳросини қиличдай кесиб ўтиб келаётган улкан дарёни кўрди. Кечки қуёшда товланиб турган бу дарё охири уфққа туташган чексиз қумтепалар орасидан ялтиллаб чиқиб келмоқда эди. Олдинда уни Хоразмнинг ям-яшил далалари, соя-салқин боғлари кутиб турар эди. Дарё бу гўзал воҳага етганда каналларга сув таратиб, тармоқланиб, гўё яйраб оқарди. Дарё ичида кемалар ва қайиқлар сузиб юрарди.

Фарҳод бунни кўрди-ю, «мен ҳам шу қайиқлардан бирига тушиб сузаман!» деб ичида ният қилиб қўйди.

Лекин унинг бу нияти тезда амалга ошмади. Унинг опаси «Амударё бўйида турамиз» деган бўлса ҳам, уйлари қирғоқдан анча узоқда экан. Уларнинг қишлоқлари билан дарёнинг оралиғида қамишзорлар, шоли далалари, баланд тупроқ дамбалар бор экан. Дарёнинг бу томони пасттекислик бўлгани учун сув тошиб кетиш хавфи кучли экан, шунинг учун қишлоқ уйларини соҳилдан узоқроққа — дамба тўсиқлар ортига қурган эканлар.

Поччаси Фарҳодни укаси Мадраҳим билан таништирди:

— Мадраҳим ҳам еттинчини битирган, ёшларинг тенг, дарёни бирга томоша қилинглар,— деди. Кейин Фарҳодга тайинлади: — Амударё Самарқанднинг Сиёбига ўхшаган эмас. Сиёбда чўмилгандай чўмиламан деб юрманг. Четларида балиқ овласаларинг майли. Лекин ичига кирманглар. Уқдингми, Мадраҳим?

— Уқдим, оға,— деди мўйлови сабза уриб қолган қорамағиз йигитча. У ҳовлининг зах жойларини теша билан кавлаб, ўн-ўн бешта чувалчанг топди. Икковларига битта қармоқ олдилар. Иккита нон билан битта қовунни тўрхалтага солиб, эрталаб дарёга қараб кетдилар.

Дарёдан берида катта-кичик кўллар бор эди. Бу кўллар баҳорда дарёнинг суви тошганда пайдо бўлган, уларда ҳам балиқ кўп эди.

— Кел, овни шу ерда қиламиз,— деди Мадраҳим.

Фарҳод Амударёни яқиндан кўришни истар эди.

— Йўқ, дарёга борайлик,— деди.

Мадраҳим индамай олдинга тушди. Баланд-баланд тупроқ дамбаларнинг устидан ошиб ўтдилар. Ёввойи толлар ва жийдалар орасидан ўтган сўқмоққа чиқдилар. Фарҳод дарёнинг шовуллаши эшитилармикан деб, тўхтаб қулоқ солиб кўрди. Лекин ҳеч қандай шовуллаш эшитилмас эди. Шунинг учун Фарҳод дарё ҳали узоқ бўлса керак, деб ўйлади.

Бироқ кутилмаганда ёввойи толлар орасидан «ярқ» этиб катта бир сув кўриниб кетди. Улар ажриқ ўсган қирғоқдан чиқиб қолдилар. Дарёнинг соҳили худди ариқнинг қирғоғидай пастгина, чўнқайиб ўтириб кўл чўзилса, кафт сувга етади. Лекин дарёнинг ўзи шундай кенгки, кўз уни бир қараш билан қамраб ололмайди!

Ез охирлаб қолган, бошқа кўп дарёларнинг баҳорда лойқаланган сувлари аллақачон тиниган. Лекин Амударёнинг суви ҳозир ҳам кўклам пайтидагндай бўтана эди. Лойқа оқим тўлқинлари гоҳ гирдоб бўлиб, гоҳ қайнаб, шундай ёпирилиб ўтиб боряптики, Фарҳод тикилиб қараган эди, боши айланиб кетди. Сўнг у Мадраҳимга қаради:

— Жуда катта экан-е!

— Сен ҳали шуни катта деяпсанми? Бу фақат Амударёнинг бир қисми. Хў қаршимизда турган қирғоқ — оролнинг қирғоғи. Дарёнинг катта қисми оролнинг нарғидан ўтади.

— Йўғ-е, мени лақиллатмоқчисан!

— Ишонмасанг, юр, кўрсатай, юр!

Улар қирғоқнинг дарахт ўсмайдиган очиқроқ жойига чиқдилар. Бу ердан оролнинг ингичка бўлиб бошландиган жойи ва ундан нариларда товланиб турган дарё сатҳи аниқ кўринарди. Дарёнинг асосий суви чиндан

ҳам ўша ёқдан ўтса керак. Узун солни судраб бораётган буксир кема ўша томонда сузмоқда эди.

Фарҳод лол бўлиб, туриб қолди.

Шундай улкан дарёнинг қаттиқ товуш чиқармасдан жимиб оқаётгани ғалати эди. Таги чуқур дарёнинг товуши паст бўладими? Амударёнинг индамаслигида қандайдир жуда катта бир куч-қудратнинг нишонаси борга ўхшарди.

— Ие, Фарҳод, бу ёқда қайиқ бор экан! — деб қолди Мадраҳим.

Фарҳод чопиб бориб қараса, қирғоқнинг панароқ бир жойига тўрт киши сиғадиган кўк қайиқ боғлаб қўйилган экан. Фарҳод қувониб:

— Қайиққа чиқамизми? — деди.

Бироқ қайиқ қирғоқдаги йўғон бир дарахтнинг тана-сига занжир билан боғланган ва занжирга қулф солиб қўйилган эди.

— Эшкаги ҳам битта,— деди Мадраҳим.— Мен биламан, бу қайиқ Сафар аканики. Биров олиб кетмасин деб, эшкагининг биттасини уйига олиб кетган.

Фарҳод қайиқнинг орқасида мотор осиладиган жойи ҳам борлигини кўриб:

— Мотори қани? — деди.

— Уни ҳам олиб кетган. Сафар ака ўзи шолида қоровул. Бўш қолса қайиғида балиқ овлайди.

— Бугун бўшмасмикин-а? Бизни бирга олиб чиқса жуда маза қилар эдик-да.

— Бориб сўраймизми? Уйлари яқин.

— Майли, юр.

Улар қармоқ ва бошқа нарсаларини шу ерда қолдириб, Сафар аканинг уйига йўл олишди.

— Узи бўлмаса, ўғли Бекжон бордир,— деди Мадраҳим.— Бекжон менинг ўртоғим.

Улар боя ўтган тупроқ дамбаларидан яна ошиб ўтдилар, шолиторларнинг орасидан юрдилар. Мадраҳим яқин деган жой дарё бўйидан анча узоқда экан. Бир вақт палаги қуврай бошлаган қовун полизнинг олдидан чиқдилар. Полиздан нарида — баландроқ бир жойда Сафар акаларнинг уйи кўринди. Уша ёқдан думи кесилган қўнғир кўппак вовуллаб чиқди.

— Ҳо-ов, Бекжон! — деб чақирди Мадраҳим.

Уйдан аввал бир қизча чиқди, кейин у полизнинг нарёғидан Бекжонни чақириб берди. Бекжон ўн беш ёшлардаги ўсмир бўлса ҳам, гавдаси катта йигитларни-

кидек йўғон, полвонлардай лапанглаб юрадиган бола эди.

— Мадраҳим, сенмисан?

— Ҳов-ва, мен! Қани, самарқандлик меҳмонимиз билан таниш!

Бекжон билан Фарҳод кўришиб сўрашганларидан кейин Мадраҳим Сафар акани сўради.

— Отам бозорга кетган,— деди Бекжон.

— Эй-й! — деди Мадраҳим афсусланиб.— Сафар оға балиқ овлашга чиқса бизни ҳам бирга олсин демоқчи эдим. Фарҳод қайиқда юриб дарёни бир кўрмоқчи.

Бекжон ерга қараб ўйланиб қолди.

— Еки қайиқни ўзинг ҳам ҳайдайсанми? — сўради Мадраҳим.

— Ҳайдасам бўларди-ю, отам уришади-да.

— Меҳмон болани айлантириб келдим дейсан-да.

Бекжон иккиланарди. Шунда Фарҳод унга худди катта одамга гапиргандай ҳурмат билан гапирди:

— Агар Самарқандга бориб қолсангиз, мен ҳам сизни айлантириб, томоша қилдирар эдим.

— Майли, меҳмонинг хурсанд бўлсин, Мадраҳим. Отам бозорга яқинда кетди, ҳали тезда келмайди. Унга-ча биз дарёни бир айланиб келамиз. Ўзим ҳам қайиқ ҳайдашни яхши кўраман. Юр, моторни олиб чиқайлик...

Бекжон билан Мадраҳим бостирмадан қайиқнинг кичкина моторини ва бензин солинадиган бакини кўтариб чиқишди. Фарҳодга моторнинг сувни кесадиган жажжи парраклари жуда чиройли кўринар, бакдан келаётган бензин ҳиди ҳам ҳозир беҳад ёқимли туюларди.

Бир тупроқ дамбадан иккинчисига кўтарилаётганларида Фарҳод моторни Бекжоннинг қўлидан олди. Бекжон эса талашиб-тортишиб бакни Мадраҳимдан олди. Учовлари ҳам мақсадга етаётганларидан хурсанд. Тезроқ дарё сайрига чиқишга ошиқиб, жадаллаб боришади, офтобнинг тиғида терлаб-пишиб кетганларини ҳам сезишмайди.

Шу тарзда дарё бўйига чиқишди. Бекжон моторни қайиқнинг орқа томонидаги махсус уясига ўрнатди. Чўнтагидан калит олиб, занжирга солинган қулфни очди. Фарҳад билан Мадраҳим қайиққа чиқиб ўтириб олишди. Шундан кейин Бекжон қайиқни қирғоқдан дарёнинг чуқур жойига итара бошлади.

Фарҳод қайиқнинг олд томонида ўтирган эди, оёғи бир нарсага тегиб кетди. Эгилиб қараса, қайиқнинг

ичида битта эшкак ётипти. Кейин у дарёга тикилди. Қирғоқдан узоқлаша бошлаганларида Амударё унга янада улкан ва баҳайбат кўриниб кетди. Кўнглида аллақандай хавотирлик пайдо бўлди. У бундай дарёларда сузиб кўрмаган эди. Агар бирон ҳодиса бўлса...

— Айтмоқчи, Бекжон, эшкакнинг биттаси қани?

— Э-э, Мадраҳим, эшкакнинг биттаси уйда қолибди-ку.

— Энди нима қиламиз? — деди Фарҳод.

Қайиқда сузамиз деб турган пайтларида яна қирғоққа чиқиб, дамбалардан ошиб, уйга бориб келишни ҳеч қайсилари истамас эдилар.

— Мотори бор-ку, эшкак нима керак? — деди Мадраҳим.

— Моторни ишлатиб кўрай-чи? Яхши юрса кетавра-рамиз.

— Бўпти!

Полвон тахлит Бекжон моторни ёндирадиган йўғон ипни катта йигитлардай куч билан устма-уст торта бошлади. Бирдан мотор тариллаб, кўкиш тутун чиқариб ишлаб кетди. Бекжон унинг мотоцикл тутқичига ўхшайдиган тутқичидан ушлаб, газ бериб кўрди, кейин тезликка солиб, қайиқни юргиза бошлади. Тезликка солган пайтида моторнинг аллақаери «гурс» этди, лекин бари бир қайиқ оқимга қарши сузиб кетди. Бекжон уни бирпас қирғоқнинг яқинида, сув секин оқаётган жойларда юргизди. Мадраҳим хурсанд бўлиб:

— Бекжон, дўстим, қайиқ ҳайдашга уста бўлиб кетибсан, — деди.

Бекжон ҳам ўзига-ўзи тан бергандай:

— Ҳов-ва! — деб кулди.

Фарҳод хоразмликларнинг «ҳа»ни «ҳов-ва», дейишларини билар эди. Бекжон қайиқни чапга буриб, оролга ҳайдаётганда:

— Қалай, меҳмон, маза қиляпсизми? — деди.

Шунда Фарҳод ҳам:

— Ҳов-ва! — деди. Бундан учовлари ҳам кулиб юборишди. Уйда қолган эшкак эсларидан чиқиб кетди.

Дарёнинг ўртароғига борганларида оқимнинг гирдоблари ва ичидан қайнаётганга ўхшаб кўпириб турган жойлари кўпроқ учради. Қизғиш лойқа оқимнинг шиддати шундай кучли эдики, Фарҳод бирпас тикилиб турганда боши айланиб, кўзи тинди.

— Ана шу қайновлар жуда ёмон,— деди Бекжон Фарҳодга.

Фарҳод «қайнов»нинг нималигини билмас эди. Бекжон унга оқимнинг ичидан қайнаб чиқаётганга ўхшаб турган жойини кўрсатиб:

— Қайнов ана шу,— деди.— Бунинг тагида бир қоя тошми, қаттиқ ерми, аллама балоси бўлади. Қайиқ устидан ўтса, таги тегиб ўтириб қолади.

Бекжон қайиқни ўнгу сўлга буриб, қайновларга чап бериб ўтди-да, сўзида давом этди:

— Бултур отам билан дарёдан мана шу қайиқда ўтаётганда битта қайновни кўрмай қолибмиз. Қайиқ бориб бир урилди-ю, оқимга кўндаланг бўлиб тўхтаб қолди. Оқимни кўряпсан, девдай зўр. Қайиқни ағдариб юборишига сал қолди. Отам сакраб тушиб, қайиқнинг тумшуғини оқимга қаратиб бурди. Кейин биз тушиб орқасидан итардик. Оқим ҳам ёрдам берди. Тиқилган жойидан чиқиб кетдик.

— Амударёнинг таги ўзгариб туради-да, ана шуниси ёмон,— деб гапга қўшилди Мадраҳим.— Қирғоғини қара, қум тупроқ, ҳаммаси бўш, юмшоқ. Дарё бўлса жуда катта, жуда зўр. Қирғоқларини ювиб, йўлини ўзгартириб кетаверади. Мана бу қайновлар ҳам бугун бир жойда пайдо бўлади, бошқа кун бошқа жойга кўчади.

— Қанақасига кўчади?

— Дарё емиради-да. Сув бўш жойини топиб ковлаб кетаверади. Қаттиқроқ жойига оқим урилиб кўпиради, қайнайди. Ахири бир кун қаттиқ жойни ҳам тегидан кавлаб йиқитади. Шу билан битта қайнов тўхтади. Лекин кавланган ўзаннинг бошқа бир жойидан яна қаттиқ тўсиқлар чиқиб қолади. Оқим энди бу тўсиққа урилиб қайнашга тушади.

Амударёнинг асовлигига унинг йўлида учрайдиган юмшоқ ерлар ва қум саҳролари ҳам сабаб бўлишини Фарҳод энди билди. Бирдан қайиқнинг мотори акса ургандай «чиқ-пиқ» қилиб қолди. Шу пайт улар дарёнинг ўртасига келган эдилар. «Бузилиб қолса-я!» деган ўйдан Фарҳоднинг юраги «шиғ» этиб кетди. Эшкак битта, у билан сузиб бўлмайди. Оқим қайиқни бирорта қайновга олиб бориб урса-да, ағдариб юборса, қирғоқ шундай узоқ, лойқа оқим шунчалик зўр, гирдоблар шу қадар кўп! Фарҳод эса сузишни сал-пал билади, тинч сувда йигирма қадамдан ортиқ сузолмайди.

Мотор ўчай-ўчай деганда Бекжон унинг тутқичини нари-бери бураб, яна равон ишлатиб юборди.

— Майли, кўп узоққа бормайлик,— деди Фарҳод унга.

— Қўрқяпсизми? — кулимсираб сўради Бекжон.

— Ростини айтсам, сузишни яхши билмайман.

— Мен сузишни яхши билсам ҳам,— деди Мадраҳим,— бу ерлардан ҳеч сузиб ўтганим йўқ.

— Сен-ку, сен! Бу ердан катта одам ҳам ўтолмайди,— деди Бекжон.— Гирдоблари ёмон, тортиб кетади.

— Шуни билсанг сал эҳтиёт бўлиб ҳайда,— деди Мадраҳим.

— Бўлмаса оролгача борамиз-у, қайтамиз. Нарёқдаги катта оқимга ўтмаймиз.

— Майли!

Оролга етгунча қайиқ мотори яна бир марта «чиқпиқ» қилди, хайрият, ўчмади. Лекин қайиқни қумлоқ қирғоққа тираб тўхтатган пайтларида моторнинг парраклари бир нарсага тегиб кетди. Мотор бирдан ўчиб қолди.

— Мадраҳим, тушиб оролни томоша қилинглар,— деди Бекжон.— Мен моторни бир кўрай.

Фарҳод моторнинг бузилиб қолишидан хавотирда эди.

Бекжон эса унга ва Мадраҳимга ўзининг мотор тузатишга ҳам уста эканини кўрсатиб қўйгиси келарди.

Орол деганлари — ҳеч нарса ўсмайдиган тақир бир қумлоқ экан. Фарҳод қайиқдан тушиб қирғоққа чиққанда оёғи ботиб кетди — қумнинг тагида қорамтир лойқа бор эди. Баҳорда дарё тўлиб оққанда бу орол ҳам сувнинг тагида қолиб кетган, ҳозир сув сал пасайгани учун яна юзага чиқиб қолган эди. Орол бўйига уч чақиримча келар, эни эса ярим чақиримдан ошмас эди. Унинг нариги ёғида дарёнинг асосий ўзани кўриниб турар эди. Амунинг нариги қирғоғи беригисидан ҳам олис. Икки орадан шиддат билан оқиб ўтаётган сув шундай улканки, унинг қаршисида Фарҳод ўзини беҳад кичкина сеза бошлади. У қумлоқ оролда кўп юргиси келмай қайиқнинг олдига қайтди.

Бекжон қайиқнинг асбоб-ускуна турадиган қутичасини очиб, узун отверткани олган, моторни сувдан чиқарган, энди унинг бензин ўтадиган бир жойини очмоқда эди.

— Аввал ҳам тузатганмидингиз? — сўради Фарҳод.



Унинг юзи ташвишли эканини кўрган Бекжон ўзини бепарво кўрсатиб:

— Ҳов-ва,— деди.— Бир марта қум тиқилиб қолган-да отам иккаламиз шу ерини очиб тозаллаган эдик.

Бекжон йилтироқ бир винтни бураб олди. Унинг ичи тешик экан. Бекжон оғзига қўйиб пуфлади. Винтнинг ичидан бир оз қум тушди. Қум билан бирга кичкина бир пружинача ҳам учиб чиқиб, сувга тушиб кетди. Бекжон шоша-пиша сувга қўл солди. Лекин бўтана сув ичида ҳеч нарса қўлига илинмади. У лой аралаш қумни чангалига олиб, титкилаб қаради. Пружинача йўқ. Кейин икки қўлини ҳам сувга тиқиб, узоқ тимискиланди. Фарҳод билан Мадраҳим ҳам ялангоёқ бўлиб, енг шимариб, унга ёрдамга келишди. Лекин лойқа сув ва қум ичидан ҳеч нарса топишолмади.

— Балки пружинасиз ҳам ишлайверар? — деди Мадраҳим.

Бекжоннинг шахти қайтган, бояги тетиклиги йўқ.

— Кўрамиз, қани, зора ишлаб кетса,— деди-да, йилтироқ винтни жойига бураб киргизди, моторни уясига ўрнатди, сўнг уни ёндириш учун ипини торта бошлади. Бекжон жон-жаҳди билан қулоч ёзиб, ипни ўн беш-йигирма марта тортди, терга ботиб, ҳансираб қолди. Мотор ўт олмади. Кейин Мадраҳим тортиб кўрди. Бўлмади.

Мотор ишдан чиққан эди.

— Эшкак ҳам битта,— деди Фарҳод.— Энди қандай сузиб ўтамиз?

Учовлари бирпас сукутга кетиб, узоқда қолган қирғоқларга армон билан тикилдилар.

— Узимиз нотўғри қилдик-да,— деди Мадраҳим.— Эшкаксиз чиқмаслигимиз керак эди.

— Сен-да! «Мотор бор-ку, эшкакни нима қиламиз!» деган.— Бекжон Мадраҳимнинг сўзларини масхара оҳангига солиб такрорлади.

— Узинг-чи, ўзинг? Мотор тузатишга устаман деб мақтанмасанг бўлмасмиди? Қўлингдан келмайдиган ишни нега қилдинг?

— Дўстлар, қўйинглар, ҳаммамиз ҳам айбдор. Мен ҳам «қайиқда айланайлик» дейвериб, сизларни йўлдан урдим. Бу ўзи қалтис иш экан, Бекжонга дадаси «менсиз чиқма» деб бежиз айтмаган экан!..

— Дадам ҳозир келади, менинг ўзбошимчалик қилганимни билса балога қоламан!

Бекжон қирғоққа ўзини ташлаб, қумни алам билан муштлай бошлади:

— Нега шундай қилдим, нега?

— Бекжон, қўй, сен менинг гапим билан моторни олиб чиқдинг,— деди Мадраҳим.— Ҳаммамиз ҳам калта ўйлаган эканмиз. Энди жазосини тортяпмиз. Биз ўзимизни ўзимиз Амунинг чангалига тутиб бердик. Қара, икки томонимиз ҳам шундай катта сув. Бундан ҳеч биримиз сузиб ўтолмаймиз.

— Менга қаранг, Бекжон,— деди Фарҳод.— Сиз ўзингизни сал қўлга олинг. Дарёни яхши биласиз. Агар қайиқни оқимнинг ўртароғига олиб кирсак, дарё ўзи бизни қирғоққа чиқариб қўймасмикин?

— Қайси қирғоққа? — ўрнидан туриб сўради Бекжон.— Бу оқим оролнинг охирига бориб, нариги томондан келган катта оқимга қўшилади. Кейин оқимнинг кучи икки-уч баробар ошади. Қайиқни уёқ-буёққа бурай десанг, эшкак йўқ. Бирорта қайновгами, тошгами уриб ағдариб юборса!

— Йўқ, бу тўғри келмас экан...

Шу пайт чап қирғоқда бир одамнинг қораси кўринди.

— Э, қара, қара, Бекжон, биров бизга қўлини силкитяпти.

Бекжон қўлини пешанасига соябон қилиб қирғоққа қаради-да:

— Улдим! — деди.— Отам бозордан келипти!

Қирғоқдаги одам бир нарсалар деб қичқиради, лекин шамол қаршидан эсаётгани учун овозини эшитиб бўлмас эди.

— Мотор бузилиб қолди! Мотор! — деб қичқирди Мадраҳим.

Кейин учовлари биргалашиб:

— Мотор! Мо-тор! — деб қичқаришди. Улар энди бутун нажотни қирғоқдан кутишарди.

Бекжоннинг отаси сувчи одам эди-ю, лекин Амударёнинг бу ерларидан у ҳам сузиб ўтолмас эди. Қайновлар ва гирдоблар жуда хатарли эди. Бекжоннинг отаси гап нимадалигини фаҳмлагандай бўлиб, аллақандай ишоралар қилди. У худди елкасига бир нарсани қўйиб, куч билан тортган каби ҳаракатлар қилар эди.

Бекжон отасининг бу ҳаракатларига ва қўли билан оролнинг юқори томонига ишора қилганига қараб туриб:

— Тушундим! — деди.— Отам солдов тортгин деяпти. Қани, Мадраҳим, шимингни еч, сувга кир!

Бекжон ўзи ҳам, турсикчан бўлиб олди. Қайиқнинг ичида узун каноп арқон бор эди. Шунинг қайиқнинг тумшугига боғлади-да, уни қирғоқ бўйлаб оролнинг юқори томонига торта бошлади.

Оёғи қумга ботиб қирғоқдан бораётган Фарҳод ҳеч нарсага тушунмади:

— Нима қилмоқчисанлар, Бекжон? — деб сўради.— Солдови нимаси?

— Репиннинг «Бурлақлар» деган суратини кўрганми-сан?— деди Бекжон.— Одамлар кемага арқон боғлаб, қирғоқ бўйлаб тортади. Бу иш Хоразмда ҳам бўлган. Биз бурлакни «солдовчи» деймиз. Ҳозир қайиқни оролнинг нариги учига тортиб борамиз.

— Кейин-чи?

— Кейин... Оқимни кўрдингизми? Дарёнинг сувини ана шу орол иккига бўлиб юборяпти. Биз томондаги оқим ўша ердан бошланади. Мен кўрганман. Оролнинг ўша еридан бошланган оқим отам турган қирғоққача боради. Биз қайиқни ана шу оқимга етказиб боролсак, кейин бизга дарёнинг ўзи ёрдам беради.

Амударёнинг чангалидан чиқиб кетиш ҳар қанча қийин бўлса ҳам, Бекжон айтган ишни қилолсалар-у, омадлари келса, қутулиб кетишлари мумкин эканини Фарҳод энди сезди. Шундан сўнг у ҳам турсикчан бўлиб сувга тушди. Учовлари гоҳ белларигача, гоҳ кўкракларигача сувга ботиб, арқонни елкаларига тираб, қайиқни юқорига тортиб бора бошладилар. Оқимга қарши тез юриб бўлмас эди. Сувнинг чети саёзроқ, қирғоқ зиҳидан қадам ташлаш осонроқ эди. Лекин саёзликда қайиқ қумга ўтириб тўхтаб қоларди, кейин уни олдидан тортиб, кетидан итариб зўрға чиқаришарди. Таги яна тегиб қолмасин деб, сувнинг ичкарироғидан тортишар эди. Бир марта Амунинг лойқа тўлқинлари Фарҳоднинг бўйнигача чиқди. Ундан кейинда келаётган Мадраҳимнинг оёғи чуқур жойга тушиб, ўзи сувга ботиб кетди. Кейин юзага сапчиб чиқди-ю, сув пуркаб, сузиб бора бошлади.

Кучли оқим қайиқни орқага оқизиб кетмоқчи бўлиб, арқонни таранг қилиб тортарди. Бироқ олдинда Бекжон, унинг кетида Фарҳод, Мадраҳим арқонни елкаларидан туширмай аста-секин илгарилаб боришарди.

Нарёқдан уларга қараб турган Сафар ака ҳам қирғоқ бўйлаб юқорилаб бормоқда эди. Орол билан қирғоқ орасидан шиддат солиб ўтаётган сув шунчалик улкан,

оқим шунчалик кенг эдики, битта эшкак билан нариги қирғоққа етиб олишларига Фарҳоднинг унча ишонгиси келмасди. Шундай бўлса ҳам у солдовчиликни қўймас, қайиқни бор кучи билан юқорига тортиб борарди.

Ниҳоят, оролнинг энг юқорисига етдилар. Бу ердан Амударёнинг бутун сатҳи яққол кўринарди. Узоқда оқ пароход оқимга қарши сузиб бормоқда эди. Фарҳоднинг пароходга ҳам, ундаги одамларга ҳам ҳаваси келди. Чунки Фарҳодларнинг бошига тушган ташвиш уларда йўқ. Бежавотир, беғам кетишяпти.

Бу уч ўсмир эса баҳайбат Амунинг сиртмоғидан эсон-омон чиқишадими, йўқми, ҳали номаълум.

— Энди бутун умид ўзингдан, Бекжон,— деди Мадраҳим.— Эшкак эшишга уста эдинг.

— Қўй, мени мақтама, Мадраҳим. Боя сенинг мақтовингдан талтайиб моторни бузиб қўйдим...

Бекжон арқонни йиғиштириб қайиққа солди-да:

— Қани, чиқинглар,— деди.— Фарҳод олдинга ўтсин. Мадраҳим, сен орқага ўтир, рулни бур деганимда секин бурасан.

Фарҳод билан Мадраҳим жой-жойларига чиқиб ўтирганларидан кейин Бекжон қайиқни оқимнинг тезроқ жойига томон итариб борди-да, сув кўкрагига келганда, сапчиб қайиққа чиқди. Сўнг оёқларини кериб тикка турган кўйича ёлғиз эшкакни қўлига олди ва ўнг томондан сувга солди. У ўнг томонда эшкак эшгани сари қайиқнинг тумшуги чапга бурилиб, оқимнинг ўртасига кириб бора бошлади.

— Рулни сал чапга бур! — деди Бекжон Мадраҳимга.

Мадраҳим рулни кескинроқ бурди, шекилли, қайиқ оқимга кўндаланг бўла бошлади. Олдинда гирдоб ва қайновлар бор эди. Бекжон шуни ўйлаб, эшкакни тез чап томонга ўтказди. У тикка турган ҳолда тез-тез эшкак эшиб, кўндаланг бўла бошлаган қайиқни секин ўнглаб олди. Сўнг яна эшкакни ўнгдан эша-эша, қайиқни қирғоққа анча яқинлаштирди. Бир вақт қирғоқдан Бекжоннинг отаси Сафар аканинг овози эшитилди:

— Мадраҳим, оғирлигингни чапга кўпроқ ташла! Бекжон, эшкакни дадилроқ эш! Дадилроқ!

Бекжон эшкакни қайиқнинг ўнг томонида эшаётганда Мадраҳим билан Фарҳод оғирликларини чап томонга кўпроқ ташладилар. Шундан сўнг қайиқ чап қирғоққа аввалгидан сал тезроқ қиялаб бора бошлади.

Қайиқни дарёнинг қудратли оқими оқиғиб олиб кетмоқда эди. Бекжоннинг эшкак эшишлари-ю, Мадрахим билан Фарҳоднинг ҳаракатлари қайиқнинг чап қирғоққа томон қиялаб яқинлашишига ёрдам берарди, холос.

Ана, қирғоққача тахминан юз қадам қолди. Бунгача улар минглаб қадам пастга оқиб бордилар. Сафар ака қирғоқда улар билан ёнма-ён кетяпти.

Бекжон чарчамай эшкак эшарди. Унинг гавдаси қўпол кўринса ҳам, ҳаракатлари чаққон ва аниқ. Фарҳод Бекжоннинг кучи ва қайиқ ҳайдашдаги тажрибасига ўзича тан берди-ю:

— Бекжон, бизнинг жонимиз ҳозир сизнинг қўлингизда! — деб қўйди.

— Керак бўлса мен сизларга жонимни бераман! — деди Бекжон оғир-оғир нафас оларкан. У ҳозир чиндан ҳам танида бор жонини бир нуқтага тўплаб, ҳамроҳларини қирғоққа эсон-омон олиб чиқишга қаратган эди. У отасининг олдидаги айбини ҳам фақат шу йўл билан ювиши мумкинлигини сезарди.

Шу ҳаммаси бир бўлди-ю, Бекжон қайиқни хатарли қайновлар орасидан яхши олиб ўтди. Ниҳоят, ёлғиз эшкакли қайиқ қирғоққа қиялаб етиб келди. Кулранг чўғирма кийган новча Сафар ака қирғоққа ёндошган қайиқни тумшуғидан тутиб турди. Аввал Фарҳод кейин Мадрахим билан Бекжон қирғоққа сакраб тушишди.

— Сафар оға,— деди Мадрахим,— биз қайиқни сиздан бесўроқ олиб жуда адабимизни едик. Бекжонни кечиринг!

Бекжон отасининг қаршисида ялангоёқ ва турсикчан бош эгиб, кулгили бир аҳволда жим турибди.

— Лекин Амударё сенинг жазонгни берипти! — деди Сафар ака унга.— Хайрият, қайиқни бу ёққа яхши олиб чиқдинг. Бўлмаса, кўрар эдинг!

— Иккинчи бундай қилмайдиган бўлдик,— деб ғўлдиради Бекжон.

Фарҳод ҳам Амударё билан ҳазиллашиб бўлмаслигини энди астойдил сезиб турарди. У самолётга тушиб Самарқандга қайтаётганда саҳроларни қиличдай кесиб ўтган азим дарёга узоқдан яна бир қаради. Аму билан ўзича хайрлашар экан, унга нисбатан қалбида ажиб бир илиқлик, қадрдонлик пайдо бўлганини сизди. Амударё Фарҳодни ўз чангалига олиб бир қўрқитган бўлса ҳам, ҳар қалай, охирида яна дарёнинг ўзи ёрдам берган эди.

Агар Амунинг қудратли оқими кўмаклашмаганда улар ёлғиз эшкак билан қирғоққа етиб келолмасликлари аниқ эди...

## ИССИҚКЎЛ САФАРИ

Тошкентда ёз иссиғи авжига чиққан пайт. Жамилар беш қаватли уйнинг бешинчи қаватида туришади. Томларининг усти текис бўлгани учун қора сақич — битум билан ёпилган. Кундузлари кўча асфальти қандай қизиса, уларнинг томлари ҳам шундай қизийди. Битум кунни бўйи иссиқни ўзига гўё йиғиб олади-ю, кейин туни билан уйни қиздириб чиқади. Мухтор ака кечалари балконда ҳам ухлолмай қийналади.

Нуқул тер қуйилади, эрталаб турганда ёстиқлар ҳўл бўлиб қолади. Кейин одам ҳадеб чанқайди, гоҳ холодильникдан совуқ компот олиб ичади, гоҳ крандан совуқ сув ичади, гоҳ чойни совутиб ичади. Суюқлик кўп ичилганидан қовоқлар шишиб кетади.

Бир кун кечки пайт Мухтор ака кўчадан хурсанд бўлиб кириб келди:

— Холидахон, — деди Жамиланинг ойисига, — мен тўртта путёвка олдим. Саратон ўтгунча болаларни ҳам салқин жойга олиб кетайлик.

— Салқин жойингиз қаер?

— Иссиқкўл! Ўзимизнинг машинада борамиз. Йўл тайёрлигини кўраверинг!

Жамила ҳали Иссиқкўлни кўрмаган эди. Уни номига яраша иссиқ бўлса керак деб ўйларди. Ойисига нарсаларни чамадонларга жойлашга ёрдамлашар экан:

— Ўзимиз шунчалик иссиқлаб юрибмиз, — деди. — Яна Иссиқкўлга бориб нима қиламиз?

— Ишинг бўлмасин, қизим. Аввал борайлик, кейин биласан.

Улар Тошкентдан эрталаб офтоб чиқмасдан жўнадилар. Ҳали кўчаларда машина кам. Мухтор ака оқ «Жигули»сини шаҳар кўчаларидан шошилмай ҳайдаб ўтди-ю, Қозоғистон чўлларига чиққанда елдай учириб кетди. Асфальт йўл ойнадай текис. Бир ярим соатда Чимкентга етиб бордилар.

Жамила укаси Аброр билан орқа ўриндиқда ўтирган эди. Чимкентдан кейин йўл қорли тоғларга яқинлашди, ҳаво салқин ва ёқимли бўлиб қолди. Йўл яхши бўлгани учун машина текис юриб борарди. Жамила далалар-

га қараб бораётиб, кўзи уйқуга кетганини сезмай қолди. Бир вақт уйғониб қараса, Жамбул деган шаҳарга етибдилар. Машина баланд-баланд оқ теракларнинг соясида тўхтаб турибди. Мухтор ака кичкина термосдан пиёлага иссиқ кофе қуйиб ичяпти.

Жамбулдан нарёқда далалар яна ҳам кенг, ҳаво яна ҳам тиниқ. Бўлиқ ўт-ўланлар ҳали сарғайган эмас. Бора-боргунча ўнг томонда бири-бирига туташган қорли тоғлар тизмаси кўзга ташланиб туради. Асфальт йўл тоғларга гоҳ сал яқинлашади, гоҳ яна узоқлашиб кетади. Қирғизистоннинг пойтахти Фрунзе шаҳрига етгунларича чап томонда текис чўллар; далалар, ўнг томонда эса осмон билан бўйлашган тоғлар уларни гўё кузатиб борди.

Мухтор ака бир кун давомида сал кам етти юз чақирим йўл босди. Иссиққўлгача яна икки юзу эллик чақирим бор эди.

— Энди чарчадик, Фрунзеда дам оламин, — деди-ю, Жамилаларни «Олатов» меҳмонхонасига олиб борди.

Бир кеча меҳмонхонада тунаб, эртаси куни офтоб чиқмасдан йўлга тушдилар. Фрунзенинг атрофида боғлар, дарахтзорлар жуда кўп. Текис йўлда катта тезлик билан икки-уч соатлаб юрсалар ҳам боғлар ва дарахтзорларнинг охирига етолмас эдилар.

Бир вақт йўлнинг чап томонида каттакон дарёнинг тошлоқ ўзани кўринди. Унг томонда тоғ бор эди. Машина тоққа яқин борганда унинг очиқ деразасидан сувнинг шовуллагани эшитилди. Жамила чап томонга қараса, катта бир тоғ дарёси юқоридан буралиб-буралиб оқиб келяпти.

Асфальт йўл тоғ ёнбағирга тармашиб чиққан пайтда дарё улардан анча пастда — чуқур тош ўнгир ичида қолиб кетди. Кейин тоғ йўли айланиб-айланиб яна дарё бўйидан чиқди.

— Тез оқишини қара, Жамила, — деди Мухтор ака.

— Дада, бу дарёнинг оти нима?

— Оти Чу. Маънисини биласанми?

— Билмадим.

— Чавандозлар отини чоптирмоқчи бўлганда «чу!» дейди. Бу дарё тоғлардан тушиб келаётганда қирғиз қардошларимиз «чу!» дейишган бўлса керак — келакунча тулпор отдай елиб-югуради.

Дарё жуда тез оққан жойларида ўзани торайиб, ўзи

кичрайиб қолгандай кўринади. Лекин унинг шовқини осмонга бўй чўзган улкан тоғ дарасига сиғмас эди. Атроф ҳаммаси бир неча минг метр баландликдаги тоғ. Машина бир соатдан бери тоғ оралиғидаги дарадан юриб боряпти. Даранинг тубида Чу ҳайқириб оқади. Гўё Чу афсонавий куч билан тоғни қоқ ўртасидан кесган-у, шу дарани ясаган, кейин уни ўзининг ўзанига айлантирган. Энди машина учун ҳам қулайроқ йўл мана шу дара бўлиб қолган.

Дарё шитоб билан тоғдан пастга қараб елади. Мухтор аканинг машинаси эса тоғ оралаб, дарё бўйлаб, юқорига кўтарилиб боради. Улар Чу устига қурилган кўприкдан нариги томонга ўтаётганларида тоғ ёнбағирлари паровоз гудогидан янграб кетди. Наҳотки бу тоғларга поезд чиқиб кела олса? Жамила машина деразасидан гудок эшитилган томонга қаради. Дара ичидан ўтган темир йўлни у энди кўрди. Ҳозир шу темир йўлдан тўрт-бешта яшил вагон тиркалган қора паровоз тун буруқситиб, юқоридан тушиб келмоқда эди.

Етти яшар Аброр поездни биринчи марта кўраётгандай қувониб:

— По-езд! По-езд! По-езд! — деб ашула қилиб айта бошлади.

Яна бирпас юрганларидан кейин йўл тоғлар орасидан текисликка чиқди. Чу дарёси ўнг томонда қолиб, кўринмай кетди. Машинанинг мотори инграгандай товуш чиқаряпти. Шунга қараганда йўл ҳали ҳам юқорига кўтарилиб боряпти.

— Ҳозир денгиз сатҳидан бир ярим минг метр баланд кўтарилдик,— деди Мухтор ака.— Яна юз метр кўтарилсак Иссиқкўлга яқинлашамиз.

— Кўл шунчалик баландда бўлса суви тўкилиб кетмайдами, дада? — деди Жамила таажжуб билан.

— Тоғлар тутиб туради-да. Ана, Олатовни кўрдингми?

Қорли Олатов тизмасидан берида ғалати бир текислик кўринди. Туси кўкимтир-ҳаворанг. Ўзи офтобда товланиб турибди. Жамила бунинг жуда катта бир сув эканини сезиб қувониб кетди:

— Ана, кўл! Иссиқкўл!

— Қани, қани? — сўради Аброр.

— Ана, ҳў, ана! Мен биринчи бўлиб кўрдим! Мен биринчи!..

Машина шитоб билан кўлга яқинлашиб борар эди.



Кўлнинг бағри кенглиги ва ойнадай тиниқлиги яқин борган сари аниқроқ сезиларди.

— Ана, пароход! — деб қувониб қичқирди Мухтор ака. — Мен аввал кўрдим! Пароход!

Кўл бўйлаб бораётганларида ким қандай ажойиб нарсани аввал кўрса ўша билан мақтанар эди:

— Ана, арча! Тоғ арчаси! Мен аввал кўрдим!

— Ана, чағалай! Сувда балиқ овлаб юрибди! Чайка! Чағалай!

Улар «Дилором» деган дам олиш уйига бориб тушдилар. Жойлашган уйларининг деразасидан кўлнинг мовий тўлқинлари кўриниб турипти.

Тушдан кейин ҳаммалари чўмилгани чиқдилар. Осмонда булут бор эди. Офтоб булутнинг ичига кириб кетганда кўлдан эсаётган шамол этни жунжиктирарди. Лекин қирғоқдаги майин қўнғир қум иссиққина эди. Жамила укаси Аббор билан гоҳ иссиқ қумга ағанар, гоҳ кўлга тушиб, бир-бирларига сув сачратиб, ўйнашар эди.

— Тўполон қилавермай жим туриб сувга бир қаранглар! — деди Холида опа уларга. — Ана, балиқчалар сузиб юрипти!

Жамила ойсининг ёнига бориб, сувга жим тикилиб турди. Тўлқинлар босилгандан кейин сувнинг тагидаги тошлари ҳам кўрина бошлади. Иссиқкўл шундай тиниқ эдики, офтоб чиқиб турганда балиқларнинг сояси сув тубига тушиб кўринарди. Жамила ҳам ёни-веридан сузиб ўтган кумушранг балиқчаларнинг сояларини аввал кўрди-ю, кейин ўзларини кўзи билан излаб топди.

Аббор битта балиқчани ушлайман деб сувга шўнғиди, лекин ушлолмади. Оғзи-бурнига кирган сувни пуфлаб, афтини буруштирди:

— Ойи, суви шўр-ку!

— Ҳа, Иссиқкўлнинг суви денгиз сувига ўхшайди.

Кўлнинг ўзи ҳам денгиздай улкан эди. Атрофи тоғлар билан ўралган кўлнинг кунчиқиш томони тоғларнинг орасига кириб кўзга кўринмай кетган. Шимол томонидаги тоғ тизмаси кўл чўзса етадигандек яқин. Унинг серсоя жилғаларида ва баланд чўққиларида парча-парча қор бор.

Кўлнинг жануб томонидаги тизма тоғ анча узоқда. Ўзи ҳам жуда баланд ва салобатли кўринади. Бу тоғнинг қуёш кам тушадиган терскай томони кўлга қараган, шунинг учун ҳозир ёз пайтида ҳам чўққилари қорга бурканиб оппоқ бўлиб турибди.

Жамила бўйнигача сувга кириб, ўша тоғ тизмасига узоқ тикилиб турди. Кўлнинг беҳисоб тўлқинлари шамол юрган томонга қараб юриб турибди. Лекин Жамилага тўлқинлар эмас, нариги қирғоқда турган қорли тоғлар кўл четида секин сузиб кетаётгандай туюлди. Жамиланинг завқи келди, қувончи танига сиғмай, кўлда чарчагунича сузди. Сўнг қирғоққа чиқди-да, ўзини офтобга солиб, анча вақт исинди.

— Тошкент иссиқлари эсимиздан чиқиб кетди-я! — деди Холида опа Мухтор акага.

— Бу ер салқинлигини ҳали кечаси кўрасанлар!

Чиндан ҳам, офтоб ботди-ю, кўл бўйи кундузгига қараганда жуда салқин бўлиб кетди. Кечаси очиқ жойда кино кўрсатилар эди. Жамилалар кинога кофта кийиб борган бўлсалар ҳам, совқотиб, дийдираб қолишди.

Кечаси шамол турди, тоғ томондан момақалдироқ товуши эшитилди. Эрталаб уйдан чиқиб қарасалар, тоғларни оқиш булутлар беркитиб олибди. Офтоб чиққандан кейин булутлар аста-секин тарқаб кетди. Шунда тоғнинг баланд жойларига тушган оппоқ қор кўзга ташланди. Қор совуғи улар турган жойга ҳам келарди. Улар нонуштага иссиқ жун кийим кийиб бордилар. Лекин офтоб баландроқ кўтарилгандан кейин кўл бўйига келсалар, майин қуми исиб қолибди. Суви ҳам кечагидай илиқ.

— Иссиқкўл деганларича бор-да! — деди Мухтор ака. — Қишда ҳам музламайди. Атрофдаги тоғларга қор ёғганда ҳам кўл илиқ тураверади.

— Нега шундай, дада?

— Таги чуқур-да, суви жуда кўп. Бир исигандан кейин тез совумайди. Кейин ўзи ҳам тоғларнинг ўртасида энг кунчувоқ жойда турибди.

Жамила кечаси ва эрталаб совқотгани учун куни бўйи офтобнинг тиғидан кетмади. Қирғоқда соя берадиган соябон тентлар бор эди. Холида опа қизчасини бир неча марта сояга чақирди:

— Жамила, офтобда кўп ўтирма. Бу ерда ҳаво сийрак, офтоб тез уради.

— Мени урмайди! Тошкентда шундай иссиқларда ҳам офтобда юрар эдим-ку.

— Иссиқкўлнинг офтоби бошқача! Сояга ўт!

Жамила ойисинг кўнгли учун бир озгина сояда ўтирди-ю, яна офтобга чиқди. У тезроқ қорайишни истарди. Лекин кечга бориб юзи, қўл-оёқлари қорайиш ўрнига қи-

зариб кетди. Жамила кечки овқатни ея олмади: боши айланар, бутун бадани қизишиб ачишар эди. Жамила буни ойисидан яширмоқчи бўлди, лекин Холида опа уни офтоб урганини сезиб қолди:

— Айтмадимми! Шошмасанг, кетгунимизча чиниқар эдинг, кейин офтобда қанча юрсанг майли эди!

Холида опа Жамилага қатиқ ичирди, офтобда куйган жойларига «Тройной» атирдан суртди. Атир Жамиланинг куйган жойларини шундай ачиштирдик, унинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Гапимга кирмадингми, энди чидайсан! — деди Холида опа.

Орадан бир кун ўтгач, баданининг ачиши тўхтади-ю, лекин куйган жойларининг териси пўстлоқ очиб, кўчиб туша бошлади. Жамилага айниқса юзи билан бурнининг устидаги териси тўрлаб кўчиб тушгани алам қилди. У энди тўққиз ёшга кирган бўлса ҳам, жажжигина қизча эканини биларди, ойнада ҳар куни ўзини кўриб туришни жуда ёқтирарди.

Бугун ойнага қараб, юзининг териси шилиниб, хунук бўлиб қолганини кўрди-да, қайтиб ойнага қарамай қўйди. Ошхонага кираверишда катта тошойна бор эди. Келган кунлари тошойнага албатта бир қараб оладиган Жамила энди ундан юз ўгириб ўтадиган бўлди.

Орадан ўн кунча ўтгач, Холида опа Жамилани қўлидан олиб тошойнанинг қаршисига олиб келди.

— Қўрқма, юзинг яхши бўлиб кетган. Иссиққўлнинг офтоби сен билан бир ҳазиллашди-да. Мана, энди бир ойнага қара!... Қўрқмай қарайвер!

Жамила секин ойнага кўз ташлади-ю, ўзини зўрға таниди. Кўзлари оловдай ёниб турибди. Юзи силлиқ. Ҳамма жойи бир текисда қизғиш-қорамтир тусга кирибди. Жамила ўзига-ўзи шундай чиройли кўриндики, ойнадаги аксини қучиб ўпгиси келди.

Унинг ойна олдида узоқ туриб қолганини кўрган Холида опа:

— Ҳа, ёқмай кетсин, ўзингга-ўзинг маҳлиё бўлиб қолдинг-ку! — деб кулди.

Жамила уялиб эшикдан чиқиб кетди. Кейин Иссиққўл бўйига чошиб келди. Атрофда бир-биридан гўзал тоғлар. Осмонда улардан ҳам гўзалроқ офтоб. Ерда ҳам-масидан ҳам гўзал Иссиққўл.

Жамила бу гўзалликларни мусаффо ҳавога қўшиб, тўйиб-тўйиб симирап ва қалбига жойлаб Тошкентга олиб кетишни истарди...

## ХАТАРЛИ УЧРАШУВ

Уруш вақти эди. Биз Туркистон тизма тоғининг этагида, шаҳардан йигирма беш чақирим наридаги кичкина қишлоқда турар эдик. Армиядаги акамнинг хотини қиш кунларида қаттиқ бетоб бўлиб қолди-ю, шаҳардан ойимни чақириб келинг, деб илтимос қилди.

У вақтларда машина жуда кам, от-улов колхоз иши билан банд эди.

Мен пиёда йўлга чиқдим.

Қор ёғиб турибди. Йўлнинг ўн беш чақиримчаси ҳувилаган далалардан ўтади. Қор сийрак ёғаётгани учун узоқ-узоқлар кўринади. Лекин бора-боргунча биронта тирик жон кўзга ташланмайди. Шамол йўқ, жимлик, «тиқ» этган товуш эшитилмайди. Қўлимда бир метр келадиган ирғай таёқ. Белбоғимга битта кулча тугилган. Эгнимда отамнинг узун чакмони. Зерикканда қорга таёқ билан чизиқ чизиб ўтаман. Чарчаганда тўхтаб, таёққа кўкрагим билан чўпонлардай суяниб, дам оламан.

Шу тарзда анча йўл юрдим. Ёғиб турган қор пардаси ортидан уч-тўртта ғамгин чордеворлар кўринди. Улардан нарида қуриб қолган бир ҳовуз ҳам бор. Шунга етсам йўлнинг ярми қолади.

Атроф бийдай дала.

Бир вақт йўлнинг чап томонида қандайдир шарпа сезгандай бўлдим. Дурустроқ қарасам, мендан юз қадамча нарида иккита кулранг жондор турибди. Мен аввал уларни ит деб ўйладим. Шу атрофда ёйилиб юрган қўй қўраси бордир, деб ёни-веримга алангладим. Лекин кўз илғаган ҳеч жойда биронта қўй ёки пода кўринмас эди. Бири чўнқайиб олган, иккинчиси тикка турган ва мени сергакланиб кузатаётган ҳалиги кулранг жондорлар ҳам ит эмас эди.

Мен уларнинг бўри эканлигини тушундим-у, этим жунжикиб кетди. Бир лаҳза ўзимни йўқотиб қўйдим. Кейин сал ҳушимни йиғиштириб қарасам, оёқларим гўё ўзидан-ўзи юриб кетяпти. Тўхташга ҳам, жадаллашга ҳам, авзойимни ўзгартиришга ҳам, ҳатто бўриларга яна бир қарашга ҳам журъат йўқ. Тўғрига қараб аввалгидай юриб кетяпман-у, бутун вужудим билан бўри-

лар томонга қулоқ соламан. Менга қараб келишса, шитири эшитилади-ку, дейман.

Жимлик. Ваҳимали жимлик.

Ҳозир қиш чилласи экани, бўрилар чиллада қутуриши эсимга тушди. Нажот истаб ўнг томонга қараган эдим, эски ариқнинг чуқур ўзани кўринди. Бир кўнглим дарҳол шу ўзанга қочиб тушай дедим. Орқамни ўзан девори беркитади, олдимдан келса таёқ билан ураман. Йўқ, бунга юрагим бетламади. Ички бир овоз айтиб турар эди: «Шундай қилгинки, улар сенга ҳужум қилмасин. Ҳужум қилса тамомсан».

Ҳақиқатан, ўн беш яшар қуролсиз бола алвастидай-алвастидай икки бўрига бас кела олармиди?

Кишининг қўрққанини сезса журъатсиз кучук ҳам ҳужум қилади, мен буни яхши билар эдим. Шунинг учун юрагим ваҳимадан увишиб кетаётган бўлса ҳам бояғидай шошилмай, бўриларни кўрмагандай бир маромда юриб борардим. Бир жиҳатдан ҳозир менга осонроғи шу эди. Чунки авзойимни ўзгартирсам, масалан, чопсам, бўрилар ҳам орқамдан чопадигандай туюлар эди. Мен эса ҳаммадан ҳам шуни истамас эдим.

Аввалғидай шошилмай юриб кетяпман. Йўл кенг, оёғим тағидаги қор жуда майин. Бироқ мен ўткир қиличнинг энсиз тиғидан юриб бораётгандайман. Юрагимни ҳовучлаб нуқул ортга қулоқ соламан.

Шу аҳволда қанча йўл босганимни аниқ билмайман. Бир вақт қандайдир шитирлаш эшитилдими ёки менга шундай туюлди, беҳосдан чўчиб кетдим, қўлимдаги таёқни ерга тушириб юбордим. Шахт билан сал олдинга ўтиб кетган эканман, таёқни олиш учун бир оз орқага ўгирилиб энгашишга тўғри келди. Шунда чордевордан энди етмиш-саксон қадам узоқлашганимни, бўрилар эса мени пойлаб чордевор яқинига келиб қолганини кўрдим. Сочларим тикка бўлиб кетди. Сал бўлмаса ўзимни унутиб қочар эдим. Аммо бўрилар ўгирилганимни кўриб, тўхташди. Олдингиси бошини сал ҳам қилиб, тумшугини олдинроққа чўзиб, ирилламоқчи бўлган итга ўхшаб турар эди. Шунда «Қочсам қувади!» деган ваҳимали ўй мени яна қочишдан тутиб қолди.

Мен карахт бир аҳволда секин ўгирилдим-у, аввалғидай шошилмай юриб кетавардим. Энди танамни унча ҳис қилмас эдим. Бу тана худди ёғочдан қилинганга ўхшарди. Фақат бутун борлигим қулоққа айланиб, ортга қулоқ солар эдим-у, жимлик бузилмаётганини аниқ се-

зар эдим, холос. Вақт ўтиши, масофа қисқариши ҳам ўша карахтлиқ туфайли менга унча сезилмас эди. Нариги қишлоққача бўлган беш-олти чақирим йўлни шу тарзда босиб ўтдим. Бирон марта орқамга ўгирилиб қараганим йўқ, бўрилар қаёққа кетди, билмайман.

Нариги қишлоққа етиб, энди қутулдим деганда бирдан жуда бўшашиб кетдим. Худди ўн кун йўл юргандай чарчаб, қорга ўтириб қолдим. Ичим куйиб, оғзим қақраб, тахир бўлиб кетган эди.

Ҳолбуки, мен киноларда кўрган баъзи ботирлар бундан юз баробар хатарли пайтларда ҳам бемалол чақчақлашиб юришар эди. Шунинг учун мен жуда қўрқоқ эканман, деб ўйладим-у, бу воқеани узоқ вақт ҳеч кимга айтмай юрдим.

Келинойим тузалиб кетди. Кейин акам урушдан ярадор бўлиб қайтиб келди. Биз сирдош ака-укалардан эдик. Бир кун мен ерга қараб, уялиб, бўрилар билан қандай учрашганимни акамга айтиб бердим. Акам мендан кулади, деб ўйлаган эдим. Йўқ, секин бошимни кўтариб қарасам, менга жим тикилиб турибди. Кўзлари завқлангандай ёняпти.

— Узингни ўзинг қутқарибсан,— деди у ниҳоят.— Агар қўрқоқ бўлганингда, ақлингни йўқотиб қочар эдинг. Ана унда бўрилар сени соғ қўймас эди. Урушда ҳам ким ақлини йўқотиб қочса, ўқ аввал ўшанга тегади. Ҳамма гап ақл билан иродада.

## ХАЛОСКОР

Бундан бир неча йил бурун содир бўлган изтиробли ҳодиса ҳеч эсимдан чиқмайди.

Май ойининг охирлари эди. Кун исиб қолган, бедазорларда биринчи ўрим бошланган. Биз тўрт киши Гулистонга дам олгани бордиг-у, бир кеча ётиб тушдан кейин Тошкентга қайтадиган бўлдик. Мен рулда машина ҳайдаб келяпман. Кеч кириб, офтоб уфққа яқинлашиб боряпти. Сирдарёнинг кўприги орқада қолди. Кенг йўл билан Чинознинг кунботиш томонидан ўта бошладик.

Ҳозирги икки томонлама йўл у пайтларда ҳали қуриб битирилмаган эди. Кўп жойларда йўлнинг фақат бир томони ишга туширилган. Иккинчи томонида эса қурилиш ишлари тугалланмаган. Йўлнинг тайёр бўлган томони икки ёқдан келаётган машиналар учун анча тор-

лик қилади. Машиналар ҳар томонда фақат бир қатор бўлиб ўтишади. Лекин янги йўл жуда текис. Шунинг учун баъзи шофёрлар соатига юз километрдан юришарди.

Мен тезликни етмишдан оширмай келаётгандим. Бир чақиримча олдинда икки от қўшилган ва устига ғарам қилиб йўнғичқа ортилган автокачка-арава кўринди. Йўнғичқа ғарамининг тепасида ўтирган аравакаш узун тизгинни силтаб, отларни тез ҳайдаётганига кўзим тушди. Автокачка менга тобора яқинлашиб келяпти. Отлар чопиб келаётгани учун арава йўнғичқа ғарами билан бирга уёқдан-буёққа хиёл чайқалиб кетар эди. От, ҳар қалай, тирик жонивор, машинадай текис юролмади. Мен ҳам тез боряпман, йўл тор, яна бирор жойи тегиб кетмасин, дедим-у, тезликни пасайтирдим.

От тақаларининг асфальтга шақиллаб урилиши эшитилди. Машина автокачкага яқин келганда «ҳа, энди ўтиб олдим» дедим-у, машинага яна газ бермоқчи бўлдим.

Шу пайт аравага ортилган ғарам кетидан тўққиз-ўн ёшлардаги бир қизча сакраб тушди. Қўлтиғида икки тутам йўнғичқа. Кейин билсам, бу қизчанинг уйда асраб боқаётган қуёнчалари бор экан. «Қуён бедани яхши кўради» деб, йўлдан ўтаётган автокачкага осилиб, шу йўнғичқани юлқиб олган экан. Қизчанинг бутун хаёли йўнғичқада бўлса керак, «қаршидан машина келиб қолмасмикин?» деб қарамади ҳам. Мен автокачканинг отларига яқин келиб қолган эдим. Шунда бирдан ўша қизча чопиб чиқиб, йўлни кесиб ўта бошласа бўладими!

Ора жуда яқин. Тезлик камида олтмиш. Жон-жаҳдим билан тормозни босганим эсимда. Машинада ўтирган ҳамроҳларим «жуда қаттиқ сигнал ҳам бердингиз» дейишди. Бунисини ўзим билмайман. Тормозни ҳар қанча қаттиқ боссам ҳам, масофа жуда оз бўлганлиги учун, машина қизчага яқин бориб қолди. Энди у қизча ҳеч бўлмаса тўхтаб, орқага қайтса экан! Қўлтиғидаги йўнғичқаси билан ҳамон йўлни кесиб ўтиб боряпти-да! Бир вақт мен унинг мурғак қоматини машинанинг шундай рўпарасида кўрдим. Яна бир метр юрсам, машина уни уриб юбориши аниқ!

Ақлу фаросатни ишлатиб улгуриб бўлмайдиган пайтда қўлим гўё ўзидан-ўзи машинани ўнгга қараб кескин буриб юборди. Нималар бўлганини кейин эсладим...

Йўлнинг ўнг томонида чуқурлиги одам бўйи кела-

диган кювет<sup>1</sup> бор эди, унинг бериги томонига тупроқ уйилган, нариги томонида икки қарич қалинликдаги қиррадор бетон турганди. Машина тупроқни чангитиб кўтарилди, кейин ўнг томони кескин пастга оғиб, кюветга тушди. Машина юриб бораётгани учун кюветдан ўтиб кетдик, агар тўхтасак, ағдарилиб тушишимиз аниқ эди. Кейин машинанинг ўнг томонидаги филдираклари даҳшатли бир куч билан нариги йўлнинг қиррадор тошларига урилди. Машина ҳали янги эди, филдираклари, шиналар унча ейилмаган эди. Агар эскироқ машина бўлса одам бўйи кюветга тушиб-чиқиб бутун оғирлиги билан тошга урилганда покришкеси бардош бермай ёрилиб кетиши ёки филдирак темирларининг бирортаси синиши мумкин эди. Ана унда машина ичидаги одамлари билан ағдарилиб тушиши муқаррар эди.

Бизнинг «Волга» қиррадор тошларга филдираги билан урилганда резинка шина қатланиб кетса ҳам ёрилмапти. Урилиш зарби резинкадан анча ичкарида — филдирак марказида турадиган дискага тушипти. Қиррадор тошлар олдинги филдиракнинг резинкасини қатлаб ўтиб, қалин темир дискани буклаб, қоғоздай бужмайтириб ташлапти. Филдирак нариги тош йўлнинг устига сакраб чиқиб олибди. Кейин орқа филдирак ҳам худди шу тарзда дискаси ғажилиб, тош тўсиқдан ошиб ўтибди.

Филдираклар тошга урилганда руль қўлларимни юлиб кетгудек бўлиб жуда қаттиқ силтанди. Лекин рулга жон-жаҳдим билан ёпишиб, машинани бир амаллаб ўнгладим-у, тўхтатдим. Бутун хаёлим ҳалиги қизчада. Машина нима балоларга урилди. Бу орада қизчани уриб юбормадимкин?

Эшикни оча солиб, қизча турган томонга қарадим. Чанг-тўзон ичидан ҳеч нарса кўринмади.

— Қизча қани? Қизчага нима бўлди?!

Машинада ўтирган ўртоқларимдан бири:

— Қизча қочди! Қочиб кетди! — деди.

Йўлнинг икки томонида уйлар, томорқалар бор эди. Кўп ўтмай одам тўпланди. Кюветдан асфальт йўлга чиқсак, боя қизча қўлтиғига қисган йўнғичқа ётипти. Машинанинг филдираги шу йўнғичқага ярим метр етмай бурилган изидан кўриниб турипти. Агар машина яна

---

<sup>1</sup> Кювет — йўлнинг четидаги сувсиз ариқ, зовурнинг бир тури.



ярим метр тўғрига юрса, қизча тирик қолмас экан...

Кейин машинанинг олдига тушдим, тошга урилиб ғажилган дискаларни кўрдим. Бу аҳволда йўл юриб бўлмас эди. Запас гилдиракни олиб алмаштирар эканман, одамлар келишиб қизчага онаси қаттиқ жазо берганини айтишди. Аччиқ устида мен ҳам қизчадан хийла нолидим. Ахир бу қандай бетамизлик? Йўнғичқа керак бўлса даладан ўрмайдими? Икки тутам йўнғичқани деб, ўлиб кетса нима бўлар эди?.. «Боласига яхши таълим бермаган ота-онаси машинани тузатиб берсин!» — ҳам дедим.

Милиционер келиб, қизчанинг ота-онасини жавобгарликка тортмоқчи бўлди.

Лекин мен даъвогар бўлмадим. Ҳар қалай қизча омон қолгани-ю, ўзимнинг бир фалокатдан соғ қутулганим — катта бахт эди.

Бу воқеани ҳар эслаганимда, инсон қўлининг халоскор қудратига қойил бўлиб қўяман. Биз кўп ишларни аввал каллада ўйлаб, кейин қўлга буйруқ берамиз. Қўл буйруғимизни ижро этади. Лекин узоқ машқлар натижасида инсон қўли шундай улуғ бир ижрочига айланадики, қалтис, хатарли пайтларда кўнглингизда борини фикр-мулоҳаза қилиб улгурмасингизданоқ қўл сиз истаган ишни ажиб бир чаққонлик ва аниқлик билан ижро этиб юборади.

Энг муҳими — қўлни шунга ўргатишда.

## ФИЛ МИНГАН САЙЁҲЛАР

Биз Ҳиндистон бўйлаб саёҳатга чиққанимизда ноябрь ойи бошланган, Москвадан жўнаётганимизда қор ёғиб турган эди. Улуғвор самолётимиз ИЛ-62 Дехли аэропортига қўнганда қарасак, бу ерлар ҳали бизнинг Тошкентда май ойининг охирлари қандай бўлса, шундай иссиқ экан. Одамлар енгил ёзги кийимларда юришипти. Далалардаги экинлар, адирлардаги ўт-ўланлар, шаҳару қишлоқлардаги дарахтлар ҳаммаси баҳор пайтидагидек ям-яшил. Кейин билсак, Ҳиндистонда энг кўп ёмғир ёғадиган фасл — август ойдан октябрь ойигача бўлар экан. Бу фаслда ҳамма ўсимликлар сувга роҳа қониб олар экан. Октябрнинг ўрталарида ёмғир фасли тугаб, ҳаво очилиб кетар экан. Биз борган пайтда осмонда булут кўриңмас, ҳаво тиниқ, кечалари тепамизда

беҳисоб юлдузлар чарақлаб турар эди. Фақат ҳарорат анча баланд эди. Деҳлида, айниқса, ундан анча жанубда жойлашган Агра, Калькутта шаҳарларида кундузлари офтобнинг тигига чидаб бўлмасди. Кечалари ҳам ҳаво иссиқ, сернам ва дим туюлар эди.

Лекин ҳинд-совет дўстлиги жамияти биз учун энг яхши меҳмонхоналардан жой тайёрлаб қўйган экан. Биз турган меҳмонхона бўлмаларида ҳавони салқин қилиб берадиган кондиционерлар ишлаб турар эди. Биз қарерга бормайлик, меҳнаткаш ҳинд ҳалқида совет кишиларига нисбатан самимий эҳтиром борлигини сездик.

Саёҳатимизнинг бешинчи кунда Жайпур деган чиройли бир шаҳарга келдик. Аградаги иссиқлардан сўнг Жайпурнинг атрофидаги тоғлиқ ўрмонзорлар бизга анча салқин туюлди. Энг мўътабар меҳмонлар турадиган улкан қасрда бир кеча ётдик. Эртаси кун Жайпурни айланиб томоша қилдик. Сўнг бизни шаҳардан ташқарига — унча баланд бўлмаган ўрмонзор тоғ этагига бошлаб келишди.

— Азиз меҳмонлар, самолётда учдиларингиз,— деди тўладан келган қоп-қора, хушбичим йўл бошловчимиз,— автобусда, енгил машинада юрдиларингиз. Энди йўлимизнинг бир оз қисмини филда босиб ўтсак қандай бўлади?

Биз сиёҳат режаларида фил миниб сайр қилиш ҳам борлигини Деҳлида эшитган эдик. Мана энди тоғ этагида сайёҳларни кутиб турган ўнга яқин улкан қора филларни кўрдик.

Тоғ тепасида бундан бир неча аср олдин қурилган машҳур қўрғон ва тарихий ёдгорлик бор эди. Биз мана шу тоққа фил миниб чиқишимиз мумкин эди.

Лекин бизнинг ҳеч қайсимиз ҳали умримизда филга миниб кўрмаган эдик. Албатта, бунинг қанақа бўлишини жуда билгимиз келар эди. Фақат икки қаватлик уйдаи баланд филлар бизга бир оз ваҳимали туюлар эди. Шунда йўл бошловчимиз айтдики, ҳозир кўз олдимизда турган филлар ҳар кун турли мамлакатлардан келган сайёҳларни тоққа олиб чиқиб ўрганган. Ҳар бир филнинг тажрибали филбони бор.

Филлар филбонларга яхши итоат этиши уларнинг юриш-туришидан сезилар эди. Филбонлар орасида ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги кўзлари йирик-йирик бир бола ҳам бор эди. Бола филини баланд устунга боғлаб қў-

йиб, бизнинг олдимизга келди. Йўл бошловчимиз уни бизга таништирди. Боланинг исми Қамар, филининг оти эса Чандни экан. Қамар совет меҳмонларини олиб юришни истар экан. Лекин саркорлари<sup>1</sup> унга бой бир инглиз сайёҳини хотини билан тоққа олиб чиқишни топширибди.

Қамар бўйнига бир эмас иккита фотоаппарат осган баланд семиз одамни кўрсатди. Йўл бошловчимиз уни танигандай бўлиб:

— Ҳа, бу мистер — илгариги мустамлакачилар авлодидан,— деди.— Бунинг ота-боболари қирқ-эллик йил аввал бизга хўжайинлик қилган эди. Ҳинд пахтаси билан савдо қилиб бойиган эди. Энди буниси сайёҳ бўлиб келибди-да! Майли, Қамар, саркоринг топширган бўлса, буларни сен тоққа олиб чиқ. Биз бошқа филларга минармиз.

Қамар биз билан хайрлашиб филининг олдига кетди. Фили уни секин хартумига ўраб олиб елкасига чиқариб қўйди. «Наҳотки биз ҳам филнинг хартуми ёрдамида унинг устига чиқсак?» — деб ўйладим. Чунки филларнинг ёни-верида нарвон кўринмайди. Болахонадай баланд филга ҳеч кимнинг бўйи етмайди. Унга қандай минаркинмиз?

Шунда бизни тўрт метрча баландликдаги махсус тошсупага таклиф қилишди. Зинапоялардан юриб шу тошсупага бирин-кетин кўтарилдик. Нарёқдан филбонлар филларини тошсупага жипс келтириб тўхтатишди.

Филнинг сағриси жуда кенг бўлгани учун одам унинг устида от мингандагидек оёғини икки томонга ташлаб ўтиролмас экан. Шунинг учун филнинг эгаржабдуқлари от ва туяларни кенга ўхшамас экан. Филнинг бўйни жуда калта, гардани елкасига уланиб кетган. Филбон филнинг қулоқлари тагига тиззасини суқиб, унинг бошига яқин жойда ўтирибди. Филбоннинг қўлида «кажак» деб аталадиган учи қайрилган темир таёқча бор. Филбон гоҳ тиззалари билан филнинг супрадай кенг қулоқларига ниқтайди, гоҳ темир таёқчани ишлатади, гоҳ сўз билан филни бошқариб боради. Жуда зийрак ҳайвон бўлган фил эгасининг буйруқларини тез ва аниқ бажаради.

Филнинг сағрисига олди ёпиқ креслога ўхшаб кетадиган икки табақалик кажавасимон ўриндиқлар ўрна-

<sup>1</sup> Саркор — ишбоши.

тилган экан. Ҳар қайси филга иккитадан сайёҳ минар экан.

Фил баланд тошсупага ўнг томонини бериб турганда кажаванинг ўнг томонидаги ўриндиққа бир киши чиқиб ўтиради. Кейин филбон филни буриб чап томонини супага тўғрилайди. Шунда чап томондаги ўриндиққа иккинчи киши чиқади. Биз ҳам шу тарзда бир филга икки киши миндик. Пастга қарасам, худди баланд бир томинг бўғотида осилиб тургандай бўламан. Лекин ўриндиқларимиз филга жуда маҳкам боғланган эди. Унга ўрнашиб олганимиздан кейин ялангоёқ филбон филнинг йўлақдай кенг елкасидан юриб олдимишга келди. Ўриндиқнинг одамни белигача яхши тутиб турадиган махсус бир ялтироқ темири бор экан. Филбон шуни жойига ўрнатиб маҳкамлаб кетди.

Бу ишлар давомида фил жойидан қимир этмай турди. Фақат филбон ўз жойига ўтиб ўтириб, юришга буйруқ бергандан сўнг фил шошилмай қўзғалди. У дастлабки қадамни қўйгандаёқ ҳар бир одими қанчалик улкан экани одамни лапанглатиб чайқатишидан сезилди.

Туяга минган киши туянинг лўкиллатиб тебратишини билади. Филнинг устунга ўхшаш оёқлари ҳам туянинг пайпоғига ўхшаш юмшоқ. Лекин филнинг оғирлиги бир неча тонна келади. Ана шу оғирлик ҳар қадамда ерга жуда катта бир куч билан тушиши ўтирган одамга қаттиқ бир лапанглашдек туюларкан. Сиз гўё катта бир қоятош устида ўтирибсиз-у, бу қоятош жойидан қўзғалиб, лапанглаб, юқорига кўтарилиб боряпти.

Ени-веримизда ҳам фил минган одамлар тоққа кўтарилмоқда эдилар. Кажавасимон ўриндиқлар филнинг икки ёнига хуржунга ўхшаб тушиб туради. Шунинг учун икки ёқдаги ўриндиқда ўтирганлар бир-бирларига орқа ўгириб ўтиришади. Тошкентдан бирга келган шоир ҳамроҳим Барот Бойқобилов билан биз ҳам филда бир-биримизга орқа ўгириб ўтирганимиз учун юзларимизни кўрмай гаплашамиз.

— Барот, фил сайри қалай?

— Э, яхши! Эсда қоладиган сайр бўляпти.

Биз минган улкан қора фил тагига тош тўшалган айланма тоғ йўлидан шошилмай боряпти. Фил ўзи баланд. Бунинг устига тоғнинг баландлиги қўшиляпти. Пастга қарасангиз бошингиз айланаётгандай бўлади. Қиррадор тошларга қараб ўйланасиз: агар бирон фалокат бўлиб, филдан шу тошларнинг устига йиқилиб тушсангиз

борми?.. Лекин филбонлар ҳам эҳтиёт чораларини кўришган. Айланма йўл тик бўлса ҳам анча кенг. Фил қаттиқроқ чайқатганда кажавасимон ўриндиқнинг ёғоч ва темирлари ғижирлаб қўяди.

Бирпас шу тарзда йўл юрганимиздан кейин бу ғалати сайрга хиёл ўргангандай бўлдим-у, атрофни томоша қила бошладим.

Шунда бояги Камар исмли филбон ўсмирнинг биздан сал орқароқда келаётганини кўрдим. Унинг филига минган кундадай йўғон мистер ўзининг оғирлиги билан кажава-ўриндиқнинг чап томонини пастга оғдириб юборган эди. Филнинг ўнг томонидаги ўриндиқда ўтирган чўпдай озгин қўнғир соч аёл эрининг оғирлигига ҳеч бас келолмас эди. Шунинг учун семиз мистер филнинг чап бикинига оғиб тушган сари унга орқа ўгириб ўтирган хотини баланд кўтарилиб борар эди.

Пешанасига заррин ҳошияли бахмал безак боғланган баҳайбат қора фил устидаги мистернинг аҳволини сезмагандек бепарво қадам ташлаб боради. Лекин семиз мистернинг ўзи жуда безовта. Унинг бўйнидаги қўш фотоаппарати ҳам ўриндиқдан пастга осилиб қолди. Семиз мистер билан унинг хотини филбон болага инглизчалаб қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади.

Камар ўриндиқларни филга жуда яхшилаб боғлаган эди. Семиз мистер пастга ҳар қанча оғса ҳам, йиқилиб кетмаслигига Камар ишонса керак. Шунинг учун мистер томонга осойишта ўгирилди-ю, кулимсираб, инглиз тилида бир нималар деди. Унинг жилмайишида семиз мистерга қарши қаратилган киноя бор эди. Камар: «текинтомоқлик билан бунча қорин қўйибсиз, мистер, хотинингизни ҳам ўзингиздай семиртиринг эди, ана унда ўриндиқ ҳам оғиб кетмас эди!» дегиси келгандек истеҳзоли кулиб қўярди.

Илгариги мустамлакачилик замони бўлса, филбон боланинг бундай кинояли кулгиси учун бой мистер уни отиб ташлаши мумкин эди. Лекин Ҳиндистон энди мустақил давлат, мистерлар бу ерда илгариги зўравонликларини қилишолмайди. Шунинг учун Камар семиз мистернинг дўқидан қўрқмасди. Лекин филлар айланма йўлнинг тик муюлишидан бурилаётганда семиз мистернинг аҳволи жуда танг бўлди. Филнинг улкан қадамлари ва кучли лапанглантиши оқибатида кажава-ўриндиқ чапга шунчалик оғиб кетдики, яна бирпас қўйиб берилса,

эр-хотин ўриндиқдан пастга осилиб қолишлари мумкин эди.

Шунда Камар чаққонлик билан уларга ёрдамга етиб келди. Филнинг бўйнидан чопиб ўтди-да, кажава-ўриндиқнинг озгин аёл ўтирган томонини бор кучи ва оғирлиги билан боса бошлади. Шунда кажава анча ўнгланди-ю, семиз мистернинг аҳволи енгиллашди.

Филлар тоғ тепасидаги қадимий саройга яқинлашганда ғижжак куйига ўхшаш майин куй эшитилди. Равон-ҳатта деб аталадиган бу соддагина ғижжакнинг камонига жажжи қўнғироқчалар ўрнатилган эди. Уни одам юриб бораётган кўйича ҳам чалиши мумкин эди. Филлар равон-ҳаттада чалинган куйни яхши кўрар эканлар. Улар чарчаганда филбонларнинг ёрдамчилари равон-ҳаттада машқ чалиб, филларнинг олдига тушиб борар эканлар.

Ҳозир ҳам филлар тоққа кўтарилгунча анча толиққан эди. Лекин улар равон-ҳаттанинг майин куйига эргашиб, манзилга бетўхтов етиб бордилар.

Қасрнинг ҳовлисида ҳам томдай баланд тошсупа бор экан. Филмиз ўша ерга келиб, аввал бир ёнини, кейин иккинчи ёнини тошсупага бериб турди. Биз кажава-ўриндиқларимиздан тушиб олдик. Филбонга раҳмат айтиб, ватанимиздан олиб чиққан совғаларимиздан эсдалик учун бердик.

Бу орада Камар ҳам фили билан тошсупага ёндашиб тўхтади. Ҳалиги семиз мистер филдан тушгандан кейин Камарга раҳмат айтиш ўрнига, ундан шикоят қила бошлади. Филбонларнинг саркорини топиб:

— Бу бола сайёҳларни филда олиб юролмайди, буни ишдан бўшатиш! — деб талаб қилди.

Лекин филбонларнинг саркори — ўрта яшар мўйловли одам воқеани ўз кўзи билан кўрган экан.

— Камарда айб йўқ, — деди, — вазнингиз ҳаддан ташқари оғир экан. Бундан кейин филга минмоқчи бўлсангиз, сизни озгин ҳамроҳ билан эмас, бошқа ўзингизга ўхшаган семиз киши билан бирга ўтирғизамиз, ўшанда хурсанд бўласиз.

Бу гапни эшитган одамлар кулиб юборишди. Семиз мистернинг баттар аччиғи келди. У Камарга қўлини силкитиб қаҳр билан бидиллай бошлади.

Камарнинг фили чинордай баланд банан дарахтининг соясида хартуми билан пашша кўриб турган эди.

Семиз мистер ҳаддидан ошаётганини сезган фил бирдан хартумини кескин кўтарди, йўғон ва баҳайбат товуш чиқарди-ю, мистерга қараб интилди. Камар чошиб бориб филининг йўлини тўсди:

— Чандни! Чандни! Тўхта! — деб унинг хартумини силай бошлади.

Семиз мистер хотини билан бирга ўзини тўдага урди-ю, зум ўтмай кўздан ғойиб бўлди. Камар филини тинчитгач, биз томонга ўгирилди:

— Ахир мен бу мистерга қўлимдан келганича яхшилиқ қилдим-ку! — деди. — Ўзининг семизлигидан пастга осилиб қолганда мен чошиб бориб аҳволини енгиллатдим. Буни Чандни сезган экан. Мистер менинг яхшилигимга ёмонлик қилмоқчи бўлгани учун Чанднининг газаби келди.

Биз бу зийрак филга ҳам, ёш филбон Камарга ҳам жуда қойил бўлдик. Фил миниб қилган сайримиз эса саёҳатимизнинг энг нутилмас лавҳаларидан бири бўлиб ёдимизда қолди.

## ОКЕАНДАГИ ОЛИШУВ

Бомбей шаҳри Ҳинд океанининг бўйига жойлашганини мактабда жуғрофия ўқиб юрган пайтларимиздан бери билар эдик. Мана энди шу шаҳарга саёҳат қилиб келдик. «Қаравелла» деган самолёт бизни Жайпур шаҳридан Бомбейга олиб келганда қоронғи тушиб қолган эди. Самолётдан чиққан заҳотимиз ҳаво ўзгариб қолганини сездик. Тоғ этагидаги салқин Жайпур шаҳридан кейин Бомбей жуда иссиқ ва сернам туюлди. Ҳавода ҳаммомнинг иссиқ хонасидан чиқадиган буғни эслатувчи ҳарорат ва ҳовур бор эди. Кейин билсак, бу ҳовур иссиқ Ҳинд океанининг нафаси экан. Бомбей шаҳрини томоша қилиб юрганимизда океанга қирғоқдан уч-тўрт марта кўзимиз тушди. Охири осмонга бориб тақалган уфқи кенг сувда катта-катта океан кемалари сузиб юарди.

Биз океанни биринчи марта кўрмоқда эдик. Кемага тушиб унинг ичкариларига сузиб боришни истардик. Шунинг учун мезбонлар — ҳинд-совет дўстлик жамиятининг вакиллари — бизни океандаги бир оролга олиб борадиган бўлдилар.

Эрталаб кемалар тўхтайдиган пристанга келдик. Пристанъ океаннинг шамолпана бир қўлтиғига жойлаш-

ган экан. Қирғоққа муттасил урилиб турган долға тўлқинлари бу ерда унча йирик эмас. Йигирма кишилик бир катерга тушдик. Катернинг мотори тириллаб, бизни қирғоқдан узоқлаштириб кета бошлади.

Бомбей яқинида ҳар хил пароходлар, баржалар жуда кўп. Сувга шаҳардан ташландиқ нарсалар ҳам кўп тушса керак. Шунинг учун бу ерларда океан суви алланечук хира. Қорамтир кулранг лойқаси бор. Лекин катеримиз қирғоқдан узоқлашган сари сувнинг ранги тиниқлашиб борар эди.

Кун қиёмга келганда олдинда баланд қоя тошли бир орол кўринди. Қоя тошларнинг этакларида ям-яшил ўрмон дарахтлари кўзга ташланар эди. Оролнинг тошлоқ қирғоғига йирик-йирик океан тўлқинлари урилиб турар, сув зарралари кўпириб, осмонга сапчир эди. Шунинг учун катеримиз қирғоқдан анча бериде тўхтади. Биз «пирс» деб аталадиган махсус кўприкдан юриб бориб, оролга чиқдик.

Ўрмонзор оролнинг баланд бир жойида — қоя тошлар орасида дунёга машҳур бўлган қадимий тош ҳайкаллар бор эди. Қирғоқдан шу ҳайкаллар турган жойга махсус зинапоялардан юриб бориш мумкин эди. Бу зинапоялар жуда кўп, тоғ анча баланд эди. Пиёда юришни севмайдиган баъзи бир пулдор бойлар зинапояга ўз оёқлари билан чиқишни истамас эканлар.

Пулга ёлланган камбағаллар уларни тахтиравонга<sup>1</sup> солиб, елкаларида кўтариб олиб чиқар эканлар.

Биз бири-бирига уланиб кетган тош зинапояларга яқинлашдик. Шу пайт дарахт соясида турган беш-олти киши рўпарамизга келиб, тахтиравонга чиқишни таклиф қилдилар.

Ҳаворанг бўёқларга бўялган тахтиравонларнинг ўриндиқлари чиройли қилиб ишланган эди. Океан ортидан келган пулдор сайёҳлардан иккитаси олдиндаги тахтиравонларда ястаниб ўтириб, қамбағаллар елкасида юқорига кўтарилмоқда эдилар. Қорачадан келган серпай йигитлар тахтиравонларни тўрт томонидан олиб, терлаб-пишиб зинадан-зинага чиқиб борардилар.

Улар бу ишни рўзғор тебратиш ва пул топиш учун қилишар эди. Бойлар роҳат қилиб яшайдиган капиталистик мамлакатда камбағаллар кўпинча ўзларига му-

---

<sup>1</sup> Тахтиравон — «юриб борувчи тахт» дегани. Уни тўрт киши тўрт дастасидан олиб кўтаради.



носиб иш тополмайдилар. Биз келган оролда ҳам ана шундай капиталистик муносабатлар бор эди.

Биз ўзимизга ўхшаган меҳнаткашларнинг елкасига мингандай бўлиб тахтиравонда юришни шанимизга муносиб кўрмас эдик. Бизни тахтиравонга таклиф қилган кишиларга бунни ётиғи билан айтдик-да, зинапоялардан ўзимиз кўтарилиб кетдик.

Тепада яхлит қоя тошдан ўйиб ишланган кўп хонали қаср бор эди. Қаср ичида ҳиндларнинг афсонавий қаҳрамонларига ва муқаддас кишиларига қўйилган улкан-улкан тош ҳайкаллар турарди. Бу қаср ва ҳайкаллар олтинчи асрда, яъни бундан бир минг тўрт юз йил олдин яратилган эди. Уша даврда ҳинд сангтарошларининг шунчалик улуғвор қаср ва ҳайкаллар яратганига жаҳоннинг ҳамма ҳалол одамлари қойил бўлади. Лекин бир вақтлар бу оролни босиб олган Португалия мустамлакачилари тош қасрда ўзларидан жуда ёмон хотира қолдирганлар. Улар довул турган серёмғир кунларда мана шу қасрда яшаганлар. Бу қаср уларга бошпана бўлиб хизмат қилган. Шунга қарамай мустамлакачилар тош ҳайкалларга қараб ўқ отганлар. Улмас ҳайкаллардан бирининг қўлини уриб синдирганлар, бирининг буринини учуриб юборганлар... Ҳайкаллар ҳозир ҳам ана шу жароҳатлари билан турибди. Уларнинг ярадор юзларида бахил мустамлакачиларга қарши нафрат ва лънат акс этаётгандай бўлади...

Тош қасрни кўриб бўлгач, оролнинг энг баланд тепалиги устига чиқдик. Бу ердаги улкан дарахтлар шоҳида жажжи маймунлар қий-чув қилиб ўйнаб юришипти. Олов рангидаги бу маймунлар мушукдан сал каттароқ. Сайр қилиб юрган одамлар уларга банан ёки ёнғоқ ташлашарди. Маймунлар гоҳо дарахт шоҳидан ерга сакраб тушишар, одамлар ташлаган егуликлардан ўзига ёққанини чаптастик билан олиб, яна дарахтга чиқиб кетишар эди.

Бомбейдан биз билан бирга келган йўл бошловчимиз — сари кийган ўрта яшар ҳинд аёли — маймунларга овақат ташлаётган хипча бир йигитчага қараб туриб: — Аббос! — деб чақирди.

Йигитча биз томонга «ялт» этиб қаради-ю, чопиб олдимизга келди. Кўлини жуфтлаб пешанасига қўйди-да, йўл бошловчи аёлга ва бизга ҳиндча салом берди.

Йигитчанинг ёши ўн беш-ўн олтиларда бор. Қўл-оёқлари серпай. Лаблари кўкимтир, ўзи озғин. Илжайганда

лаблари шундай кенг очиладики, оғзини тўлдирган йирик оқ тишлари ҳаддан ташқари кўпдек туюлади.

Йўл бошловчи хоним билан Аббос ўз тилида уч тўрт оғиз сўзлашиб олди-ю, кейин бизга юзланди:

— Аббос ўн ёшдан бери отаси билан балиқ овлайди. Бултур океанда буни акула еб қўйишига сал қолган.

Йўл бошловчи хонимнинг гаплари бизни жуда қизиқтириб қўйди. Биз бу воқеанинг тафсилотларини сўрай бошладик.

Аббос бизни океан яхшироқ кўринадиган яланг тепаликка олиб чиқди-да, жануб томонни кўрсатди ва бошидан кечирган ҳодисани ўз тилида ҳикоя қилиб бера бошлади. Таржимон унинг гапларини бизга таржима қилиб турди.

Маълум бўлшича, бултур Аббоснинг отаси касал бўлиб ётиб қолибди. Учта укаси бор экан. Тирикчиликлари балиқ ови билан ўтар экан. Битта кичик қайиқлари бор экан. Шу вақтгача Аббос океанда доим отаси билан бирга ов қилар экан. Энди касал отаси ва укаларини боқиш учун овга бир ўзи чиқадиган бўлибди. Бир куни Аббос ташлаган қармоққа жуда катта балиқ илинибди. Аббос уни қайиққа тортиб чиқаришга кучи етмай қолибди. Бу воқеа оролдан анча узоқда — улкан-улкан океан тўлқинларининг орасида юз берган экан. Қармоққа илинган балиқ куч билан силтаниб, Аббоснинг қўлидан чиқиб кетишга уринибди. Аббос ўрнидан туриб кетибди. Қайиқнинг четларига оёғини тираб, қармоқ ипини тутиб қолибди. Бироқ унинг бутун оғирлиги қайиқнинг бир четига тушибди. Шу пайт нарёқдан катта тўлқин келиб, қайиқни Аббос оёқ тираб турган томонига қараб кўтариб юборибди. Бунинг устига сувдаги балиқ ҳам Аббосни қармоққа қўшиб яна бир силтаб тортибди. Шунинг ҳаммаси бир бўлибди-ю, қайиқ ағдарилиб кетибди. Аббос сувга қулаб, қармоқнинг ипи қўлидан чиқиб кетибди. Лекин бу йўғон капрон ипнинг бир учи қайиқнинг ўриндиғига маҳкам боғланган экан. Қармоққа илинган балиқ бари бир қутулиб кетолмайди. Сузишни яхши биладиган Аббос дарров сув юзига чиқиб, қайиғини тезроқ ўнглаб олишга урина бошлайди. Лекин тўнкарилиб ётган қайиқ анча оғир бўлади. Уни ағдариб қўйишга ўн беш яшар ўсмирнинг кучи етмабди. Сувга дурустроқ таяниб бўлмабди. Устма-уст келиб турган тўлқинлар ҳам халақит бераркан.

Аббос қайиқни ташлаб кетиши мумкин эмас. Қам-

бағал онланинг бор мулки мана шу қайиқ. Ташлаб кетганда ҳам, мана бу улкан тўлқинларни ошиб ўтиб, узоқдаги оролга эсон-омон етиб бориши амримаҳол, чунки бу сувларда очкўз акулалар кўп учрайди.

Аббос учун қайиқни ағдариб ўнглаб олишдан бошқа пажот йўқ. У сувда жон-жаҳди билан сузиб, қайиқни гоҳ у четидан, гоҳ бу четидан кўтаради. Катта тўлқин келишини пойлаб туриб, унинг ёрдамида қайиқни ўнглашга интилади. Бўлмайди. Анча вақт шу аҳволда ўтибди.

Бир пайт Аббос тўлқинлар орасида акуланинг учингичка тумшугини ва силлиқ оқиш сузғичларини кўриб қолибди. Бу денгиз йиртқичи аввал қармоққа илинган балиққа чанг солибди. Аббос қочиб қайиқнинг нариги томонига ўтибди. Шунда у сувни кўпиртириб тез сузиб келаётган яна битта акулани кўрибди. Иккитаси келган жойга учинчи-тўртинчи акула ҳам келиши аниқ. Акулаларнинг биттаси ўлжа топиб ея бошласа, бошқалари бунинг ҳидини жуда узоқдан сезадилар. Қармоқдаги балиқ уларнинг ҳаммасига етмайди. Кейин навбат Аббосга келади...

Аббос акулаларга қандай ем бўлишини кўз олдига келтирибди-ю, ағдарилиб ётган қайиққа тирмашиб, унинг устига чиқа бошлабди.

Шу пайт қайиқ атрофидаги сув қайнаб кетгандай бўлибди. Яна бир тўда йирик-йирик балиқлар сузиб келибди. Аббос буларни ҳам акулалар деб ўйлабди. Бири-биридан катта балиқлар сувни кўпиртириб, шапир-шупур олиша бошлабди. Шунда Аббос сув юзига сапчиб чиққан каттакон бир балиқнинг дельфин эканини кўрибди. Дельфин юқоридан отилиб тушиб, бир акулани думи билан шундай урибдики, акула гангиб, бўшашиб, ён томонга қийшайиб қолибди.

Дельфинлар тўдаси акулаларникидан каттароқ эди. Улар қайиқнинг ёни-вериди акулалар билан олишмоқда эдилар. Бу олишув пайтида акулалардан бири дельфинлар тўдасидан қочиб келиб, ўзини қайиққа шундай куч билан урибдики, қайиққа ёпишиб турган Аббос сувга учиб кетибди. Қайиқ эса акуланинг зарбидан нариги ёнига ағдарилиб, юз томони юқорига чиқиб, тўсатдан ўнгланиб қолибди.

Аббос сув юзига шўнғиб чиқиб қараса, қайиқнинг ичига анча сув кирган, лекин ўзи аслига қайтиб тўғриланиб қолган. Аббос дарров қайиққа чиқиб олибди. Ҳушини йиғиб қараса, дельфинлар акулаларни қувиб

кетяпти. Сув ичида ўлган битта акула юзага қалқиб чиқибди.

Бу олишувда капрон ип ҳам узилган, қармоққа илинган балиқ қўлдан кетган эди.

Лекин Аббос ўзининг омон қолганидан суюнди.

У дельфинларнинг одамларга дўст экани ҳақида илгари ғалати гаплар эшитган эди. Энди бу гапларнинг бежиз эмаслигини ўз кўзи билан кўрибди.

Бу ҳикояни эшитганимиздан кейин ёш балиқчи Аббосга биз жуда қизиқиб қолдик.

— Ҳали ҳам балиқчилик қиласизми, Аббос? — деб сўрадик ундан таржимон орқали.

— Ҳа, балиқчилик ота касбим. Мана бу ерда тахтиравон кўтариб пул топишдан кўра... очиқ океанда балиқ овлаш яхши-да.

— Акулалардан энди қўрқмайсизми?

— Қўрқмайман, чунки океанда дельфинлар ҳам бор.

Бизга бу жасур йигитчанинг сўзлари ҳам маъқул тушиб, уни жуда ёқтириб қолдик. Биримиз унга эсдалик учун Москва ва Тошкент тасвирланган откриткалар, значоклар бердик. Биримиз унинг бошига ўзбекча дўппи кийдирдик.

Аббос қувониб ва ҳаяжонланиб ўз тилида бир нарсалар деди. Йўл бошловчи хоним унинг сўзларини бизга таржима қилиб берди:

— Аббос айтдики, океан ортидан бизнинг оролимизга келадиган пулдор текинхўрлар бор. Улар менга ҳужум қилган акулаларга ўхшайди. Лекин сиз, совет кишилари, бизга доим яхшилик истайсизлар, шунинг учун сизларни кўрганда мен ўша акулаларни енгган дельфинларни эслайман.

Биз Аббос билан хайрлашиб орол қирғоғига туша бошладик. Зинапояда яна пулдор бойларни тахтиравонга солиб юқорига кўтариб чиқаётган ҳаммоллар учради. Лекин мен энди уларни эмас, мағрур ва жасур йигитча — Аббосни ўйлаб борардим...

## ИЛИНЖ

Менинг икки опам уруш даврида Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган эрларига садоқат сақлаб, бошқа турмуш қуришмади. Бири икки ўғилни, бири уч фарзандни отасиз ўстириб одам қилишди. Бундай оналар ҳар бир қишлоқда, ҳар бир шаҳарда бор. Мен шу ҳикоя орқали уларнинг ҳаммасига чексиз эҳтиромимни изҳор қилмоқчиман.

Автор

Кечаси соат иккиларда дарвоза тақиллади. Айвонда ётган Алишер қаттиқ ухлаб қолган экан, тезда уйғонмади. Дарвоза қаттиқроқ тақиллагандан кейин ички уйнинг эшиги ғийқиллаб очилди-ю, Иқбол опа айвонга чиқди. Алишер энди уйғонди ва сапчиб ўрнидан турди. У қоронғида апил-тапил кийинар экан, дарвоза томонга:

— Ҳозир! — деб қўйди.

Иқбол опа ички бир титроқни босишга тиришиб:

— Тезроқ қара-чи, даданг эмасмикан? — деди.

Алишер уйқули товуш билан қайтариб сўради:

— Ким дейсиз?

— Даданг!

Алишер таажжуб билан:

— Қизиқсиз-а, ойи! — деди-да, айвондан тез тушиб, дарвозахонага қараб кетди.

Алишернинг дадаси Умаржон ака урушда бедарак йўқолиб кетганига ўттиз йилдан ошиб боряпти.

Иқбол опанинг эчг қўрққан нарсаси — «қорахат». Бедарак йўқолиш, ҳар қалай, ундан берироқдай туюлади. У эрининг тўсатдан кириб келиб қолишини кутади, кечалари дарвоза тақиллаб қолса, юраги ҳаприқиб, болаларига «даданглар эмасмикан?» дейишини қўймайди.

Алишер ҳам кичиклигида ойисига ўхшаб, доим дадасининг йўлига кўз тикиб юрар эди. Лекин ёши улғайгандан кейин отасининг тирик қолганига шубҳа қила бошлади. Агар у тирик бўлса, ўттиз йилдан бери суюкли хотинини, гулдай фарзандларини қидириб топиб келмасмиди?! Ёки дунёнинг нариги четида бўлса ҳам биронта дарак, бирон энлик хат юбормасмиди?!

— Бу уришда нималар бўлмаган! — дерди Иқбол опа

Ўғлига.— Даданглар ярадор пайтида асир тушган бўлса, чет мамлакатларга олиб кетиб қолишганми? Бошига бирон кўргилик тушган бўлса, «болаларим иснодга қолмасин», деб атайдан жим юрганмикин? Бирор кун ўзини оқлайдиган яхши иш қилса, йўли очилиб, келиб қолармикин?

Бу тахминлар Алишерда мураккаб, чигал ўй-хаёллар уйғотар эди. Алишер бу чигалликлардан безганда дадасининг жанг майдонида ҳалок бўлганини исботлашга интиларди. У Москвада бедарак йўқолган жангчиларни қидириш билан шуғулланадиган махсус идора борлигини эшитиб, ўша ерга бир неча марта хат ёзди. Отасининг сўнгги суратлари, хатлари, адресларидан нусхалар кўчиртириб юборди. Қидирув гоҳ юришиб, гоҳ тўхтаб бир неча йилга чўзилди. Ниҳоят, бултур кузда Москвадан келган жавобда Умаржон Раҳимов хизмат қилган ўқчи ротанинг кўпчилик жангчилари Фарбий Украинанинг Тернополь шаҳри учун олиб борилган оғир жангларда ҳалок бўлганлиги айтилган эди. Умаржон Раҳимов ҳам шулар қаторида ҳалок бўлгани тахмин этилган, лекин бунинг аниқ ҳужжатлари топилмаган эди. Чунки Тернополь бир марта озод қилингандан кейин яширин босмачи — бендерачиларнинг хиёнати туфайли шаҳар яна вақтинча душман қўлига ўтган, ўшанда жуда кўп ҳужжатлар йўқ бўлиб кетган эди.

Ҳужжатлар бўлмаса, балки тирик одамлар бордир? Алишер энди шу савол билан Тернополь шаҳар идораларига, ҳатто пионер ташкилотларига — ёш изтопарларнинг отрядларига хатлар ёзди. Натижа чиқмади. Келган жавобларнинг бирида бу чигал муаммони хат орқали ҳал қилиш қийинлиги, бедарак йўқолган жангчиларнинг белгиларини яхши биладиган одам ўзи келса бирон дарагини топиши мумкинлиги айтилган эди.

Ким боради? Иқбол опа ўттиз йил фабрикада ишлаб, яқинда пенсияга чиққан. Лекин унинг соғлиги ёмон. Қанд касали дармонини кеткизиб қўйган. Қон босими ошиб кетган. Шу аҳволда борса-ю, тўсатдан эрининг қабрини топса, сўнгги илинжидан ҳам айрилиб, адоий тамом бўлмайдими?

— Мен ўзим бораман,— деди Алишер.

Бунга опаси Маҳфуза кўнмади:

— Сен дадамни эслолмайсан. Чақалоқ эдинг. Одамлар бирон белгисини сўраса нима дейсан! Мен дадамни кўрганман. Мен бора қолай...

Маҳфуза жўнаб кетганига, мана, бугун саккиз кун бўлди. Шунинг учун дарвоза тақиллаганда Алишернинг хаёли дарров опасига кетди.

Дарвозахона йўлагини оқиш «Запорожец» банд қилиб турар эди. Алишер машинанинг чап ёнига ўтиб, қоронғида электр чироқнинг тугмасини пайпаслаб топди. Йўлакда чироқ ёнгандан кейин ташқаридан кекса бир одамнинг:

— Телеграмма!— деган хирқироқ товуши эшитилди.

Алишер дарвозанинг бир табақасини очди-да, чироқ ёруғида телеграмманинг квитанциясига қўл қўйиб берди.

Бу орада Иқбол опа ҳам рўмолини бошига солиб, айвондан дарвозахона олдига тушиб келди.

Алишер қатлаб бекитилган телеграммани чироқ ёруғига солиб, сабрсизланиб очди.

«Қидирганим топилди. Киевдан кечки рейс билан учаман. Тошкент вақти билан соат учда кутиб ол. Маҳфуза»

«Топилди» деган сўз Алишерни энтиктириб юборди. У ойсига томон ўгирилиб, кўзлари ялтираб:

— Опам!.. — деди.

— Нима депти? Дадангнинг дарагини топибдими?

— Топганга ўхшайди!

— Вой худойим-эй! Қаерда юрган эканлар? Нега шу вақтгача келмас эканлар?!

Иқбол опа эрининг тирик топилганига ишониб гапирмоқда эди. Алишер буни сезиб бирдан хавотирланди. Балки Маҳфуза оталарининг... қабрини топгандир? Опа-ука сўнгги пайтда оталарининг ҳалок бўлганига шубҳа қилмай қўйишган эди-ку. Ахир тирик одам шунча йилдан бери Тернополда жим ўтирармиди? Лекин ойсига буни ўйламайди. Агар у «тирик топилибди» деб астойдил ишониб қолса-ю, кейин бунинг акси бўлиб чиқса, касали баттар оғирлашади.

— Ойижон, сиз дарров ишонаверманг!

— Ҳа, нега энди?

— Сал ўйлаб кўринг ахир... Опам келсин, анигини айтади.

— Қачон келаркан?

— Тунги учда. Ҳозир неча бўлдийкин?.. О, қирқ минут қолипти!.. Мен тезроқ чиқишим керак!

Алишернинг ёшгина хотини ҳам уйғонди ва шоша-пиша кийинди. «Запорожец» вағиллаб, дарвозахонадан

кўчага орқаси билан юриб чиқди. Иқбол опа ўғли билан келинини аэропортга кузатди-ю, айвонга қайтиб келди.

Бир-биридан кичик уч бола айвонда пишиллаб ухлаб ётибди. Осмонда кемтик ой сузиб юрибди.

Иқбол опа ўзи турадиган ичкари уйга кирди-ю, тўрдаги эски сандиқнинг олдига борди. Сандиқнинг устида қатланиб турган бахмал кўрпаларни пастга олиб қўйди. Сўнг токчадаги михга осиглиқ калитни олиб, сандиқнинг қулфига солди.

Сандиқ майин оҳанг чиқариб, жиринглаб очилди-да, унинг ичидан қалампирмунчоқнинг ҳиди келди. Умаржон ака қалампирмунчоқни яхши кўрарди. Баъзида унинг бир-икки донасини оғзига солиб, тишларининг орасида айлантириб юрар, гапирганда нафасидан ҳам қалампирмунчоқнинг ҳиди келарди. Шу эсида турган Иқбол опа унинг кийимларини, хатларини қалампирмунчоқ билан бирга сақлар эди.

Мана, Умаржон ака бундан ўттиз икки йил олдин кийган сариқ жужунча китель-шим, ёқаси билан енгига ироқи кашта тикилган кўйлак, хиром этик... Умаржон ака фронтдан ёзган хатларида: «Икки ёш болани боқиш сенга осон эмас, уйдаги буюмларни аяма, керак бўлса, менинг кийимларимни ҳам сотиб, егулик ол, омон бўлсак нарса топилади, ўзингни, болаларни эҳтиёт қил!» — деб тайинлар эди. Иқбол опа ўзининг сепларини, тақинчоқларини сотганда ҳам, эрининг ҳамма кийимларини асраб юрар, ҳар йили бир-икки мартадан шамоллатиб, яна тахлаб қўярди. Алишер бўй етиб катта йигит бўлгунича жужунча кителлар, ёқаси кашталиқ кўйлақлар модадан қолди. Ҳозир архитектор бўлиб, лойиҳалар чизиб юрадиган Алишер отасининг хиром этигини ҳам киймади. Тавба, ҳозирги зиёлилар нега этик кийишмайди? Умаржон ака ҳам ўқитувчи эди-ку. Мактабда ботаникадан дарс берар эди, лекин этик кийиб юрар эди.

Майли, сандиқдаги кийимлар расмдан чиққан бўлса ҳам, агар Умаржон ака келса, Иқбол опа буларни эрига албатта кийдиради.

Сандиқда чиройли бир най ҳам турибди. Қашқар ғаровидан ишланган бу найнинг нафис кумуш ҳалқалари ўзига ниҳоятда ярашган. Найнинг бир учидagi кумуш қуббачаси майда кўкиш феруза билан безатилган.

Умаржон ака шу, найда баъзан «Наво»ни, баъзан



«Дугоҳ»ни, баъзан Иқбол опа билмайдиган «ғалати куйларни чаларди. Шунда бутун борлиқ завққа тўлиб, эриб кетгандай бўларди. Ҳозир ҳам гўё най бирдан тилга кирди-ю, уни чалаётган эри Иқбол опанинг кўзи олдида гавдаланди. Умаржон ака найнинг тешигига лабини тўғрилаб, оғзини хиёл очиб, куй чалганда унинг оппоқ тишларида аксланган нурнинг шуъласи кумуш ҳалқачаларда билинар-билинмас жилваланарди. Ҳозир мана шу жило найда яна кўриниб кетгандай бўлди. Умаржон ака найда чалган куйлар энди гўё Иқбол опанинг қалбидан эшитила бошлади. Унинг кўнглида ҳам мана шу най пардаларига ўхшаш нафис, гўзал торлар бор эди-ю, буни фақат Умаржон ака чала оларди.

Эри урушга кетгандан бери Иқбол опа бу найни ҳеч кимга берган эмас. Най ўттиз икки йилдан бери сукут сақлайди. Иқбол опанинг қалбидаги муҳаббат туйғуси ҳам ҳамон Умаржон акага мунтазир...

Умаржон ака шу кийимларни кийиб, най чалиб юрган пайтларида йигирма уч яшар йигит эди. Иқбол опа эса энди йигирмага кирган келинчак эди.

Уша масъуд дамлари мана шу кийимларни қатида, қалампирмунчоқнинг ҳидига қўшилиб, найнинг сиртида жилваланган шуълаларга айланиб, ҳамон тирик турибди. Рост, Иқбол опа ҳозир пенсияга чиққан, невара кўрган кайвони. Лекин унинг қалбида ўттиз икки йиллик ҳижроннинг ҳаққи турибди, шунча йилларнинг сарфланмаган нафис туйғулари қатланиб ётибди. У бир лаҳзага бўлса ҳам яна йигирма ёшга қайтишни хоҳлайди, суюкли эри билан бирга ўттиз-қирқлардан такрор ўтишни истайди.

Фақат бу истакнинг амалга ошиши учун Умаржон ака қайтиб келиши керак. Зора ҳозир болалари билан бошлашиб кириб келса!..

Маҳфуза телеграммада «топдим» депти-ку. Дадасини топмаса шундай дермиди?

Иқбол опанинг қалбида шунча йилдан бери яшаб келган илинж бирдан ишончга айланди. У электр дазмолни қўйди. Сўнг Умаржон ака келса киядиган нарсаларни сандиқдан олиб, дазмоллай бошлади...

\* \* \*

Саҳар паллада кўчада «Запорожец»нинг мотори вағиллагани эшитилди. Иқбол опа шоша-пиша ҳовлига чиққан эди, дарвозадан Маҳфуза кириб келди. Она-бола

қучоқлашиб кетдилар. Иқбол опа қизининг юзига юзини босди. Шунда Маҳфузанинг юзи кўз ёшидан нам эканини сизди-ю, юраги «шиғ» этди.

— Қалай бориб келдинг? Дадангни топдингми, йўқми?!

— Дараклари топилди, ойи...

Алишер машинасини дарвозахонага киргизиб, ундан тушди-да:

— Юринглар, уйга кириб гаплашайлик,— деди.

Унинг кўриниши ҳам алланечук маъюс эди. Опаси самолётдан тушгандан бери айтиб берган ҳодисалар, ўттиз йил олдинги шафқатсиз урушнинг тафсилотлари уни даҳшатга келтирган эди...

Тернополь шаҳри сотқин бендерачилар ёрдамида иккинчи марта фашистларнинг қўлига ўтган куни кечаси Умаржон ака олти хонали бир уйга ўз бўлинмаси билан бекиниб олиб, охирги нафаси қолгунча жанг қилган экан. У бу уйда турадиган аёллар билан болаларни орқа томондаги деразадан тушириб, қочиртириб юборган экан. Бўлмаса, улар ҳам битта қолмай ҳалок бўлар экан. Чунки фашистлар Умаржон акалар бекинган уйни оғир танк билан қулатиб, устидан босиб ўтган экан...

Тернополь душмандан иккинчи марта озод қилинганда харобалар остида жон берган жангчилар жасади кавлаб олиниб, биродарлар мазорига дафн этилган, аммо уларнинг кўпларини таниб бўлмаган, номлари аниқланмай қолган экан...

Фақат Умаржон ака орқа деразадан қочириб қутқарган болалардан бири уни яхши эслаб қолган экан. Шу уйда бир неча вақт бирга турганларида Умаржон ака ўзининг ўзбекистонлик эканини, Тошкентда бир ўғил, бир қизи борлигини айтган, бу гап боланинг ёдида қолган экан. Ҳозир бу бола — қирқ ёшдан ошган ўқитувчи экан. Тернополлик изтопар пионерлар Тошкентдан Алишернинг хатини олиб, унинг отасига оид ҳужжатларни қидириб юрганларини шу мактабда ишлайдиган ҳалиги ўқитувчи эшитиб қолади.

Қорамағиздан келган, қошлари ингичка, қийиқ кўз Маҳфуза отасига жуда ўхшаш эди. У отасини қидириб боргандан кейин, ҳалиги ўқитувчи бир қарашдаёқ Умаржон акани эслайди. Ҳатто уни жангчилар «Умар» деб атагани ҳам энди ёдига тушади. Умаржон ака деразадан қочириб, қутқариб қолган аёллардан яна бири шу

шаҳарда яшар экан. Кейин ҳаммалари военкоматга бориб Умаржон Раҳимовнинг қандай ҳалок бўлгани, ўлими олдидан қандай жасорат кўрсатгани ва қаерда дафн этилгани ҳақида гувоҳлик берадилар. Умаржон ака шаҳар марказига — улуғвор мармар обида қўйилган саксон кишилиқ биродарлик қабрига дафн этилган экан. Лекин унинг кимлиги, қандай ҳалок бўлгани ҳалигача аниқланмагани учун мармарга ёзилган номлар орасида унинг номи йўқ эди. Маҳфуза шаҳар ташкилотларига учрашиб, мармар обидага отасининг номини ёздириб қайтди...

Ҳозир аэропортдан келаётиб, у бунинг ҳаммасини укаси Алишерга айтиб берар экан, кўзига қайта-қайта ёш олди. Алишер унга:

— Узингизни босинг, опа, ойимга ёмон таъсир қилади,— деб бир неча марта айтди.

— Қандоқ қилай? Тернополда юрганимда ҳам ҳеч кўз ёшимни тўхтатолмадим. Кўчадаги одамлардан уялганимдан қора кўзойнак тақиб юрдим. Баъзида кўзойнакнинг тагидан ҳам ёш оқиб тушаётганини сезиб, рўмолча билан артиб оламан.

— Лекин... ҳалиги...— Алишернинг ҳам ўпкаси тўлиб, зўрға гапирди: — ҳалиги... харобалар остида қолиб кетганларини ойимга айтманг.

— Жинни бўпманми?

Ҳозир Маҳфуза ойиси билан ичкари уйга кирганда сандиқ яна очилганини, дадасининг ёқаси кашталиқ кўйлагига силлиқ қилиб дазмолаб қўйилганини кўрди-ю, телеграммада «топдим» деб ёзганидан пушаймон бўлди. Иқбол опа ундан хушxabар кутиб, кўзлари жавдираб турибди. Маҳфуза ойисини қучоқлаб, йиғи аралаш:

— Ойижон, сизга қувват берсин, мард бўлинг! — деди.

Иқбол опанинг ранги оппоқ бўлиб кетди. Қизининг қучоғидан сирғалиб чиқди-да, бўшашган, синиқ товуш билан:

— Нима... Даданг, энди йўқми?.. — деди.

— Нега? Дадамнинг руҳлари ҳамиша тирик! Дадам охиригача мардона туриб берган эканлар. Қанча болаларни оналари билан қутқариб қолган эканлар.

Иқбол опа инграгандек бир товуш билан:

— Мен-чи?— деди.— Мени бу интизорликдан энди ким қутқаради?

Иқбол опанинг оғзи бирдан қуруқшаб, боши гир-гир

айлана бошлади. Ойисининг касалини яхши биладиган Маҳфуза:

— Ойижон, мунча қаттиқ олманг, ўзингизни бошинг! — деб уни секин диванга ўтқизди.

Иқбол опа дазмоллаб қўйилган ёқаси кашталиқ кўйлакка қаради. Энди буни ҳеч ким киймайди! Шунча йилдан бери сандиқда асралган этик ҳам ҳеч кимга керак эмас! Кумуш ҳалқали найни Умаржон ака энди ҳеч қачон чалмайди... Бу даҳшатли ўйдан Иқбол опа йиғламоқчи бўлди, лекин кўзига ёш келмади. Томоғидан бир нарса бўғиб олган, ҳаво етишмаётгандек қийналар эди.

Алишер тез ошхонага чиқиб, бир пиёла сув олиб кирди. Маҳфуза ойисига сув ичирди. Кейин уни каравотга ётқизди.

Келинлари врач эди, дарров шприцни қайнатишга қўйди. У қайнонасига укол қилиб ўрганиб қолган эди. Аввал қон босимини туширадиган, юракни тинчитадиган укол қилди. Кейин нонуштага яқин инсулин укол қилди.

Иқбол опа уч-тўрт кун ўтгандан кейин хиёл ўзига келди-ю, Маҳфузадан сўради:

— Дадангнинг сурат-пуратлари йўқ эканми?

— Суратларини тополмадим.

Узоқ жимликдан сўнг Иқбол опа яна сўради:

— Ўз қўли билан қабрга қўйган одам бор эканми?..

— Билмадим... Мен унақа одамни кўрганим йўқ.

Алишер ойисининг бу саволлари тагида қандайдир маъно борлигини сезди. У эрининг ўлганига яна шубҳа қилмоқда эди. Тўғрироғи, «Умаржон акам бир кун эмас, бир кун келиб қолади» деган ўттиз йиллик илинж Иқбол опанинг қалбида яна уйғонмоқда эди. Бу илинжнинг тагида қанчалик катта меҳр, қанчалик чексиз садоқат борлигини Алишер энди сезмоқда эди. Бунинг ҳаммаси — ҳаёт-мамот урушида бизга ғалаба келтирган улуг туйғулардан эканига ҳам унинг энди ақли етмоқда эди. Шунинг учун онасининг қалбидаги илинжни энди асраб-авайлагиси келди.

— Ким билади, ойи, «ўлди» деб қорахат келганларнинг қанчаси тирик қолган-ку. Балки дадам ҳам тўсатдан келиб қоларлар...

Бу гаплар Иқбол опага ёқиб, ёстиқдан бошини кўтарди, занфғинна кулимсираб:

— Тавба! — деб қўйди. — Фабрикада... аскарларга кийим тикиб юрганимда бир жувон билан ўртоқ бўлиб

қолган эдик. Икковимиз ҳам ударник эдик. Газеталарда расмимиз чиққан эди. Шу дугонамга бир кун қорахат келди... Бечора эридан айрилиб роса йиғлади, аза тутди. Боласи йўқ эди... Урушдан кейин бошқа эрга тегди... Бир кун эшитсам, урушга кетган эри тирик экан, тўсатдан кириб келибди... Дугонам пушаймон, армон қилиб йиғлайди...

Шу-шу Маҳфуза ҳам, Алишер ҳам оталарининг ўлимини оналарининг олдида тилга олмайдиган бўлдилар. Иқбол опа бир ҳафта кўрпа-тўшак қилиб ётди. Келини унга ҳар куни керакли уколларни қилиб, иссиқ-совуғига қараб турди. Кейин у ўрнидан туриб кетди.

Бир кун ярим кечада яна дарвоза тақиллади. Иқбол опа буни яна ўғлидан олдин эшитди-ю, Алишерни уйғотиб:

— Қара-чи, даданглар эмасмикан? — деди.

Дарвозани қўшнилардан бири тақиллатган экан. Алишер қайтиб келиб, пиджагини елкасига ташлади-да:

— Акбарнинг хотинини тўлғоқ тутиб қолибди, туғруқхонага олиб боришим керак экан,— деди.

Иқбол опа секин бир «ух» тортди, лекин ўзини бардам кўрсатиб:

— Майли, болам, тезроқ олиб бора қол,— деди.

Алишер дарвозани очиб, машинасини кўчага олиб чиқар экан, кўнглида ёруғ бир туйғу пайдо бўлганини сизди. Ҳозир унга ҳам гўё отаси урушда ўлмагандек, эрта-индин дарвозани тақиллатиб келиб қоладигандек туюларди...

1975

## ЖАНГЧИНИНГ ҚАСОСИ

Бу ҳикоя фронтда снайпер бўлган ва ўнлаб фашистларни сафдан чиқарган дўстим Матёкуб Қўшжонови-  
нинг бошдан кечирганларига асосла-  
ниб ёзилди.

Автор

Адабиёт дарсида уруш тасвирланган китоблар ҳақида гап бормоқда эди. Унингчи синфнинг шўхроқ болаларидан бири ўқитувчига кутилмаган бир саволни берди:

— Матназар ака, сиз ҳам урушда бўлган экансиз-ку. Қандай жанг қилганингизни нега ҳеч айтмайсиз?

Болалар Матназар Бекжонови-нинг фронтда жуда ға-

лати воқеаларни бошдан кечирганини орқаворатдан билар эдилар. Энди буни унинг ўзидан батафсил эшитгилари келиб чуғурлашди:

— Олтмишта фашистни отганингиз чинми?

— Ҳаммасини бирдан отганмисиз?

Матназар ака майин кулимсираб қўйди-да, соатига қаради. Охирги дарс тугаётганди.

— Бошқа куни айтиб берарман.

— Нега энди, Матназар ака?

— Яна етти минутдан кейин кўнғироқ бўлади. Уйга кетасизлар.

— Кетмаймиз! А, болалар?

— Майли, эшитамиз!

— Охиригача жим ўтириб қулоқ соламиз!

Матназар ака стулга ўтирди-да, оқ оралаган қалин сочларини бармоқлари билан орқага тараб, бир лаҳза ўйланиб қолди.

— Уч йил фронтда бўлиб жуда кўп нарсаларни бошдан кечирганмиз... Ҳозир мен сизларга шуларнинг биттасини айтиб берарман...

1942 йилнинг кеч кузи. Бизнинг полкимиз Ленинград томонда, Ладога кўлига яқин бир ўрмонзор тепаликда чуқур хандақлар қазиб, душмanning йўлини тўсиб турар эди. Уша пайтда фашистлар энг катта кучларини Волга бўйига ташлаб, Сталинград шаҳрини олишга уринарди. Ленинград шаҳри ҳам қамалда қолган эди. Фақат мана шу Ладоганинг бўйидаги биз турган жой душман чангалдан тортиб олинган эди.

Қуршовда қолган шаҳарга ёрдам кўрсатиш учун Ладоганинг бўйидан муваққат бир темир йўл ўтказилган эди. Фашистлар бизнинг мудофаамизни ёриб ўтишга роса уринишди. Лекин биз уларнинг ҳамма атакаларини қайтардик. Фашистлар танкларини ҳам жангга солиб кўришди, полкимиз орқага чекинмади. Биз ўтирган хандақлардан эллик метрча жойда иккита немис танки қийшайиб ётибди. Бирининг занжирлари чувалиб, узилиб кетган. Иккинчисининг тепасидаги гумбази нарёққа оғиб тушган. Иккови ҳам куйиб қоп-қора бўлиб қолган. Фашистларнинг ўзи шу танклардан юз метрга нарига хандақлар қазиб, ертўла истехкомлар қуриб, маҳкам жойлашиб олган. Биз билан уларнинг орасида юз эллик метрча масофа бор. Ана шу ораликдан ажал совуғи эсиб тургандай бўлади. Чунки ҳар икки томоннинг ўқланган милтиқлари, тўплари, пулемётлари ана шу ораликқа

тўғриланган. Қайси томон шу оралиқда бирон шарпа сезса дарров тепкини босади...

Менинг қўлимда дурбинли снайпер милтиғим бор. Полк командири менга душманнинг кузатув пунктларини пойлашни буюрган. Бир кун уч соатча пойладим. Аъзойи баданимдан зах ўтиб кетди. Хандақнинг ичига тушиб, қаддимни ростладим...

Ладога кўлининг атрофлари жуда сернам бўларкан. Егингарчилик кўп. Гоҳ ёмғир савалайди, гоҳ туман тушади, гоҳ қор учкунлайди. Уша куни ҳам дарахтларнинг учида қор бор эди. Лекин ҳали сув музлаган эмас. Хандақнинг ичида қор эриб, суви кўлмак бўлиб қолган. Кечаси усти очиқ хандақда тагимга ҳўл қарағайнинг шохидан тўшаб, ечинмай ухлаган эдим. Устимга ёмғир аралаш қор ёғиб, кийимим роса бўкибди. Ҳўл шинелдан дағал жуннинг ҳиди келади. Этикдан сув ўтиб, оёқ ҳам билч-билч қилади. Нуқул эт жунжикади. Лекин исинадиган жой йўқ...

Бир вақтлар биз ҳам печкали уйларда ўтирардик. Қуруқ кўрпа-тўшакларда ётиб, тўйгунимизча ухлар эдик. Жанг майдонига кирганимиздан бери бу ҳаммаси қачондир бир вақт тушимизга кирган ширин нарсалардай хаёлимиздан узоқлашиб кетган. Лекин олдинги маррадаги солдатларга ҳар куни иссиқ овқат келтириб бериларди.

Тушлик пайти яқинлашган сари ҳадеб овқат эсга тушади. Макарон шўрвами, бўтқами, ишқилиб, иссиққина бўлса, Котелокка солганда буғланиб турса. Еганда баданларга иссиқлик югуриб, борлиғинг яйраб кетса... Бир мен эмас, бошқа солдатлар ҳам полк ошхонаси жойлашган томонга тез-тез қараб қўйишарди... Бир вақт ўша тарафдан йигирма литрлик катта термосни елкасига боғлаб, қорда эмаклаб келаётган солдатга кўзимиз тушди. Мен уни узоқдан танидим.

— Ие, ўзимизнинг Володя-ку,— деган эдим, ҳамманинг чеҳраси очилиб кетди.

Володя — сибирлик бақувват, абжир йигитлардан эди. У навбатчи бўлган куни взводимизга овқат совимасдан келар эди. Улуш ҳам каттароқ тегар, ҳамма тўйиб овқат ер эди. Володя билан бирга унинг севган қизи Наташа ҳам полкимизда медсестра бўлиб хизмат қиларди. Улар бир қишлоқдан эдилар. Иккови доим бирга бўлишга ҳаракат қилишарди. Ҳозир ҳам Наташа бизнинг

взводга келиб, қаллиғи Володяни сўроқлаётган эди. Мен унга тегишиб:

— Ана, Володянг сенга тушлик олиб келяпти! — дедим.

Наташа хандақнинг четига кафтини тираб, Володя келаётган томонга хавотирланиб тикилди. Чунки тепаликдан эмаклаб келаётган Володяни фашистлар кўриб қолиши мумкин эди. Володя ерга қапишиб, лой аралаш қорда эмаклаб келяпти. Унинг ўзи паналаса, ҳам елкасидаги термоснинг алюминни йилтираб, узоқдан кўзга ташланади. Термос унинг елкасида ёнбошлаб ётибди. Лекин қопқоғи маҳкам ёпилган. Володя яқинлаб қолди. У бир хандақдан иккинчисига эмаклаб ошиб ўтаётганида, душман томонидан отилган бир ўқ термоснинг қопқоғига қарсиллаб урилди. Нишонга текканда портлаб кетадиган портловчи ўқ экан. Қопқоғни парчалаб ташлади. Термосдаги иссиқ овқат шовиллаб, буғланиб эмаклаб келаётган Володянинг устидан ерга тўкила бошлади. Бирпас қўйиб берса, термосда ҳеч нарса қолмайдиган. Володя солдатларнинг овқат кутиб, оч ўтирганини ўйлаб, хавф-хатарни унутган бўлса керак, дарҳол термосни тиклашга интилди. Лекин бунинг учун унинг ўзи ҳам қаддини ердан кўтаришга мажбур бўлди. Чунки термос унинг елкасига боғланган эди. Термоснинг оғзини юқорига қаратиш учун Володя тез ўрнидан туриб ўтирди... Душман мергани шунни кутиб турган экан. Иккинчи ўқни Володянинг бошига қараб отипти...

Матназар Бекжоновнинг ҳикоясига берилиб қулоқ солаётган болалар синфда ўтирганларини унутган эдилар. Бир вақт коридорда қўнғироқ жиринглади. Матназар ака тез ўрнидан турди. Унинг юзида ўша жанг пайтидагидек бир қатъият ва ғазаб пайдо бўлган эди. Қўнғироқ тингандан кейин коридорда тапир-тупур қадам товушлари эшитилди. Матназар ака ҳикоясини тўхташиб, синфда ўтирган болаларга кўз югуртирди:

— Агар ким кетаман деса, марҳамат, дарс тугади,— деди.

Лекин ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади. Ҳамма коридордаги шов-шувнинг тезроқ босилишини истар ва Матназар ака ҳикоясини давом эттиришини сабрсизлик билан кутарди. Матназар ака қўлини орқасига қилиб уёқдан-буёққа бир бориб келди-да, хаританинг олдида тўхтаб, сўзида давом этди:

— Володяга ўқ тегиб йиқилганини Наташа кўрди-ю,



қиқчириб, ўша томонга талпинди. Лекин мен уни елкасидан маҳкам ушлаб, хандақдан чиққани қўймадим. Чунки ҳар иккала ўқнинг снайпер милтиғидан отилганини сезган эдим. Душман снайпери қаерда ўтирганини ҳали аниқ билганим йўқ. Агар ҳозир Наташа Володя ётган жойга чопиб борса, душман мергани уни ҳам отиб йиқитади. Командиримиз ўқнинг душман амбразурасидан отилганини пайқаган экан. Пулемётчига ўша амбразурани кўрсатиб:

— Ўт оч! — деб буюрди. Кейин биз ҳам ўша томонга қараб устма-уст ўқ ота бошладик. Мана шу ялли очилган ўт ҳимоясида Наташа билан бир жангчи Володянинг олдига эмаклаб бориб, уни бехатар жойга олиб келишди. Қарасак, ўқ бошига теккан экан, шундай зўр йигит аллақачон жон берибди. Қаллиғи Наташа унинг қонга беланган бошини бағрига босиб, ўкириб йиғлаганда менинг ҳам кўзимдан ёш чиқиб кетди. Душманининг разиллигини қаранг! Аскарларга овқат олиб келатганини билиб, атайлаб бизни оч қолдириш учун отди-я! Гап овқатда эмас. Овқат эсимиздан чиқиб кетди. Лекин шундай ажойиб йигит бирпаснинг ичида, кўзимизнинг олдида ҳалок бўлгани бизда жуда кучли ғазаб уйғотди. Володя учун қасос олиш истаги менинг ҳам борлигимни чулғаб олди. Командиримиздан илтимос қилдим:

— Рухсат беринг, мен душман снайперини «ов»лаб, йўқ қилишга киришай,— дедим.

Командир менга рухсат бераркан:

— Керак бўлса мудофаада ўтирган жангчилар сенга кўмаклашади, — деди...

Мен душман снайперини «ов»лашга киришдим. Лекин биламан: снайпернинг бутун ҳаракати — қаердан ўқ отганини сездирмасликка қаратилади. Фақат ўқ отилганда тутунидан пайқаб қолиш мумкин. Офтобли кун бўлса милтиқнинг учи йилтирашидан ҳам билса бўлади... Мен шуни ҳисобга олиб, аввал душман истеҳкоми туйнугини пойлашга тушдим. Нарироқда ўтирган жангчиларимиз одамнинг бошига ўхшайдиган бир нарсага телпак кийдириб, хандақдан секин юзага чиқаришди. Шунда душман снайпери амбразурадан ҳалиги «бош»га қараб ўқ узди. Мен буни тутунидан пайқаб қолдим. Менинг қўлим ҳам тепкида турган эди. Истеҳком туйнугини мўлжалга олиб, тепкини босдим. Милтиққа портлайдиган ўқ солган эдим. Агар бу ўқ истеҳком туйнугининг нари-берисига тегса ё тупроқни сачратади, ёки ёғочни

титкилаб учиради. Дурбиндан бу, албатта, кўринади. Лекин мен ўқ отгандан кейин бундай нарсалар кўринмади. Демак, ўқ истеҳком туйнугидан ичкарига, фашист снайпери ўтирган жойга учиб кирган. Лекин душманга тегдими, йўқми? Фашист снайпери жимиб кетди. Шунга биноан, унга ўқ тегди, деб ўйладик.

Бироқ эртаси куни бизнинг артиллериячилар стереотрубанинг учини хандақдан чиқариб, душман томонни кузатаётганда яна снайперчасига отилган ўқ бу асбобга келиб тегди-ю, ойналарини чил-чил синдирди. Шундан кейин мен душман снайперини яна пойлашга тушдим.

Бизнинг хандақлар билан душман позицияси оралигида ҳали ҳам ўша иккита танк қаққайиб турган эди. Тонг қоронғисида хандақдан эмаклаб чиқиб, ўша танкларнинг тагига кириб олдим. Тонг отиб, ёруғ тушди. Бу ерга душман хандақлари анча яқин эди, фашистларнинг ўқ отадиган нуқталари ҳам кўриниб турарди. Шу нуқталардан бирида снайпер милтиғининг дурбини йилтираб кетди. Фашист снайпери қалин буталар орасига кириб, усталик билан яшириниб олган экан. Танкнинг тагидан уни отиб, ер тишлатишим мумкин эди-ю, лекин ўзимнинг ётган жойим душманга билиниб қолар эди. Ора яқин, атроф яланглик. Кейин душманлар ҳам мени отмагунча қўймас эди. Шуни ўйлаб, ўзимни босдим-да, снайпер бекиниб ётган жойни кузатиб ётавердим. Тушга яқин туман тушди. Шундан фойдаланиб ўзимизнинг позицияга қайтиб келдим. Туман тарқалгандан кейин боғли снайпер бекиниб ўтирган бутани кўзим билан қидириб топдим. Лекин фашист мергани ҳали ҳам ўтирибдими ёки кетиб қолганми? Буни билиш учун бир шишани стереотрубага ўхшатиб, таёққа боғлаб, хандақдан секин чиқарттирдим. Ўзим нарироқда бутани мўлжалга олиб турдим. Душман снайпери қалбаки «стереотруба»га ўқ узиб қолди-ку! Милтиғининг учида чақнаган ўтдан унинг ўтирган жойини аниқлаб туриб, мен ҳам тепкини босдим... Ўша бута орасидан кейин ҳеч ўқ чиқмади. Шунга қараб, фашист снайпери энди сафдан чиқди, деб ўйладик. Лекин эртаси куни тажрибасиз ёш солдатлардан бири окопдан бошини чиқариб, душман томонга қараётган экан, яна снайперларча узилган ўқ унинг пешонасига қарсиллаб урилибди...

Бу лаънати фашист снайпери ҳали ҳам тирик экан деб, уни бошқатдан овлашга тушдим. Яна ўша бузуқ

танкларнинг тагига кириб ётдим. Душман снайпери бу гап истеҳкомдан отаётган экан. Кечқурун ғира-шира қоронғилик тушгунча жим пойлаб ётдим. Кейин милтиқнинг учи йилтираб чиқиб турган истеҳком туйнугини яхшилаб мўлжалга олдим-у, портловчи ўқдан биттасини отдим. Назаримда, ўқ мўлжалга тегди. Оқшом ғира-ширасида фашистлар ўқнинг қаердан отилганини пайқамай қолишди. Роса қоронғи тушгунча қимирламай ётдим-у, кейин ўзимизнинг хандақларга қайтиб келдим.

Фашистлар ўша пайтда нега мудофаада узоқ туриб қолди, десак, жанубда — Сталинград остонасида мағлуб бўлиб, бутун-бутун армиялари қуршовга тушиб, аҳволлари оғирлашиб қолган экан. Энди урушда енголмасликларига кўзи етган баъзи немис солдатлари биз томонга қочиб ўтар эди... Эртаси кун эрталаб мени полк командирининг блиндажига чақирди. Борсам, блиндажда белидан камари ечиб олинган бошланг бир немис солдати тикка турибди. Таржимон унинг гапларини полк командирига айтиб берапти. Полк командир:

— Сержант Бекжонов,— деди менга,— душман томондан қочиб ўтган фашист солдати сени бир кўриб қўймоқчи экан!

Мен ҳайрон бўлдим. Фашим келиб:

— Уртоқ полк командир, — дедим, — менинг фашистлардан танишим йўқ!

— Биламан,— деди командир.— Лекин булар сени орқаворатдан таниб қолибди. Бир ҳафтадан бери учта зўр снайперларини отиб, сафдан чиқарибсан.

Демак, душман снайперлари битта эмас экан-да! Ҳар учала ўқим ҳам нишонга текканини энди билдим-у, қувониб кетдим. Таржимон қочиб ўтган солдатга мени таништирган эди, у шошиб-пишиб бир нарсалар деди. Кейин таржимон унинг сўзларини менга айтиб берди. Қаршимизда немис снайперларидан яна учтаси бор эмиш. Уларга мени «ов»лаш топширилган эмиш. Эҳтиёт бўлмасам, энди улар мени отиб ўлдиришлари мумкин эмиш.

Бу гап бежиз эмас эди. Шундан бир кун олдин мен истеҳкомда ўтириб, душман кузатувчисига ўқ отган эдим. Ҳаял ўтмай душманлар отган бир ўқ истеҳком туйнугидан кириб, елкамдаги погоннинг остидан ўтиб, ёғоч деворга урилди. Бу ҳам портловчи ўқ экан, ёғочни титпит қилиб, деворни чангитиб, юзларимга ёғоч аралаш

тупроқ сачратиб юборди. Энди билсам, бу ўқни душман снайпери отган экан-да!

Мен уларни қандай пойлаган бўлсам, энди улар мени шундай пойлаётган экан. Бу ҳаммаси дуэлга ўхшаб кетарди.

Полк командири снайперлик мактабини битирган Фомин деган бир йигитни чақиртирди.

— Бундан буён бир-бирларингга кўз-қулоқ бўлиб, икковлашиб «ов» қилинглар, душман снайперларини битта қолдирмай йўқ қилиш керак,— деб топшириқ берди.

Полкимиз мудофаада яна анча вақт туриб қолди. Бу орада Фомин иккаламиз снайпер милтиғидан яна ўттиз-қирқта душманнинг додини бердик. Лекин уларнинг снайперларини отиб тугатиб бўлмади. Кейин билсак, уларда снайперлик мактаби бор экан, шуни битирганлар кетма-кет келиб турар экан...

Олтмишта фашистни гумдон қилганимдан кейин, ахийри бир кун менинг ўзимга ҳам ўқ тегди. Одам ҳар қанча эҳтиёт бўлганда ҳам, баъзан «ов»га қизиқиб, хавф хатар эсдан чиқади. Шундай пайтда фашист снайпери чап кўкрагимни мўлжалга олган экан. Лекин сал адашибди. Ўқ юракдан тўрт сантиметр юқорига тегиб, чап елкани тешиб ўтиб, бир парча этни ўпириб кетибди. Бу ҳам портлайдиган ўқ экан-да...

Госпиталда бир ярим ой даволаниб, кейин яна фронтга қайтдим. Бу орада бизнинг қўшинлар фашистларни Берлинга қарагиб қувишга тушган эдилар....

Полк командири мени ўзига махсус топшириқларни бажарадиган снайпер қилиб олди. Бир марта чекинаётган фашистларнинг дивизия байроғини қўлга тушириш ҳақида топшириқ олдик. Снайпер дурбинидан ташқари кўзнинг ўткирлиги ҳам иш берди. Филофга солинган бир нарсани иккита фашист автоматчиси коляскали мотоциклда олиб кетаётганларини кўриб қолдим. Урушда қурол филофга солинмайди. Филофдаги узун нарса байроқ эканини пайқадим. Чунки бизнинг байроқларда ҳам ўзига яраша филофи бўлади. Бутун мерганлик маҳоратини ишга солдим-у, тўрт юз метрча нарида мотоцикл ҳайдаб кетаётган фашист байроқдорини отиб қулатдим. Бошқа биттаси байроқни олиб қочмоқчи бўлган эди, унисини ҳам ер тишлатдим. Бу ҳаммаси ҳалок бўлган жангчи дўстларимнинг қасоси эди...

Душман байроғи полкимизга ўлжа бўлиб тушди.

Кейин билсам, шу байроқ мағлуб бўлган гитлерчиларнинг бошқа байроқлари қаторида Москвага юборилпти., Киноларда Қизил Майдонда бўлган ғалаба парад кўрсатилади-ку. Ана ўша парад пайтида бизнинг солдатларимиз гитлерчиларнинг ўлжа тушган байроқларини пастга осилтириб олиб ўтишади. Кейин бир четга олиб бориб, ҳаммасини улоқтириб ташлашади. Ана ўша улоқтирилган душман байроқларидан бири бизнинг ўлжамиз эди. Енгилган фашистларнинг байроғини Қизил Майдонга олиб келиб, ерга улоқтирганимиз — босқинчиларга қасос қандай қайтганини, адолат қандай тантана қилганини кўрсатиб, бутун дунёни яна бир қойил қилганимиз ўзларингга маълум...

Матназар ака ҳикоясини шу сўзлар билан тугатди. Болалар уйларига тарқашар экан, бугун адабиёт ўқитувчилари кўзларига аввалгидан хийла бошқача кўринар эди. Доим китоб қаҳрамонлари ҳақида гапирадиган Матназар Бекжоновнинг ўзи ҳали ёзилмаган бир китобнинг қаҳрамони эканини улар энди сезган эдилар.

## МУҶДАРИЖА

Бахтиёр Назаров. Ранг-баранглик (Кириш сўз ўрнида) . . . . .	5
--	---

### ҚИССАЛАР

Акрамнинг саргузаштлари . . . . .	15
Нажот . . . . .	84
Яйра институтга кирмоқчи . . . . .	209

### ҲИКОЯЛАР

Аму чангалида . . . . .	265
Иссиққўл сафари . . . . .	278
Хатарли учрашув . . . . .	284
Халоскор . . . . .	286
Фил минган сайёҳлар . . . . .	289
Океандаги олишув . . . . .	295
Илинж . . . . .	301
Жангчининг қасоси . . . . .	309

**Қодиров, Пиримқул.**  
Қ 52 Акрамнинг саргузаштлари: Қиссалар ва ҳикоялар [Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун]. — Т.: Ёш гвардия, 1988. — 320 б.

Таниқли адиб Пиримқул Қодировнинг ушбу тўпламидан «Акрамнинг саргузаштлари», «Нажот», «Яйра институтга кирмоқчи» қиссалари ва бир қанча ҳикоялари ўрин олган.

Ёзувчининг ижоди ранг-баранг. У замонавий ва тарихий мавзуларда ижод этади. Халқ оғзаки ижодидан ҳам фойдаланади. Бир қиссасида ўзи иштирок этган, ўз кўзи билан кўрган саргузаштлар тасвирланса, бошқа қиссасида меҳнаткаш халқ вакиллариининг қаҳрамонлиги, мардлиги, тантлиги ва волим подшоҳларга қарши курашдаги жасорати усталик билан ифодаланади.

**Кадыров П.** Приключение Акрама: Повести и рассказы: Для детей ср. и стр. возраста.

Ўз 2

Для детей среднего и старшего школьного возраста

На узбекском языке

Пиримкул Кадыров  
ПРИКЛЮЧЕНИЯ АКРАМА

Повести, рассказы

Переиздание

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1988

Редактор С. Сайдалиева  
Рассом Б. Шарипов  
Расмлар редактори Р. Зуфаров  
Техн. редактор У. Ким  
Корректор С. Сайдолимов

ИБ № 2347

Теришга берилди 7.09.87. Босишга рухсат этилди 14.01.88.  
Формати 84X108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. 1-босма қоғозга «Литературная» гарнитур  
ра юқори босма усулида босилди. Босма листи 10,0. Шартли  
босма листи 16,80. Нашр листи 17,59. Тиражи 60000. Буюрт-  
ма 1876. Шартнома 86—87. Баҳоси 70 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.  
700113, Тошкент, Чилонзор, 8-квартал, «Правда» газетаси  
кўчаси, 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси, ГСП, Тошкент,  
Ленин кўчаси, 41.